



SHARQSHUNOSLIK
ВОСТОКОВЕДЕНИЕ
ORIENTAL STUDIES

TOSHKENT DAVLAT SHARQSHUNOSLIK UNIVERSITETI ILMIY JURNALI

НАУЧНЫЙ ЖУРНАЛ ТАШКЕНТСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО
УНИВЕРСИТЕТА ВОСТОКОВЕДЕНИЯ

SCIENTIFIC JOURNAL OF THE TASHKENT STATE UNIVERSITY
OF ORIENTAL STUDIES

№ 4, 2020



Журнал Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳар матбуот ва ахборот бошқармаси
рўйхатидан қайта ўтган (№ 02-0053, 26.09.2014 й.) – ISSN 2181 – 8096

Бош муҳаррир – Рихсиева Гулчехра Шавкатовна
филология фанлари номзоди, доцент

Таҳрир хайъати

Н. Абдуллаев	<i>сиёсий фанлар номзоди, доцент (бош муҳаррир ўринбосари)</i>
Д. Муҳиддинова	<i>филология фанлари доктори (масъул котиб)</i>
А. Маннонов	<i>филология фанлари доктори, профессор</i>
Р. Ходжаева	<i>филология фанлари доктори, профессор</i>
А. Қуронбеков	<i>филология фанлари доктори, профессор</i>
Ш. Шомусаров	<i>филология фанлари доктори, профессор</i>
Қ. Омонов	<i>филология фанлари доктори, профессор</i>
У. Муҳибова	<i>филология фанлари доктори, профессор</i>
Х. Хамидов	<i>филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)</i>
Б. Абдуҳалимов	<i>тарих фанлари доктори, профессор</i>
А. Ходжаев	<i>тарих фанлари доктори, профессор</i>
М. Исҳоқов	<i>тарих фанлари доктори, профессор</i>
Х. Файзиев	<i>тарих фанлари номзоди, доцент</i>
Р. Жумаев	<i>сиёсий фанлар доктори, профессор</i>
У. Идиروف	<i>сиёсий фанлар доктори, профессор</i>
Ш. Ёвқочев	<i>сиёсий фанлар доктори, профессор</i>
А. Ваҳобов	<i>иқтисод фанлари доктори, профессор</i>
Р. Абдуллаев	<i>иқтисод фанлари доктори, профессор</i>
И. Мавланов	<i>иқтисод фанлари доктори, профессор</i>
Д. Пўлатова	<i>фалсафа фанлари номзоди, профессор</i>
Р. Баходиров	<i>фалсафа фанлари доктори, профессор</i>
Э. Иззетова	<i>фалсафа фанлари доктори, профессор</i>
Г. Глизон	<i>АҚШнинг New Mexico университети профессори</i>
А. Шоназарова	<i>АҚШнинг Колумбия университети профессори</i>
Оно Масаки	<i>Япониянинг Цукуба университети профессори</i>
Ли Джи Ин	<i>Корея Республикасининг Ханкук чет тиллар университети профессори</i>
В. Месамед	<i>Исроилнинг Қуддус университети профессори</i>
А. Гурер	<i>Туркиянинг Анқара университети профессори</i>
А.Воробьев	<i>Россия Фанлар академияси, Шарқшунослик институти катта илмий ходими</i>
Г. Авда	<i>Миср Араб Республикасининг Хелвон университети профессори</i>
А. Тохир	<i>Миср Араб Республикасининг “Ал-Хивар” сиёсий тадқиқотлар маркази директори</i>
Ли Синьвэй	<i>Хитой Халқ Республикасининг Шэньси университети профессори</i>
Х. Байдемир	<i>Туркиянинг Отатурк университети профессори</i>

Нашрга тайёрловчилар:

Ж. Исмоилов, А. Зиёдов, Ш. Аскарлова, Л. Хамдамзода, Ҳ. Сулаймонова

Журнал докторлик диссертациялари юзасидан илмий мақолалар чоп этилиши
лозим бўлган илмий нашрлар рўйхатига Ўзбекистон Республикаси Олий
Аттестация Комиссияси томонидан киритилган.

e-mail: nashriyot@tsuos.uz

web-site: www.tsuos.uz

**МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENTS****АДАБИЁТШУНОСЛИК // ЛИТЕРАТУРОВЕДЕНИЕ // LITERARY STUDY**

<i>Сайдазимова У.</i> Ем Сансоп ижодида янги ғоя ва йўналиш руҳи	4
<i>Абдуганиева Н.</i> Картина мира в индонезийских волшебных сказках	15
<i>Чой Со Ёнг.</i> Исполнительское мастерство узбекских сказителей бахши	25
<i>Еон Санхэум.</i> Корейс тилшунослигида кўмакчи феъллар тадқиқи	37

ТИЛШУНОСЛИК // ЯЗЫКОЗНАНИЕ // LINGUISTICS

<i>Ҳамидов Х.</i> Ойбекнинг “Навоий” романида лексик-фразеологик бирликлар турк тилига таржимасининг хусусиятлари	50
<i>Муталова Г., Кадирова Д.</i> Сопоставительный анализ некоторых аспектов выражения модальности в арабском и русском языках	60
<i>Очилов О.</i> Хитой мумтоз шеърятдаги образларнинг рамз сифатида шаклланиш омиллари	67
<i>Саидорипова Д.</i> Форс тилида сифат ясовчи суффиксал алломорфлар	74
<i>Хидиралиев Х.</i> Смысл и значение слова «'ilm» (знание) в Коране	91
<i>Мавлянова У.</i> Хитой тилшунослигида фразеологик бирлик терминининг таърифига оид	100
<i>Турсунова Н., Турдалиев О.</i> Гапнинг синтактик муносабатларига япон тилидаги бўлишсизлик шакллари таъсири	106
<i>Джафаров Б.</i> Форс тилидаги туркий ўзлашмаларнинг семантик мослашуви	117

МАНБАШУНОСЛИК ВА ТАРИХШУНОСЛИК // ИСТОЧНИКОВЕДЕНИЕ И ИСТОРИОГРАФИЯ // SOURCE STUDY AND HISTORIOGRAPHY

<i>Талипов Н.</i> Абдулқохир Журжонийнинг араб тили грамматикасига оид асари хусусида	130
<i>Пулатова М.</i> “Арбаъин” асарлари жанри	139
<i>Якубов Қ.</i> Хива хонлигида пул вақфи амалиёти: манба ва талқин	144
<i>Тураева С.</i> Ўрта Осиёда XIX – XX аср бошлари тоғ-кончилик масалаларини ёритишда Туркистон даврий матбуоти муҳим манба	158

ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР // МЕЖДУНАРОДНЫЕ ОТНОШЕНИЯ // INTERNATIONAL RELATIONS

<i>Mukhammadsidiqov M.</i> The influence of the energy factor on global policy at the present stage	172
<i>Солиева М.</i> ШҲТ доирасидаги маданий-гуманитар дипломатиянинг ўзига ҳос жиҳатлари	182



АДАБИЁТШУНОСЛИК // ЛИТЕРАТУРОВЕДЕНИЕ //

LITERARY STUDY

САЙДАЗИМОВА УМИДА

Филология фанлари доктори, профессор, ТДШУ

Ем Сансон ижодида янги ғоя ва йўналиш рухи

Аннотация. 1919 йил 1 март Кореяда мустақиллик ҳаракати мағлубияти маълум даражада 20-йиллар миллий адабиёт ривожининг йўналишини белгилаб берди. 20-йиллар бошида адабий майдонга келган ёш корейс ёзувчилари, энг аввало, журналистлар эди. Уларнинг барчаси матбуот наирларида фаолият юритишар, улар ношир, муҳаррир ёки муаллиф эдилар. Мазкур даврда Кореяда бирин-кетин адабий журналлар чоп этилди. Бу журналлар атрофида у ёки бу йўналиш тарафдорлари бирлашдилар.

Бу бирлашмаларнинг барча аъзолари Европа тилларидан, биринчи навбатда, француз ва инглиз тилларидан таржима қилиш билан шуғулландилар. Н.И.Конраднинг ёзишича, Европа адабиёти Шарқ мамлакатларига кўпинча ўз шахсий қиёфасида, яъни аслиятда кириб келди, бу қатор ёзувчилар томонидан амалга оширилди. XIX–XX асрлар худди япон адабиёти каби замонавий корейс адабиёти учун ҳам шаклланиш даври бўлди.

Европа адабиётини ўрганиш, ўзлаштириш жараёнида корейс ёзувчи ва шоирлари 20-йилларда янги ижодий услубни ўзлаштириш ҳамда бу услубга мос асарлар яратиш-ни ўз олдларига мақсад қилиб қўйдилар. Бу мақсадни амалга оширишнинг энг муҳим жиҳати янги билимларни ўзлаштириш, Ғарб адабиёти ютуқларидан баҳраманд бўлиш эди. Бунда бошқа тилдан таржималар, энг аввало, ёзувчининг биринчи ижодий қурол воситасига айланди. XX аср корейс адабий жараёнларига Ғарб адабиётидан ўзлаштирилган турли оқим ва йўналишларнинг қарашлари қоришиқ ҳолда кириб келди.

Бу даврда Японияда янги билим ва илмларни ўзлаштириб келган ёшлар орасида ёзувчи Ем Сансон ҳам бўлиб, у япон адабиёти орқали Ғарб адабиёти билан танишини бахтига муяссар бўлди. Ёзувчи илк бор ўз асарларида ҳам мазмун, ҳам шакл янгилигини қўллади.

Таянч сўз ва иборалар: март ҳаракатлари, Ғарб маданияти ва санъати, йўналиш, оқим, натурализм, модернизм, гамлетизм, шакл, мазмун, услуб, усул, хендэ мунхак.

Аннотация. Движение за независимость Кореи 1 марта 1919 года потерпело поражение, что в известной степени определило направление развития национальной литературы в двадцатые годы XX века. Молодые корейские писатели, пришедшие на литературную арену в начале 1920-х годов, были прежде всего журналистами. Все они работали в средствах массовой информации, кто-то был издателем, редактором или автором. В этот период в Корею была издана серия литературных журналов. Вокруг этих журналов объединились сторонники того или иного литературного направления.

Все участники этих объединений занимались литературным переводом с европейских языков, прежде всего с французского и английского. Как утверждает Н. И. Конрад, в большинстве случаев европейская литература попадала в страны Востока в своем “истинном виде”, то есть в оригинале, это было сделано рядом авторов. XIX–XX века, также как и для японской литературы, стали для современной корейской литературы периодом становления.



В процессе изучения и освоения европейской литературы корейские писатели и поэты 20-х годов ставили перед собой цель – овладеть новым творческим стилем и создавать произведения, которые соответствуют этому стилю. Важнейшим аспектом реализации этой цели было приобретение новых знаний, знакомство с достижениями западной литературы. При этом переводы с других языков стали первым творческим инструментом писателей. Элементы различных течений и направлений, вошедшие в корейский литературный процесс XX века из западной литературы, ассимилировались.

Среди молодых людей, которые приобрели новые знания в Японии в этот период, был писатель Ем Сансон, которому посчастливилось познакомиться с западной литературой через японскую литературу. В своих произведениях писатель впервые использовал новаторство как в содержании, так и в форме.

Опорные слова и выражения: *мартовское движение, культура и литература Запада, направление, течение, натурализм, модернизм, гамлетизм, форма, содержание, метод, стиль, хендэ мунхак.*

Abstract. *Movements for the independence of Korea was defeated on 1 March in 1919, which to a certain extent indicated the direction of the development of national literature in the twenties of the XX century. Young Korean writers who appeared in the literature in the early 1920s were primarily journalists. All of them worked in the mass media; some of them were editors, publishers or authors. During that period, there were published series of literary magazines. Supporters of particular literary direction reunited around these magazines.*

All participants of these associations were engaged in literary translation from European languages, primarily from French and English. According to N. I. Konrad, in most cases, European literature reached the countries of the East in its «true form», that is, in the original; a number of authors did this. The XIX-XX centuries, as well as for Japanese literature, became the period of formation for modern Korean literature.

In the process of studying and mastering European literature, Korean writers and poets of the 20s set a goal – to master a new creative style and create works that correspond to this style. The most important aspect of achieving this goal was the acquisition of new knowledge, familiarity with the achievements of Western literature. At the same time, translations from other languages became the first creative tool of writers. Elements of various trends and trends that entered the Korean literary process of the twentieth century from Western literature were assimilated.

Among youth, who gained new knowledge in Japan in this period, was a writer Yem Sansop, who was lucky to encounter western literature through Japanese literature. In his works writer firstly used innovation in both content and form.

Keywords and expressions: *March movements, western culture and literature, direction, naturalism, hamletism, form, content, method, style, xende munxak.*

Кириш. *Корейс адабиёти тарихи – бу бевосита корейс халқи тарихи. Янги давр янги адабиётни вужудга келтирди. Янги корейс адабиёти деганда XX асрнинг дастлабки икки ўн йиллиги даври назарда тутилади. Мазкур давр адабиёт вужудга келиб, шаклланиши жараёнида, яъни 1910-йилларнинг охиридан бошлаб замонавий адабиётга айланди. XX асрда Корейнинг жадал сурьатларда тарихий ва адабий ривожланиши шароитларида янги давр ва энг янги давр тушунчалари ўзаро яқин ва уларнинг ўртасидаги масофа шу даражада қисқаки,*



корейс олимларининг асарларида баъзан айна бир атама бошқасининг ўрнида қўлланилиши кузатилади.

«Хендэ мунхак» – энг янги давр корейс адабиёти XIX–XX асрлар Фарбий Европа ва рус адабиёти билан ҳамоҳанг тарзда ривожланди, шакл ва мазмун, ижодий усул ва услуб, мавзулар ва муаммолар жиҳатидан ҳозирги замон адабиёти шакл-шамойилини касб этди. Етуклик даражаси ва бадий хусусиятларига кўра, у XX аср боши адабиётдан сезиларли даражада фарқ қилади.

1920-йилларнинг бошида корейс адабиёти ўз ривожланиш жараёнининг янги босқичига кирди. Ривожланаётган кураш шароитида корейс адабиётида ягона оқим бўлиши мумкин эмас эди. Турли адабий йўналишлар ўртасида авж олган ғоявий-назарий баҳслар, илмий мунозаралар ҳам буни тасдиқлайди.

Бугунги кунда турли йўналиш ва оқимларга ажратилган ёзувчилар ижодини ўрганиш жараёнида уларнинг ўхшаш ва уйғун жиҳатлари ҳам бўртиб намоён бўлади. Хусусан, миллий оқим намояндаларига нафақат ватанпарварлик оҳанглари, балки умумдемократик мўлжаллар ҳам бегона бўлмаган, умуммиллий муаммоларни пролетар ёзувчилари ҳам кўтариб чиққанлар, чунки «миллат» ва «халқ» қарама-қарши эмас, балки ўзаро боғланган, муштарак тушунчалардир.

Ўз даврининг машҳур ёзувчиларидан бири – Ем Сансоп айна шу мураккаб ва қарама-қаршилиқларга тўла замонда яшади ва ижод қилди. Ем Сансоп исми энг янги даврнинг атоқли ёзувчилари исмлари билан бир қаторда туради, зеро, у ўз ижодини тўлалигича корейс халқига бағишлади ва уларнинг ҳаётини бадий воситалар билан ҳаққоний тасвирлашда юксак натижаларга эришди.

Мақсад: 1920-йиллар Европа адабиёти ва маданияти билан танишишга муваффақ бўлган замонавий корейс адабиётида янги шакл, янги мазмун ўзгаришининг ўзига хос хусусиятларини Ем Сансоп ижоди мисолида очиб беришдан иборат.

Усуллар: Мақолани ёритишда қиёсий-типологик, бадий асарни комплекс таҳлил қилиш, таснифлаш методларидан фойдаланилган.

Жанубий корейлик адабиётшунос олим Юн Хон Ро Ем Сансоп ҳақида шундай деб ёзади: «*Янги ва энг янги давр ёзувчилари орасида ижодига қизиқиши сўнмаётган Ем Сансопдан бошқа ёзувчини топиши мушкул*»¹.

Ем Сансоп (адабий тахаллуси Хвенбо) – XX аср корейс адабиётининг атоқли намояндаларидан биридир. Ем Сансоп 1897 йил Сеулда туғилди. Унинг болалик даври ҳамда таълим олиш жараёни нотекис кечди. Бўлажак ёзувчи бошланғич мактабни икки марта, ўрта мактабни эса – тўрт марта алмаштирди. Хусусий мактабда ва олий ўқув юртига тайёрлов курсида ўқиш даврида Ем Сансоп 1919 йил 1 мартда талабаларнинг мустақиллик учун намойишида иштирок этди. Шундан сўнг у ҳибсга олинди. Айна шу сабабли ўқишда узилиш юз берди. 5–6 ойлик турма ҳаётдан сўнг Ем Сансоп Йоккогамадаги босма-хонада оддий ишчи бўлиб ишлади.

¹ Kim Yunshik, Xyonde Xanguk munhaksa. [Yoonsik Kim. Contemporary Korean Literature]. – Seoul, 1988.–24 p.



Ем Сансоп йигирма еттита роман ва қиссалар, кўп сонли ҳикоялар, адабий-танқидий ва публицистик очерклар муаллифи ҳисобланади. Тадқиқотчилар одатда унинг ижодини икки, яъни дастлабки ва етуклик босқичига ажратиб ўрганишади: Дастлабки босқич 20-йиллар биринчи ярмини ўз ичига қамраб олади. Бу даврда Ем Сансоп учта ҳикоя ёзган бўлиб, улар ўз мавзуси, услуби ва саҳифаларида кўтарилган муаммоларга кўра ёзувчининг кейинги даврдаги ижодидан сезиларли даражада фарқ қилди. Таниқли Жанубий корейлик мунаққид Ким Юн Сик Ем Сансопнинг дастлабки: «Тажрибахонадаги қурбақа», «Қоронғи тун», «Йилнинг сўнги туни» уч ҳикоясига ғоя жиҳатдан ягона бўлган асарнинг уч қисми сифатида баҳо беради.

Ем Сансопнинг дастлабки уч асарига хронологик жиҳатдан «Биринчи мартгача» қиссаси боғланади. Бу қисса адиб ижодида биринчи босқичдан иккинчи босқичга ўтиш даврида яратилди. Шу маънода уни мазкур икки босқични бир-бири билан боғловчи асар деб тавсифлаш мумкин.

Ким Юн Сик ўз мақолаларида Ем Сансопнинг дастлабки уч асарининг ёзилишига туртки берган омилларни ва уларнинг бадиий хусусиятларини атрофлича ёритди. Олимнинг фикрига кўра, булар нафақат корейс адабиёти учун янгилик хусусиятига эга, балки кўп жиҳатдан формалистик асарлардир. Бу асарларни ёзишга Ем Сансопни чет эл ёзувчиларининг шакл биринчи даражали аҳамиятга эга асарлари руҳлантирди. Ким Юн Сик ушбу асарларнинг манбаи сифатида 1910-йиллар япон насрини, хусусан, «Оқ қайин» элитар адабий гуруҳга кирувчи ёзувчиларнинг асарларини кўрсатди. Ушбу адабий уюшма аъзолари томонидан 1910–1923 йиллар давомида айна шу ном остида журнал нашр этилди ва ўз фаолияти билан ҳозирги замон япон насрининг ривожига муҳим ҳисса қўшди. Айниқса, «Оқ қайин» гуруҳининг етакчи ёзувчиларидан бири Арисима ўз дунёқараши ва илгари сурган ғояларига кўра XIX аср охири Ғарб адабиётига яқин турди¹.

Мазкур даврда турли оқимлар қаторида ташкил этилган «Харобалар» уюшмаси аъзоси Ем Сансоп ўз ҳикояларида давр руҳини бера олганлиги сабабли китобхонлар ўртасида машҳурликка эришди. Феодал тузумнинг поёни тарзида қабул қилинган Кабо йили ислохотлари натижаси ўлароқ, бошқа ёшлар қатори Ем Сансоп ҳам ўн беш ёшида Японияга ўқишга кетди. Аввал Аояма коллежини, кейин Киотодаги Даичи мактабини тугатди. 1917 йилда у Кэйо университетининг гуманитар факультетига ўқишга кирди. Бир куни у ўз курсдошларини жуда ҳайрон қолдириб, қатор япон сиёсатчиларига ўзи тўқиган сиёсий ташвиқот мазмунидаги варақани юборди. Унда Кореяга мустақиллик бериш талаб қилинган эди. Мустақиллик учун ўтказилган умуммиллий ҳаракат мағлубиятидан кейин Ем Сансоп бир қанча вақт қамокда ўтирди. Қамокдан чиққанидан сўнг босмахонада оддий ишчи бўлиб ишлади. Бу босмахонада

¹ Ten A.N. Voprosi o romantizme koreyskoy literaturi.[Ten A.N. Questions about the romanticism of Korean literature]. – Алматы, 1998. – С. 123.



корейс, хусусан, «Зиё нури» ва «Ижодиёт» журналлари чоп этилар эди. 1920 йили у ўз ватанига қайтди ва ярим йил давомида «Шарқий Осиё ахборот-номаси»да шарҳловчи бўлиб ишлади, сўнг «Харобалар» уюшмасига қўшилди. Мазкур уюшма журналида Ем Сансоп бошқалар каби декадентик шеърларини ҳамда танқидий мақолаларини чоп эттирди. Адабий доиралардаги танқидчи Ким Донин баҳслари ва илмий фикр-мулоҳазалари сабаб Ем Сансоп ўзини ёзувчи сифатида синаб кўрди. Яшин тезлигида танқидчилар эътиборига тушди, асарлари шуҳрат қозонишга улгурди ва адиб ҳозирги замон корейс романи ривожига ўзига хос ўрин эгаллади.

Танқидчи Ким Юн Сик япон ёзувчиси Арисима ва Ем Сансопнинг ижодини қиёсий ўрганди. У ўз танқидий асарларида Арисима ижоди корейс ёзувчиси роман ва ҳикояларининг мазмунига, айниқса, уларнинг поэтикаси ва «ички шакли»га кучли таъсир кўрсатган, деган хулосаларни берди. Айни ҳолда «ички шакл» деганда, танқидчи тавба-тазарру, жумладан, эпистоляр шакл ва ички монологни эътиборга олди. Бу шакл шахснинг ўз-ўзликни англаб етиши, уни кашф этиши билан белгиланади.

Шу билан бирга, танқидчи адиб қаламига мансуб асарларда унинг мафкура жиҳатларига ҳам катта эътибор қаратди. Ем Сансопнинг асарларида шаклнинг янгилиги ёзувчининг Корея воқелигидан, ўз ватанида содир бўлган ижтимоий-сиёсий вазиятнинг туб мазмун-моҳиятидан беҳабарлиги билан бирикади. Айни ҳол кўп жиҳатдан ўз ўсмирлик даврини Японияда яшаб ўтказган ёзувчининг таржимаи ҳоли билан ҳам боғлиқ. Адиб Япониянинг Киото шаҳрида 8 йил яшади. Мана шу даврда ўз адабий фаолиятини бошлайди. Ем Сансоп ватанига 1923 йили қайтиб келди.

Адиб қаламига мансуб «Қоронғи тун» асари ёзилиш вақтига кўра биринчи асар ҳисобланади. Асар 1919 йилнинг охири, ёзувчи Японияда яшаган даврда ёзилган. Муаллиф берган шарҳга кўра, «Қоронғи тун» – бадий жиҳатдан тугалланмаган ва мукамал бўлмаган асар. Ким Юн Сик фикрига кўра, асар япон ёзувчиси Арисиманинг романига тақлидми ёки унинг таъсирида ёзилганми, деган савол туғилади. Бу ерда асар бошида Кореяда фаолият юритган архаистларнинг «янги мафкура, янги йўл» узоқ асрлар давомида қоқ корейс халқи маданияти ва маънавиятига салбий таъсир этувчи ҳолларга йўл қўймаслик назарияси кўзда тутилган.

Ким Юн Сик эътироф этишига кўра, Арисима қаламига мансуб роман «Қоронғи тун» асари учун адабий манба бўлиб хизмат қилган, аммо Ем Сансоп янги мафкура моҳиятини тўғри талқин қилиши натижасида асар ҳаққоний чиққан. Арисиманинг романи корейс ёзувчисига шакл ва мазмун жиҳатидан таъсир кўрсатган, буни инкор этиб бўлмайди. Ем Сансоп япон манбадан, энг аввало, инсоннинг ички дунёсини тавба-тазарру, истиффор ва монолог шаклида ёритиш услуби ёки усулини ўзлаштирди. Мазмун жиҳатидан эса, шартли равишда «гамлетизм» деб номлаш мумкин бўлган унсур ўзлаштирилди.



«Қоронғи тун» асари қаҳрамонининг образи пухта ишлаб чиқилмаганлиги туфайли, бу асарда гамлетона оҳанг кучли янграмайди. Мазкур оҳанг ёзилиш вақтига кўра иккинчи, лекин эълон қилиниш вақтига кўра биринчи «Тажрибахонадаги қурбақа» асарида баралла янграйди. Ким Юн Сик таъбири билан айтганда, бу асар: «...бизнинг ҳозирги замон насримизда алоҳида тенденцияни бошлаб берган асар сифатида муҳим ўрин эгаллайди»¹.

Асарнинг тарихий-адабий аҳамияти айти шу омил билан белгиланади. Яна бир адабиётшунос олим ва танқидчи Ким Донин мазкур асарнинг пайдо бўлишини «янги Гамлетнинг туғилиши» сифатида баҳолади. Бунда у ўз сўзларига том маъно эмас, балки кенг мазмун юклади. Асар 1921 йил «Янги аср боши» журналининг 8-9-10-сонларида эълон қилинди. Ким Донин шундай деб ёзади:

«...Журналнинг биринчи сони билан танишгач, ушбу сатрлар муаллифи – кучли рақиб пайдо бўлганини сезиб, таъвишига тушиб қолдим. Асар ўтиш даврида яшаётган ёш инсон ҳис қилувчи таҳлика ва қўрқувдан, унинг ички кечинмаларидан баҳс этади. Адабиёт майдонида Сан Сон пайдо бўлганидан камини қаттиқ таъвишига тушган бўлсам, янги Гамлет туғилгани ҳақидаги фикрдан мен кучли қониқиши ҳиссини туйдим»².

Бўхронлар даврида яшаган, ички зиддиятлар ва кечинмаларга бой бўлган Гамлет каби, ҳикоянинг ёш қаҳрамони ҳам оғир давр – ўтиш даврининг одами. Асардаги гамлетона руҳ айнан шунда намоён бўлади. «Тажрибахонадаги қурбақа» асарининг қаҳрамони «Қоронғи тун» асари қаҳрамони образининг янада ривожлантирилган ва чуқурлаштирилган бир кўриниши. Шунинг учун бўлса керак, ҳар икки асар қаҳрамони ҳам исмларининг бош ҳарфи сифатида инглиз алифбосининг айти бир ҳарфи – Х билан белгиланган. «Қоронғи тун» ва «Тажрибахонадаги қурбақа» асарларининг қаҳрамонлари ўз маънавий қиёфасига кўра ўхшаш бўлса-да, иккинчи асар қаҳрамонининг образи анча кенг берилган. Аммо бу ерда ҳам қаҳрамоннинг маънавий изтироблари ва ёлғизлиги сабаблари ҳақида аниқ бир нарса дейилмаган.

«Йилнинг сўнги тун» асари мазмун жиҳатдан дастлабки икки асарга қараганда торроқ. Хусусан, у «гамлетизм»дан бутунлай холи бўлиб, тавбатазарру, истиғфор шаклида ёзилгани билан ажралиб туради. Бу ерда асар хат – монолог тарзида берилади. Асар мазмун жиҳатидан нисбатан жўн бўлса-да, муаллиф учун унинг айти шу томони, яъни ҳозирги замон корейс насрига янги шаклнинг кириб келиши муҳимдир. Ушбу асарда эпистоляр асар шакли дастлабки икки асарга нисбатан кўпроқ тош босади.

Ем Сансоннинг дастлабки икки: «Қоронғи тун» ва «Тажрибахонадаги қурбақа» асари романтик услубда ёзилган. Булар Ем Сансоннинг романтик руҳ билан йўғрилган бирдан-бир асаридир. Улар ёзувчининг кейинги даврдаги

¹ Kim Yunshik, Xyonde Xanguk munxaksa. [Yoonsik Kim. Contemporary Korean Literature]. – Soul, 1988. –34 p.

² Kim Dongin, Xanguk munhak moimchip. [Dongin Kim. Collection of Korean Literature]. – Soul, 1992. – 89 p.



ижодидан анча фарқ қилади. «Йилнинг сўнги туни» асари эса услуб жиҳатидан натурализм унсурларини ўз ичига олган реалистик асардир.

«Тажрибахонадаги қурбақа» ҳикоясини 1920-йиллар насрининг бадиий кашфиёти сифатида баҳолаш мумкин. Ҳикояни кўриб чиқиш сирасида Н. Некрасовнинг ёзувчи ҳақида айтган сўзларини эслаш жоиз: *«Ҳақиқий ёзувчи тўла маънода реалист эди. У ўз асарларига натуралистик мактаб пойдеворини қўйди».*

«Тажрибахонадаги қурбақа» ҳикоясида япон истибдоди даврида ижтимоий турмушнинг фожиавийлиги очиб берилди. Халқнинг чорасиз аҳволи ўлим билан олишаётган қурбақанинг талвасасига киёсланади, илмий натурализм даражасига ўхшатилади.

Ҳикоя бош қаҳрамон номидан олиб борилади. Ҳикоя экспозицияси қаҳрамоннинг оғир, изтиробли ҳолатини очиб беради: *«Мен ўлардай чарчаганман, вужудимда никотин ва алкогольнинг қўланса ҳиди анқимайдиган жой қолмаганди».* Қаҳрамондаги бундай ҳолатнинг бир сабаби унинг ўрта мактабнинг иккинчи синфида ўқиб юрган чоғларидан эсида қолган *«қорни ёрилиб ўлим тўшагига оёқларидан тўғноғичлар билан маҳкамлаб қўйилган қурбақа»* ҳақидаги хотиралари билан боғлиқ. Болалик хотирасида ана шу кўрқинчли, шафқатсиз тажриба саҳнаси бутун тафсилотлари билан миҳланиб қолган. Қаҳрамоннинг кўз ўнгидан анатомия ўқитувчисининг тиббиёт пичоғи билан қурбақани қандай чавоқлагани кетмасди. Предметлар – пичоқ, яъни скалпел бир детал сифатида юз бераётган даҳшатли манзаранинг идрок этилишини янада кучайтирган ва бу манзара пул йўқлигидан икки ойга оиласи, ишидан маҳрум бўлган ва остонадан кўчага чиқа олмай уйда ўтирган қаҳрамоннинг аянчли ҳолатига ҳамоҳанг эди. Ўлим фикри қаҳрамонни тўла қамраб олади. Ўлим уни тушларида ҳам тарк этмайди. Ҳаётдаги қийинчиликлар унинг уйқудан туриб айтган сўзларида акс этган: *«Агар оғриқ ва қўрқувсиз ўлиш ва барибир тирик қолишнинг иложи бўлганида, мен ҳайратда тўла бу туйғуни қайта ва қайта бошдан кечиршига тайёр эдим! Бу ҳайрат билан ҳеч нарса тенглаша олмайди».* Қаҳрамоннинг соғинч-ҳасрати, унинг ҳаётни тарк этиш истаги – чорасизлик, ижтимоий турмушнинг фожиавийлигидан далолатдир. Ким Юн Сик асосли таъкидлаганидек, «Тажрибахонадаги қурбақа» асари япон ишғолининг қонли акси, ўзига хос муҳим анъананинг бошланғичидир. Маълумки, янги наср асосчиларидан бири Ким Донин эди. У «ҳикояни «Гамлетнинг туғилиши» сифатида қабул қилди. Асарда ўтиш даврида яшаган ёш йигит ўз бошидан кечирган қўрқув, ваҳима, изтироб ўз аксини топди.

Ем Сансоп асарлар яратишда ҳам мазмун, ҳам шакл борасида бирдек изланди. Уни мазкур даврда бошқа ёзувчилар каби ҳаётнинг маиший жиҳатлари қизиқтирмади, бундай асарлар яратиш уни қониқтирмади. Шу сабабли адиб корейс халқи ҳаётининг мураккабликларини ижодининг биринчи босқичида яратган «Биринчи мартгача» қиссасида акс эттирди. Қисса ёзувчининг дастлабки уч асари ва кейинги ижоди ўртасида ўзига хос кўприк вазифасини



ўтади. Мазкур қиссада Ем Сансопнинг одамлар шахсий ҳаётига қаратилган кейинги ижодининг унсурлари, руҳи намоён бўлди. Шу билан бир вақтда, қаҳрамоннинг ватандаги ишларининг ҳолати, миллий тузум, корейс халқининг турмуш тарзи ва фикрлаш услуби ҳақидаги танқидий фикр-мулоҳазаларида аччиқ ҳақиқат ҳам бисёр. Асар қаҳрамони шундай мулоҳаза юритади:

«Уларнинг аждодлари бу заминда ўз меҳнати, сабр-тоқати, куч-қудрати билан минг йиллар мобайнида яратган нарсаларни улар энди бировга бериб юбордилар, ўзлари эса шаҳар ташиқарисига ва қишлоқларга қувғин қилиндилар»¹.

Қиссада миллий камчилик ва кусурлар танқид тиғи остига олинади. Асарда истилочилар ва истило қилинганларнинг ўзаро муносабатлари муаммоси қай даражада муҳим ўрин эгалламасин, унда ички миллий муаммолар биринчи даражали аҳамият касб этади. Корейс халқининг миллий фожиасида ёзувчи, энг аввало, халқнинг ўзини айблайди. Шу тариқа Ем Сансоп қисса саҳифаларида миллий феъл-атвор ва миллий ҳаёт фалсафасини ривожлантирди. Ёзувчи ўз ватандошлари сийратида тарихан вужудга келган «бечора миллат»ни кўрди. Бунда у миллий феъл-атворни, миллий турмуш тарзи ва фикрлаш услубини айблади. Ем Сансоп корейс халқи миллий феъл-атворини тақдирга бўйсунувчанлик, қатъиятсизлик, паллиатив чораларга мойиллик, лаганбардорлик, хушомадгўйлик каби жиҳатлар йиғиндисидан иборат деб ҳисоблади:

«...ўзини ўзи алдаб яшаиш – корейс халқи учун энг нурмаъно ҳаёт ҳикматидир»².

У шу бугун эмас, балки асрлар мобайнида вужудга келган, деб таъкидлайди ёзувчи. Бу фикр субъективизм ва мавҳумликдан ҳоли эмас. Буни Корея тарихи, айниқса, корейс халқининг янги ва энг янги даврлардаги озодлик кураши ҳам тасдиқлайди. Аммо, шунга қарамай, муаллифнинг ўз ватанидаги ишларнинг ҳолати ҳақида, миллий иллатлар ҳусусида танқидий мулоҳазаларида мутлақо ўринли ва асосли жиҳатлар ҳам йўқ эмас.

Қиссада XX асрда Кореяда кузатишлар жараёнида давом этган барча ҳодисалар чунончи: феодал-конфуцийчилик анъаналари, эски одатлар, хурофий ақидалар, хусусан, аждодлар руҳига сиғиниш, марҳумларни умумий қабристонда эмас, балки ўз ҳовлиси ёки ер майдонида дафн этиш удумлари илғор фикрловчи инсонлар томонидан қатъиян қораланади. Қисса қаҳрамони бу долзарб муаммо билан ҳар қадамда: кўчада ҳам, транспортда ҳам, ўз уйида ҳам тўқнаш келади. Қаҳрамоннинг сафар чоғида поездда ҳамроҳи – саккат (эркаклар миллий бош кийими) билан савдо қилувчи ёш йигит ота-онаси вафот этганидан сўнг, уларни қаерда ва қандай дафн қилиш ҳақида ҳамма нарсдан кўпроқ ғам чекади. Қисса қаҳрамони уйига келгач, унинг касал ётган хотини вафот этганидан кейин ҳам марҳумани қаерда ва қандай дафн қилиш масаласи

¹ Ten A.N. Voprosi o romantizme koreyskoy literaturi.[Ten A.N. Questions about the romanticism of Korean literature]. – Алматы, 1998. – С. 44.

² Nikitina M.I., Trotsevich A.V. Ocherki istorii koreyskoy literaturi.[Nikitina M.I., Trotsevich A.V. Essays on the history of Korean literature]. – Москва, 1969. – С.75.



кўндаланг бўлади. Саккат билан савдо қилувчи йигит билан суҳбатда қаҳрамон қабристон муаммосидан ташқари ҳаёт учун муҳим бошқа муаммолар жуда кўп, мурдаларни дафн қилиш жойи ҳақида эмас, балки тирик одамлар ҳақида ўйлаш, ғам чекиш керак, деган фикрни унинг қулоғига қуяди.

«Биринчи мартгача» асари даставвал «Мозор» деб номлангани тасодифий бир ҳол эмас. Бунда ёзувчи мозор деганда кенг, мажозий маънода Корея жамиятининг алмисокдан қолган ақидаларини назарда тутган. Қисса қаҳрамони – кўп жиҳатдан автобиографик образ. Аммо, қаҳрамоннинг кейинги ҳаёт фаолияти ва мақсади қисса охиригача мавҳум бўлиб қолади. Ёзувчи эса «Биринчи мартгача» қиссасидан сўнг ўз ёзувчилик фаолиятида янги йўналишни танлади. Ҳам Сансопнинг мазкур қиссадан кейинги ижоди буни тасдиқлайди. Мазкур даврда ёзилган барча асарлар ёзувчининг юқорида зикр этилган қиссасидан сезиларли даражада фарқ қилади. Айни шу сабабли уни Ҳам Сансоп ижод фаолияти босқичлари ўртасидаги оралиқ бўғин, деб ҳисоблаш мумкин.

Шу билан бирга «Биринчи мартгача» қиссаси ёзувчининг оила муқаддаслиги ва қаҳрамонларнинг шахсий ҳаёти билан белгиланувчи кейинги ижод фаолияти учун ўзига хос таянч нуқта ҳисобланади. Қисса услуб жиҳатидан – киноя руҳи билан йўғрилган танқидий-реалистик асар. Асарда ёзувчининг дастлабки икки асарига хос бўлган романтик руҳ, «гамлетизм» кузатилмайди. Қиссанинг реалистик услубига келсак, бу ерда у озми-кўпми соф ҳолатда муаллифнинг аниқ позицияси билан уйғунликка амал қилади.

«Биринчи мартгача» қиссасидан сўнг ёзувчининг нафақат ижод услуби, балки ижод йўналишида ҳам ўзгаришлар юз берди. Асар объекти ва шакли ҳам ўзгарди. Ҳам Сансопнинг илк асарларида ҳикоя биринчи шахс номидан олиб борилган бўлса, кейинги асарларида ёзувчи учинчи шахс номидан ҳикоя қилишга ўтди. Шунга мос равишда асар оҳанги ва руҳи ҳам ўзгарди. Хусусан, унда воқеа-ҳодисаларга эмоционал, субъектив муносабат йўқолди. «Биринчи мартгача» қиссаси теран реалистик руҳ билан суғорилган бўлса-да, унда маълум даражада лирик асос мавжуд. Ҳам Сансоп ижодининг етуклик даврига келиб кундалик ҳаёт ва оддий одамлар, оила, рўзгор, хулқ-атвор ва одатлар асар предметларига айланди. Ёзувчининг ижод услуби эса, реализм натурализм билан ўзаро таъсирга киришиши натижасида янада мураккаблашди. Жанубий корейлик адабиётшунос Хан Сан Му шундай деб ёзади:

«Ҳам Сансоп ўз ижодий ҳаёти мобайнида реалистик ижодий услубни илгари сурган ва ҳимоя қилган ёзувчи сифатида доврўқ қозонган бўлса-да, ўзининг конкрет мазмунида унинг услуби 20-йилларда реалистик йўналишида ижод қилган бошқа ёзувчилар услубидан ўзгача шакл-шамойилга эгадир»¹.

Кези келганда яна шуни ҳам қайд этиб ўтиш лозимки, ёзувчининг реализми натурализм билан ўзаро таъсирга киришади, натурализм билан ёнма-ён келади,

¹ Nikitina M.I., Trotsevich A.V. Ocherki istorii koreyskoy literaturi.[Nikitina M.I., Trotsevich A.V. Essays on the history of Korean literature]. – Москва, 1969. – С.71.



натурализмга ўтади. Нима бўлганда ҳам, бу алоҳида хусусиятга эга бўлган реализмдир. Бунда у қандай аталиши (реалистик натурализм ёки натуралистик реализм) аҳамиятга эга эмас. Воқеликдан нусха кўчириш, ҳаёт ҳодисаларини танлашдан воз кечиш, яъни типларни ажратишдан воз кечиш натуралистик услуб ва эстетиканинг муҳим жиҳатлари ҳисобланади.

Хан Сан Му Ем Сансоп реалистик услубининг муҳим жиҳатларидан бири воқелик ҳодисаларига ёндашишда ёзувчининг объектив муносабатини алоҳида қайд этади. Унинг фикрича, субъектив, муаллифлик асоси, ижодкорнинг ҳаётга муносабати, унинг нуқтаи назари Ем Сансоп ижодидан бутунлай чиқариб ташлангани айни шу омил билан белгиланади. Шу маънода Ем Сансоп, мунаққид фикрига кўра, «*корейлик реалист ёзувчилар даврасида бетакрор феномен ҳисобланади*»¹.

Хан Сан Му Ем Сансопнинг ижодий услубини француз ёзувчиси Флобернинг муаллиф субъектив муносабати ва эмоцияларидан холи бўлган объектив, шахсиз услуби билан қиёсласан бежиз эмас. Муаллиф асар воқеа-ҳодисаларида иштирок этишдан ўзини олиб қочиши, ўзининг унда мавжудлигини яширишида ижоднинг шахсизлиги намоён бўлади. Бунда асар фақат ижодкорнинг беғараз кўли билан чизилган образлар тизимидан иборат бўлиши лозим. 1857 йилда Флобер ўз хатларидан бирида шундай деб ёзган эди: «*Санъат шахсий майллар, эҳтирослар ва асабий ҳиссиётлардан устун туриши керак! Шафқатсиз – совуқ услубдан фойдаланиб, санъатга физик фанларнинг аниқлик хусусиятини бериш фурсати келди*»².

Ем Сансоп ижодининг биринчи босқичига тегишли энг сўнгги асари «Биринчи мартгача» қиссида муаллиф овози анча баралла янгради ва муаллиф нуқтаи назари бўртиб намоён бўлди.

Ем Сансопнинг ижодий қиёфаси мураккаб, серқирра ва зиддиятларга тўла. Ёзувчи ижодининг миллий адабиётга таъсири ва унинг бу адабиётдаги ўрни нималар билан белгиланади, деган саволга Жанубий корейлик адабиётшунос Гу Чун Со шундай жавоб берди:

«*У – сўзлашув услуби насрининг асосчиси, соф адабиёт учун ҳаракат йўлбошчиси. Ем Сансоп сосол насрий асарларга қўл урган Кореядаги ilk ёзувчилардан бири. Айни вақтда унинг адабиётимиз тарихидаги ўрни яна шу билан белгиланадики, ёзувчи унда эстетизм ва натурализмни биринчилардан бўлиб қарор топтирди. Унинг ижодидида илгари сурилган романтик, националистик ва гуманистик тенденциялар Ли Гвансу ижодидида ҳам мавжуд, лекин Ли Гвансунинг номукамал ва ноизчил сўзлашув услуби ўрнига айнан Ем Сансоп мукамал ва изчил сўзлашув услубини яратди*»³.

¹ Nikitina M.I., Trotsevich A.V. Ocherki istorii koreyskoy literaturi. [Nikitina M.I., Trotsevich A.V. Essays on the history of Korean literature]. – Москва, 1969. – С.73.

² Ўша манба. – Б.88.

³ Jong Gvaneng. Xanguk sosole paldalyoksa. [Jeong Gvaneng. History of Korean novels]. – Soul, 1969. –108 p.



Ем Сансопнинг бу ерда қайд этилган барча хизматлари мутлақо ўринли, лекин XX аср корейс адабиётига ушбу ёзувчининг ижоди орқали турли адабий услублар, йўналишлар ва усуллар – романтизм, реализм, натурализм, эстетизм кириб келганини алоҳида қайд этиб ўтиш лозим. Бу услублар, йўналишлар ва усуллар асосан ёзувчининг турли асарларида қўлланилган, лекин уларнинг барчаси бир асар доирасида мавжуд бўлган ҳоллар ҳам йўқ эмас.

XX аср корейс адабиёти тарихида ҳар икки ёзувчи – Ли Гвансу ҳам, Ем Сансоп ҳам ҳозирги замон адабиётининг асосчилари ҳисобланадилар. Ли Гвансунинг кичик замондоши сифатида, Ем Сансоп ўз ўтмишдошининг бадий тажрибасини ҳисобга олмаслиги мумкин эмас эди. Аммо уларнинг ижодий ўзаро муносабат ва алоқалари зиддиятларга тўла. Ли Гвансу асос солган анъаналарни кўп жиҳатдан давом эттирган Ем Сансоп ўзининг умумфалсафий ва эстетик позициясига мувофиқ Ли Гвансу ижодининг маърифий-тарғиботчилик руҳи ва оҳангига салбий ёндашди. Ем Сансоп ўз ижодида новаторлик ва реализм ғояларини илгари сурди, Ли Гвансу асарларининг энг муҳим хусусияти сифатида у маърифатчилик вазифалари белгилаган оммабоп услуб ҳамда мазмуннинг аниқ ва лўндалигини кўрсатди. «Соф адабиёт» деганда Ем Сансоп ҳар қандай мафкурадан холи бўлган адабиётни тушунди. Корея 1945 йил августда озод қилинганидан сўнг ёзилган «Истибод остидаги мамлакат одамнинг қайдлари»да Ем Сансоп ўзи босиб ўтган ижод йўли ва ўз хизматлари ҳақида ҳикоя қилади:

«36 йил мобайнида мен фақат наср йўлида, узоқни кўзловчи ниятлар ва даъволарсиз, бегараз ҳаракат қилдим. Менинг меҳнатим ерни ҳайдаш ва экин-тикин қилиш учун қўлида кетмон билан юлгинзор оша ҳали ҳеч кимнинг оёғи тегмаган чуқур дарага тушган деҳқон меҳнатига ўхшайди»¹.

Ёзувчи ўз-ўзига берган бундай баҳо ўз хизматларини ошириб кўрсатиш бўлиб туюлиши мумкин. Аммо у жиддий асосларга эга. Ким Донин таъбири билан айтганда, ҳозирги замон насрини, бадий матнни яратиш учун тегишли лексикага асосланган миллий ёзувга эга бўлиш лозим².

Демак, XX асрнинг 1920-йилларида ҳозирги замон корейс адабиёти вужудга келди. Биргина шу ўн йиллик доирасидаёқ XIX–XX асрлар жаҳон адабиёти бадий тажрибаси таъсири остида турли адабий услублар ва йўналишларнинг шаклланиши, ривожланиши ва ўзаро таъсирга киришиши жараёни юз берди. Булар қаторига эстетизм, романтизм, натурализм, танкидий реализмни киритиш мумкин. 1930 йилнинг иккинчи ярмида бу сафга модернизм ҳам қўшилди.

Бу даврда ижод қилган Ем Сансоп ўз ижодининг биринчи босқичида яратган асарларида халқ олдида турган муҳим масалаларга алоҳида урғу берди. Архаистлар қўллаб-қувватлаётган консерватив ғояларнинг давр нафасидан ортда эканлиги, эскича қарашлар, эски урф-одатлар бугунги кун учун фақат зарарли эканлигини қайд этди.

¹ Kim Dongin. Senggak sege [Dongin Kim. Thought World]. – Seoul, 1956. – 43 p.

² Ўша манба. – Б. 43.

**АБДУГАНИЕВА НАСИБАХОН**

преподаватель, ТГУВ

Картина мира в индонезийских волшебных сказках

Аннотация. Данная статья посвящена исследованию поэтики и стиля волшебной сказки на материале малайско-индонезийского фольклора. В силу языковой и этнической близости, сюжетного историко-культурного развития народов (Нусантары) – самоназвание многочисленных этнических групп, проживающих на индонезийско-малайском архипелаге.

Фольклор этнических групп Нусантары характеризуется многообразием древних жанров и видов, это сложная, формировавшаяся на протяжении веков система, постоянно взаимодействующих жанров. Ее составляют своеобразная мифологическая и обрядовая поэзия, монументальный героический эпос, историко-героические сказания, народная лирика и драма, разнообразные паремнологические жанры.

Вопрос об автохтонности сюжетов волшебной сказки не вызывает сомнений у большинства исследователей индонезийского и малайского фольклора. Исконно индонезийский характер описываемой географической обстановки и детали их быта, этнографические реалии, имена персонажей – все это свидетельствует о том, что волшебные сказки являются плодом национальной культуры народов архипелага (Нусантры).

При написании работы привлекались сказки народов Нусантары на индонезийском, малайском и русском языках, опубликованные на протяжении XX века. Таким образом, в основе данного исследования – материалы сказочной традиции народов Нусантары, какой она предстает перед нами на протяжении прошлого XX века. Полноценность такого материала и правомерность его использования для страницы исследования не приходится указывать – ведь на этом этапе нусантарская сказка сохраняла традиционный сюжетный состав, образы поэтики.¹

Опорные слова и выражения: этническая группа, Нусантара, волшебная сказка, малайский архипелаг, героический эпос, картина мира, лирика и драма.

Аннотация. Ушбу мақола, Малай–Индонезия фольклор материаллари асосида эртақнинг поетикаси ва услубини ўрганишга бағишланган. Тил ва этник ўхшашлик туфайли халқларнинг тарихий ва маданий ривожланишининг сюжети (Нусантара) – Индонезия–Малай архипелагида яшовчи кўплаб этник гуруҳларнинг ўз номлари кўрсатилган.

Нусантарадаги этник гуруҳларнинг фольклори турли хил қадимий жанр ва турлар билан ажралиб туради, бу асрлар давомида шаклланиб келган доимий ўзаро таъсир қилувчи жанрларнинг мураккаб тизимидир. У ўзига хос мифологик ва маросим шеърятдан, монументал қаҳрамонлик эпосидан, тарихий ва қаҳрамонлик афсоналаридан, халқ лирикаси ва драматургиясидан, турли хил паремнологик жанрлардан ташкил топган.

Эртақ сюжетларининг автоном характери ҳақидаги савол Индонезия ва Малай фольклор тадқиқотчиларининг кўпчилигида илҳам тугдирмайди. Таърифланган географик муҳитнинг дастлаб индонезиялик характери ва уларнинг ҳаётини тафсилот-

¹ Pomerantseva E.V. Sud'ba Russkoy skazki. – Moskva, 1965. Str., 203. [The judgement of the Russian fairy tale. – Moscow, 1965. Pp., 203]



лари, этнографик ҳақиқатлар, белгилар номлари – буларнинг барчаси эртаклар архипелаг (Нусантра) халқлари миллий маданиятининг меваси эканлигидан далолат беради.

Асарни ёзишда Нусантара халқларининг XX аср давомида нашр этилган индонезия, малай ва рус тилларидаги эртакларидан фойдаланилди. Шундай қилиб, ушбу тадқиқот Нусантара халқларининг эртак анъаналари материалларига асосланади, чунки бу ўтган XX аср давомида бизда пайдо бўлган. Бундай материалнинг тўлиқлиги ва тадқиқот учун фойдаланишининг қонунийлигини кўрсатиши шарт эмас – ахир, ушбу босқичда Нусантар эртаги анъанавий сюжет композициясини, поэтиканинг образларини сақлаб қолди.

Таянч сўз ва иборалар: этник гуруҳ, Нусантара, эртак, Малай архипелаги, қаҳрамонлик эпоси, дунёқараши, лирика ва драмасы.

Abstract. This article is devoted to the study of the poetics and style of fairy tales based on the material of Malay-Indonesian folklore. Due to the linguistic and ethnic similarity, the historical and cultural development of the peoples (Nusantars) is the self-name of numerous ethnic groups living in the Indonesian – Malay Archipelago. The folklore of Nusantara ethnic groups are characterized by a variety of ancient genres and types; it is a complex system of constantly interacting genres that have been formed over the centuries. It consists of a kind of mythological and ritual poetry, a monumental heroic epic, historical and heroic tales, folk lyrics and drama, and various paremiological genres.

The question of the autochthonous plots of a fairy tale is not in doubt among most researchers of Indonesian and Malay folklore. The native Indonesian character of the described geographical situation and details of their life, ethnographic realities, and names of characters – all this indicates that fairy tales are the creation of the national culture of the peoples of the archipelago (Nusantra).

The work was written using Nusantara folk tales in Indonesian, Malay and Russian, published during the 20th century. Thus, this research is based on the materials of the fairy-tale tradition of the Nusantara peoples, as it appears to us during the last 20th century. The usefulness of such material and the propriety of its use for research do not have to be specified – after all, at this stage, the Nusantar fairy tale kept the traditional plot structure, images and poetics.¹ (Here I would like to remember related to Russian folklore, but with a broader meaning of E.V.Pomerantseva's opinion about conservability of fairy-tale genre: "Russian folk tale in the XVIII–XX centuries fully lives with its old experience, resources of traditional schemes, plots, motives, images only adapting to the new reality, but is fundamentally not changing and not developing efficiently. The new reality, affecting the character of interpretation, its role in the life and everyday life of the people, is reflected, however, in it only in details that change the traditional basis, but does not create new folklore plots and images.")

Keywords and expressions: ethnic group, Nusantara, fairy tale, Malay Archipelago, heroic epic, worldview, lyrics and drama.

Введение. Изучение восточной литературы и фольклора как органичной части историко-культурных и филологических исследований является важным направлением востоковедческой науки Республики Узбекистан. Современное состояние – стремление творческого развития традиций мирового и отечественного востоковедения, для которых характерны высокая компетентность и

¹ Pomerantseva E. V. The Fate of the Russian fairy tale. – Moscow, 1965. Page 203.



профессионализм, корректное отношение к факту, тщательный филологический и текстологический анализ. Мы сейчас не смеем говорить о все расширяющихся связях Республики Узбекистан со странами Юго–Восточной Азии, до недавнего времени считавшими для нас, странами далекими, экзотическими – Индонезия, Малайзия, Вьетнам – что мы о них знаем? Фольклор – это то, что без прикрас расскажет нам о стране, о народе, традициях, нам надо знать друг друга.

Цели и задачи исследования: Цель предпринятого нами исследования – анализ общей картины мироздания, в которой развиваются описываемые события, а также космогонические представления индонезийцев.

Также были рассмотрены типовые сюжеты и общие места индонезийских волшебных сказок. Как можно заметить, сюжеты волшебных сказок Индонезии обнаруживают большое сходство с сюжетами и ситуациями волшебных сказок других народов мира, сводимых, в конечном счете, к соответствующим элементам сюжетной структуры. Рассматривая их более подробно, возможно, удастся обнаружить и специфику обрисовки этих ситуаций, и их типологию.

Методы исследования: Предварительное ознакомление с материалом исследования и поставленные задачи определили методы нашего исследования – сравнительно–исторический и типологический. В ходе работы мы опирались на методику, разработанную русскими учеными и на их фундаментальные исследования.¹

Результаты работы. Герои волшебных сказок не сидят на одном месте – сюжет разворачивается в непрерывной смене места действия, и практически каждый эпизод характеризуется новой обстановкой. Развитие некоторой продолжительной последовательности действия в одном месте для сказок нетипично. Картина мира волшебных сказок однозначно связана с особенностями персонажной системы исследуемых сказок. Прибытие героя в чужой для него мир, будь то небеса или просто какое–то «иное царство», подразумевает контакт с новыми персонажами, характер которых обычно обусловлен характером среды их обитания. Подавляющему большинству персонажей «иных царств» и сфер присуща локальная закреплённость, они представляют собой составляющие элементы мира, в котором обитают.

Отдельные персонажи из чужого герою мира могут становиться подвижными и менять свое окружение (например, выйдя замуж за героя или став его помощником), однако в основном это качество присуще одному лишь герою.

¹ Jirmunskiy V.M. Izbrannye trudy. Sravnitel'noe literaturovedenie. [Selected works. Comparative literature] – Leningrad, 1979;

Alekseev M.P. Sravnitel'noe literaturovedenie. [Comparative literature] – Leningrad, 1983.

Propp V.Ya. Morfologiya skazki. [Morphology of a fairy tale]. – Moskva, 1969.

Propp V.Ya. Istoricheskie korni volshebnoy skazki. [Historical roots of a fairy tale]. – Leningrad, 1946;

Putilov B.N. Metodologiya sravnitel'no-istoricheskogo izucheniya fol'klora. [Methodology of comparative historical study of folklore]. – Leningrad, 1976.



Обосновывая выделение нами отдельных составляющих картины мира, мы исходили из известного положения Ю.М.Лотмана о том, что основой сюжетного повествования является движение героя через границу пространства, «борьба с конструкцией мира»¹. Первоначально в самом общем виде картина мира может быть сведена к схеме «свое – чужое», то есть «княжество героя – иное царство». С точки зрения локализации действия развитие сюжета предполагает отъезд героя из родного княжества и возвращение туда. Таким образом, элемент «своего», то есть исходная и завершающая точка путешествия представляют собой центр мира героя.

Приключения героев большинства сказок разворачиваются в мире, населенном как обыкновенными людьми, так и сверхъестественными существами. Границы между двумя сферами не обрисованы, и создается впечатление, что все эти персонажи обитают на одном уровне, сосуществуя как равноправные и равноценные.

Герой поочередно попадает то в княжества к обыкновенным людям, то в «иной мир» к демоническим существам – джиннам, пери, азрангам и т.д., причем все земли эти расположены на некотором едином уровне мироздания, и нет указаний на то, что герой, например, преодолевая препятствия, спустился или поднялся в мир, населенный необычными существами, или же проник туда посредством волшебства. Можно заметить, однако, что на фоне горизонтальных перемещений героя из одного княжества в другое, будь то княжество джинов или простых людей, в сюжетах часто наблюдается также тенденция к перемещению героя по вертикали, в частности, общение с царством небожителей или восходящих к их образу существ². Примечательно, что демонические существа, пришедшие в индонезийскую словесность с исламской культурной традицией, как джинны, пери и т.п., чаще обитают в одном мире с героями смертными, правда, в особых землях и княжествах. Напротив, небожители, т.е. существа, связанные с индуистской космогонической системой, обитают обычно на священной горе, куда герой попадает в процессе скитаний («Повесть о Бедняке», «Сад Золотого павлина»). Характерно, что на горе же и обиталище святого гуру–отшельника, часто потомка небожителей, который обучает героя волшебству. Несмотря на то, что царство небожителей встречается не во всех сказках, связь их со священной землей (царство Индры) прослеживается устойчиво³. Однако проникновение героя к небожителям обычно не сопряжено с преодолением особых трудностей и пересечением какой-либо четко

¹ Lotman Yu.M. O metodike tipologicheskikh opisaniy kulturi // Trudi po znokovim sistemam. [On the method of typological descriptions of culture] [Proceedings on sign systems]. – Tartu, 1969 (tsit. Po knige A.Gurevicha «Srednevekoviy mir». – Moskva, 1990. – str. 13-16). [quote based on the book by A. Gurevich "Medieval World". - Moscow, 1990. - p. 13-16].

² Dajon M.R. Ratna Rakjat Putera Budiman Pachlawan Minahasa. – Djakarta

³ Temkin E.N., Erman V.G. Mifi Drevney Indii. (Deyanii Indri). – Moskva, 1986. [Ancient Greece myths (Indra's journey)]



Однако следует подчеркнуть, что в восточном театре одного актера были и интерпретаторы. Импровизационно передавая содержание произведения, дошедшего от предшественников, творцы новых художественных ценностей вносили заметный вклад в совершенствование устного повествовательного искусства, значительно усиливая его действенность сценической образностью. Например, дастаны, несмотря на их различия в содержательном и видовом отношении, характеризовались единой поэтикой, насыщенной устоявшимися и присущими устно повествовательной исполнительской природе жанра драматическими элементами. В основном, такие элементы служат для передачи напряженного развития действия – последовательно от одной полной драматизма ситуации к другой с использованием обширного диалогизированного материала. В процессе воспроизведения сюжетных линий бахши должен выступать не только в роли ведущего составляющего основу информационно-связующего звена между компонентами открывшейся перед слушателями грандиозной панорамы словесно-поэтической и музыкальной систем, но и в качестве личности, образ которой носит формальный и внесюжетный характер. Бахши в такой объемно-сложной системе должен выполнять одну из самых важных ролей – советчика, наставника, строгого нравственного судьи героев, исключаяющего любые отступления от принятых норм. Как отмечалось, дастаны многовариантны, что, безусловно, представляет собой одну из серьезных, но интересных проблем в фольклористике. Важной причиной текстовый многовариантности в узбекском сказительском искусстве является изустный характер дастанного творчества, канонизирующего образную систему. Между тем нельзя исключить и другую причину. Небезызвестно, что эпические сказания узбеков, как всех тюркоязычных народов, представляет собой объемные произведения, состоящие из многих тысяч строк. Поэтому исполнение их в таком объеме было затруднительным и реально неисполнимым по затрачиваемому времени. Видимо, здесь требовались особые условия контакта сказителя-исполнителя со слушателями. В таких ситуациях бахши, исходя из объема произведения, сокращал его, уплотнял тексты исполняемых произведений, делая акцент на более действенную часть текста, его сюжетно-стилевую окраску и выразительность. Особенно убедительно это

¹ Savushkina N. Ob izuchenii ispolnitelskogo nachala v folklore//SE. –1963. –№5. Savushkina N. On the study of the performing principle in the folklore//SE. –1963. –№5.



прослеживается на примере дастана «Кобланд», записанного со слов многих бахши и изучавшегося каракалпакскими исследователями. «Кобланд» – один из древнейших памятников богатейшего народного каракалпакского эпоса, дошедшего до нас из глубины веков благодаря многим, сменявшим друг друга поколениям сказителей.

Сюжет, наполненный динамизмом, быстро сменяющиеся друг друга события, волевые характеры, выразительные поэтические средства самого произведения – все эти достоинства обеспечили и продолжают сохранять широкую известность и популярность этого древнейшего народного дастана – романа о борьбе за социальную справедливость, о стремлении к свободолобию.

Поэтические формулировки в дастане несут в себе мудрость и вековой народный опыт, представляя собой определенную эпическую систему. Для дастана «Кобланд» характерна сюжетная особенность, свойственная только каракалпакским народным дастанам. В нем особое место отведено женскому образу, являющемуся центральным, – это Кобланда жена – Хуртха. В дастане она фигурирует не только как второе по важности действующее лицо повествования. Довольно часто она дана на первом плане и что важно – не уступает мужу ни в чувстве собственного достоинства, ни в уме, ни в человеческой активности. В этом эпосе Хуртха – героиня, подобная Гулим в «Кырк киз» и Айпарше в «Маспатше». Бесспорно, определить, в какой степени роль женщины в каракалпакском эпосе соответствовала ее социальному положению, затруднительно, хотя важным остается тот факт, что в исполнении сказителей в дастане воспевалась идеальная модель народной жизни. В дастане прослеживалось сочувствие обездоленным, стремление как-то возвысить простого человека. Бесспорно, что восприятие слушателей было неоднозначным: одни эпизоды воспринимались ими с большим интересом, другие – с меньшим. С учетом этого многие бахши в целях установления тесного контакта со слушателями и усиления их внимания часто воспроизводят наиболее остроконфликтные и решающие сцены, а не весь эпос. К примеру, такие вольности допущены в вариантах сказителей Имамкули, Арзымбета, Даулетмурата, Аскара. Причиной такого обращения является большой объем каракалпакских эпосов и их перенасыщенность событиями и фактами.

Прослеживание истории деятельности бахши и их роли в сказительском искусстве дает основание утверждать об огромном значении эмоциональной экспрессивной окрашенности звучащего слова в процессе передачи сказителем сюжетных линий фольклорного произведения. Использование богатого арсенала пластическо-мимических средств выразительности

Изобразительность сказительского искусства посредством мимики, жестикуляции, голосовых тембральных обрамлений, умения пластически двигаться породила сотворчество со зрителем-слушателем и имела особый характер. Сопереживание слушателей героям способствовало установлению незримого соприкосновения и тесного контакта со слушателями. Различные виды и



формы сказительского искусства пробуждали интерес слушателей, вызывали чувства сопереживания и напряженного ожидания развязки, а также противоречивое отношение к ситуации и ее разрешению. Неожданная развязка, обязательно связанная с переосмыслением указанного противоречия, служит элементом драматического в этом жанре фольклора.

ЕОН САНХЭУМ

Таянч докторант, ТДШУ

Корейс тилшунослигида кўмакчи феъллар тадқиқи

Аннотация. Ушбу мақолада корейс тилшунослигида кўмакчи феълларнинг тадқиқи, илмий ишлар асосида кўмакчи феълларни ажратиши йўли ва категорияси кўрсатиб берилган. Шунингдек, ҳозирги кунда корейс тилшунослигидаги кўмакчи феъл бўйича чегара қўйиши масаласидаги муаммолар ҳам ўрганиб чиқилган. Бунда корейс тилшуносларининг кўмакчи феълларни шакли, етакчи феълга бирикиши ҳолати ва маъносига кўра турлича таснифлари мавжудлиги таҳлил қилинган. Бу мақолада ёритилган масалалар ва хулосалар корейс тилидаги кўмакчи феълларни ўрганиши ҳамда ўзбек тили билан қиёслаш учун муҳим маълумотларни бера олади.

Таянч сўз ва иборалар: кўмакчи феъл, тасниф, етакчи феълга бирикиши, аффикс, корейс тилшунослиги.

Аннотация. Эта статья представляет собой исследование вспомогательных глаголов в корейской лингвистике, методы классификации и категории вспомогательных глаголов. Также обсуждаются проблемы классификации вспомогательных глаголов в современном корейском языке. Анализируется группирование вспомогательных глаголов с учетом их формы, содержания и соединения к основному глаголу. Это исследование может быть важным ресурсом для понимания и сравнения вспомогательных глаголов в узбекском и корейском языках.

Опорные слова и выражения: корейское языкознание, вспомогательный глагол, классификация, основной глагол, аффикс.

Abstract. This paper is a study of auxiliary verbs in Korean linguistics, methods of classification and categories of auxiliary verbs. In addition, it also discusses auxiliary verb classification problems in modern Korean language. In Korean linguistics, it can be seen that the form of auxiliary verbs, the way they are combined with the main verb, and there are several criteria that appear semantically. Through these problems and conclusions, it will be able to understand Korean auxiliary verbs correctly. furthermore, this study can be an important resource for comparing auxiliary verbs in Uzbek and Korean.

Keywords and expressions: Korean linguistics, auxiliary verbs, main verb, classification.

Тилларни ўрганиш, айниқса, қиёсий тадқиқотлар олиб боришда илмий адабиётлар, тил эгалари ва чет элликлар томонидан яратилган манбалар таҳлили муҳим ўрин тутади. Корейс тилида кўмакчи феъллар ҳақида бир қатор чет элликлар, асосан, хорижий тил тарғиботчилари томонидан Японияда чоп



этилган китобларда топиш мумкин. Франсуз Ридел Феликс Клаир чет элликлар корейс тилини ўрганиш учун чоп этилган *한어문전(韓語文典)* [hanomunjon]¹, яъни “Корейс тили грамматикаси” китобида, америкалик Horace Grant Underwood худди бу сабабли Японияда чоп этилган William Imbriening English Japanese Etymology² ни ўқиб, корейс тилини ўрганмоқчи бўлганларга ҳам керакли деб баҳолаб, *한영문법(韓英文法)* [hanyongmunbob]³ яъни “Корейс ва инглиз тили грамматикаси” китоби чоп эттирган. Корейс тилшунослигида эса, олим *최광옥 (Cho'e Go'ango'g)* ва *유길준 (Yu Giljun)* *대한문전(大韓文典)* [dehanmunjon]⁴, яъни “Буюк корейс грамматика” китобида кўмакчи феъллар борасида кўрсатган. Лекин бу тадқиқотлар тузилиши чуқур бўлмаган ва фақатгина кўриб чиқиш мақсадида бўлгани учун фақатгина корейс тилшунослиги тарихига мансуб бўлади. Алоҳида, *유길준 (Yu Giljun)*нинг *대한문전(大韓文典)* [dehanmunjon] китобида инглиз тилидаги ёсанъ, ёмайъ ва ёшаллъ каби *조동사 [jo'do'ngsa]*, яъни ёрдамчи феъллар ҳақида илк бор корейс тили грамматикасига тушунчасини келтирилган. Лекин кейинчалик олим *최현배 (Cho'e Hyonbe)* *조동사 [jo'do'ngsa]* мавҳум(тушунча) кўмакчи феълдан ташқари кўшимча ва ёрдамчи негизи ҳам мансуб бўлгани учун нотўғри деб баҳолаган. Шу сабабли, яъни кўмакчи феъл деган тушунчани *보조 동사 [bo'jo'do'ngsa]* тарзида олим *최현배 (Cho'e Hyonbe)* *우리말본 [urimalbo'n]*⁵ “Корейс тили грамматикаси” китобига киритган ва бу ҳозирги кунда ҳам бу тушунча *보조 동사 [bo'jo'do'ngsa]* тарзида ишлатилади.

최현배 (Cho'e Hyonbe) *우리말본 [urimalbo'n]* “Корейс тили грамматикаси” китобида кўмакчи феълни 13та турга ажратга:

1. 부정 [bujong] (инкор): *아니하다 [anihada]*, *못하다 [mo'thada]*, *말다 [malda]*
2. 사동 [sado'ng] (орттирма): *하다[hada]*, *만들다[mandilda]*
3. 피동 [pido'ng] (мажхуллик): *지다[jida]*, *되다[do'eda]*
4. 진행 [jinheng] (давомийлик): *오다[o'da]*, *가다[gada]*

¹ Ridel Félix Clair. *한어문전(韓語文典)*. Yaponiya Yokohama, 1881

² William Imbrie. *English-Japanese Etymology*. Yaponiya Tokiyo, R. Meiklejohn & Co., 1880.

³ Horace Grant Underwood. *한영문법(韓英文法)*. Yaponiya Yokohama, 1890

⁴ 유길준. *대한문전(大韓文典)*. 안악면학회(安岳勉學會), 1908, 1909

⁵ 최현배. *우리말본*. 정음사, 1937, 1955



5. 종결 [jo'nggyol] (тугалланганлик): *나다* [nada], *내다* [neda], *버리다* [borida]
6. 봉사 [bo'ngsa] (хизмат кўрсатиш): *주다* [juda], *드리다* [dirida], *바치다* [bachida]
7. 시행 [shiheng] (синов): *보다* [bo'da]
8. 강세 [gangse] (таъкидлаш): *쏟다* [ssahda], *대다* [deda]
9. 당위 [dangui] (зарурат): -*어야 하다* [oya hada]
10. 시인적 대응 [shiinjog deyo'ng] (тахминийлик: “кўринар экан”, “шундай экан”): -*기는 하다* [ginin hada]
11. 가식 [gashig] (ўхшатиш: -дек): -*은는 체하다* [in/nin chehada], *척하다* [choghada], *양하다* [yanghada]
12. 과기 [go'agi] (ўтилган имконият): -*을 변하다* [il bonhada]
13. 보유 [bo'yu] (мавжуд, сақлаш): *놓다* [no'hda], *두다* [duda], *가지다* [gajida], *뜯다* [dagda]

Келтирилган 13та турга бўлинган феълларнинг ҳаммаси ҳам кўмакчи феъл деб ҳисобланмайди. Бунинг сабаби корейс тилшунослигида кўмакчи феъл учун 보조용언 [bo'jo'yo'ng'on] ва 보조동사 [bo'jo'do'ngsa] атамалари ишлатилади. 보조 [bo'jo'] сўзи ёрдамчи, кўмакчи маъноларини англатади ва 용언 [yo'ng'on] эса гапнинг ичида баён қиладиган мақсаддаги феъл ва сифатни билдиради. Яъни 보조용언 [bo'jo'yo'ng'on] ёрдамчи бўғловчи қўшимчалар (ёрдамчи предикатив) бўлади. 보조용언 [bo'jo'yo'ng'on] атамаси 보조동사 [bo'jo'do'ngsa] ва 보조형용사 [bo'jo'hyongyo'ngsa]ларни шу жумладан кўшиб (ўз ичига олиб) 도움 움직임 [do'um umjigshi], 매인 움직임 [mein umjigshi], 도움 풀이씨 [do'um purishi], 조동사 [jo'do'ngsa], 의존동사 [ijjo'ndo'ngsa], (상)복합 동사 [bo'ghab do'ngsa], 모문 동사 [mo'mun do'ngsa], 양상 동사 [yangsang do'ngsa], 보조 서술사 [bo'jo'sosulsa] ва ҳоказолар деб атаб келинган.

보조동사 [bo'jo'do'ngsa] ва 보조형용사 [bo'jo'hyongyo'ngsa]ни ажратиш керак, чунки корейс тилшунослигида 보조용언 [bo'jo'yo'ng'on] тушунчаси 보조동사 [bo'jo'do'ngsa]дан ташқари 보조형용사 [bo'jo'hyongyo'ngsa] тушунчасини ҳам билдиради. Корейс тилшунослигида етакчи феъл билан сифат



бирикиб, ўзининг маъносини ёқотиб маънони тўлдирадиган сифатни 보조형용사 [bo'jo'hyongyo'ngsa] дейилади. 먹고 싶다 [moggo' shipda] (егиси келяпти, ейишни хоҳлайди) гапдаги 싶다 [shipda] (хоҳламок, инглиз тилида want), 예쁘지 아니하다 [yebbiji anihada] (чиройли эмас) гапдаги 아니하다 [anihada] (қилмаслик) каби.

보조용언 [bo'jo'yo'ng'on] назариясига асосланган тадқиқотнинг ёналиши 1960-йилларга қадар 보조용언 [bo'jo'yo'ng'on], яъни ёрдамчи бўғловчи қўшимчалар (ёрдамчи предикатив) атамаси ва доираси асосий мавзуси бўлган, аммо 1970-йилдан бошлаб тадқиқотлар семантик ва синтактик тадқиқотлар билан кенгайтирилган. Бу тадқиқотлар 1980-йилга келиб ёналишларни диверсификация қилиш амалга оширилди. Бунинг натижасида 보조용언 [bo'jo'yo'ng'on]ни мустақил грамматик тоифага айлантиришга ҳаракат қилиш тенденцияси мавжуд.

Олим 최현배 (Cho'e Hyonbe) 우리말본 [urimalbo'n] “Корейс тили грамматикаси” китобидаги 13 та турга бўлган кўмакчи феъллар кейинчалик камайтирилган.

Олим 이주행 (I Juheng) (1976)¹ корейс тилшунослигида кўмакчи феъл 18та турга мансублигини айтган. Улар қуйидагилар: 가다 [gada], 오다 [o'da], 내다 [neda], 놓다 [no'hda], 대다 [deda], 두다 [duda], 드리다 [dirida], 버릇하다 [borithada], 버리다 [borida], 보다 [bo'da], 주다 [juda], 나다 [nada], 말다 [malda], 있다 [itda], 못하다 [mo'thada], 아니하다 [anihada], 되다 [do'eda], 하다 [hada].

Олим 이주행 (I Juheng) феълларнинг синтактик функциялари ва фарқларига кўра асослаб, етакчи феъл ва кўмакчи феълга ажратган. Бу олим етакчи феълдан кейин келиб майл, замон, шахс-сон кабиларни билдирадигани феълни кўмакчи феъл деган². Булар гап ёки матнда ўзи келиб, ўзининг маъносини билдира олмагани учун етакчи феъл билан бирикиб келиши керак деган ва буларни маъновий хусусиятларига қараб 15 та турга ажратган:

1. 불능 [bulning] (қила олмаслик): -지 못하다 [ji mo'thada]
2. 부정 [bujong] (инкор): -지 아니하다 [ji anihada]
3. 당위 [dangui] (зарурат): -아야/어야 되다 [aya/oya do'eda], 하다 [hada]

¹ 이주행. 국어 조동사 연구, 『국어교육연구회논문집 11』, 한국국어교육연구회.

² 이주행 (I Juheng) 국어 조동사 연구, 『국어교육연구회논문집 11』, 한국국어교육연구회



4. 의도 [vidoʻ] (қилмоқчи): -려/고자 하다 [ryo/goʻja hada]
5. 피동 [pidoʻng] (мажхулик): -게 되다 [ge doʻeda]
6. 사동 [sadoʻng] (орттирма): -게 하다 [ge hada], -게 만들다 [ge mandilda]
7. 진행 [jinheng] (давомийлик): -아/어 가다 [a/o gada], 오다 [oʻda], -고 있다 [goʻ itda], 계시다 [gyeshida]
8. 종결 [joʻnggyol] (тугалланганлик): -고 나다 [goʻ nada], -아/어 내다 [a/o neda], 버리다 [borida]
9. 봉사 [boʻngsa] (хизмат кўрсатиш): -아/어 드리다 [a/o dirida]
10. 시행 [shiheng] (синов): -아/어 보다 [a/o boʻda]
11. 강세 [gangse] (таъкидлаш): -아/어 대다 [a/o deda]
12. 습관 [sibgoʻan] (одат, тарз): -아/어 버릇하다 [a/o borithada]
13. 보유 [boʻyu] (мавжуд, сақлаш): -아/어 놓다 [a/o noʻhda], 두다 [duda], 가지다 [gajida]
14. 금지 [gimji] (тақиқлаш): -지 마라 [ji mara]
15. 성취 [songchui] (ютук, тамомлаш): -고야 말다 [goʻya malda]

Олим 이관규 (I Goʻanguyu) (1980)¹ эса кўмакчи феълларни 18та турга ажратган. Улар куйидагилар: 가다 [gada], 나가다 [nagada], 내다 [neda], 놓다 [noʻhda], 대다 [deda], 두다 [duda], 드리다 [dirida], 먹다 [mogda], 바치다 [bachida], 빠지다 [bbajida], 버리다 [borida], 보다 [boʻda], 붙이다 [buchida], 싹다 [ssahda], 오다 [oʻda], 제치다 [jechida], 주다 [juda], 치우다 [chiuda], 말다 [malda], 싹다 [shipda], 있다 [itda]. Бу олим кўмакчи феълларнинг маъновий хусусиятларига қараб 진행 [jinheng] (давомийлик), 완료 [oʻanryoʻ] (тугалланганлик), 봉사 [boʻngsa] (хизмат кўрсатиш), 시도 [shidoʻ] (уриниш, синаш), 강세 [gangse] (таъкидлаш), 원망 [uonmang] (истак) ва 지속 [jisoʻg] (давомлилик, узлуксиз) 7та гуруҳга ажратиб қўйган.

Олим 유목상 (Yu Moʻgsang) (1980)² эса корейс тилшунослигида кўмакчи

¹ 이관규. 보조동사의 생성과 논항 구조. 한국어학 3 권, 고려대 1996

² 장수진. 한국어 학습 단계에 따른 보조동사 학습 방안 연구. 한국문법교육학회 제 8 집 2008. P.6



фeълларни *가다* [gada], *가지다* [gajida], *내다* [neda], *놓다* [no'hda], *대다* [deda], *두다* [duda], *드리다* [dirida], *버리다* [borida], *보다* [bo'da], *쌌다* [ssahda], *오다* [o'da], *있다* [itda], *주다* [juda], *나다* [nada], *싹다* [shipda], *말다* [malda], *못하다* [mo'thada], *아니하다* [anihadada], *되다* [do'eda] ва *하다* [hada]га ажратган.

Олим *김기혁* (Gim Gihyog) (1987)¹ *보조용언* [bo'jo'yo'ng'on]ни фeълнинг шакли мавжуд деб ҳисоблаб, етакчи фeъл ва кўмакчи фeълни бирлаштириб, В (фeъл) тоифасига кўшиб кўйди. Бу олим кўмакчи фeъллар асосий яъни етакчи фeълга асосан -*아* [a] билан -*어* [o] ва -*고* [go'] равишдош ясовчилари орқали бирикади деб кўмакчи фeълларни ажратиб рўйхатга кўйди.

-*아* [a] билан -*어* [o] аффикслар билан бирикадиган кўмакчи фeъллар куйидагилар: *오다* [o'da], *가다* [gada], *내다* [neda], *버리다* [borida], *주다* [juda], *드리다* [dirida], *바치다* [bachida], *보다* [bo'da], *쌌다* [ssahda], *놓다* [no'hda], *두다* [duda], *먹다* [mogda], *치우다* [chiuda], *제치다* [jechida], *붙이다* [buchida], *빠지다* [bbajida], *대다* [deda], *나가다* [nagada].

-*고* [go'] аффикси билан бирикадиган кўмакчи фeъллар куйидагилар:

싹다 [shipda], *말다* [malda], *보다* [bo'da], *있다* [itda].

Бундан бошқа кўмакчи фeъллар маъновий хусусиятларга қараб 7 хил тур билан аниқлаштирилган. Булар *진행* [jinheng] (давомийлик), *완료* [o'anryo'] (тугалланганлик), *봉사* [bo'ngsa] (хизмат кўрсатиш), *시도* [shido'] (уриниш, синаш), *강세* [gangse] (таъкидлаш), *원망* [uonmang] (истак) ва *지속* [jiso'g] (давомлилик, узлуксиз)га мансуб фeъллар.

오다 [o'da], *가다* [gada], *나가다* [nagada] ва *있다* [itda] кўмакчи фeъллар -*아* [a] ва -*고* [go'] аффикслар билан бирикиб, *진행* [jinheng] (давомийлик) маънони, *내다* [neda], *버리다* [borida], *먹다* [mogda], *치우다* [chiuda] ва *말다* [malda] кўмакчи фeъллар эса *완료* [o'anryo'] (тугалланганлик) маъносини ва *보다* [bo'da] кўмакчи фeълли *시도* [shido] (уриниш, синаш) маънони билдиради. *주다* [juda], *드리다* [dirida] ва *바치다* [bachida] кўмакчи фeъллари -*아* [a] аффикси билан бирикиб *봉사* [bo'ngsa] (хизмат кўрсатиш) маъносини, *쌌다* [ssahda],

¹ 김기혁. 국어 보조동사 연구. 연세대학교 1987.



대다 [deda], 바자다 [bbajida], 제치다 [jechida], 붙이다 [buchida] кўмакчи феъллари 강세 [gangse] (таъкидлаш) маъносини, 놓다 [no'hda], 두다 [duda] кўмакчи феъллари эса 시속 [jiso' g] (давомлилиқ, узлуксиз) маъносини билдиради. 싣다 [shipda] кўмакчи феъл -고 [go'] аффикс билан бирикиб, 원망 [uonmang] (истак) маъносини билдиради.

Олим 황병순 (Ho'ang Byongsun) (1987)¹ кўмакчи феълни қуйидаги мисолни келтириб тушунтириб берган.

A. 철수는 학교로 뛰어 왔다. [cholsunin haggyo'ro' dduio o'atda]

(Чолсу мактабга югуриб келди.)

a. 철수는 학교로 뛰었다. [cholsunin haggyo'ro' dduiotda]

(Чолсу мактабга югурди.)

b. 철수는 학교로 왔다. [cholsunin haggyo'ro' o'atda]

(Чолсу мактабга келди.)

B. 그는 서울에 가버렸다. [ginin soure gaboryotda]

(У Сеулга бориб ташлади. *бориб кетди ёки бўлди.)

a. 그는 서울에 갔다. [ginin soure gatda]

(У Сеулга борди.)

b. 그는 서울에 버렸다. [ginin soure boyotda]

(У Сеулга ташлади. *кетди.)

А мисолдаги гапни таҳлил қилса, 뛰다 [dduida] (югурмок) билан 왔다 [o'atda] (келмокнинг ўтган замони) феълларни қўлланган. 뛰다 [dduida] (югурмок) феълнинг ўзаги 뛰- [ddui]га -어 [o] аффикси бирикиб, 뛰어 왔다 [dduio o'atda] (югуриб келди) бўлди. Бу гап 철수 [cholsu] (корейсча исми) 학교에 [haggyo'e] (мактабга) қайси ҳолатда (뛰어 [dduio], югуриб) келганини билдиради. Лекин 뛰다 [dduida] (югурмок) феъли ва 왔다 [o'atda] (келмокнинг ўтган замони) феълни ажратиб гап тузганда 2та гапга (мисол а. ва б.) ажратиш мумкин бўлади. Яъни бу гапдаги келмок кўмакчи феъли деб ҳисобланмасдан, худди ўзбек тилшунослигидаги қўшма феъл деб ҳисобланади.

Б мисолда эса, 가다 [gada] (бормок) билан 버렸다 [boryotda] (ташламокнинг ўтган замони) феъллари қўлланган. Корейс тилшунослигида етакчи феъл баъзан аффиксиз қўлланиши мумкин бўлади ва етакчи феъл билан кўмакчи

¹ 황병순. 국어 조동사 연구. 영남대 석사논문. 1987



фёъл бирикканда ажратиб ёзмасдан кўшиб ёзилиши мумкин. Шу сабабли *гада* [gada] (бормоқ) билан *борьотда* [boryotda] (*ташламоқнинг ўтган замони*) фёъллари бирикиб *габорьотда* [gaboryotda] (бориб ташлади) бўлди. “*그는 서울에 가버렸다.*” (*У Сеоулга бориб ташлади.*) гапни ажратса, мисол а. “*그는 서울에 갔다.*” (*У Сеоулга борди.*) тўғри гап бўлади. Лекин мисол б. “*그는 서울에 버렸다.*” (*У Сеоулга ташлади.*) гап бўлмайди. Яъни “*그는 서울에 가버렸다.*” (*У Сеоулга бориб ташлади.*) гапда *보ьотда* [boyotda] (*ташламоқнинг ўтган замони*), *борида* [borida] (ташламоқ) кўмакчи фёъли билан кўлланилади. Маъновий жиҳатига қаралса, *борида* [borida] (ташламоқ) кўмакчи фёъли ўзининг маъносини ёқотиб тугалланганлик маъносини билдирганган.

Олим 고영근 (Go‘ Yonggin) ва 남기심 (Nam Gishim) (1993)¹ томонидан 23та кўмакчи фёъл келтирилган. Улар куйидагилар: *гада* [gada], *гажида* [gajida], *гешида* [gyeshida], *неда* [neda], *ноҳда* [no‘hda], *деда* [deda], *дуда* [duda], *дрида* [dirida], *борида* [borida], *бода* [bo‘da], *боида* [bo‘ida], *ода* [o‘da], *итда* [itda], *жуда* [juda], *жида* [jida], *нада* [nada], *малда* [malda], *шида* [shipda], *мотада* [mo‘thada], *аниhada* [anihadada], *дода* [do‘eda], *мандида* [mandilda]. Бу олимлар кўмакчи фёълларни 12та гуруҳга ажратишган.

1. 진행 [jinheng] (жараён): -고 *гада/ода* [go‘ gada/o‘da], -고 *итда/гешида* [go‘ itda/gyeshida]
2. 종결 [jo‘nggyol] (тугалланганлик): -고 *нада* [go‘ nada], -어 *неда* [o neda], -어 *борида* [o borida], -고야 *малда* [go‘ya malda]
3. 봉사 [bo‘ngsa] (хизмат кўрсатиш): -어 *жуда/дрида* [o juda/dirida]
4. 시행 [shiheng] (уриниш, синаш): -어 *бода* [o bo‘da]
5. 보유 [bo‘yu] (сақлаш): -어 *дуда/ноҳда/гажида* [o duda/no‘hda/gajida]
6. 사동 [sado‘ng] (ортгирма): -게 *hada/мандида* [ge hada/mandilda]
7. 피동 [pido‘ng] (мажхул): -어 *жида* [o jida], -게 *дода* [ge do‘eda]
8. 부정 [bujong] (инкор): -지 *аниhada/малда/мотада* [ji anihadada/malda/mo‘thada]

¹ 고영근, 남기심. ‘표준 국어 문법’, 탑 출판사 1988. 표준 국어문법론, 한국문화사 2019



9. 강세 [ganse] (таъкидлаш): -어 대다 [o deda]
 10. 짐작 [jimjag] (фараз): -어 보이다 [o bo'ida]
 11. 당위 [dangui] (зарурият): -어야 한다 [oya handa]
 12. 시인 [shiin] (тан олиш): -기는 하다 [ginin hada]
- Бундан бошқа кўмакчи сифат 5та гуруҳга ажратилган.
1. 희망 [hiimang] (хоҳиш): -고 싶다 [go' shipda]
 2. 부정 [bujong] (инкор): -지 아니하다/못하다 [ji anihada/mo'thada]
 3. 추측 [chuchig] (тахмин, каромат): -ㄴ 가는가/나 보다 [n ga/ninga/na bo'da], 는가/나/ㄹ 까 싶다 [ninga/na/l gga shipda]
 4. 상태 [sangte] (ҳолат): -어 있다/계시다 [o itda/gyeshida]
 5. 시인 [shiin] (тан олиш): -기는 하다 [ginin hada]

Олим 서정수 (So Jongsu) (1996)¹нинг назариясига қараганда кўмакчи феъллар қуйидагилар: 가다 [gada], 가지다 [gajida], 나다 [nada], 내다 [neda], 놓다 [no'hda], 대다 [deda], 두다 [duda], 드리다 [dirida], 버리다 [borida], 보다 [bo'da], 주다 [juda], 쌓다 [ssahda], 오다 [o'da], 있다 [itda], 지다 [jida], 싶다 [shipda], 만들다 [mandilda], 하다 [hada]. Бу олим кўмакчи феълларни 10та гуруҳга ажратилган. 1- тугалланганлик: -어 나다/내다/버리다 [o nada/neda/borida], 2- хизмат кўрсатиш: -어 주다/드리다/바치다 [o juda/dirida/bachida], 3- уриниш, синаш: -어 보다 [o bo'da], 4- тақидлаш: -어 쌓다/대다 [o ssahda/deda], 5- сақлаш: -어 놓다/두다/가지다 [o no'hda/duda/gajida], 6- мажхул: -어 지다 [o jida], 7- жараён: -어 가다/오다 [o gada/o'da], -고 있다 [go itda], 8- ҳолат: -어 있다 [o itda], 9- хоҳиш: -고 싶다 [go' shipda], 지다 [jida], 10- тахмин, каромат: -는가 / -(으)ㄴ 가 / -(으)ㄹ 까 [ninga/(i)n ga/(i)l ga] 보다/싶다 [bo'da/shipda].

Олим 손세모돌 (So'n Semo'do'l) (1996)² кўмакчи феълларни 가다 [gada], 내다 [neda], 놓다 [no'hda], 대다 [deda], 두다 [duda], 드리다 [dirida], 버리다

¹ 서정수. '수정증보 국어 문법', 한양대학교 출판부 1996

² 손세모돌. '국어 보조용언 연구', 한국문화사 1996



[borida], 보다 [bo'da], 오다 [o'da], 있다 [itda], 주다 [juda], 지다 [jida], 싶다 [shipda]га болъган. Бу олим кўмакчи феълларни хусусан аффиксга қараб ажратиб қўйган. –어 [o] аффиксидан кейин келадиган кўмакчи феъллар 가다 [gada], 오다 [o'da], 있다 [itda], 두다 [duda], 놓다 [no'hda], 버리다 [borida], 내다 [neda], 주다 [juda], 대다 [deda], 보다 [bo'da] ва 지다 [jida] бўлади. –고 [go'] аффиксидан кейин келадигани эса 있다 [itda] ва 싶다 [shipda] бўлади.

Жадвал 1¹

최현배 (Cho'e Hyonbe) 1937	이주행 (I Juheng) 1976	이관규 (I Go'angyu) 1980	유목상 (Yu Mo'gsang) 1980	김기혁 (Gim Gihyog) 1987	고영근 남기심 (Go' Yonggin, Nam Gishim) 1993	서정수 (So Jongsu) 1996	손세모돌 (So'n Semo'do'l) 1996
가다 [gada]	가다	가다	가다	가다	가다	가다	가다
내다 [neda]	내다	내다	내다	내다	내다	내다	내다
놓다 [no'hda]	놓다	놓다	놓다	놓다	놓다	놓다	놓다
두다 [duda]	두다	두다	두다	두다	두다	두다	두다
드리다 [dirida]	드리다	드리다	드리다	드리다	드리다	드리다	드리다
버리다 [borida]	버리다	버리다	버리다	버리다	버리다	버리다	버리다
보다 [bo'da]	보다	보다	보다	보다	보다	보다	보다
오다 [o'da]	오다	오다	오다	오다	오다	오다	오다
있다 [itda]	있다	있다	있다	있다	있다	있다	있다
주다 [juda]	주다	주다	주다	주다	주다	주다	주다
싶다 [shipda]	·	싶다	싶다	싶다	싶다	싶다	싶다
나다 [nada]	나다	·	나다	나다	나다	나다	·

¹ 장수진. 한국어 학습 단계에 따른 보조동사 학습 방안 연구. 고려대학교 2008 ni o'zgartirilgan



말다 [malda]	말다	말다	말다	말다	말다	.	.
가지다 [gajida]	.	.	가지다	가지다	가지다	가지다	.
쌓다 [ssahda]	.	쌓다	쌓다	쌓다	.	쌓다	.
지다 [jida]	.	.	.	지다	지다	지다	지다
하다 [hada]	하다	.	하다	하다	.	하다	.
못하다 [mo'thada]	못하다	.	못하다	.	못하다	.	.
아니하다 [anihada]	아니하다	.	아니하다	.	아니하다	.	.
되다 [do'eda]	되다	.	되다	되다	되다	.	.
만들다 [mandilda]	만들다	만들다	.
바치다 [bachida]	.	바치다
탁다 [dagda]
.	버릇하다 [borithada]
.	.	나가다 [nagada]
.	.	먹다 [mogda]
.	.	빠지다 [bbajida]
.	.	붙이다 [buchida]
.	.	제치다 [jechida]
.	.	치우다 [chiuda]
.	.	.	.	앉다 [andda]	.	.	.
.	.	.	.	자빠지다 [jabbajida]	.	.	.
.	계시다 [gyeshida]	.	.
.	보이다 [bo'ida]	.	.



변하다 [bonhada]
듯싶다 [ditshipda] 듯하다 [dithada] 만하다 [manhada] 법하다 [bobhada]
양하다 [yanghada] 직하다 [jighada] 척하다 [choghada] 체하다 [chehada]
33га	18га	21га	20га	21га	22га	18га	13га

가다 [gada], 내다 [neda], 놓다 [no'hda], 대다 [deda], 두다 [duda], 드리다 [dirida], 버리다 [borida], 보다 [bo'da], 오다 [o'da], 있다 [itda], 주다 [juda] 11га кўмакчи феълни 최현배 (Cho'e Hyonbe), 이주행 (I Juheng), 이관규 (I Go'angyu), 유목상 (Yu Mo'gsang), 김기혁 (Gim Gihyog), 고영근 (Go' Yonggin), 남기심 (Nam Gishim), 서정수 (So jongsu) ва 손세모돌 (So'n Semo'do'l) олимлар умумий бўлиб корейс тилшунослигига киритишган. Лекин буни корейс тилшунослигида энг асосий кўмакчи феъл деб баҳолаш мумкин эмасдир. *싶다* [shipda], *나다* [nada], *말다* [malda], *가지다* [gajida], *쌌다* [ssahda], *지다* [jida], *하다* [hada], *못하다* [mo'thada], *아니하다* [anihada], *되다* [do'eda], *만들다* [mandilda], *바치다* [bachida] кўмакчи феъллар ҳам барча олимлар томонидан корейс тилшунослигига киритилган ва ҳатто бундан ташқари 보조용언 [bo'jo'yo'ngon] (кўмакчи феъл)лар ҳам бор. Корейс тилида ҳам ўзбек тилидагидек бутунлай кўмакчи феълга айланган (муस्ताқил маъносини ёқотиб, фақат кўмакчи феъл сифатида қўлланадиган) бирорта ҳам феъл ёқ. Айрим муस्ताқил феъллар кўмакчи феъл вазифасида ҳам қўлланади ва турли-туман маъноларни ифодалаш учун хизмат қилади. Улар қуйидагилар: *시작하다* [shijaghada] (бошламоқ), *가지다* [gajida] (олмоқ), *주다* [juda] (бермоқ), *두다* [duda] (қўймоқ),



солмоқ), *나가다* [nagada] (чиқмоқ), *가다* [gada] (бормоқ), *오다* [o'da] (келмоқ), *버리다* [borida] (ташламоқ), *놓다* [no'hda]·*놓다* [nohda] (солмоқ, қўймоқ), *죽다* [jugda] (ўлмоқ), *보다* [bo'da] (кўрмоқ), *말다* [malda] (тўхтамоқ), *내다* [neda] (яратмоқ, ишлаб чиқармоқ), *치우다* [chiuda] (тозалармоқ), *대다* [deda] (боғланмоқ, тегмоқ), *먹다* [mogda] (емоқ), *부지다* [bbajida] (чўкмоқ, тушиб кетмоқ), *터지다* [tojida] (синмоқ, ёрилмоқ), *쉽다* [shipda] (хоҳламоқ, истамоқ), *아니하다* [anihada] (*қилмаслик), *못하다* [mo'thada] (*қила олмаслик).¹ Бу кўмакчи феъллар Натионал Институте оф Кореан Лангуаге² даги 표준대국어사전 [pyo'jundegugosajon]³ (“Корейс стандарт адабий тили катта луғати”)да кўрсатиб берилган. Олимларнинг тадқиқотлари, луғатлар, грамматика китоби ва ҳоказоларда шундай фарқланишлар сабаби айтилган кўмакчи феълларга оид кўплаб таҳлиллари бор бўлса ҳам, 보조용언 [bo'jo'yo'ngon]нинг атамаси ва кўмакчи феълларнинг фарқлаш чегараси ҳали белгиланмаган. Шунинг учун корейс тилшунослигида кўмакчи феълнинг чегараси аниқ бўлиш керак. Ҳозирги кунга келиб корейс тилшунос олимлари бунинг чегараси ва корейс тилини ўргатиш учун ҳам кўмакчи феълларнинг рўйхатини янгилаб беришга ҳаракатдадир. Буни бажариш усулларида энг асосий кўмакчи феълларнинг маъновий хусусияти ва таркибига қараб кўп ишлатиладиган кўмакчи феълларни кетма-кетликда жадвалга киритиш мумкин бўлади.

¹ Yeon Sangheum. O'zbek va koreys tillarida ko'makchi fe'llarning ma'noviy xususiyatlari. Magistrlik dissertatsiyasi, Toshkent, 2017. 45 p

² 국립국어원 <https://www.korean.go.kr/>

³ 표준국어대사전. – 국립국어원 (<https://stdict.korean.go.kr/main/main.do>)



ТИЛШУНОСЛИК // ЯЗЫКОЗНАНИЕ // LINGUISTICS

ҲАМИДОВ ХАЙРУЛЛА

PhD, доцент, ТДШУ

Ойбекнинг “Навоий” романида лексик-фразеологик бирликлар турк тилига таржимасининг хусусиятлари

Аннотация. Бугунги кунда ўзбек адабиётининг энг сара асарларини хорижий тилларга ва хорижий адабиёт намуналарини ўзбек тилига таржима қилиши, таржима асарларини илмий ўрганиши бўйича жиддий тадқиқотлар олиб борилиши бадий таржимада дуч келинаётган муаммоларни илмий тадқиқ этиши долзарб аҳамият касб этмоқда. Гап бир тил оиласига мансуб, урф-одати, миллий анъаналари бир-бирига яқин ўзбек ва турк тиллари орасида амалга оширилган таржималар ҳақида борганда, вазият бирмунча ўзгаради. Чунки, бу икки тил орасида таржима қилишининг афзалликлари билан бир қаторда ўзига яраша мураккабликлари борлигини ҳам эътироф этиши керак. Ушбу мавзунини ўрганишига бағишланган мақолада қўйилган илмий муаммо атоқли ўзбек адиби Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбекнинг машҳур “Навоий” романининг турк тилига таржимаси мисолида кўриб чиқилади. Тадқиқот мавзусини танлашда сўнгги йилларда ўзбекчадан туркчага бадий таржиманинг долзарб муаммоларига бағишлаб ёзилган илмий ишларнинг камлиги, давр тақозоси билан бу борада амалга оширилиши керак бўлган ишлар анча кўплиги инobatга олинди. Тадқиқот асосини ташиқил этувчи ўзбек ва турк тиллари бир тил оиласига мансублигига қарамай, кўпчилик лексик-фразеологик бирликларнинг келиб чиқиши нуқтаи назардан фарқлиқ касб этиши бадий асарларни ўгиришида таржимондан ўта эҳтиёткорликни талаб қилади. Ушбу мақолада чиқарилган хулосалар таниқли олимларнинг бу борадаги назарий фикрлари билан тасдиқлашига ҳаракат қилинади.

Таянч сўз ва иборалар: ўзаро яқин тиллар, миллий адабиёт, лексик-фразеологик бирлик, оригиналлик, наср, манера, услуб, тарихий романчилик, миллий услуб.

Аннотация. В настоящее время требуются серьезные научные исследования по переводу шедевров узбекской литературы на иностранные языки и образцов иностранной литературы на узбекский язык, а также тщательное изучение переводных произведений. В рамках данной темы актуальное значение имеет исследование проблем, которые встречаются в процессе художественного перевода. Когда речь идет о переводах, сделанных между узбекским и турецким языками, принадлежащими одной языковой семье, на которых говорят народы, у которых общая культура, общие обычаи и традиции, ситуация часто меняется. Следует также признать, что перевод между этими двумя языками имеет не только свои преимущества, но и своего рода сложности. Научная проблема поставленная в данной статье будет рассмотрена на примере перевода романа «Навои» выдающегося узбекского писателя Мусо Тошмухаммада Айбека. При выборе темы данного исследования учтено то, что в настоящее время недостаточно научных работ, посвященных актуальным вопросам художественного перевода с узбекского на турецкий язык, и много предстоит сделать по велению времени.



Несмотря на то, что узбекский и турецкий языки, составляющие основу исследования, принадлежат к одной языковой семье, различия в происхождении большинства лексико-фразеологических единиц требуют от переводчика особой осторожности при переводе художественных произведений. Выводы данного исследования подтверждены теоретическими взглядами выдающихся ученых на эту тему.

Опорные слова и выражения: близкородственные языки, национальная литература, лексико-фразеологическая единица, оригинальность, проза, манера, стиль, историческая романистика, национальный стиль.

Abstract. Currently, a number of scientific studies are underway to translate the masterpieces of Uzbek literature into foreign languages and samples of foreign literature into Uzbek language, and to the scientific study of translated works. Within the framework of this topic, the study of the problem of the choice of words in literary translation is of current importance. When it comes to translations made between the Uzbek and Turkish languages belonging to the same language family, which are spoken by peoples who have a common culture, common customs and traditions, the situation often changes. It should also be recognized that the translation between the two languages has not only its advantages, but also a kind of difficulty. The scientific problem posed in this article is considered on the example of the translation of the novel "Navoi" by the outstanding Uzbek writer Muso Toshmukhammad Aybek. When choosing a topic for this study, it was taken into account that at present, there are not enough scientific works devoted to topical issues of literary translation from Uzbek into Turkish, and much has to be done at the behest of the times. Despite the fact that the Uzbek and Turkish languages, which form the basis of the study, belong to the same language family, differences in the origin of most lexical and phraseological units require the translator to be especially careful when translating works of fiction. The conclusions made during the research are confirmed by the theoretical conclusions of famous translation scholars.

Keywords and expressions: closely related languages, national literature, lexico-phraseological unit, originality, prose, manner, style, historical romance, national style.

Кириш. Сўнги йилларда бутун дунёда ўзбек характери, ўзбек халқининг табиати, миллий ўзига хослигига бўлган қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Агар илгари асосий эътибор жаҳон адабиётининг энг сара асарларини она тилимизга таржима қилиш ишига қаратиб келинган бўлса, сўнги йилларда бой ўзбек адабиётини жаҳон, хусусан, Шарқ тилларига таржима қилиш ва адабиётимиз, маданиятимизни дунёга кенг ёйиш, тарғиб қилишдек машаққатли, аммо ўта масъулиятли иш рағбат кўрмоқда. Бу билан узоқ-яқиндаги хорижий дўсту биродарларимиз, жаҳон жамоатчилигига миллий адабиётимиз, халқимизнинг миллий ўзига хослиги, ҳаёт тарзи, урф-одатлари намойиш қилинмоқда.

Шу ўринда устоз Ғ.Саломовнинг қирқ йил олдин айтган, бироқ бугун ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган сўзларини эслаш жоиз. Олим шундай деган эди: “Тарихдан ва фаннинг ҳозирги тараққиётидан шу нарса яққол кўринадики, ривожланаётган жамият таржимага қулай шароит яратиб, унга кенг йўл очиб беради. Ўз навбатида, фан, техника ва маданиятнинг юксалиши таржима ишининг тараққиёти билан узвий боғлиқдир”¹. Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида

¹ Саломов Ғ. Таржима назариясига кириш. – Т.: “Ўқитувчи”, 1978. – Б. 21.



она тилимиздан ўнлаб йирик асарлар жаҳоннинг кўплаб тилларига таржима қилиниб, адабиётимиз ихлосмандларига армуғон этилди. Таниқли ўзбек адиби Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек қаламига мансуб “Навоий” романининг туркча таржимаси ҳам ана шундай буюк асарлардан биридир.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари. Ойбекнинг “Навоий” романи туркча таржимаси кўриб чиқилган мазкур мақолада XV асрнинг иккинчи ярмида яшаган халқимизнинг турмуш тарзи, урф-одатлари, миллий ўзига хослигининг таржимада қандай акс этганлиги масаласини таҳлил асосида ёритиб бериш, таржимоннинг оригинал услубини қайта яратишдаги маҳоратларини ўрганиш, бу борада фанда мавжуд назарий фикр ва хулосаларни ўрганиш, таржимада бадиий тасвир ва ифода воситаларини имкон доирасида ёритиш, роман бадииятининг таржимада қай даражада берилганлигини кўрсатиш, таржима сирасида диққатдан четда қолган баъзи хусусларни таъкидлаб ўтиш ишнинг асосий мақсадидир. Шунингдек, мақола олдига бир тил оиласига мансуб ўзбек ва турк тиллари орасида бадиий таржиманинг осон томонлари ва тилларнинг ўзаро яқинлигидан келиб чиқадиган чигалликларнинг сабабини ёритиш вазифаси ҳам қўйилган.

Методлар. Тадқиқотни амалга оширишда тавсифий, таҳлилий ва таҳлилий-қиёсий методлардан фойдаланилди. “Навоий” романидан олинган парчаларнинг туркча таржималари тадқиқотнинг асосий манбаи, асар ва таржимасининг миллийликни акс эттирувчи жиҳатлари эса предмет сифатида олинган тадқиқот жараёнида аслият ва таржима матни таҳлил қилиниб, қиёсланар экан, ўзбек ва турк тилларининг изоҳли луғати, икки тилли ҳамда турли энциклопедик луғатлардан¹ фойдаланилди. Шунингдек, асарнинг асл нусхасидан келтирилган мисоллар ўзбекча таржимаси билан бирга берилди ва лозим топилган ўринларда муаллиф таклиф этган таржима вариантлари ҳам бериб ўтилди.

Эришилган натижалар: Ўзаро яқин тиллар орасида таржимани амалга ошириш ташқаридан қараганда осондек кўринса-да, амалиёт бундай фаолиятда бир талай мураккабликлар борлигини рўй-рост кўрсатмоқда. Таржимашунослик фанида муаллиф услубини таржимада қайта яратиш ва таржимага баҳо бериш масаласига келинадиган бўлса, ушбу масала ҳар доим долзарб ва илмий янгилик эканлиги эътибор марказига қўйилиб, аслият ва таржима орасидаги ўхшаш ҳамда фарқли жиҳатлар бир ёзувчи ва унинг асари таржимаси асосида ўрганилди.

Халқимиз оғир йилларни ўз бошидан кечираётган Иккинчи жаҳон уруши даврида ёзилган “Навоий” романи 1945 йилда рус тилига, ундан кейин эса собиқ Иттифоқ мамлакатлари тилларига ва айрим Ғарб ва Шарқ тилларига таржима қилинди. Роман Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги йилларида 1995 йилда Д.Аҳсен Батур томонидан илк бор туркчага ўгирилди. Бирок,

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. –М.: “Рус тили”, 1981; Türkçe Sözlük, TDK, 9. Baskı, 1.-2. Ciltler. – Ankara, 1998; Büyük Rusça-Türkçe Sözlük, Moskva, «Russkiy yazık», Multilingual. – İstanbul, 1995; Büyük Türkçe-Rusça Sözlük, Moskva, «Russkiy yazık», 1977, Multilingual. – İstanbul, 1994; Ҳотамов Н., Саримсоқов Б., «Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати». Т.,1983.



сўнги йилларда романи таниқли турк олими, истеъдодли таржимон профессор, доктор Шуайип Қорақош турк тилига қайта таржима қилди ва “Ўтукан” нашриётида чоп эттириб¹, Туркиядаги ўзбек адабиёти ихлосмандларига армуғон этди. Асарнинг қайта таржима қилиниши сабабини Шуайип Қорақошнинг ўзи шундай изоҳлайди: “*Навоий*” романи 1995 йилда Д.Аҳсен Батур томонидан туркчага ўгирилиб, “Ўтукан” нашриётида чоп этилди. Бироқ ушбу таржима нашри аслият билан солиштирилганда айрим ўринларда жиддий хатоликларга йўл қўйилганлиги аниқланди. Бундан ташқари, Ойбек каби буюк сиймо, ўзбек адабиётининг буюк намояндаси ҳақида бугунгача Туркияда жиддий нашрнинг йўқлиги ҳам бунинг асосий сабабларидан бири ҳисобланади”².

Таржимон Ш.Қорақошнинг қуйидаги сўзлари ҳам жуда муҳим: “*Бу китоб таржимаси амалга оширилаётганда унинг имлоси ва ифода шакллари турк олимлари: фан доктори, проф. Белқис Гурсой ва фан доктори, доц. Вали Саваши Елўқ томонидан тегиштириб чиқилди. Романда учрайдиган айрим форсча байтларнинг имлоси ва туркча таржимаси фан доктори, проф. Метин Оқар ва фан доктори, доц. Ўзан Йилмаз томонидан тегиштириб чиқилди... Турк китобхонларини буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий ва атоқли ўзбек адиби Ойбек билан таништириши мақсадида тайёрланган ушбу китоб фойдали бўлади, деб умид қиламан. 2018 йил 25 сентябрь. Истанбул Ойдин университети профессори Др. Шуайип Қорақош*”³.

Шу тарзда турк китобхонлари Ойбекнинг “Навоий” романи билан танишиш бахтига муяссар бўлдилар. Таржима нашрининг ўзига хослиги шундаки, унда олим, таржимон Шуайип Қорақош ўзининг 2 саҳифадан иборат “Сўзбоши”сидан кейин 18 саҳифалик “*Aybek ve Nevâyi Romanı*” номли муқаддима ҳам ёзган. Бундан ташқари, таржимон асар таржимасидан кейин “Сўнги сўз” ўрнида китобнинг охирида таниқли ўзбек адабиётшуноси, филол.ф.д., проф. Наим Каримовнинг 9 саҳифадан иборат “*Aybek’in Şaheseri*” деб номланган мақоласини ҳам турк тилига таржима қилиб берганки, бу мазкур таржиманинг юксак савияга эга эканлигидан далолатдир. Ушбу мақола атоқли ўзбек адиби Ойбек қаламига мансуб “Навоий” романининг туркча таржимаси устида олиб борилиши режалаштирилган йирик тадқиқотнинг дебчаси ҳисобланади.

XV асрнинг иккинчи ярмида халқимизнинг турмуш тарзи, урф-одатлари, миллий ўзига хослиги тўла намоён бўлган бадиий асарнинг таржимада қандай қайта яратилганлиги масаласи илк таҳлил этилаётган ушбу тадқиқотда Ойбек бадиий тафаккурининг оригиналлиги, адиб насрининг ўзига хослиги таржимада қандай берилганлиги хусусида сўз боради.

Сўз санъатининг бетакрор намунаси бўлган Ойбек насри ропша-роса 80 йилдан буён нафақат ўзбек адабиёти аҳли, балки жаҳон адабиёти ихлосмандларини ҳам ўзига жалб этиб келади. Ойбек буюк сўз устаси, унинг услуби

¹ Aybek. Nevâyi, Roman, Türkiye Türkçesine aktarma ve İnceleme Prof. Dr. Şuayip Karakaş, Ötüken Yayınevi. –İstanbul, 2019. – 461 S.

² Ўша китоб, 9-бет.

³ Ўша китоб, 10-бет.



нафақат халқчиллиги, балки ўзига хос образлилиги, бадий мукамаллиги ва ранг-баранглиги билан ҳам алоҳида ажралиб туради. Адибнинг Абдулла Қодирий ҳақида айтган қуйидаги сўзлари унинг ўзига ҳам тегишлидир: “Абдулла Қодирий насри, – деб ёзган эди Ойбек, – энг аввало, ҳаётнинг энг нозик тафсилотларига қадар акс эттирганлиги, халқ тилининг қудрати, илҳомбахшлиги билан китобхонни ҳайратга солади”¹.

“Навоий шеърляти ва Навоий образи ҳамиша кучли бир қуёш каби кўнглимни тортар эди. Ўз асарларимда шоир Навоий образини яратишга зўр майл, орзу, истагим бор эди. Лекин тарихга кўз ташласам, Навоий гигант, буюк бир сиймо ҳолида қаршимда турар эди. Ёшлигимдан бери Навоийнинг ўлмас, адабий шеърларини севиб ўқир эдим, унинг жозибали ғазаллари борган сари кўнглимга сингиб борди, шакл ва мазмунлари юрагимни маст ва мафтун этди”, – деб ёзган эди Ойбек “Навоий” романи муқаддимасидаги эпиграфда².

Турк таржимони иш жараёнида катта тажриба орттирди. У муаллиф ортидан бориб, қахрамонларнинг хулқ-атворлари, турмуш тарзи, юриш-туриши, сўзлашиш манераларини ўрганди, уларни давр ва жамият шарт-шароитларига мувофиқ мушоҳада эта олди.

Ойбекнинг услуги ҳақида сўз борганда шуни таъкидлаш жоизки, адиб ўзбек тарихий романчилигининг чуқур, ўзига хос ёрқин миллий услубини яратди.

“Бадий таржимада аниқликка эришиш фақат ёзувчининг индивидуал услубини акс эттириш орқали амалга ошади. Услубни беролмаган таржимон аниқликка даъво қилолмайди”³. Бу борада таржимашунос Э.Очиловнинг қуйидаги хулосаси эътиборга лойиқ: “Бадий таржима икки услубнинг бирикишидан ҳосил бўлган янги адабий ҳодисадир. Таржима жараёнида икки ижодкор услуби рўбарў келади, танишиш юз беради. Бу танишув таржимада бирикиш, ўзаро сингиб кетиш ҳолатида намоён бўлади”⁴.

Бадий асарда муаллиф ўз муддаосини рўёбга чиқариш учун тасвирий ва ифодавий воситалардан фойдаланади. Асар яратилаётганда ёзувчи ҳар бир ҳодиса, табиат манзараси, умуман, воқеликка ўз назари билан қарайди. У асар ғоясидан келиб чиққан ҳолда, мос деталь танлайди ва бу деталь воситасида асар мазмунида салмоқли ўрин тутган фикрни ифодалайди. “Навоий” романидаги шоир яшаган Ҳирот шаҳрининг табиати, атроф-муҳит гўзаллиги Гавҳаршод мадрасаси фонидан бундан саксон йил илгариги соф ўзбек адабий тилида маҳорат билан акс эттирилади: “Баҳор қуёши кўкнинг тиниқ ферузасида Ҳиротнинг Гавҳаршод мадрасасининг ҳайбатли гумбази устида порлар, гумбазнинг азамат пештоқларининг нақшлари шуълаларда жонли, бир чаманзор каби турли-туман олов ранглар чақнатар, кабутар дам учиб, дам сирпаниб

¹ Айбек. Литература, история, современность // Дружба народов, 1967. – № 4.

² Ойбек. Навои. Таҳрир ҳайъати: Бобир Алимов ва б. – Т.: “Шарқ”, 2004. – Б. 5.

³ Саломов Ғ., Комилов Н. Дўстлик кўприклари. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. – Б. 113.

⁴ Ochilov E. Tarjimashunoslikning nazariy masalalari. – Т.: “ToshDSHI”, 2014. – В.114.



қўниб, гумбаз теварагида қувонч билан иноқ ўйнашар эди. Бир томони хонақоҳ, уч томони катакча-хужралар билан ўралган мадрасанинг кенг, текис, чорбурчак сахнидан кеча шовдираб ўтган ёмғир кўзга илинар-илинмас буг бўлиб ҳавога кўтарилмоқда эди”¹. Турк тилидан фарқли ўлароқ, ўзбек тилида фикр кўпинча узун жумлалар воситасида ифода этилади. Агар таржимон ўзбекча мураккаб жумлани муаллиф услубига мувофиқ ҳолда ўгирмоқчи бўлса, жумлани шакл ва мазмун бирлигида, ҳеч бир сўзни “қурбон қилмасдан” таржимада бериши, фикрни лисоний-услубий воситалар ёрдамида ўгириш имкониятларидан эркин фойдаланиши, ўз она тилининг ранг-баранг бадий тасвир ва ифода воситаларини самарали қўллаган ҳолда сўз ва иборалар танлаши лозим.

Табиат тасвири ижодкор бадий маҳоратини намоён этувчи муҳим омиллардан саналади. Чунки табиат манзараси тасвирида ижодкорнинг сўз бойлиги, уни қўллаш даражаси, қаламга олинган маконга муносабати юзага чиқади. Юқоридаги парчада адиб атроф-муҳитнинг гўзаллигини худди мусаввирдек қаламга олади. Ундаги ҳар бир деталь муайян мақсадга қаратилади. Китобхон уни ўқир экан, вазиятни аниқ-гиниқ кўз олдига келтира олади. Буни бошқа тилга ўгирувчи таржимон ҳам муаллиф услубини тўлақонли қайта яратиш, парчани аслият оҳангини сақланган ҳолда ўгиришга ҳаракат қилади. Турли сифатлаш, ўхшатиш ва бошқа турли бадий санъатларни қўллашга уринади. Энди юқоридаги жумланинг туркча таржимасига эътибор қаратамиз: *Bahar güneşi, göğün tertemiz maviliğinde Herat'ın Gevherşâd medresesinin heybetli kubbesi üstünde parlıyor; kubbenin muhteşem revaklarının nakışları gün ışığında canlı, havai bir bahçe gibi rengârenk alev renkler saçıyor; güvercinler kâh uçup, kâh süzülerek konup, kubbe çevresinde, neşe içinde oynaşıyorlardı. Bir tarafı hanekâh, üç tarafı küçük hücrelerle çevrili medresenin geniş, pürüzsüz, dört köşe avlusundan gece şakırtıyla geçen yağmur, belli belirsiz bir buğu halinde havaya yükselmekteydi*². Таржимада ёзувчининг гўзал табиат, персонажлар кайфиятига мос бадий тасвир яратиш маҳорати, сўз санъаткорлиги ўз аксини топган ўхшатиш, сифатлаш, жонлантиришлар, таъсирни кучайтирувчи оҳанг – ритмлар ўз ифодасини тўла топа олган.

Бадий асар мазмунини рўёбга чиқарувчи ягона восита ҳисобланган бадий тил ёзувчининг асар ёзишда ўз олдига қўйган ниятига етган тақдирдагина баркамол ҳисобланади. “Бадий тил ижодкорнинг ғоявий-бадий мақсадини тўла рўёбга чиқаргандагина, у асарнинг тили бадий камолотга етган ҳисобланади”, – дейилади “Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғатида”³. Бу ерда бадий тил деганда бевосита бадий услуб, бадий тил хусусиятларининг таржимада берилиши деганда эса ёзувчи услубининг таржимада қайта яратилиши назарда тутилади.

¹ Ойбек. Навоий. Таҳрир ҳайъати: Бобир Алимов ва б. – Т.: “Шарқ”, 2004. – Б. 5.

² Aybek. Nevâyi, Roman, Türkiye Türkçesine aktarma ve İnceleme Prof. Dr. Şuayip Karakaş, Ötüken Yayınevi. –İstanbul, 2019. - S.31.

³ Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Т.: “Ўқитувчи”, 1983. –Б. 353.



Ҳар қандай асар услуби, содда ёки мураккаб поэтик синтаксиси ва бошқа жиҳатлари билан алоҳида ажралиб туради. Ёзувчи чуқур ҳис этган воқеликнинг образлар воситасида мукамал тарзда акс эттирилиши бадиийликнинг моҳиятини ташкил этади. “Табиат тасвири муҳим бир воқеа ёки ҳодисанинг рўй беришидан олдин кўрсатилишининг асосий мақсади китобхоннинг акс эттири-лаётган воқеани олдиндан ўз тасавурида жонлантиришига кўмак беришдир. Таржимон эса, ана шундай манзарани таржима тили ва уни ўқийдиган китобхон яшаётган мамлакат табиати тасвирини ҳисобга олган ҳолда иш тутиши, таржима қилинаётган асарнинг мазмуни ва шаклига зарар етказмасдан ўгириши керак бўлади”¹, – деб ёзади Ғ.Саломов.

Таржима жараёнида аслият сўзларини таржима тили муқобиллари билан алмаштириш, синтаксис қоидаларидан четга чиқмаслик ёки шаклбозликдан қочиб, муаллиф услуби, асарнинг бадиий концепциясига унчалик эътибор бермай эркин таржима йўлига ўтиш санъат намунасининг ишончли, тўла қайта ифодаланмай қолишига олиб келади. “Таржимада айрим олинган ҳар бир ҳолатда қандай сўз ёки жумла жоизлигини “луғавий эквивалентлик” эмас, табиий мувофиқлик, яъни тасвирланаётган характернинг “мижози”га маъно, услуб, оҳанг томондан контекстуал мослик ҳал қилади”².

Романда очик ва яширин ўхшатиш (метафора)лардан кенг фойдаланилган: “Баъзан асл мавзу-баҳс зойиб бўлар, улар баҳс асносида келиб чиққан янги нуқталарга берилиб, сўз чангалзорининг тиканли мушкулот билан тўла соҳаларида урина-урина, яна асли масалага қайтишади”³. Ушбу жумла турк тилига “*Bazen asil tartışma konusu kayboluyor; tartışma sırasında ortaya çıkan yeni noktalara kapılıp, fikir sahasının dikenli problemlerle dolu kısımlarında çarpışa çarpışa yine asıl meseleye dönüyorlardı*”⁴ шаклида таржима қилинган. Жумладаги яширин ўхшатишга асосланган “Сўз чангалзорининг тиканли мушкулот билан тўла соҳалари” бирикмаси турк китобхонига тушунарли тарзда таржима қилинган. Бироқ, шунга қарамай, яшириш ўхшатишни беришда таржимон сал “қийналган” кўринади. Агар ажратиб кўрсатилган ўхшатишнинг туркча таржимаси (*fikir sahasının dikenli problemlerle dolu kısımları*) тескари ағдарилса, “*фикр майдонининг тиканли муаммоларга тўла қисмлари*” деган бирикма юзага чиқади. Бундан аслият жумласининг шираси таржима матнида кўнгилдагидай акс этмаганлиги сезилиб қолади.

Яна бир мисол: “Баҳшашувчилар баъзан мунозара алангасида ўзларини унутиб, бир-бирларига дагал иборалар айтишар, баъзан бургутдай ҳурпайиб, бир-бирларига чанг солмоққа тайёрлангандай қизиқ бир вазиятда бир зумгина

¹ Саломов Ғ. Тил ва таржима. – Т.: “Фан”, 1966. – Б. 86.

² Саломов Ғ. Таржима назарияси асослари. –Т.: “Ўқитувчи”, 1983. – Б. 4.

³ Ойбек. Навоий. Таҳрир ҳайъати: Бобир Алимов ва б. – Т.: “Шарқ”, 2004. – Б. 6.

⁴ Aybek. Nevâyi, Roman, Türkiye Türkçesine aktarma ve İnceleme Prof. Dr. Şuayip Karakaş, Ötügen Yayinevi. –İstanbul, 2019. - S.31.



қотишарди”¹. Очиқ ва ёпик ўхшатиш усулларидан кенг истифода этилган ўзбекча жумла туркчага қуйидагича ўтирилган: “*Tartışmacılar bazen münazaranın şiddetiyle kendilerinden geçerek birbirlerine kaba sözler söylüyorlar; bazen birer kartal gibi diklenip, birbirlerine pence atmaya hazırlanırcasına kızgın bir vaziyette bir anda sessizliğe gömülüyorlardı*”². Ушбу таржимада ижодкор парчани шакл ва мазмун яхлитлигида, ишончли беришга муваффақ бўлган.

Abstract. Forming adjectives with the help of affixation has a special place in the morphology of the Persian language. This method forms a new word by adding prefixes, infixes, and suffixes to the base. The most productive of these is the creation of adjectives through suffixes. The formation of Persian adjectives through suffixes and their allomorphs is important in further expanding the vocabulary. The most common models in the construction of such adjectives are noun + adjective suffix allomorphs, Arabic derivative adjectives and



participle I + adjective suffix allomorphs, and number + adjective suffix allomorphs. This article discusses the function and stylistic issues of adjective allomorphs in Persian. Suffixal allomorphs forming an adjective are not always semantically relevant. Therefore, they are studied separately as interchangeable groups of allomorphs and non-replaceable groups.

Also in this article, there are six adjective suffixes and their allomorphs in two groups, including group 1 - interchangeable suffix allomorphs:

Suffix *آسا* [āsā] and its suffixal allomorphs *سا* [sā] and *سان* [sān];

Suffix *مند* [mand] and its suffixal allomorph *ومند* [umand];

Suffix *گین* [gin] and its suffixal allomorph *آگین* [āgin].

Group 2 - non-replaceable suffixal allomorphs forming an adjective:

Suffix *آنه* [āne] and its suffixal allomorph *گانه* [gāne], *یانه* [yāne] and *وانه* [vāne];

Suffix *ای* [i] and its suffixal allomorph *گی* [gi] and *وی* [vi];

Suffix *ور* [var] and its suffixal allomorph *اور* [ur] and *آوار* [āvar] were studied based on examples from sources and literary resources.

Keywords and expressions: suffix, allomorph, its suffixal allomorph, affixation, adjective former suffixal allomorph, adjective, comparative adjective, assimilation, productive and low productive adjectives.

Кириш. Форс тилида суффикс орқали сифат яшаш сермахсул усул ҳисобланади. Биз ушбу мақоламизда Л.С.Пейсиковнинг “Очерки по словообразованию персидского языка” ҳамда Доктор Ирон Калбосининг “*Sāxt-e ešteyāyi-ye vāže*” асарларида келтириб ўтилган суффиксларга таянган ҳолда алломорфи мавжуд бўлган баъзи суффиксларни танлаб олдик ва қуйида суффиксал алломорфларнинг ўзаро ўрин алмашилиб кела олиш хусусиятига кўра 2 гуруҳга бўлиб, уларнинг функционал-семантик хусусиятларини ҳозирги форс тили материаллари асосида кўриб чиқамиз.

Мақсад ва вазифа. Тадқиқотнинг мақсади форс тилидаги сифат ясовчи суффиксал алломорфлар, яъни суффиксал морфеманинг вариантларини функционал ва семантик жиҳатдан тадқиқ этишдан иборат. Ушбу мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

1. Сифат ясовчи суффиксал алломорфларни ясама сифат таркибида ўзаро ўрин алмаша олиш ёки олмаслигига кўра 2 гуруҳга ажратиш.

2. Сифат ясовчи суффиксал алломорфларнинг таркиби ва функционал ва семантик хусусиятларини ўрганиш;

3. Олиб борилган таҳлил натижаларига кўра илмий хулосалар бериш.

Усуллар. Тўпланган материалларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, структур таҳлил, қиёсий-солиштирма таҳлил, тавсифлаш, функционал таҳлил, семантик таҳлил ва статистик таҳлил усулларидадан фойдаланилди.

Эронлик тилшунос олим Доктор Ирон Калбоси ўзининг “*Sāxt-e ešteyāyi-ye vāže*” асарида морфни [vāž] деб атаб унга қуйидагича таъриф беради: “Тилнинг маъноли ёки шаклга эга бўлган энг кичик бирлиги морф деб аталади ва тилнинг грамматик бирликлари сифатида сўз ясалишида ишлатилади. Морф мавҳум маънога эга тушунчадир, унинг обекти, яъни ёзувдаги ифодаси морфема (vāžak), унинг вариантлари (*gunehā-ye važak*) алломорф деб аталади”.



“Алломорф(а) морфеманинг варианти бўлиб, алоҳида морф(а) сифатида ўзига мос, мувофиқ келадиган сўз шакли таркибидагина иштирок этади. Алломорф сифатида кузатиладиган ҳар бир морф(а)нинг қўлланилиш имконияти чегараланган бўлиб, у фақат ўзи учун қулай бўлган шароитда юзага чиқади, танлаб қўшилади. Морфнинг – алломорфнинг бири ўрнида иккинчиси ишлатилмайди. Масалан: тонгги – тонгки, кечки – кечги. Бунга фонетик вазият, фонетик шакл ва семантика йўл қўймайди. Демак, алломорфлар қўлланиладиган сўз формалари қандай қабул қилинган бўлса, шундай шаклда намоён бўлади”¹.

Рус тилшунос олими Л.С.Пейсиков алломорф тушунчасига лексик морфеманинг алтернантлари дея таъриф бериб, унга қуйидагича изоҳ беради: “Бир морфеманинг алломорфи бўлиши учун уларда бирлаштирувчи асосий белги, яъни умумий функционал-семантик хусусият мавжуд бўлиши лозим. Маъно ва функция умумийлиги бир алломорфема таркибида жойлашса, қолган мезонлар нисбий характерга эга бўлиб, ўхшашлик масалаларини аниқлашда ёрдамчи вазифани бажаради. Маъно ва вазифалар умумийлиги турли алломорфларни бирлаштириш имконини беради. Демак, икки ёки ундан ортиқ элементлар бир морфеманинг алломорфи бўлиши мумкин, агар улар:

- 1) бир маъно ва вазифага эга бўлсалар;
- 2) ўхшаш қурилмаларда ўзаро ўрин алмаша олсалар;
- 3) фақат ўзи ишлатиладиган ўринларга эга бўлсалар;
- 4) умумий ва ўхшаш ташқи кўринишга, нисбий фонетик умумийликка эга бўлсалар”².

Юқоридаги тилшунос олимларнинг назария ва қарашларидан хулоса қилиб айтиш мумкинки, сўз ясовчи аффиксал алломорфлар – бу сўз ясовчи бир морфеманинг турли вариантлари ҳисобланади. Аффиксация жараёнида нафақат услуби, фонологик мослашувига қараб аффиксал алломорфлар бирининг ўрнига бошқасини қўллаш мумкин. Бунда бир ясовчи морфема илмий ёки бадиий услубдаги сўз ясама, иккинчи сўз ясовчи алломорф оғзаки услубдаги сўзни ясайди.

Фонологик жиҳатдан сўз яшаш жараёнида сўз ясовчи аффиксал алломорфлар бир-бирининг ўрнида кела олмайди. Чунки форс тилида бир сўзда иккита унли қатор келмайди, агар икки унли қатор келиб қолса, бунда хило, яъни бўшлиқ пайдо бўлади. Бу бўшлиқни тўлдириш учун бир ундош товуш орттирилади. Ушбу фикрларнинг исботини асосий қисмда мисоллар асосида кўриб чиқамиз.

Бундан келиб чиқадики, аффиксал алломорфлар ясама сўз таркибида ўзаро ўрин алмашилиб кела оладиган ҳамда ўзаро ўрин алмашилиб кела олмайдиган сўз ясовчи алломорфларга бўлинади.

Эронлик тилшунос олим Доктор Муҳаммад Жавод Машкур ўзининг “*دستورنامه در صرف و نحو زبان پارسی*” [*Dasturnāme dar sarf o naḫv-e zabān-e pārsi*] асарида сифат тушунчасига: “От сўз тукумидаги сўзларнинг қандай кўринишда эканлигини

¹ Rasulov R. Umumiy tilshunoslik. (General Linguistics)–Т.:–2010.

² Peysikov L.S. Ocherki po slovoobrazovaniyu persidskogo yazika. (Essays on word formation of the Persian language.). – М.: Izdatelstvo MGU, 1973



хамда қандай ҳолатдалигини билдирувчи сўз туркуми сифат (صفت) дейилади, масалан: مرد بزرگ [mard-e bozorg], اسب راهوار [asb-e rāhvār], سنگ سفید [sang-e sefid]. Бу ерда биринчи келаётган сўзлар موصوف [mosuf], яъни аниқланмиш бўлса, кейин иккинчи бўлиб келаётган сўзлар сифатдир”¹, – дея таъриф берилади. Яна бир бошқа эронлик тилшунос олим Меҳди Мўайниён ўзининг دستور زبان فارسی [Dastur-e zabān-e fārsi] асарида сифатларни қуйидаги турларга бўлади:

1. صفت فاعلی [sefat-e fāeli] Ҳозирги замон сифатдоши
2. صفت مفعولی [sefat-e maf’uli] Ўтган замон сифатдоши
3. صفت ساده [sefat-e sādde] Содда сифат
4. صفت مرکب [sefat-e morakkab] Қўшма сифат
5. صفت نسبی [sefat-e nesbi] Нисбий сифат
6. صفت اشاره [sefat-e ešāre] (Кўрсатиш олмоши) Ишора сифат
7. صفت مبهم [sefat-e mabhum] Ноаниқ сифат
8. صفت جامد [sefat-e jāmed] Туб сифат
9. صفت مشتق [sefat-e moštaq]² Ясама сифат

Юқоридаги сифат турларидан биз ўрганадиганимиз صفت مشتق [sefat-e moštaq], яъни ясама сифатлардир. Форс тилида ясама сифатлар от, сифат, ўтган замон сифатдоши, ҳозирги замон сифатдоши, ҳозирги замон феъл негизи, ўтган замон феъл негизи хамда олмош сўз туркумидаги ўзакларга қўшимча қўшиш орқали вужудга келади. Ясама сифатлар таркибидаги ясовчи суффиксал алломорфларнинг ўзаро ўрин алмашилиб кела олиш, олмаслигига кўра 2 турга бўлинади.

Ўзаро ўрин алмашилиб кела оладиган суффиксал алломорфлар:

1) اسا [āsā] суффиксининг سا [sā] хамда سان [sān] суффиксал алломорфари мавжуд бўлиб, у форсий сўз ясовчи қўшимча ҳисобланади. Ҳар учала қўшимча бир хил маъно беради. Отга اسا [āsā] суффиксини қўшиш орқали “...-дек” ёки “...-га ўхшайдиган” маъноли сифатлар ясалади.

Масалан : от + اسا [āsā]

بیر آسا [babrāsā] – йўлбарсдек, йўлбарсдек паҳлавон

مهرا آسا [mehrāsā] – қуёшдек, қуёш каби

معجزه آسا [mojezeāsā] – мўъжизадек, мўъжизавий

به همین دلیل اداره بیمه حیوانات خانگی به دلیل این نجات معجزه آسا يك مدال افتخار به شکل همبرگر، يك جعبه پر از اسباب بازي و غذا به این سگ اعطا كرد!

*Be hamin dalil edāre-ye bime-ye heyvānāt-e xānegi be dalil-e in nejāt-e mojezeāsā yek medāl-e eftexār be šekl-e hamborger, yek jabe por az asbāb bāzi va yazā be in sag a ’tā kard*³!

“Шу сабабли ҳайвонларни суғурталаш департаменти ушбу мўъжизавий кутқарув учун бу итга гамбургер шаклидаги ифтихор медали, ўйинчоқлар ва озиқ-овқат билан тўлдирилган қутини совға қилди!”

¹ Mohammad Javād Maškur. Dasturnāme dar sarf o naxv-e zabān-e pārsi. (Instruction in Persian grammar) Tehrān. 1346

² Mehdi Moayniyān. Dastur-e zabān-e fārsi. (Persian grammar) Kurs.1369

³ <https://www.isna.ir/news/8906-03662> (accessed 28.08.2010)



برقاسا [barγāsā] – яшиндек тез, шиддатли
 سروآسا [sarvāsā] – сарвқомат, қомати расо, хушбичим
 آسا [āsā] суффикси سا [sā] ҳамда سان [sān] суффиксал алломорфларига нисбатан сермахсулдир. Баъзан бу кўшимча олмош сўз туркумидаги сўзларга ҳам қўшилиши мумкин.

Масалан:

هم آسا [hamāsā] – ўхшаш

آسا [āsā] суффиксининг سا [sā] алломорфи ҳам худди шундай маънога эга бўлган сифатларни яшаш учун қўлланади ва бу кўшимча нисбатан каммахсулдир.

Масалан: от + سا [sā]

مهسا [mahsā] – ойдек, ойсифат. (Маҳсо, *исм*)

پيلسا [pilsā] – филдек, филдек оғир

پريسا [parisā] – паридек (Парисо, *исм*)

سان [sān] суффикси каммахсул ҳисобланади ҳамда от ва сон сўз туркумидаги ясовчи асосларга қўшилиб, ўхшашлик маъносини берувчи ясама сифатларни яшашда қўлланилади.

от + سان [sān]

خورشيدسان [xoršidsān] – ёрқин, равшан.

شيرسان [širsān] – шердек, шер каби

Сон + سان [sān]

يكسان [yeksān] – бирдек, барабар, бир хил.

مربی تیم ملی شنا گفت: شناس ملی پوشان برای کسب سهمیه المپیک ۲۰۲۰ توکیو تقریباً یکسان است و بچه‌ها با جدیت تمرینات را پیگیری می‌کنند.

Morabbi-ye tim-e melli-ye šenā goft: šāns-e melli-ye pušān barā-ye kasb-e sahmīye-ye ālimpik-e 2020 Tokiyu taʿriban yeksān ast va bačehā bā jeddiyāt tamrināt rā peygiri mi konand¹.

“Сузиш бўйича Пушон миллий терма жамоасининг Токио 2020 Олимпия квотасини қўлга киритиш эҳтимоли деярли бир хил ва болалар машқларни жиддий равишда бажаришмоқда, деди сузиш бўйича миллий терма жамоа мураббийи”.

Ҳар учала суффиксал алломорфлар бир-бирининг ўрнида кела олади. Масалан:

От + آسا [āsā], سا [sā], سان [sān]

شيرآسا [širāsān], شيرسا [širsā], شيرسان [širsān] – шерсифат, шердек, шердек кучли.

پيل آسا [pilāsā], پيلسا [pilsā], پيلسان [pilsān] – филдек, фил каби оғир

Аммо ҳали-ҳануз тилшунослар орасида سان [sān] кўшимчами ёки мустақил сўз туркуми дега баҳс ўз ечимини топмаган. Биз юқорида унинг кўшимча ҳолатида келиб, янги сўзларни яшашда қўлланилганлигининг гувоҳи бўлдик.

¹ <https://ana.ir/fa/news/74/445889> (accessed 21.11.2019)



آسا [*āsā*], سا [*sā*], سان [*sān*] суффиксал алломорфлари вазифа жиҳатдан бир хил турдаги сифатларни ясашга хизмат қилади, яъни ҳар учала суффикслар ўзи қўшилаётган асосга ўхшашликни ифодаловчи ясама сифатларни ясади. آسا [*āsā*] ва سا [*sā*] суффиксал алломорфлари ясаган ясама сифатлар ҳозирги кунга келиб эронликлар орасида кенг тарқалган исмларга айланган. Асосан қизларга қўйиладиган исмлар қаторига مهسا [*mahsā*], پريسا [*parisā*], مهرآسا [*mehrāsā*] кабилар киради. Шу билан бирга, баъзи ўринларда бир-бирининг ўрнида алмашилиб кела олади. Жумладан, شيرآسا [*širāsān*], شيرسا [*širsā*], شيرسان [*širsān*] – шерсифат, шердек, шердек кучли кабилар. Стилистик жиҳатдан, турли услубдаги матнларда учратиш мумкин. آسا [*āsā*], سا [*sā*], سان [*sān*] суффиксал алломорфлари семантик жиҳатдан ўзаро алломорф ҳисобланади.

2) مند [*mand*] суффиксининг ومند [*umand*] алломорфи мавжуд бўлиб, у форсий сўз ясовчи қўшимча ҳисобланади. Белгига эгаликни билдирувчи суффиксдир. Турли форсий ёки бошқа тиллардан ўзлашган ўзақларга қўшилиб, ясама сифатларни ҳосил қилади. Panj ostādнинг “*Dastur-e zabān-e fārsi*” асарида مند [*mand*] суффикси асосан отларга қўшилиб сифат ясаши қайд этиб ўтилган¹.

Масалан:

от + مند [*mand*]

خردمند [*xeradmand*] – ақлли, доно, оқил, (буюк ақл соҳиби)

دانشمند [*dānešmand*] – донишманд, ўқимишли

نیازمند [*niyāzmand*] – муҳтож

من هم که بیش از هر کس دیگر به این پول نیازمندم.

*Man ham ke biš az har kas-e digar be in pul niyāzmandam*².

“Мен ҳам ҳаммадан кўроқ бу пулга муҳтожман”.

سودمند [*sudmand*] – фойдали

ثروتمند [*sarvatmand*] – бой, бадавлат

زیانمند [*ziyānmand*] – зарарли, зиёнли

حاجتمند [*hājatmand*] – эҳтиёжманд, камбағал

ادرکمند [*edrākmand*] – идрокли, фаросатли

ارادتمند [*erādatmand*] – садоқатли, содиқ, самимий

او بعد از توضیحات ستایش آمیز دیگر از روح الله موسوی خمینی خواست که "استدعای ارادتمند را در تاخیر عزیمت به ایران به سمع قبول تلقی فرمایید".

*U ba'd az tovizihāt-e setayeshāniz-e digar az Ruhullāh-e Musaviy-e Xomayniy xāst ke "estedā-ye erādatmand rā dar tāxir-e azimat be Irān be sam'e yabul-e talloyi farmāyid"*³.

“У бошқа Мақтовли шарҳларидан сўнг Рухуллоҳ Мусавий Хомейнийдан “Эронга жўнаб кетишни кечиктириш ҳақидаги мухлисингизнинг илтимосини розилик билан эшитгайсиз” деди.

دولتمند [*doulatmand*] – давлатманд, бой

¹ Panj ostād. *Dastur-e zabān-e fārsi*. (Persian Grammar). Farhang. 1344.

² Mohammad Mirkiyāni. *yessehā-ye šab-e čelle*. (Night tales). Tehrān. 1338

³ Hušang Nehāvāndi. *Xomayni dar Farānse*. (Xomayni in France). Šerkat-e ketāb. 1389



ومنند [umand] суффикси مند [mand] суффиксининг архаик версияси бўлиб, у ҳам отларга қўшилиб ясама сифатларни ясайди. Panj ostādнинг “Dastur-e zabān-e fārsi” асарида ушбу қўшимчадан ясалган фақатгина 6 та ясама сифат бериб ўтилган. Улар куйидагилар:

От + ومنند [umand]

برومند [barumand] – 1) ҳосилдор, 2) бой, бадавлат, 3) омадли, бахтли

دانشومند [dānešumand] – донишманд

نیازومند [niyāzumand] – муҳтож

گنومند [gomanumand] – шубҳали

تنومند [tanumand] – гавдали, келбатли

لبخندش در زیر انبوه ریش و سبیلش به زحمت پیدااست. می نشیند. تنومند است و سر تاپا لباس سیاه تن

دارد.

*Labxandaš dar zir-e anbuḥ-e riš va sabilaš be zahmat peydāst. Mi nešinad. Tanumand ast va sartāpā lebās-e siyāhtan dārad*¹.

“Соқол ва мўйлови остидан табассуми зўрға билинади. Ўтиради. У *гавдали* ва бошдан оёқ қора кийим кийган эди”.

Бу суффикслар ўзаро ўрин алмашиб келиши мумкин:

ارجومند [arjumand] – ارجمند [arjmand] – кадрли, арзирли, хурматли

Баъзан مند [mand] қўшимчаси оғзаки талаффузда [amand] шаклида ҳам учрайди, масалан:

مستمند [mostamand] – бечора, камбағал, қашшоқ

Ушбу суффиксал алломорфлар турли услублардаги матнларда ясама сифатлар таркибида кўп миқдорда неологизмлар кўринишида учрайди

فرازمند [farāzmand] – ўсувчан

مند [mand] суффикси ҳамда унинг ومنند [umand] суффиксал алломорфи вазифа жиҳатдан бир хил бўлиб, ҳар иккиси ҳам турли сўз туркумидаги ясовчи асосларга қўшилиб, белгига эгаликни билдирувчи ясама сифатларни ясада фойдаланилади. Баъзи ҳолатларда ушбу қўшимчалар ўзаро ўрин алмашина олади. Масалан: ارجومند [arjumand] – ارجمند [arjmand] – кадрли, арзирли, хурматли. Шунингдек, مند [mand] суффикси ясаган ясама сифатларни ҳар қандай турдаги матнларда учратиш мумкин. Ҳатто баъзи ҳолатларда ушбу суффиксни неологизмлар таркибида ҳам кўриш мумкин (فرازمند [farāzmand] – ўсувчан). ومنند [umand] суффиксал алломорфи مند [mand] суффиксининг архаик варианты бўлиб, مند [mand] суффиксига нисбатан каммаҳсул ва кам истеъмолдаги қўшимчадир. Лекин تنومند [tanumand] – кучли, қатъиятли ҳамда برومند [barumand] – 1) ҳосилдор, 2) бой, бадавлат, 3) омадли, бахтли сўзлари бундан мустасно бўлиб, бу лексемаларни турли услубларга хос бўлган матнларда етарлича учратиш мумкин.

3) گین [gin] суффиксининг آگین [āgin] алломорфи мавжуд бўлиб, у форсий сўз ясовчи қўшимча ҳисобланади. Бу суффикслар от сўз туркумидаги сўзларга

¹ Nāser Karemi. Bi nehāyat. (Unlimited) Entešār-e mardomak. 1390



кўшилиб, “ифодаланган белгига тўла эгалик”ни билдирадиган сифатларни яшашда кенг қўлланилади. Бу суффиксал алломорфлар сўз ясовчи асосларнинг семантикасига боғлиқ, яъни *агин* [*āgin*] суффикси кўпроқ “ёқимли” маънони ифодаловчи, *гин* [*gin*] суффикси эса аксинча “ёқимсиз” маънони ифодаловчи ясовчи асосларга бирикади.

Масалан:

От + *гин* [*gin*] модели асосида:

غمگين [*gamgin*] – ғамгин

سهمگين [*sahmgin*] – даҳшатли, жирканч

شرمگين [*šarmgin*] – уятли

خشمگين [*xašmgin*] – ғазабли, жаҳлдор

اندوهگين [*anduhgin*] – қайғули, ғамли, хафа.

دردگين [*dardgin*] – дардли

От + *агин* [*āgin*] модели асосида:

زرآگين [*zarrāgin*] – заррин, олтиндек ярқироқ

پنداگين [*pandāgin*] – ҳикматга тўла

عطرآگين [*atrāgin*] – хушбўй

ياس ستاره ای یک گیاه روند مقاوم با نگهداری و مراقبت کم است که برگ های سبزه تیره ای دارد و از اواسط بهار تا اواخر تابستان با گل های سفید *عطرآگين* دل انگیزی پوشیده است.

*Yās-e setārei yek giyāh-e ravand-e maḡāvem bā negahdāri va morāyebat kam ast barghā-ye sabze tireyi dārad va az avāsat-e bahār tā avāxer-e tābestān bā golhā-ye sefid-e atrāgin-e delangizi pušide ast*¹.

“Юлдузли ямин – бу тўқ яшил баргли бақувват ва кам парвариш талаб қиладиган ўсимлик ҳисобланади ва у баҳорнинг ўрталаридан то ёзнинг охиригача ёқимли *хушбўй* оқ гуллар билан қопланиб туради.

مشکآگين [*moškāgin*] – мушк ҳидли

مهراگين [*mehrāgin*] – меҳрли

گوهرآگين [*govharāgin*] – гавҳарли

حکمتآگين [*hekmatāgin*] – ҳикматга тўла

гин [*gin*] ҳамда *агин* [*āgin*] суффиксал алломорфларининг “ёқимли” ва “ёқимсиз” маъноли сўз ясовчи асосларга бирикишига боғлиқ мазкур қонуният баъзан уларнинг бир-бирларининг эркин алмаштира олишлари туфайли бузилиши ва “қоидали”, меъёрга мос шакллар билан бир қаторда қоидага мос тушмайдиган сифат шакллари учратиш мумкин. Масалан:

آهوی سهياھچشم شرمآگين [*āhu-ye siyāhčēšm-e šarmāgin*] – уятчан қора кўз оху

زهراگين [*zahrāgin*] – заҳарли

دردآگين [*dardāgin*] – дардли, дард чекувчи

Мазкур алломорфлар ягона мавҳум лексик-грамматик маънога эга. Бу алломорфлар “тўла”, “тўлатилган”, “қамраб олинган” маъно йўналишларига эга.

شرمآگين [*šarmāgin*] – уятчан, уятли

¹ [<https://pooyano.com/>] (accessed 06.04.2017)



Бундан ташқари, уларни сўз яшаш вазифалари (бир семантик ва категориял қаторда турувчи сифатлар яшаш) ва турли сўз ясовчи асослари билан морфологик бирикуви бир-бирига айнан мос тушади. Баъзан уларнинг бир-бирини бемалол алмаштира олиши ҳам юқоридаги фикрга далил бўлади. گين [gin] ҳамда آگين [āgin] суффиксал алломорфларининг валентлигидаги баъзи фикрларга келсак, сўз ясовчи асосларнинг миқдор жиҳатдан кўплиги ва турли-туманлиги сўз ясовчи морфемаларни бир-биридан ажратиш учун асос бўла олмайди¹.

گين [gin] суффикси ҳамда унинг آگين [āgin] суффиксал алломорфи вазифа жиҳатдан бир хил бўлиб, ҳар иккиси ҳам “белгига эгаликни” ифодаловчи сифатларни яшашда хизмат қилади. Стилистик жиҳатдан ҳам деярли бир-биридан фарқ қилмайди, яъни ҳар икки суффикс ясаган сифатларни ҳар қандай турдаги матнларда учратиш мумкин. Фақат маъно жиҳатдан биров фарқ қилади, яъни گين [gin] суффикси салбий маънодаги сифатларни ясаса, آگين [āgin] суффикси эса асосан ижобий маънодаги сифатларни яшашга хизмат қилади. Бу кўшимчалар баъзи ўринларда ўзаро ўрин алмашилиб келиши мумкин. Жумладан, شرمگين [šarmgin] – شرمگين [šarmāgin] – уятга тўла, уятли; دردگين [dardgin] - دردگين [dardāgin] – дардли, дардга тўла каби мисолларда ўрин алмашина олишининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. گين [gin] суффикси ҳамда унинг آگين [āgin] суффиксал алломорфи бир-бирига шакл ва маъно жиҳатдан алломорф ҳисобланади.

2. Ўзаро ўрин алмашилиб кела олмайдиган сифат ясовчи суффиксал алломорфлар:

4) انه [āne] суффиксининг گانه [gāne], يانه [yāne] ҳамда وانه [vāne] алломорфлари мавжуд. Бу кўшимчалар асл форсий сўз ясовчи кўшимча ҳисобланади. Мазкур алломорфларнинг пайдо бўлиши морфемалар туташуви ўрнида юз берувчи фонетик ҳодисалар билан изоҳланади:

А) انه [āne] суффикси ундош фонема билан тутаган сўз ясовчи асосларга кўшилади. Масалан:

روزانه [ruzāne] – кунлик

شاهانه [šāhāne] – шоҳона, қироллик оиласига тегишли

پس از آن بر سر سفره شاهانه ای که گسترده شده بود نشست ولی گرایش چندانی به خوردن نداشت.

Pas az ān ke bar sar-e sofre-ye šāhānei ke gostar-de šode bud nešast vali gerāyeš-e čandāni be xordan nadāšt².

“Шундан сўнг олдиндан тайёрлаб қўйилган шоҳона дастурхон атрофига ўтирди, лекин ейишга хоҳиши йўқ эди”.

عاشقانه [āšeyāne] – ошиқона

مردانه [mardāne] – эркакларга хос

زنانه [zanāne] – аёлларга хос

عاقلانه [āyelāne] – оқилона

¹ Vohidov A. Fors tilida so‘z yasalishi. (Word formation in Persian) T.: -2010.

² Enyetā. 2012: Nāser Enyeto. Tufān-e zard. (Yellow Storm.) Šerkat-e ketāb. 2012.



Б) [e] унлиси билан тугаган сўз ясовчи асосларга *آنه* [āne] суффикси қўшилганда бир *گ* [gāf] ундоши ортиши натижасида *گانه* [gāne] суффиксал алломорфи вужудга келган. *گانه* [gāne] суффиксал алломорфи нафақат форсий отларга, балки арабий ўзлашган сифат ва сифатдошларга ҳам қўшилиб яшаш асоси англатган нарса, белгига ўхшатишни ифодаловчи сифатларни ясайди. Масалан:

Сифат/сифатдош + *گانه* [gāne]

От + *گانه* [gāne]

بچگانه [bačegāne] – болаларга хос

در صورتی که همه جای دنیا لغت را بعد از استعمال مردم و نویسندگان داخل زبان می نمایند و او که در علم فقه اللغه بی نظیر است حمال این لغت های بیگانه، بی ذوق و بی سلیقه شده!

*Dar surati ke hame jā-ye donyā loyat rā ba'd az este'māl-e mardom va navisandegān dāxel-e zabān minatāyand va u ke dar elm-e feyyollova bi nazir ast hammāl-e in loyathā-ye bačegāne, bi zovv o bi salīye šode!*¹

Агар бутун дунёда одамлар ва ёзувчилар томонидан ишлатилгандан сўнг сўзлар тилга киритилса ва у тилшунослик илмида ягона бўлган шахс бу болаларга хос, бемаза сўзларнинг ташувчисига айланган бўлади!

В) [ā] *ёки* [i] унлиси билан тугаган сўз ясовчи асосларга *آنه* [āne] суффикси қўшилганда бир *ى* [yāy] ундоши ортиши натижасида *يانه* [yāne] суффиксал алломорфи вужудга келган.

Масалан: [i] унлиси билан тугаган асос + *يانه* [yāne]

ساليانه [sāliyāne] – йиллик

مخفيانه [mahfiyāne] – махфий, яширин

نشست مخفيانه سعادتمند و مجیدی در شرایطی برگزار شد که مدیر عامل استقلال پیش از این تلاش زیادی کرده بود تا با سرمربی تیمش دیدار و گفتگو کند اما این اتفاق عملی نشده بود.

*Nešast-e mahfiyāne-ye Saādatmand va Majidi dar šarāiti bar gozār šod ke modirāmel-e esteylāl biš az in talāš-e ziyādi karde bud tā bā sarmorabbi-ye timaš didār o goftogu konad ammā in ettefāy amali našode bud!*²

“Истиклол” бош директори ўз жамоасининг бош мураббийи билан учрашиб суҳбатлашишга ҳаракат қилган, аммо бу ҳаракатлар ўз самарасини топмаган, яъни учрашув бўлмаган бир вазиятда Саодатманд ва Мажидийнинг яширин учрашуви бўлиб ўтди.

[ā] унлиси билан тугаган асос + *يانه* [yāne]

دانايانه [dānāyāne] – донолардек

گدایانه [gadāyāne] – гадойлардек

Г) [u] унли фонемаси билан тугайдиган асослардан кейин алломорфларнинг эски варианты *وانه* [vāne] қўшилади. *وانه* [vāne] суффиксал алломорфи унчалик сермахсул бўлмаса-да, баъзи ясама равишларда сақланиб қолган. Масалан:

جادونه [jādūvāne] – жоду билан, жодули

أهوانه [āhūvāne] – охуга хос, охуваши

¹ Sadey Hedāyat. Sag-e velgard. (Stray Dog) Tehrān 1321.

² [https://ana.press/fa/news/67/487520] (accessed 04.05.2020)



با چشمان آهوانه نگهم مکن که من
در آتش نگاه تو تابدار می شوم
محمد رضا درانی

Bā češmān-e āhuvāne negaham makon ke man
Dar ātaš-e negāh-e to tabdār mi šavam
Mohammad Rezā Darāni¹

“*Охуваиш* кўзларинг-ла менга нигоҳ ташлама,
Акс ҳолда нигоҳинг оташида куйиб, кул бўламан!”
Муҳаммад Ризо Дарони

Юкорида келтирилган мисоллар тўрт алломорфнинг фонетик меъёрларга мувофиқ ҳолда ишлатилишига тегишли қатъий қоидаларни тасдиқлаб турган-дек кўринади. Аммо фонетик қоидаларнинг мунтазамлиги ва меъёрийлиги турли хил омиллар, хусусан, сўз яшаш аналогиясига ўхшаш кучли омиллар таъсирида бузилади. Айнан аналогия ҳодисаси (ўхшатиш, тегишли сўз яшаш моделига қўшилиш) – *[gāne]* алломорфининг ундош товушга тугайдиган сўз ясовчи асосларга ҳам қўшила олишини изоҳлайди. Бундай ҳолат *[gāne]* алломорфининг миқдор сондан иборат асосларга қўшилишида учрайди: *چهارگانه* *[čahārgāne]* – тўртталиқ, тўрт таркибли, *ششگانه* *[šešgāne]* – олтиталиқ, *دهگانه* *[dahgāne]* – ўнталиқ, *صدگانه* *[sadgāne]* – юзталиқ ва ҳоказо. Ясама сўзларни *یگانه* *[yegāne]* – ягона, *دوگانه* *[dogāne]* – иккилик, иккитадан иборат каби сўзларга ўхшатиш орқали ясалган.

آنه *[āne]* суффиксининг *گانه* *[gāne]*, *یانه* *[yāne]* ҳамда *وانه* *[vāne]* суффиксал алломорфлари вазифа жиҳатдан бир хил турдаги маҳсулдор қўшимчалардир, яъни ўзи қўшилаётган асосдан англашилган маънога ўхшашликни, белгига хосликни ифодаладиган сифатларни ясайди. Ушбу қўшимчалар ўзаро ўрин алмашилиб кела олмайди, чунки улар фонетик жиҳатдан алломорфлардир. Яъни ундош товуш билан тугаган ясовчи асосларга *آنه* *[āne]* суффикси қўшилса, *[e]* унлиси билан тугаган ясовчи асосларга *گانه* *[gāne]* суффикси, *[ā]* *ēku* *[i]* унлиси билан тугаган сўз ясовчи асосларга *یانه* *[yāne]*, *[u]* унли фонемаси билан тугаган асосларга *وانه* *[vāne]* суффиксал алломорфи қўшилади. Бу қоидалардан мустасно ҳолат ҳам мавжуд бўлиб, улар миқдор сон + *gāne* алломорфи шаклидаги сўз яшаш қолипи қатъий фонетик меъёр ва қоидалардан кучли бўлиб чиққан. Масалан: *چهارگانه* *[čahārgāne]* – тўртталиқ, тўрт таркибли, *ششگانه* *[šešgāne]* – олтиталиқ, *دهگانه* *[dahgāne]* – ўнталиқ, *صدگانه* *[sadgāne]* – юзталиқ ва ҳоказо. *آنه* *[āne]* суффикси ўзининг *گانه* *[gāne]*, *یانه* *[yāne]* ҳамда *وانه* *[vāne]* суффиксал алломорфларига нисатан сермаҳсулдир. Стилистик жиҳатдан ушбу суффиксал алломорфлар ясаган сифатларни барча услубларга хос матнларда учратиш мумкин.

5) *ای* *[i]* суффиксининг *گی* *[gi]* ҳамда *وی* *[vi]* алломорфлари мавжуд бўлиб, у форсий сўз ясовчи *yā-ye nesbat* қўшимчаси ҳисобланади ҳамда бу қўшимча

¹ [<http://chandnoghte.blogfa.com/?p=2>]



билан ясалган сўзлар “нисбий сифат” дейилади. Бу қўшимча энг маҳсулдор сифат ясовчи суффикслардан биридир. Жуда кенг қўламли ҳамда турли асосларга қўшилиб, бирор нарсанинг ўзакдан англашилган нарсага бўлган муносабатини, шунга тегишли эканлигини, бирор жойга бўлган нисбатини, ишланган материали маъноларини билдирувчи сифатлар ясайди. Эронлик тилшунос Меҳди Моайниён ўзининг “*Dastur-e zabān-e fārsi*” асарида *صفت نسبی* [sefat-e nesbi], яъни нисбий сифатга қуйидагича таъриф беради: “*صفت نسبی* [sefat-e nesbi], яъни нисбий сифат бирор-бир инсон ёки нарсанинг бирон жойга ёки бирон нарсага тегишли эканлигининг нисбатини беради. Масалан: *تهرانی* [tehrāni] – теҳронлик лексемасида Теҳронга мансублигини ифодалаётган бўлса, *سنگی* [sangi] – тошдан ясалган лексемасида эса бирон-бир нарсанинг ясашиш объекти тош эканлигини билдиради”.

ای [i] суффикси сермаҳсул қўшимча бўлиб, от сўз туркумидаги сўзларга қўшилиб нисбий сифат ясайди. Бу қўшимча ундош фонема билан тугаган асосларга қўшилади.

Масалан :

چوبی [čubi] – ёғочдан ясалган, ёғочли

کاغذی [kāzāzi] – қоғоздан ясалган, қоғозли

چرمی [čarmi] – чармдан ясалган, чармдан қилинган.

فردای آن روز از خانه بیرون رفت تا صاحب کیسه چرمی را پیدا کند و حق را به حقدار برساند.

*Fardā-ye ān ruz az xāne birun raft tā sāheb-e kise-ye čarmi rā peydā konad va haṡ rā be hāydar berasānad*¹.

“Ўша куннинг эртасига чармдан ясалган ҳамённинг эгасини топиш учун ҳамда ҳақдорнинг ҳаққини ўзига етказиш учун уйдан чиқиб кетди”.

فکری [fekri] – фикрий

بارانی [bārāni] – ёмғирли

علمی [elmi] – илмий

Баъзан *yā-ye nesbat* қўшимчаси жой номларига қўшилиб, “ўша ерлик” маъносини ифодаловчи нисбий сифатларни ясашда ҳам кенг қўлланилади:

چینی [čini] – хитойлик

تبریزی [tabrizi] – табризлик

ایرانی [irāni] – эронлик

این نامه به امضای بیش از ۷۰ پزشک ایرانی رسیده و در بین آنها استادان و پژوهشگرانی چون دکتر بهزاد دماری، دکتر حسن رفیعی، دکتر سیمین کاظمی و دکتر امید زمانی حضور دارند.

*In nāme be emzā-ye biš az 70 pezešk-e Irāni raside va dar beyn-e ānha ostādān va paṡuhešgarāni čun Doktor Behzād Demāri, Doktor Hasan Rafiei, Doktor Simin Kāzemi va Doktor Omid Zamāni hozur dārand*².

“Мактубга 70 дан ортиқ эронлик шифокорлар, жумладан, доктор Бехзод Демори, Доктор Ҳасан Рафиеи, Доктор Симин Коземи ва Доктор Умид Замони каби профессор ва тадқиқотчилар имзо чекишди”.

¹ Mohammad Mirkiyāni. ṡessehā-ye šab-e čelle. (Night tales). Tehrān. 1338. S – 69.

² [https://www.bbc.com/persian/iran-52314922] (accessed 16.04.2020)



Агар ясовчи асос қисқа $[e]$ унлиси билан тугаган бўлса, баъзи сўзларда *yā-ye nesbat* [yā-ye nesbat] олдидан бир $[gāf]$ орттирилиб ёзилади ва натижада $[gi]$ суффиксал аломорфи ҳосил бўлади.

yā-ye nesbat [yā-ye nesbat] олдидан $[gāf]$ орттирилган вақтда, ёзувда сўз охиридаги $[e]$ тушиб қолса ҳам, лекин талаффузда сақланади Масалан:

خانه+گی [xāne] = خانگی [xānegi] – уйга оид, уйга хос

هفتگی [haftegi] – ҳафталик

شاخص صنعتي داو جونز در معاملات روز جمعه در حدود 127 درصد پایین آمد اما به لطف رشد خوب خود در ابتدای هفته و پنجشنبه، معاملات هفتگی خود را بارشده به پایان رساند.

Sāxes-e san'ati-e Dojjons dar moāmelāt-e ruz-e jom'e dar hodud-e 127 darsad pāyīn āmad, ammā be loṭf-e rošd-e xub-e xod dar ebtedā-ye hafte va panjšanbe, moāmelāt-e haftegi-ye xod rā bā rošd be pāyīn rasānd¹.

“Дов Жонс Индустириал Аверагенинг жума кунги савдоси 127 фоизга пасайди, аммо ҳафтанинг бошида ва пайшанба куни яхши ўсганлиги туфайли компаниянинг ҳафталик савдоси ўсиши билан якунланди”.

$[ā]$, $[e]$, $[i]$ унлилари билан тугаган айрим ясовчи асослар *yā-ye nesbat* [yā-ye nesbat] қабул қилганда, сўз охиридаги товуш ассимиляцияга учраб $[vāv]$ орттирилади ва натижада $[vi]$ суффиксал алломорфи ҳосил бўлади. Масалан:

$[ā]$ унлиси билан тугаган асос + $[vi]$ وی

دنیلوی [donyāvi] – дунёвий

... اگر به شهرهای فرنگ بیند دلیل کند که کارهای دنیلوی وی نیک شود، اما در دین ضعیف باشد.

... agar be šahrhā-ye farang binad dalil konad ke kārḥā-ye donyāvi-ye vey nik šavad, ammā dar dīn zaif bāšad².

“Агар у Фаранг шаҳарларини кўрса, у дунёвий ишлари яхши эканлигини исботлайди, аммо динда заиф бўлиб қолади”.

معنوی [ma'naviy] – маънавий

$[e]$ унлиси билан тугаган асос + $[vi]$ وی

فرانسوی [farānsavi] – франциялик

سپس در حالی که کاملاً به چهره دو مهمان فرانسوی خود دقیق شده بود، ادامه داد: «می خواهم درباره تشنجات اخیر خاور میانه بحث کنم.»

Sepas dar hāli ke kāmela be čehre-ye do mehmān-e farānsavi-e xod dayiṭ šode bud, edāme dād: “mixāham darbāre-ye tašannoṭāt-e axir-e Xāvar-e Miyāne bahs konam³.

“Кейин икки франциялик меҳмоннинг юзига диққат билан назар ташлаган ҳолда гапини давом эттирди: “Яқин Шарқдаги сўнгги кескин хатти-ҳаракатлар ҳақида баҳс юритмоқчиман”.

$[i]$ унлиси билан тугаган асос + $[vi]$ وی

¹ [https://www.boursenews.ir/fa/news/15251/]

² Ibrāhīm Tiflīsī. Mukhtār Kumaylī. Atharī jāmi‘ bih zabān-i Fārsī dar khābzgārī. thari Jami Bih Persian language in sleep deprivation) 2019. – S. 267.

³ Pol-e Amil-e Ardeman. (Bridge of Emile Erdman) (Tarjome-ye Doktor Xosayn Autarābin). Sošut 79. Lās Anjels. 2017.



دهلوی [dehlavi] – дехлилик, Дехлавий

ای [i] суффиксининг گی [gi] ҳамда وی [vi] алломорфлари вазифа жиҳатдан бир хил турдаги маҳсулдор қўшимчалардир, яъни улар нисбийликни ифодаловчи сифатларни ясаш учун хизмат қилади. Ушбу қўшимчалар ўзаро ўрин алмашиниб кела олмайди, чунки улар фонетик жиҳатдан алломорфлардир. Яъни, ундош товуш билан тугаган ясовчи асосларга ای [i] суффикси қўшилса, ة [e] унли фонемаси билан тугаган асосларга баъзан گی [gi] (هفتگی [haftegi] – ҳафталик), баъзан وی [vi] (فرانسوی [farānsavi] – франциялик) суффиксал алломорфлари қўшилади. [ā], [e], [i] унлилари билан тугаган айрим ясовчи асослар وی [vi] суффиксал алломорфи қўшилади. Стилистик жиҳатдан ушбу суффиксал алломорфлар ясаган нисбий сифатларни ҳар қандай турдаги матнларда учратиш мумкин.

б) و [var] суффиксининг اور [ur] ҳамда اور [āvar] алломорфлари мавжуд бўлиб, у форсий сўз ясовчи қўшимча ҳисобланади. Бу суффикс белгига эгаликни билдиради. От сўз туркумидаги ўзақларга қўшилиб, ясама сифатларни ясашда кенг қўлланилади. Масалан:

От + و [var]

نامور [nāmvar] – таниқли, номи улуғ, мартабаси баланд

حمله و [hamlevar] – ҳужумкор

کینه و [kinevar] – қасоскор, ёмон, ёвуз

بارور [bārvar] – ҳосилдор

شعله و [šulevar] – ялтироқ, нур таратувчи

پهناور [pahnāvar] – кенг, бепоён

مرکز ملی آمار ایران، استان سیستان و بلوچستان را با وسعت 181785.28 کیلومتر مربع، پهناورترین استان ایران می‌داند...

*Markaz-e melli-ye āmār-e Irān, ostān-e Seystān va Balujestān rā bā vos'at-e 181785.28 kilometr marobba, pahnāvartarin ostān-e Irān midānad...*¹

“Эрон миллий статистика маркази 181785,28 квадрат километр майдонга эга бўлган Сейстон ва Балужистон вилоятларини Эроннинг энг кенг вилояти деб ҳисоблайди”.

تاجور [tājvar] – тождор

دانشور [dānešvar] – билимдон, илмли

بهره و [bahrevar] – омадли, омади юрган, пешонаси ялтираган

آزور [āzvar] – очкўз

و [var] суффикси اور [ur] ҳамда اور [āvar] алломорфларига нисбатан маҳсулдордир.

اور [ur] суффиксал алломорфи от сўз туркумидаги ясовчи асосларга қўшилиб, белгига эгаликни ифодаловчи ясама сифатларни ясашда қўлланилади. Аммо бу қўшимча унчалик маҳсулдор эмас.

От + اور [ur]

رنجور [ranjur] – хафа бўлган, кўнгли ранжиган, ғамгин

¹ [https://www.tabnak.ir/fa/news/322104] (accessed 27.05.2013)



وقتی چشم آن ها به آن جوان رنجور اما خوش سیاه می افتد، یک باره، «غانم» در برابرشان مجسم می شود.

Vayti češm-e ānhā be ān javān-e ranjur ammā xuš siyāh mioftad, yek bāre, «yānam» dar barābarešān mojassam mišavad¹.

“Уларнинг кўзи ўша *ғамгин*, аммо ёқимтой қорачадан келган йигитга тушганида бирдан уларнинг қаршисида “Ғўнам” гавдаланди”.

گنجور [*ganjur*] – бой, бадавлат, ғазначи

کیفور [*keyfur*] – ширакайф, сархуш

اور [*āvar*] суффиксал алломорфи ҳам отларга қўшилиб, белгига эгаликни билдирувчи сифатларни ясайди. Бу қўшимча нисбатан кammaҳсул ҳисобланади.

От + اور [*āvar*]

شرم آور [*šarmāvar*] – уятли, шарманда

دلآور [*delāvar*] – жасур, мард, қўркмас

جنگاور [*jangāvar*] – жанговар

شامل مجموعه ای از لباس و پوشش زنان و مردان از هر طبقه ی اجتماعی که شامل: زنان و مردان اشراف و دربار ، زنان و مردان جنگاور در لباس جنگی و زنان و مردان از طبقه ی مردم عادی مثل کشاورزها و پیشه وران.

Šāmel-e majmuei az lebās o pušēš-e zanān o mardān az har tabaʿe-ye ejtemāi ke šāmel: zanān o mardān-e ašrāf o darbār, zanān o mardān-e jangāvar dar lebas-e janggi va zanān o mardān az tabaʿe-ye mardom-e āddiy mesl-e kešāvarzhā va piše varār².

“Ҳар бир ижтимоий тоифага кўра, эркаклар ва аёллар кийимлари куйидаги тўпламларни ўз ичига олади: зодагон эркаклар ва аёллар кийимлари, *жанговар* эркаклар ва аёллар кийимлари, шунингдек, оддий одамларнинг, фермерлар ва хунарманд эркаклар ва аёллар кийимлари”.

اور [*var*] суффикси ва унинг اور [*ur*] ҳамда اور [*āvar*] суффиксал алломорфлари вазифа жиҳатдан белгига эгаликни ифодаловчи сифатларни ясайди. اور [*var*] суффикси اور [*ur*] ҳамда اور [*āvar*] алломорфларига нисбатан маҳсулдордир ва ушбу қўшимча ясаган сифатларни турли услубларга оид матнларда учратиш ҳамда қўллаш мумкин. اور [*ur*] ҳамда اور [*āvar*] суффиксал алломорфлари اور [*var*] суффиксининг бир мунча архаик варианты ҳисобланади. Шунинг учун бу қўшимчалар ясаган сифатларни асосан бадий адабиёт намуналари орасида учратиш мумкин. Бу қўшимчалар ўзаро ўрин алмаша олган ҳолатлари кузатилмади.

Натижа ва мулоҳазалар. Ушбу мақолада форс тилидаги сифат ясовчи суффиксал алломорфларни тадқиқ этдик. Бунда биз танлаб олинган 6 та ўз алломорфига эга бўлган сифат ясовчи суффиксал морфемаларни 2 гуруҳга бўлиб, манбалар асосида таҳлил қилдик ва куйидаги хулосаларга келдик.

Ўзаро ўрин алмашиниб кела оладиган сифат ясовчи суффиксал алломорфлар:

1. اسا [*āsā*] суффиксининг سا [*sā*] ҳамда سان [*sān*] алломорфлари билан ясалган сифатларни турли стилистик матнларда учратиш мумкин. Шу билан

¹ Aškān Āviš. Tašnegi hā-ye abadiy. (Eternal thirst). Tehrān. 1390. – S. 166.

² [http://mile.kentiaflowers.ir/mile/9460/html]



бирга, سا [sā] суффиксал алломорфи билан ясалган сифатлардан асосан қизларнинг исмларидан кенг фойдаланилади. مهسا [mahsā], پريسا [parisā] шулар жумласидандир.

2. مند [mand] суффикси ясаган ясама сифатларни ҳар қандай турдаги матнларда учратиш мумкин. Ҳатто баъзи ҳолатларда ушбу суффиксни неологизмлар таркибида ҳам қўриш мумкин (فرازمند [farāzmand] – ўсувчан). ومند [umand] суффиксал алломорфи مند [mand] суффиксининг архаик варианты бўлиб, مند [mand] суффиксига нисбатан каммаҳсул ва кам истеъмолдаги кўшимчадир. Шунинг учун бу кўшимча билан ясалган сифатларни асосан қадимий матнларда учратиш мумкин.

3. گين [gin] суффикси ҳамда унинг اگين [āgin] суффиксал алломорфи стилистик жиҳатдан ҳам деярли бир-биридан фарқ қилмайди, яъни ҳар икки суффикс ясаган сифатларни ҳар қандай турдаги матнларда учратиш мумкин.

Ўзаро ўрин алмашилиб кела олмайдиган сифат ясовчи суффиксал алломорфлар:

4. انه [āne] суффиксининг گانه [gāne], يانه [yāne] ҳамда وانه [vāne] суффиксал алломорфи билан ясалган сифатларни ҳар қандай стилистик турдаги матнларда учратиш мумкин.

5. ای [i] суффиксининг گى [gi] ҳамда وى [vi] суффиксал алломорфлари билан ясалган сифатларни ҳар қандай услубдаги матнларда учратиш мумкин.

6. و [var] суффикси اور [ur] ҳамда اوار [āvar] алломорфларига нисбатан маҳсулдордир ва ушбу кўшимча ясаган сифатларни турли услубларга оид матнларда учратиш ҳамда қўллаш мумкин. اور [ur] ҳамда اوار [āvar] суффиксал алломорфлари و [var] суффиксининг бир мунча архаик варианты ҳисобланади. Шунинг учун бу кўшимчалар ясаган сифатларни асосан бадиий адабиёт намуналари орасида учратиш мумкин.

Хулоса. Умумий хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки,

1. Форс тилида сифат ясовчи суффиксал морфемаларда уларнинг турли хил алломорфлари кузатилади.

2. Форс тилида сифат ясовчи суффиксал морфемалар функционал ва семантик жиҳатдан ўзаро бир-бирига яқин вазифаларни бажаради.

3. Форс тилида сифат ясовчи суффиксал алломорфлар услубий жиҳатдан турли услубларга мансуб бўлади. Аммо баъзи ҳолатларда бир асос таркибида алмашилиб қўлланиладиган сифат ясовчи суффиксал алломорфлардан ясалган сўзлар услуб жиҳатдан фарқ қилмайди.

4. Форс тилида сифат ясовчи суффиксал алломорфлар яшаш усулига кўра, фонетик жиҳатдан фарқ қилади. Лекин айрим ҳолларда ўзаро фонетик жиҳатдан фарқ қилувчи сифат ясовчи суффиксал алломорфлар бир асос таркибида алмашилиб қўлланилиши мумкин.

Мухтасар қилиб айтганда, сифат ясовчи суффиксал алломорфлар орқали ясалган ясама сифатлар форс тили луғат бойлигини янада бойитишга ҳамда турли фонетик ва стилистик вариантларнинг кўпайишига сабаб бўлади.



ХИДИРАЛИЕВ ХУСАИН

преподаватель, ТГУВ

Смысл и значение слова «'ilm» (знание) в Коране

Аннотация. Статья написана на основе филологического исследования, основная цель которой – предоставление научной общественности некоторых выводов семантического анализа слова «'ilm» (знание) в тексте Корана, где оно употребляется 105 раз.

Смысловая структура слова «'ilm» (знание) в тексте Корана исследована на основе полного охвата всех употреблений данного слова и их классификации по определённым критериям.

В статье выявлены два основных значения данного слова: 1) «Абсолютное знание» - т.е. знание Божественное; 2) «относительное знание» - т.е. знание созданных Аллахом творений (знание, данное ангелам и человечеству). Также подвергаются анализу различные оттенки абсолютного и относительных знаний, в том числе и на уровне именных словосочетаний со словом «'ilm» (знание).

В статье приводятся мысли по данному вопросу таких европейских ученых-востоковедов и исламоведов как М.Роденсон, Е. Фролова, А.Зарринкуб, Б.Жонатан, Ш.Блэр, М.Букай и Ф.Роузенгал. Например, американский ученый Ф.Роузенгал в своей книге «Торжество знания» показал, насколько близки и взаимосвязаны понятия наука и вера в исламе, что они не противоречат друг другу, а, наоборот, гармоничны, взаимосвязаны, взаимодополняют друг друга и в отдельности их представить не возможно.

Кроме того, вопрос о соотношении науки и веры всегда находится в центре внимания наших великих предков и в каждый период истории в интерпретации данного вопроса на первый план выходят его различные аспекты.

Опорные слова и выражения: Ислам, Коран, абсолютное знание, относительное знание, наука, вера, категория, цивилизация, суть, смысл, значение, соотношение, учение, прогресс, духовность, культура, перевод, анализ.

Аннотация. Мақола алоҳида филологик тадқиқот асосида ёзилган бўлиб, унинг асосий мақсади Қуръонни карим матнидаги 105 марта қўлланилган «'ilm» (илм, билим) сўзининг семантик таҳлилини айрим ҳулосаларини илмий жамоага тақдим этишдан иборат.

«'ilm» (илм, билим) сўзининг семантик структураси Қуръон матнидаги ушбу сўзнинг барча қўлланишларини тўлиқ ёритиши ва уларни маълум мезонларга кўра таснифлаш асосида тадқиқ этилган.

Мақолада бу сўзнинг икки асосий маъноси аниқлаб берилган: 1) "мутлақ илм" – яъни, илоҳий илм; 2) "нисбий илм" – яъни, Аллоҳ томонидан яратилган фаришталарга ва инсониятга берилган билим. Шунингдек, "мутлақ" ва "нисбий" билимларнинг турли кўринишлари, жумладан, «'ilm» (илм, билим) сўзи билан шакланган иборалар даражасида таҳлил қилинади.

Мақолада ушбу масала бўйича Европа шарқишунос ва исломшунос олимлари М. Роденсон, Е. Фролова, А. Зарринкуб, Б. Жонатан, Ш.Блэр, М. Букай ва Ф. Роузенгал каби олимлар фикрлари билдирилган. Мисол учун, америкалик олим Ф. Роузенгал ўзининг "Илм тантанаси" китобида илм ва имоннинг Исломга қанчалик яқин, бир-бирига боғлиқ тушунчалари эканлиги, улар бир-бирига зид эмас, аксинча, уйғун, ўзаро боғлиқ, бир-бирини тўлдирувчи ва алоҳида тасаввур қилиб бўлмаслигини кўрсатиб ўтган.



Бундан ташқари, илм-фан ва имон ўртасидаги муносабат масаласи доимо буюк аждодларимизнинг диққат марказида бўлганлиги ва тарихнинг ҳар бир даврида бу муаммо талқинида унинг турли жиҳатлари биринчи ўринга чиқанлиги алоҳида аҳамият касб этади.

Таянч сўз ва иборалар: Ислоом, Қуръон, мутлақ билим, нисбий билим, фан, имон, тоифа, цивилизация, моҳият, маъно, маъно, муносабат, таълимот, тараққиёт, маънавият, маданият, таржима, таҳлил.

Abstract. The article is written on the basis of philological research, the main aim of which is to present some semantic analysis of the word «ilm» (knowledge) of the Quranic text where it is used 105 times.

The semantic structure of the word «ilm» (knowledge) in the Quranic text was examined on the basis of full scope of the usage of this word and its classification on the definite criterion. It was known, that this word has broader sense in the Holy Quran.

In the article two main meanings were shown in the word «ilm» (knowledge): 1) «absolute knowledge» - the Devine knowledge; 2) «relative knowledge» - knowledge created by the creatures of the God (The knowledge given to angels and humanity).

So the article presents the thoughts on this issue of such European Orientalists and Islamic scholars as M. Rodenson, A. Mrozek, E. Frolova, J. Timothy, A. Zarrinkub, B. Jonathan, S. Blair, M. Bukai and F. Rosenthal. For example, the American scientist F. Rosenthal in his book "the Triumph of knowledge" showed how close and interrelated the concepts of science and faith in Islam are, that they do not contradict each other, but, on the contrary, are harmonious, interrelated, complement each other and it is not possible to present them separately.

In addition, the question of the relationship of science and faith is always in the focus of our great ancestors, paying attention to the fact that in each period of his own interpretations and different aspects are reflected.

Keywords and expressions: Islam, Quran, absolute knowledge, relative knowledge, science, faith, category, civilization, essence, meaning, correlation, teaching, progress, spirituality, culture, translation, analysis.

Эта статья написана на основе филологического исследования, основная цель которой представление научной общественности некоторых выводов семантического (контекстного) анализа смыслов слова «ilm» (знание, наука) в тексте Корана, где оно встречается 105 раз.

Как мы знаем, все мировые религии призывают человека к духовному очищению, возвышению, чистоте души и сердца, к искренности, нравственной воспитанности, высокой культуре и, конечно, к знаниям и просвещению. Всё это мы можем еще глубже узнать, обратившись к основным источникам - божественным книгам любой религии.

Религия ислам, наряду с другими религиями уважительно относится ко всем человеческим ценностям: гуманизму, человеколюбию, толерантности, уважению родителей, бережное отношение к семье, и конечно, стремлению к знаниям.

В XX веке западные востоковеды и исламоведы провели ряд научных исследований по изучению вопроса отношения культуры исламского региона к знаниям и науке. Например, американский ученый Ф. Роузентал в своей книге



«Торжество знания»¹ показал, насколько близки и взаимосвязаны понятия наука и вера в исламе, что они не противоречат друг другу, а, наоборот, гармоничны, взаимосвязаны, взаимодополняют друг друга и в отдельности их представить невозможно.

По этому вопросу французский учёный М. Букай говорит следующее: «...Изучив их (аяты Корана) еще раз, я уже не мог не признать, что передо мной находится неоспоримое доказательство следующего: в Коране не содержится ни единого положения, уязвимого с точки зрения современной науки. ...Ислам всегда считал религию и науку сестрами-близнецами и с самого начала повелел людям развивать науку. Благодаря практическому воплощению этой заповеди великая эпоха Исламской цивилизации стала свидетелем исполинских шагов науки, которые обернулись во благо и Востоку, и Западу...»².

Вот мнение другого западного ученого А. Зарринкуба: «Главной движущей силой явления, известного как «исламское чудо», была страстная тяга мусульман к знаниям, порождённая установками и предписаниями Корана и Пророка Мухаммеда...»³.

А Ж. Блум пишет: «Золотой век был (IX-X вв.) не только эпохой процветания исламского мира, но также и периодом непрерывного и напряжённого интеллектуального поиска... Кроме Корана и Сунны пророка, мусульмане обращались к древним учениям греков, персов и индусов и старались привести их в соответствие с требованиями своей веры. Обстановка бурной интеллектуальной и художественной деятельности, которая отличала жизнь в столице Халифата Багдаде, способствовала тому, что некоторые исследователи стали уподоблять Золотой век плавильному котлу, в котором умственные традиции различных эпох и народов смешивались и переплавлялись, чтобы породить в результате один из величайших периодов в истории мировой цивилизации»⁴.

Французский востоковед Максим Роденсон выражает свое мнение: «Коран – это священная книга, в которой рационализм занимает очень большое место»⁵.

Мы хотели бы ещё глубже рассмотреть, изучить и узнать какие значения и смысл имеет слово «'ilm» (знание, наука), встречающего в Коране.

Слово «'ilm» (знание, наука) используется в Коране в значениях близких ко значениям слов «знание», «наука», «познание» в русском языке. Это слово имеет такое же значение, которое даётся в книге «Илм» (Знание), первой

¹ Роузентал, Франц. Торжество знания. Концепция знания в средневековом исламе. М., Главная редакция восточной литературы издательства «Наука», 1978. –С. 45.

² Букай, Морис. Библия, коран и наука. (Пер. с франц.) // Религиоведение. 2008. с. 6-7.

³ Зарринкуб А.Х. Исламская цивилизация. Великие открытия и достижения человечества. – СПб.: Издательство «ДИЛЯ», 2011. – С. 35.

⁴ Влум, Джонатан и Блэр, Шейла. ИСЛАМ. Тысяча лет веры и могущества.(пер. с.англ.) – СПб.: Издательство «Диля». - 2011. – С.82.

⁵ Фролова Е.А. Проблемы веры и знания в арабской философии. – М.: Главная редакция восточной литературы издательства «Наука», 1983. с. 94-95.



частью известного научного труда «Ихья 'улум ад-дин» (Возрождение религиозных наук) известного имама аль-Газали¹.

В Коране слово «'ilm» (знание, наука) встречается в разных аятах (стихах) как в форме отдельного слова, так и в различных словосочетаниях и выражениях. Это слово в сочетаниях с другими словами имеют множество различных значений.

В 255-аяте (известный как «аят аль-Курси» (Трон Божий)) суры «аль-Бакара» (Корова) говорится о том, что существуют следующие уровни знания: «Аллах - нет божества, кроме Него, живого, сущего; не овладевает Им ни дремота, ни сон; Ему принадлежит то, что в небесах и на земле. Кто заступится пред Ним, иначе как с Его позволения? Он знает то, что было до них, и то, что будет после них, а они (люди и остальные творения) не постигают ничего из Его знания, кроме того, что Он пожелает. Трон Его объемлет небеса и землю, и не тяготит Его охрана их; поистине, Он - высокий, великий!»².

Исходя из смысла данного аята, можно понять, что Божественное знание – это абсолютное, всеобъемлющее, совершенное, полное знание. Знание же ангелов, людей (и других творений) то оно относительное, ограниченное и несовершенное. И ангелы и люди в соответствии своих способностей и возможностей, могут приобрести, владеть лишь теми знаниями, который пожелал и определил Аллах.

Книга американского ученого Франца Роузентала «Торжество знания»³ представляет собой исследование предмета науки в исламском мире, где ученый использует слово «'ilm» (знание) в Священном Коране двумя видами: «божественное знание» и «человеческое знание». Ученый очень глубоко и фундаментально изучив данную проблематику, постарался всесторонне раскрыть её. Однако в его разъяснениях встречаются некоторые неточности. Вышеупомянутая классификация не может точно отразить смысл значений слов «'ilm» (знание), выраженных в Божественной книге. По нашему мнению, в первую очередь, проведя филологический анализ при изучении данной проблематики, можно было бы ещё подробнее понять смысл, значение этого слова и дать более точную классификацию термина «'ilm» (наука, знание).

В нашем исследовании, выбрав этот путь, мы получили следующую классификацию и в результате этого система определений стала другой.

На первом этапе полного анализа значения слова «'ilm» (знание) в аятах Корана требовалось разделить двух его основных значений: первое - это «абсолютное знание» - бесконечное знание, принадлежащее Аллаху, второе –

¹ Имом Абу Хомид Мухаммад ибн Мухаммад ал-Газолий. ИХЪУ УЛУМИД-ДИН (Дин илмларини жонлантириш). 1-китоб. Илм китоби. Тошкент., «Мовароуннахр». 2003 йил., сах. 39-41.

² Коран. Перевод Крачковского И.Ю. М.: «МАДЖЕСС» 1990. 363стр.

³ Роузентал Франц. Торжество знания. Концепция знания в средневековом исламе. М: Главная редакция восточной литературы издательства «Наука», 1978.



«относительное знание» - знание сотворённых: ангелов и людей, т.е. знания, свойственное, определённое им, и которое они приобрели. Первая причина необходимости данной классификации состоит в том, что в тексте следующих аятов, помимо «знания Божественного» и «знания человеческого», также говорится и о «знании ангелов».

Известно, что в 30-38 аятах суры "аль-Бакара" речь идёт о сотворении Адама. В связи с этим событием, в этих стихах приводится беседа Аллаха и ангелов. Так ангелы говорят:

«Они сказали: "Хвала Тебе! Мы знаем только то, чему Ты нас научил. Поистине, Ты - знающий, мудрый!"¹ (2:32)

Но почему мы просто не добавили к квалификации знания американского ученого третий вид знаний - «знание ангелов»? Дело в том, что здесь проблема намного сложнее. Причина этого в том, что Божественное знание является абсолютным, совершенным, идеальным и полным знанием, которая охватывает всё и вся. Оно независимо от любого источника, ссылки и, в свою очередь, является источником всех существующих знаний.

Знания же ангелов и людей относительные, изначально не самостоятельны, а исходят из определенного источника, т.е. зависимы от него, ссылаются и опираются на него. Во-вторых, эти знания ограниченные и несовершенные.

В Коране слово «`ilm» (знание) иногда встречается в форме определенных словосочетаний и фраз, а иногда как отдельное слово.

В частности, когда слово знание - «al-`ilmu» (знание) используется как отдельное слово:

1) (Знание Аллаха, т.е. «абсолютное знание») - 32 раза - (2:120,145,255; 3:19,61; 4:166; 6:80; 7:7,52,89,187(2); 10:39,93; 13:37; 17:85; 19:43; 20:52,98; 33:63; 35:11; 40:7,83; 41:47; 42:14; 44:32; 45:17; 45:23; 46:23; 53:30; 65:12; 67:26).

Пример: 4:166 - "Но Аллах свидетельствует о том, что ниспосланное тебе Он ниспослал это в знании Своем², и ангелы свидетельствуют, и довольно Аллаха как свидетеля!"

2) «относительное (или человеческого или ангельского) знание» - 36 раза - (2:32, 247; 3:66(2); 4:157; 5:109; 6:143,148; 11:46,47; 12:22; 16:70; 17:36; 18:5,65; 20:110,114; 21:74,79; 22:5,71; 24:15; 26:112; 27:15,66,84; 28:14,78; 29:8; 31:15; 38:69; 39:49; 40:42; 43:20; 45:24; 53:28).

Пример: 20: 114 - "Превыше всех Аллах, Властелин истинный!³ Не торопись с Кораном прежде, чем будет закончено тебе его ниспослание, и говори: "Господи мой! Умножь мое знание".¹

¹ Коран. Перевод Крачковского М.: «МАДЖЕСС» 1990. 363стр. (В дальнейшем, везде где не указано особо, переводы И.Ю. Крачковского).

² Коран. Перевод с арабского и комментарии выполнены Д.С.Богуславским. Стамбул, 2002, С. 104.

³ Уточнено по переводу М.-Н.О.Османова. См. Коран. Перевод с арабского и комментарий М.-Н.О.Османова. М., "Ладомир", 1999, с. 333.



Теперь рассмотрим словосочетания и выражения со словом «`ilm» (знание, наука), приведённых в аятах (стихах) Корана (37 раз), и отметим значение слова «наука» в них. В Коране слово «`ilm» (знание) в смысле «абсолютного знания, т.е. божественного, которое относится только к Аллаху, в словосочетаниях приводится 7 раз. В дополнение к вышеприведенному общему значению слова «`ilm» каждое словосочетание имеет также свое конкретное значение:

1) «`ilmul-lohi» (знание Аллаха) - 1 раз - 11:14 – "Если же они не ответят вам, то знайте, что ниспослан он по ведению (знанию) Аллаха и что нет божества, кроме Него. Мусульмане ли вы?"²

2) «`ilmul-ul-gaibi» (знание сокровенного) - 1 раз - 53:35 - «Разве у него знание о сокровенном. Разве ясновидец он?»³

3) «`ilmus-saati» (знание о часе Суда (Судного дня)) - 3 раза - 31:34; 41:47; 43:85; Пример: 41:47 - «К Нему возводится знание о часе; не выходят плоды из их завязей, не понесет самка и не сложит иначе, как с Его ведома. В тот день, как Он возгласит: "Где Мои сотоварищи!" - те скажут: "Мы возвестили Тебе, нет среди нас никакого свидетеля!"⁴

За) «la `ilmun lis-saati» (Знаки часа (Судного дня)) – 1 раз - 43:61; "Воистину, он (Иисус) - признак часа. Не сомневайтесь в этом и следуйте за Мной! Это - прямой путь"⁵.

4) «`ilmul-yaqin» (истинное, достоверное знание) 1 раз - 102: 5 - «И правда, если бы вы знали знанием истинным...»⁶

Другие словосочетания со словом «`ilm» (знание) в Коране, которые относятся к человеку, т.е. к «относительному знанию», классифицируются следующим образом:

1) «utu-l-`ilma» (те, кому дано знание) - 9 раз (58:11; 17:107; 28:80; 27:42; 22:54; 29:49; 47:16,6; Пример: 58:11 – «...Возвышает Аллах тех из вас, которые уверовали, и тех, кому дано знание, на разные степени. Аллах сведущ в том, что вы делаете!»)

2) «Utu-l-`ilma wal-`imana» (те, кому дано знание и вера) 1 раз - 30:56 – «И сказали те, кому было даровано знание и вера: "Пробыли вы по писанию Аллаха до дня воскресения. Вот - это день воскресения, но однако вы не знали».

3) «ulu-l-`ilmi» (обладающие знанием) - 1 раз - 3:18; «Свидетельствует Аллах, что нет божества, кроме Него, и ангелы, и обладающие знанием, которые стойки в справедливости: нет божества, кроме Него, великого, мудрого!»)

¹ Коран. Перевод Крачковского И.Ю. М.: «МАДЖЕСС» 1990. 363стр.

² Исправлен по переводу Д.С.Богуславского. Коран. Перевод с арабского и комментарий выполнены Д.С.Богуславским. Стамбул, 2002, с.223.

³ Исправлен по по переводу М.-Н.О.Османова. См. Коран. Перевод с арабского и комментарий М.-Н.О.Османова. М., "Ладомир", 1999, с. 540.

⁴ Коран. Перевод Крачковского И.Ю. М.: «МАДЖЕСС» 1990. 363 стр.

⁵ Исправлен по переводу М.-Н.О.Османова. с. 507.

⁶ Коран. Перевод с арабского и комментарий М.-Н.О.Османова. М., "Ладомир", 1999, с. 613.



4) «ar-rasihuna fil-‘ilmi» (твердые в знаниях, т.е. имеющие прочные знания) - 2 раза - 3:7; 4:162; Пример: 3: 7 - «... И твердые в знаниях говорят: "Мы уверовали в него; все - от нашего Господа". Вспоминают только обладатели разума»!

5) «zu-‘ilmin» (обладающий знанием) - 2 раза - 12:68; 12:76; Пример: 12:68 - «...И когда они вошли там, где велел им отец их, это не избавило их от Аллаха ни в чем, а только (удовлетворило) желание в душе Йакуба, которое он выполнил, - он ведь обладал знанием потому, что Мы его научили, но большая часть людей не знает».

6) «‘ilm-ul-kitabi» (сведущий знанием книги (Божественной))¹ - один раз - 13:43 - И говорят те, которые не верили: "Ты - не посланный!" Скажи: "Довольно Аллаха свидетелем между мной и вами и того, у кого знание книги!"

7) «‘ilmun min-al-kitab» (знание из Писания) - 1 раз - 27:40 - «Но некто другой, Знанием из Писания обладавший, сказал: "А я доставлю его тебе в мгновение ока".²

8) «bi ‘gairi-‘ilmin» (без всякого знания) - 12 раз (6:100,108,119,140,144; 16:25; 22:3,8; 30:29; 31:6,20; 48:25); Пример: 31:20 - «Разве вы не видели, что Аллах подчинил вам то, что в небесах и на земле, и пролил вам милость явную и тайную? И среди людей есть такой, который препирается относительно Аллаха без всякого знания и руководства и просвещающего писания».

В Коране, это выражение используется в основном для идолопоклонников, которые не верят в Бога или поклоняются какому-либо другому божеству, кроме Бога, и это потому, что они предпочитают себя самим знаниям.

Но в Коране имеется единственный аят, где эта фраза использована в отношении самого пророка и его сподвижников, которых Аллах предостерегает от совершения тяжкого греха из-за отсутствия достоверного знания.

48:25 - "... Если бы не было среди них (т.е. неверных Мекки) верующих мужчин и женщин, которых вы не знаете, если бы не опасность, что ты в схватке сделаешь преступление, сам того не зная, и если бы Бог не желал оказать милосердие Свое, кому хотел, если бы накануне они были разделены (верующие от неверных), то конечно, Мы бы поразили неверных из них страшным наказанием³.

Согласно классификации, словосочетания, связанные с человеческим «относительным знанием», встречались 29 раз. Источник человеческих знаний разнообразен, заметно, что в тех местах, которые мы классифицировали, речь идет скорее о мире сокровенном, о знании, которое люди приобретают через

¹ "Согласно Табари и Байдави, имеется в виду: 1) иудеи и христиане, имеющие познания в Торе и Евангелии; 2) Абдаллах ибн Салам и подобные ему." - Комментарии М.-Н.О.Османова. См. Коран. Перевод с арабского и комментарий М.-Н.О.Османова. М., "Ладомир", 1999, с. 713.

² Коран. Перевод с арабского и комментарий М.-Н.О.Османова. М., "Ладомир", 1999, с. 393.

³ Исправлен по переводу Д.С.Богуславского. Коран. Перевод с арабского и комментарий выполнены Д.С.Богуславским. Стамбул, 2002, с. 514.



божественные книги, дающие силу вере. Вопрос знания о материальном мире, необходимого для выживания человека, здесь не затрагивается, потому что это отдельная тема.

Теперь рассмотрим те места, где слово «'ilm» (знание, наука) употребляется как отдельная часть предложения. Когда это слово используется в значении "абсолютное знание Аллаха", оно выражает следующие значения:

1) "знание Аллаха, охватывающее Все" - 5 раз (6:80; 7:89; 20:98; 65:12; 40:7).
Пример: 20: 98 - " Ваш Бог ... Он объемлет всякую вещь Своим знанием»;

2) "знание гайба"(знание сокровенного) - 14 раз (2:255; 4:166; 7:7,52; 10:39; 17:85; 20:52; 35:11; 40:83; 41:47; 44:32; 45:23; 46:23). Пример: 17: 85 – Они спрашивают Тебя о духе (душе). Скажи: "Дух от повеления Господа моего. Даровано вам знания (о душе) лишь немного». В переводе М.-Н. О. Османова: "О душе ведомо лишь Господу моему. Вам же мало что дано знать"¹

3) "Откровение (руководство), посланное пророкам Аллаха " (Аль-ильму) - 9 раз (10:93; 45:17; 19:43; 2:120,145; 3:61; 13:37; 42:14; 3:19;(Тора, Евангелие, Коран и послания другим пророкам); пример: 13: 37- " И так мы ниспослали тебе его (Коран) ... Если же ты последуешь за их страстями, после того как пришло к тебе знание, - нет тебе от Аллаха ни помощника, защитника»;

4) "знание о часе Воскрешения" (ал - 'илму) - 4 раза - 7:187(2); 33:63; 67:26; пример: 33: 63 - " люди спрашивают тебя о часе. Скажи: Сведения о нем есть только у Аллаха."»

В свою очередь, "относительные знания" также имеет ряд существенных особенностей:

1) "знание пророков" - 12 раз - (все пророки-5: 109; Ной – 11:46,47; 26:112; Лот - 21: 74; Иосиф - 12: 22; Давид и Соломон - 21:79; 27:15; Моисей - 28:14, 40:42; Мухаммад - 20:114; 38:69;

Пример: 12: 22 - " И когда он дошёл до зрелости, даровали Мы ему мудрость и знание; и так воздаем Мы добродееющим»

2) "знающий скрытое знание" (Хизр), То есть иметь чёткие, ясные знания, которые даются Богом - 1 марта-18: 65- " И нашли они раба из Наших рабов, которому мы даровали милосердие от Нас и научили Нашему знанию».

3) 1 раз в значении "познание Ангелов" – 2:32; - (содержание стиха было процитировано выше).

4) "наука отдельных людей или человечества" - 12 раз - 2:247; 3:66(2); 4:157; 28:78; 16:70; 17:36; 20:110, 22:5; 29:8; 31:15; 39:49; пример: 20: 110 - " Знает Он(Бог) то, что было до них и что будет после них, а они не объемлют этого знанием»;

4а) "знание идолопоклонников и богохульников" - 9 раз - 6:143,148; 18:5; 43:20; 22:71; 27:66,84; 45:24; 53:28; пример: 45: 24 - " И сказали они: «Это ведь – только наша ближняя жизнь; умираем мы и живём; губит нас только время». Нет у них об этом никакого знания, они ведь только предполагают!» (Когда

¹ Коран. Перевод с арабского и комментарий М.-Н. О. Османова. М, "Ладомир", 1999, С. 303.



слово «'ilm» (знание) используется в значении знание неверующих и идолопоклонников, то имеется в виду их общее представление о смерти, жизни (т.е. не научное знание, а знание в общем). И что интересно, ни в одном аяте (стихе) Корана данное слово не применяется к людям этой категории в положительном смысле, а в отрицательной форме, что означает - "без знания и доказательства", или "не владея знаниями и доказательствами".

Люди этой категории могут владеть разными мирскими знаниями. Но о знании, связанным с верой - убеждением, у них нет достоверной информации. Потому что, как приводятся в аятах(стихах): "... они следуют только догадкам" или другой ложной информации...

46: 4 - "Скажи: «Видели ли вы то, к чему взывают помимо Аллаха? Покажите мне, что они создали из земли, или у них есть компания в небесах? Принесите мне книгу более раннюю, чем эта, или какой-нибудь след знания (научного доказательства), если вы правдивы!»

46) "знание лицемеров" - 1 раз - 24:15 - "... о чем у вас нет знания, и считаете, что это ничтожно..."

Итак, мы рассмотрели употребление слова «'ilm»(знание), его различные словосочетания в тексте Корана, особенности их интерпретаций и значений, выявили два основных значения данного слова: 1) «Абсолютное знание» - т.е. знание Божественное; 2) «относительное знание» - т.е. знание созданных Аллахом творений (знание, данное ангелам и человечеству).

Как мы видим, в стихах Корана "лица, наделенные знанием", "люди знания", и "лица, наделенные знанием и верой" прославляются и упоминаются с большим уважением. Например, исходя из текста некоторых аятов "люди знания" имеют право свидетельствовать об Аллахе так же, как и ангелы, или что "люди знания и веры" возносятся до высших степеней, и что религия Ислам относится к «людям знания» (учёные, люди занимающиеся наукой и просвещением) с большим уважением и достоинством.

Как говорится в Коране сотворение прекрасного, совершенного мира, который окружает нас или откровения божественных книг связано с абсолютным знанием Аллаха. В то же время неоднократно подчеркивается то, чтобы правдиво осознать, изучить, познать этот мир и правильно воспользоваться всеми его благами, можно только лишь через знание, науку (созерцание, рассуждение и анализ) и веру. Также чтобы путь просветления, знания человека был более легким и плодотворным, в тексте Корана даются границы "абсолютного" и "относительного" знания, а также путь приобретения знания, науки.

(В статье русский перевод коранических аятов(стихов) цитируется из книги «Коран». (перевод И.Ю. Крачковского. Москва «МАДЖЕСС» 1990.)



МАВЛЯНОВА УМИДА

PhD, ТДШУ

Хитой тилишунослигида фразеологик бирлик терминининг таърифига оид

Аннотация. Мазкур мақолада XX асрнинг 50-60-йилларида хитой тилишунослигида фразеологик бирлик терминининг келиб чиқиши ва унинг кенг қамровда қўлланилиши ҳақида ёзилган. Хитой фразеологиясининг алоҳида соҳа сифатида ажралиб чиқиши XX асрнинг иккинчи ярмига тўғри келади. Хитой тилишуносларининг фразеологияга бағишланган ишларида турли маъноларда тушуниши мумкин бўлган 成语 chéngyǔ (идиома) термини қўлланила бошланди. Бу термин асосан қуйидаги маъноларда ишлатилган: 1) кенг маънода: тўрт таркибдан иборат бўлган турғун бирикмалар, мақоллар, афоризмлар; 2) тор маънода фақат фразеологик бирликларни билдиради. Бошқа хитой тилишунослари кенг маънодаги «фразеология» ёки «фразеологик бирлик» тушунчаси учун 熟语 shù yǔ терминини қўлайдилар. Бунда 熟 shù компоненти тайёр ёки таниш маъносини ифодаласа, 语 yǔ эса нутқ, жумла, сўз маъносига эга. Натижада 熟语 shù yǔ термини фанда термин мавқеига эришган.

Таянч сўз ва иборалар: Хитой тили, тилишунослик, фразеологик бирлик, идиома, лексикология, мақол.

Аннотация. В статье рассматривается происхождение термина фразеологизм в китайской лингвистике 50-60 годов XX века и его широкое употребление. Возникновение китайской фразеологии как отдельного раздела китайского языкознания относится ко второй половине XX века. Известно, что работах китайских лингвистов по фразеологии стали употреблять термин 成语 chéngyǔ идиома, обладающий многообразием значений, но в основном, используемый в значении: 1) в самом широком смысле: фразеологические единицы, пословицы, афоризмы, состоящие из четырех компонентов; 2) в узком смысле означает только фразеологизмы. Однако другие китайские лингвисты используют термин 熟语 shù yǔ для обозначения «фразеологии» или «фразеологической единицы» в самом широком смысле. В этом случае компонент 熟 shù означает «готовый» или «знакомый», 语 yǔ означает «предложение, слово». В результате термин 熟语 shù yǔ получил статус основного термина в китайской лингвистике.

Опорные слова и выражения: Китайский язык, лингвистика, фразеологизм, идиома, лексикология, пословица.

Abstract. This article deals with the origin of the term phraseological unit in Chinese linguistics in the 50-60s of the 20 th century and its widespread use. The emergence of Chinese phraseology as a separate section of Chinese linguistics dates back to the second half of the twentieth century. It is known that the works of Chinese linguists on phraseology began to use the term 成 成 chéngyǔ idiom, which has a variety of meanings, but is mainly used in the meaning of: 1) in the broadest sense: phraseological units, proverbs, aphorisms, consisting of four components; 2) in the narrowest sense means only phraseological units. However, other Chinese linguists use the term sh shù yǔ to refer to a "phraseology" or "phraseological unit" in the broadest sense. In this case, the component sh shù means "ready" or "familiar", 语 yǔ means "sentence, word". As a result, the term sh shù yǔ received the status of the main term in Chinese linguistics.

Keywords and expressions: Chinese language, linguistics, phraseology, idiom, lexicology, proverb.



Кириш. Маълумки, тилнинг лексик сатҳи дунё ҳақидаги билимларнинг деярли барча соҳаларини камраб олади, фразеология эса кўпроқ инсоннинг руҳияти, кишилар ўртасидаги муносабатлар, ижтимоий-этник баҳоларни ифода этади. Фразеологизмларнинг коммуникатив таҳлили дейилганда, уларнинг мазмуни, тузилиши ва нутқда қўлланиши кўзда тутилади. Бундай вазиятда фразеологизмлар коммуникатив вазифалари асосида реал борлиқ ҳақидаги маълумотларнинг ифодаси, сўзловчининг коммуникатив интенцияси ва прагматик эффектдан ташкил топган интеграл бутунлик сифатида қабул қилинади. Диққат марказда эса семантика масаласи туради. Чунки семантикагина тилнинг моҳиятини тўлалигича кўрсата олади ¹.

Мақсад ва вазифалар. Иборалар халқнинг узоқ асрлик анъаналари, урф-одати, маданияти ва тарихини акс эттириши жиҳатидан қимматлидир. Хитой тили дунёнинг мақол, матал ва ибораларга ўта бой тилларидан бири бўлиб, унинг бутун гўзаллиги, таровати ана шу бирликларда ўз аксини топган. П.П. Ветровнинг эътирофича, хитой тилшуносларининг фразеологияга бағишланган ишларида (XX асрнинг 50–60-йилларидаги тадқиқотлар кўзда тутилмоқда) турли маъноларда тушуниш мумкин бўлган 成语 chéngyǔ *идиома* термини қўлланила бошланди². Бу термин асосан куйидаги маъноларда ишлатилган: 1) кенг маънода: тўрт таркибдан иборат бўлган турғун бирикмалар, мақоллар, афоризмлар; 2) тор маънода: фақат фразеологик бирикларни билдиради. Бошқа хитой тилшунослари кенг маънодаги *фразеология* ёки *фразеологик бирлик* тушунчаси учун 熟语 shùyǔ терминини қўллайдилар. Бунда 熟 shù компоненти *тайёр* ёки *таниш* маъносини ифодаласа, 语 yǔ эса *нутқ, жумла, сўз* маъносига эга.

Методлар. Умуман, хитой тилшуносларининг лексикологияга оид ишларида 熟语 shù yǔ терминининг ҳар доим ҳам ажратилмаганлигини кузатиш мумкин. Хусусан, хитой тилидаги фразеология алоҳида ажратилиб тадқиқ этилганда ҳам, йўл-йўлакай маълумот берилганини таъкидлашимиз зарур. Масалан, Юн Шенг, Жанг Юнян, Ву Жанкун, Ван Чин, Фу Хуайчинг сингари тилшунос олимлар фразеологизмлар қаторида тилда учрайдиган барча турғун бирикмалар ва турғун гапларни (мақоллар, афоризмларни) келтирадилар. Хитой тили луғатлари ҳам шундай қарашлар таъсирида тузилган³.

XX асрнинг иккинчи ярмидан фразеологизмлар хитой тилшунослигида жиддий ўрганила бошлагач, фразеологик бирикларни таснифлаш, тизимлаштириш масаласи кун тартибидан ўрин олди. Масалан, Сун Вейжан фраземаларни куйидагича таснифлайди⁴:

1. 成语 chéngyǔ *идиома*;

¹ Эмирова А.М. Русская фразеология в коммуникативном аспекте. – Т.: Фан, 1988. – С. 60.

² Ветров П.П. Фразеология современного китайского языка. Синтаксис и стилистика. – М.: Московская книга, 2007. – С. 14–15.

³ Ветров П.П. Кўрсатилган манба. – С.11.

⁴ 孙维张.汉语惯用语学.-吉林.:吉林教育出版社,1989年.- 156页.



2. 惯用语 guàn yòng yǔ *идиоматик сўз бирикмаси*;
3. 歇后语 xiē hòu yǔ *маъноси икки сўз бирикмасида мужассамлашган иборалар* ;
4. 原语 yuán yǔ *мақол*;
5. 格言 gé yán *афоризмлар*.

Хитой тилидаги фразеологизмлар, Сю Гуочиннинг фикрича, 成语 chéng yǔ *идиома*; 惯用语 guàn yòng yǔ *идиоматик сўз бирикмаси*, 歇后语 xiē hòu yǔ *маъноси икки сўз бирикмасида мужассамлашган иборалардан иборат* . Бирок номлари тилга олинган хитой тилшунослари бу икки таснифдан кўпроқ биринчисига ён босадилар. Фразеологизмларнинг 成语 chéng yǔ *идиома* ва 惯用语 guàn yòng yǔ *идиоматик сўз бирикмаси* турлари алоҳида эътиборни жалб этади¹.

成语 chéng yǔ термини сўзма-сўз таржима қилинганда «тайёр ибора» ёки «тайёр шаклдаги ибора» мазмунини билдиради. Бу терминга қарама-қарши қўйилаётган 惯用语 guàn yòng yǔ *идиоматик сўз бирикмаси* эса « одатдаги ибора» тушунчасига эга. Ушбу терминлар моҳиятан бир-бирига зид тушунчаларни эмас, балки фраземаларнинг ўхшаш белгиларини англатмоқда.

Бошқа хитой тилшунослари, хусусан, Юн Шенг 熟语 shù yǔ терминига куйидаги дефиницияни таклиф қилган: «熟语 shù yǔ – маълум бир тилдаги турғун сўз бирикмаларининг йиғиндиси». Олим «熟语 shù yǔ» гуруҳига турғун сўз бирикмалари ва турғун жумлаларни киритган².

Жан Юнян «词汇学导论» («Лексикологияга кириш») номли монографиясида «熟语 shù yǔ» терминининг мазмун-моҳиятини шундай белгилайди: «Тилда яна шундай баъзи ўзига хос сўз бирикмалари ва жумлалар мавжудки, улар ўз вазифасига кўра сўзлар бўлса-да, бироқ улар нутқ жараёнида тузилмайди, балки тилда тайёр шаклда мавжуд ва ўзларига бириктирилган маълум бир маънони ифодалайди. Бундай шаклдаги турғун сўз бирикмалари ёки жумлалар (кўпроқ сўз бирикмалари) 熟语 shù yǔ *шу ю* деб аталади³.

«现代汉语词汇学基础» («Ҳозирги хитой тили лексикология асослари») китоби муаллифлари Ву Жанкун ва Ван Синлар шундай ёздилар: «熟语 shù yǔ – сўз бирикмаси ёки қисқа жумла бўлиб, ўз ички таркибига кўра мураккаб сўзлар ҳисобланади, лекин улар сўзларга нисбатан кенг маънони ифодалайди, бироқ қўллаш кўлами ва ташқи шаклларининг турғунлиги жиҳатидан сўзлар билан ўхшаш; синтактик жиҳатдан сўзлар билан ҳамоҳанг»⁴.

«现代汉语词汇学» («Ҳозирги хитой тили лексикологияси») китоби муаллифи Фу Хуайчинг тил тизимида фразеологик бирлик 熟语 shù yǔ нинг

¹徐国庆.现代汉语词汇学系统论.-北京.:北京大学出版社,1999年.-306页.

²云生.关于.惯用语.-北京.:中国语文,1959年.-60页.

³Ветров П.П. Фразеология современного китайского языка. Синтаксис и стилистика.– С. 64.

⁴Ветров П.П.Кўрсатилган манба. – С. 11.



ўрнини аниқлаш ва уни тилнинг лексик даражасига боғлашга уринган: Лексика ўз ичига нафақат сўзларни, балки айрим алоҳида нутқ – «语 yǔ»ларни, яъни 成语 chéng yǔ, 惯用语 guàn yòng yǔ, 歇后语 xiē hòu yǔ, 原语 yuán yǔ ларни ҳам олган. Улар сўз бирикмалари ёки жумла тизимига эга бўлиб, таркибий компонентлари ва тузилиш модели узоқ нутқ амалиёти натижасида юзага келган, маъноси кўпинча бир бутунликни ташкил этади. Улар тилнинг турғун конструкциясини намоён этади. Фу Хуайчинг фразеологик бирикмаларни алоҳида 惯用语 guàn yòng yǔ «熟语 shù yǔ» лар гуруҳига ажратмайди, шу билан бирга, уч сўздан ташкил топган, «анъанавий қарашларда» «惯用语 guàn yòng yǔ» лар гуруҳи асосини ташкил этган, асосан замонавий тилнинг лексик-грамматик меъёрларига мувофиқ тарзда тузилган идиоматик фразеологик бирликлар ҳақидаги масалани четлаб ўтади. Лекин шунга қарамай, у жумла таркибида идиоматик фразеологик бирликни белгилаш учун «су ю» (俗语 sù yǔ сўзлашув, машхур, ҳамма қабул қилган ибора) терминини ишлатади. Унинг фикрига кўра, фраземалар панд-насихат хусусиятига эга эмас, яъни ян ю (谚语 yàn yǔ мақол) лар ҳисобланмайди. Лекин олим фольклор нуқтаи назаридан бу бирликларнинг матал характерига эга эканлигини таъкидлайди¹.

Эришилган натижалар. Хитой тилшунослиги учун «фразеология» тушунчаси анъанавий тушунча ҳисобланмаса-да, лекин ушбу тилшунослик доирасида ярим асрдан ортиқ вақт давомида мавжуд. «Фразеология» тушунчаси хитой тилшуносларини кўпгина масалаларда Европа тилшунослиги анъаналарига фаол мурожаат этишни бошлаганларида рус ёки инглиз тилларидан ўзлаштирилган бўлса керак. 熟语 shù yǔ термини уч маънога эга: 1) нутқнинг турғун бўлақларини ўрганишга йўналтирилган бўлим; 2) тилнинг фразеологик бирликлари таркиби/жами; 3) фразеологик бирлик (кенг кўламли маъно) сифатида. Учинчи маънодаги 熟语 shù yǔ терминига фразеологик бирлик, сўз бирикмалари билан бирга тилнинг фольклор даражасини ташкил этувчи фразеологик бирлик жумлаларини (яъни баъзи хитой тадқиқотчилари муқобил термин сифатида кўпинча халқ оғзаки ижодиётининг афористик жанрлари – мақол, матал, афоризм, топишмоқларга нисбатан умумлаштирувчи термин - 俗语 sù yǔ ни) қўллайдилар. Унда 俗 sù «машхур, ҳамма қабул қилган», 语 yǔ – «нутқ» маъносини англатади.

熟语 shù yǔ терминининг турли таърифлари ҳақидаги масалага қайтадиган бўлсак, «Ҳозирги хитой тили луғати» да унинг шундай таърифи келтирилади: Турғун сўз бирикмалари бир бутунликда қўлланилади, уларнинг таркибий компонентларини ўзгартириш мумкин эмас, бундан ташқари, уларни сўз тузилиши нуқтаи назаридан таҳлил қилиш мумкин эмас². «Се хай» («辞海») катта иззоҳли луғатида 熟语 shù yǔ сўзи изоҳи янада қисқа берилган: Мазкур

¹ 符淮青.现代汉语词汇. -北京.: 北京大学, 2004 年.-254 页.

² 现代汉语词典.-上海.:汉语大词典出版社 1997 年.-1108 页.



тилниг турғун сўз бирикмалари ёки жумлалари қўлланилганда, одатда, улар таркиби ўзгартирилмайди¹. Уларга 成语 chéngyǔ, 谚语 yàn yǔ, 惯用语 guàn yòng yǔ ва бошқалар ҳам киради. Хитой тилшунослигида хитой тили фразеологик фондини ўрганишга киришилгандан сўнг фразеологик бирликни алоҳида тил бирлиги сифатида олдиндан аниқлаб олиш талаб этилди. Ўтган асрнинг 60-йилларда ўзлаштирилган «熟语 shù yǔ» термини хитой тилшуносларининг турли мазмундаги ишларида кўзга ташлана бошлади. Уни турли тадқиқотчилар бир маънода – тилнинг фразеологик бирлик таркиби, мазкур терминнинг тушунча ўлчови сифатида қўллай бошлаганликларини кузатиш мумкин. Шунинг учун маълум вақт ўтгач хитой олимлари ўртасида ишлатилаётган термин маъноси хусусида, жумладан, фразеология чегараларини белгилаш ва фразеологик бирлик гуруҳларини ажратиш мезонлари масалалари юзасидан келишмовчиликлар юзага келгани ажабланарли эмас. Ҳозирга қадар тил ҳақидаги хитой илм-фанида фразеологик фонд ҳажмини англаб етиш, фразеологик гуруҳлардаги таксономик бўлимларнинг асосларини тушуниш бир хил вазиятда эмаслиги намоён бўлмоқда. Қуйида қабул қилинган умумий таксономик тизимни кўриш мумкин:

Кенг маънодаги фразеологик бирликлар учун: 广义熟语 guǎng yì shú yǔ. 1. 成语 chéng yǔ *идиома*; 2. 惯用语 guàn yòng yǔ *идиоматик сўз бирикмаси*; 3. 歇后语 xiē hòu yǔ *маъноси икки сўз бирикмасида мужассамлашган*; 4. 谚语 yàn yǔ *мақол*; 5. 格言 gé yán *афоризмлар*. Бу тизимдан ташқари тилнинг фразеологик таркибини тушуниб етишнинг анча тор маъносини кўрсатадиган бошқа тизимини келтириш мумкин. Бу фикрлар Ху Гуочиннинг монографиясида ёритилган бўлиб, унда хитой тилшунослигида мавжуд хитой тили фразеологик фонди кўлами имкониятларининг муносабат асослари ҳақида сўз юратилган².

Тор маънодаги фразеологик бирликлар учун: 狭义熟语 xiá yì shú yǔ. 1. 成语 chéng yǔ *идиома*; 2. 惯用语 guàn yòng yǔ *идиоматик сўз бирикмаси*; 3. 歇后语 xiē hòu yǔ *маъноси икки сўз бирикмасида мужассамлашган иборалар*. Биринчи таксономик тизим фразеологик фонд таркибининг кенг маънодаги тушунчасини билдириб, хитой тилшуносларининг аксарияти ва синологлар ўртасида кенг қабул қилинган. Мазкур тавсифлаш «анъанавий» ёндашув деб атаб келинади. Хитой тили фразеологик фонди таркиби ва ҳажмини бундай англаш «Се хай» («辞海») катта хитой тили изоҳли луғати ҳамда ХХР да қайта-қайта нашр этиладиган тилшунослик дарсликларида ўз аксини топган.

Хулоса. Хитой тилидаги фраземалар А.П.Рогачев, З.И.Баранова, В.И.Горелов, А.А.Хаматова сингари олимлар томонидан тадқиқ этилган³. Улар

¹ 夏征农.辞海. (中) .-上海.:上海辞书出版社, 1999年. - 2818页.

² 徐国庆.现代汉语词汇系统论.-北京.:北京大学出版社, 1999年. -306页.

³ Рогачев А.П. Идиоматика китайского языка, отображенная в устойчивых словосочетаниях: автореф. дис. ... канд. филол. наук. – М., 1950. –26 с.



В.В.Виноградовнинг фразеологизмларнинг семантик-структур таснифи (фразеологик бутунлик, фразеологик қўшилма, фразеологик чатишма)ни хитой тилидаги фразеологик бирликларга татбиқ этганлар. И.Р.Кожевников, И.В.Войцехович каби айрим рус тилшунослари томонидан хитой тилшунослари таклиф этган концепциялар ҳамда таснифлар қабул қилинган ва қўллаб-қувватланмоқда¹.

Ўзбек тилшунослигида ҳам ҳозирги хитой тилида кенг қўлланиб келаётган ҳамда алоҳида ўрин тутувчи сонлар иштирокидаги фразеологизмлар қатлами тадқиқ ва таҳлил қилинмоқда. Зеро, ҳозирги кунга қадар Хитой Халқ Республикасида хитой тилшунослиги соҳаси бўйича олиб борилган илмий тадқиқотларда ҳам, ўзбек хитойшунослигида ҳам хитой тили луғат бойлигининг муҳим қисмини ташкил этувчи, турли муносабатларни ифодаловчи фразеологик бирликлар тадқиқ этилмоқда. Хусусан, О. Очилов ва Ли Ямей томонидан тузилган «Ўзбекча-хитойча ва хитойча-ўзбекча мақол, матал ва иборалар луғати» (李雅梅; 奥扎德. 啊奇洛夫 «乌汉-汉乌熟语词条对照辑录»), Т.Акимов, Ж.А.Кыраубаевлар томонидан тузилган «汉乌俄成语词典» («Хитойча-ўзбекча-русча фразеологик луғат») лар Ўзбекистонда хитой тили фразеологик бирликларини тадқиқ қилишдаги илк қадам ҳисобланади². Хитой тили фразеологияси тадқиқига бағишланган илмий ишлар сони чекланган. Зотан, юқорида қайд этилганидек, хитой тилшунослигида фразеология соҳасининг шакллана бошланганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ.

Баранова З.И. Чэньюй как разряд фразеологизмов китайского языка: дис. ... канд. филол. наук. – М., 1992. – 28 с.

¹ Кожевников И.Р. Привычные выражения (гуаньюньюй) в современном китайском языке: автореф. дис. ...канд. филол. наук. – М., 2002. – 56 с.; Войцехович И.В. Стилистические особенности основных разрядов фразеологических единиц современного китайского языка: автореф. дис. ... канд. филол. наук. – М., 2004. – 46 с.

² 李雅梅, 奥.Очилов .乌汉-汉乌熟语词条对照辑录.-北京.:人民出版社,2011 年.(Ли Ямей, О.Очилов. Ўзбекча-хитойча, хитойча-ўзбекча мақоллар, ибора ва маталлар луғати. – Пекин: Халқ нашриёти, 2011. – 258 б.); Т. Акимов, Ж.А. Кыраубаев. Хитойча-ўзбекча-русча фразеологик луғати (汉乌俄成语词典). – Тошкент, 2002. – 336 б.

**ТУРСУНОВА НИЛУФАР**

ўқитувчи, ТДШУ

ТУРДАЛИЕВ ОБИДЖОН

магистрант, ТДШУ

Гапнинг синтактик муносабатларига япон тилидаги бўлишсизлик шакллари таъсири

Аннотация. Ушбу мақолада япон тилида бўлишсизлик шакллари гапнинг синтактик муносабатларига таъсири мисоллар ёрдамида тавсифий усулда таҳлил этилади. Таҳлил асосида инкор шакллари гапнинг грамматик маъносига таъсири, гапнинг эмоционал бўёғига таъсири, гапнинг бутун орқали қисм, қисм орқали бутун инкор муносабатларининг ўзига хосликлари кўрсатиб берилади. Япон тилида инкор шакллари гапнинг ўзига хос хусусиятлари гапнинг синтактик муносабатларида фаол иштирок этишида намоён бўлади. Синтактик муносабатлар асосида инкор шакллари гапнинг маъновий хусусиятлари юзага келади. Инкор шакллари гапнинг умумий мазмунига турли колорит бериши вазифасини бажаради. Гапнинг бош бўлаклари таркибида, гапнинг иккинчи даражали бўлаклари таркибида келган инкор шакллари умумий гапдан англашилган ҳукм маъносига турлича таъсир этади. Япон тилида гапнинг мазмунига инкор маъносини юкловчи шакллари қуйидаги хусусиятлари мавжуд: гапдан англашилган ҳукм маъносининг тўлиқ инкорини ҳосил қилади; гапдан англашилган ҳукм маъносининг қисман инкор шакллари ҳосил қилади; Гапдан англашилган иш-ҳаракатнинг ярим инкорини ифода этади. Бўлишсизлик шакллари гапнинг мазмуний муносабатида шаклий ва мазмуний кўринишида намоён бўлади. Шаклий инкор категориялари гапнинг таркибида шаклан инкор бирликлари иштирок этади, лекин инкор бирликлари гапнинг мазмунига бўлишсизлик мазмунини юкламайди. Аксинча, гапнинг эмоционал бўёғига таъсир этади. Шаклан инкор бирликлари кесимдан англашилган дарак гап маъносини кучлироқ ифода этишига, гапнинг кесимдан англашилган таклиф маъносини таъсирли ифода этишига, гапдан англашилган ҳурмат маъносини ифода этишига хизмат қилади. Шунингдек, шаклий инкор бирликлари, буйруқ гап ҳосил қилишида ҳам иштирок этиб, кесимдан англашилган буйруқ маъноси оддий буйруқ гап орқали ифодаланган буйруқ-истак маъносидан кучлироқ тарзда ифода этишига хизмат қилади. Тадқиқотнинг асосий мақсади шаклий ва мазмуний инкорларнинг гап таркибида англашилган синтактик хусусиятларини тадқиқ қилишидир. Бу эса япон тилини ўрганувчилар учун амалий жиҳатдан аҳамиятни оширади.

Таянч сўз ва иборалар: инкор шакллари, гапнинг эмоционал бўёғи, бевосита инкор, билвосита инкор, морфологик бирлик, шаклий инкор, мазмуний инкор, предикатив маъно.

Аннотация. Эта статья анализирует влияние негативных форм на синтаксические отношения предложения описательным способом на примерах. Анализ показывает влияние негативных форм на грамматическое значение предложения, влияние на эмоциональный колорит предложения, специфику всей отрицательной части предложения.

Формы, которые налагают отрицательное значение на содержание предложения на японском языке, имеют следующие характеристики: они образуют полное отрицание значения предложения, понятого из предложения; суждение, понимаемое из



речи, образует формы частичного отрицания значения; представляет полуотрицание действия, понятного из предложения.

Формы неделимости проявляются в смысловом отношении предложения в форме формы и содержания. Формы отрицания включают в себя единицы отрицания формы в предложении, но единицы отрицания не навязывают содержание неделимости содержанию предложения. Напротив, это влияет на эмоциональную окраску предложения. Единицы отрицания формы служат для более четкого выражения значения предложения, для эффективного выражения значения предложения, для выражения значения уважения из предложения. Единицы формального отрицания также участвуют в формировании командного предложения, и значение команды, понятой из сокращения, служит для ее более четкого выражения, чем значение команды-желания, выраженное посредством простого командного предложения. Это делает его более практичным для изучающих японский язык. В японском языке особенности форм отрицания отражаются в активном участии в синтаксических отношениях предложения, на основе которых формируются духовные особенности форм отрицания. Формы отрицания, которые встречаются в основных частях предложения, во второстепенных частях предложения, по-разному влияют на смысл предложения, понимаемого из общего предложения.

Опорные слова и выражения: формы отрицания, эмоциональный колорит предложения, прямое отрицание, косвенное отрицание, морфологическое единство, формальное отрицание, семантическое отрицание, предикативный смысл.

Abstract. This article analyzes the effect of negative forms on the syntactic relations of a sentence in descriptive way using examples. The analysis shows the influence of negative forms on the grammatical meaning of the sentence, the effect on the emotional color of the sentence, the specifics of the completely negative part of the sentence. In Japanese, the peculiarities of the forms of negative forms are reflected in the active participation in the syntactic relations of the sentence. On the basis of syntactic relations, the spiritual features of the forms of negation occur. Negative forms occur in the main parts of a sentence, in the secondary parts of a sentence, have different effects on the meaning of the sentence understood from the general sentence. The forms that impose a negative meaning on the content of a sentence in Japanese have the following characteristics: They form a complete negation of the meaning of the sentence understood from the sentence; Judgement understood from speech forms forms of partial negation of meaning; represents a half-negation of an action understood from a sentence. Forms of indivisibility is manifested in the semantic relation of the sentence in formal and semantic form. On the contrary, it affects the emotional color of the sentence. The units of negation of form serve to express the meaning of the sentence more strongly effectively express the meaning of the sentence, to express the meaning of respect from the sentence. Formal negation units also participate in the formation of a command sentence, and the meaning of the command understood from the cut serves to express it more strongly than the meaning of the command-desire expressed through a simple command sentence. The main purpose of the research is to study the syntactic properties of formal and semantic denial that is understood in the context of speech. This makes it more practical for Japanese language learners.

Keywords and expressions: negative forms, effect on the emotional color of the sentence, direct negative, indirect denial, morphological units, formal negative, semantic negative, predicative meaning.



Кириш. Япон тилшуноси Морита Ёшиюки (2006) фикрича, япон тилида инкор шакллари тингловчининг сўзловчи фикрига нисбатан зид бўлган қарашлари мавжуд ҳолатда юзага келади¹. Инкор бирликлари нафақат шаклий, балки мазмуний боғланиш асосида фикр етказиш вазифасини бажаради. Корен Казуаки (2012) эса инкор шакллариининг функционал типологиясини япон ва инглиз тили мисолида таҳлил этиб, тил ва маданият ўртасидаги боғлиқлик хусусиятларини ўрганиб чиққан. Тадқиқот натижаларига кўра, халқнинг фикрлаш тарзи, позицион нуқтаи назарнинг тилдаги акси инкор шакллариининг турли мазмуний муносабат асосида қўллаш имконини юзага келтириши аниқланди. Япон тилининг инкор категориялари тасдиқ гапни инкор гапга айлантириш вазифасинигина эмас, балки гапнинг грамматик қурилишини ҳосил қилиш, синтактик муносабат ифодалаш функциясини ҳам бажаради². Сўзларни ва гапларни бир-бирига боғлашга хизмат қилади. Япон тилида инкор шакллариининг қандай синтактик функциялари мавжуд? Инкор шаклининг мазмуний муносабати япон тилида қандай хусусиятларни намоён этади? Гапнинг эмоционал бўёғини ҳосил қилишда бўлишсизлик шакллари қандай муносабат ифода этади? Ушбу масалалар мақоланинг тадқиқот объекти сифатида мисоллар орқали тавсифий усулда таҳлил қилинади.

Инкор шакллари гапнинг предикатив маъносини ифода этувчи кесим таркибида келиб, гапнинг умумий маъносига таъсир қилади. Лекин кесим таркибида келган *ない* (наи), *ではない* (деванаи), *ではありません* (девааримасен), *くない* (кунаи), *じゃない* (жанаи), *ず* (зу) каби бўлишсизлик шакллари доимо инкор маъносини ифода этмайди.

Кесимлик шакллари замон, майл, шахс-сон ва тасдиқ-инкор каби грамматик шакллар кесимдан англашилган хукмнинг умумий маъноси, шахси ва нутқ содир бўлаётган вақтга нисбатини ифода этади. Бу шакллар орасида бўлишсизлик шаклининг ўзига хос хусусияти яққол кўзга ташланади.

Япон тилининг бўлишсизлик шакллариини ҳосил қилувчи қўшимчалардан бири *ない* (наи) кесим таркибида келиб, кесимдан англашилган иш-ҳаракатнинг юзага келмаслик маъносини ифода этади.

(1) *天は二物をあたえない*³.

Тен ва ни моно о атаэнаи.

Тақдир икки имкон бермайди.

Ушбу гапдаги феъл кесими таркибида келган *ない* (наи) шакли бевосита инкорни ифода этмоқда. Яъни, гапнинг эгаси томонидан бажарилган иш-ҳаракатнинг юзага келмаслик маъносини билдириятти. Инкор аффикси *ない* (наи) бўлишсизлик маъноси билан бир қаторда шахс-сон маъноси III шахс бирликдаги эгага ишора ва ҳозирги-келаси замон маъносини ҳам ўз ичига олган.

¹Morita Yoshiyuki, [Nihongo bunpo:no hasso:], Hitsuji, 2010.

²Nitta Yoshio, [Gendai nihongo bunpou], Kuroshio shyuppan, 2007.

³ 文法トリーリング N3 (2015), アスク出版



Япон тилидаги инкор категорияларининг синтактик хусусиятларидан бири – айнан инкор билан бир қаторда шахс-сон ва замон маъносини ифода этишидадир. Япон тилидан фарқли ўлароқ, ўзбек тилида феълнинг инкор шаклини ҳосил қилувчи луғавий шакл -ма фақат буйруқ маъносини ифода этганидагина шахсга ишора қилиб, замон маъносини билдиради.

(2) *Ёлгон гапирма. (“Шум бола” Гафур Гулом)*

(2) мисолдаги гапирма кесим таркибидаги бўлишсизлик шакли -ма иккинчи шахсдаги эгага ишора қилиб, келаси замон маъносини ифода этмоқда. Чунки феълнинг ўзак шакли II шахс буйруқ майлини билдиради.

Япон тилида эса шахс-сон маъноси махсус грамматик шакллар билан ифода этилмаса ҳам, замон категорияси алоҳида синтактик шакл ясовчи кўшимчалар билан ҳосил қилинади¹. Инкор шакли *ない* (наи) ҳам замон маъносини ифодалаб, уч замоннинг бирига тегишлилик маъносини билдира олади.

Ҳозирги замон	Келаси замон	Ўтган замон
<i>ていない</i> (теинаи)	<i>ない</i> (nai)	<i>ていなかった</i> (теинакатта)

Қуйида япон тилининг бўлишсизлик шакли орқали англашиладиган замон маъноси мисоллар орқали таҳлил қилинади.

(3) *別れた恋人のことが思い切れない²。*

Вакарета коибито но котога оmoi киренаи.

Видолашган муҳаббатим хотираларини унутолмайман.

Ушбу гапдаги оmoикиренаи (унутолмайман) феъли таркибидаги *ない* инкор шакли нафақат ҳукмнинг бўлишсиз эканлигини, балки кесимдан англашилган иш-ҳаракат умумзамон маъносини, яъни ҳар уч замонга тегишли бўлган замон маъносини ифода этиб келган.

(4) *長い間彼と会っていない³。*

Нагаи аида каре то атте инаи.

Узоқ вақт давомида у билан кўришиганим йўқ.

Ушбу гапдаги атте инаи (учрашганим йўқ) феъл кесим таркибидаги инаи инкор шакли ҳозирги замон бўлишсизлик маъносини билдирмоқда.

(5) *理想とおりの人と結婚しなかつた⁴。*

Рисо: то:ри но хито то кеккон ишинакатта.

Орзуимдаги инсон билан турмуш қура олмадим.

Хулоса қилиб айтганда, япон тилининг бўлишсизлик шакли *ない* (наи) замон шаклини ҳам ўзида намоён қилади. Гапнинг умумий маъносига таъсир

¹ Matsuyoshi Shyun, [Nihongo no hitei anoteshyon], Yamanashidaigaku, ko:gakubu, 2014

² 文法トリーリング N3 (2015), アスク出発

³ 文法トリーリング N3 (2015), アスク出発

⁴ 文法トリーリング N3 (2015), アスク出発



этади. Замон категориясида ҳозирги замон *ていない* (теинаи) шакли, ҳозирги-келаси замон *ない* (наи) шакли ўтган замон шакли *なかった* (накатта), *ていなかった* (теинакатта) тарзида намоён бўлади. Ушбу грамматик шаклнинг ўзига хос синтактик хусусиятларидан яна бири – умумзамон маъносини ифодалай олишидадир.

Япон тилининг инкор категориясини ҳосил қилувчи *ない* (наи) грамматик воситаси гап таркибида бошқа грамматик воситалар билан ҳам биргаликда қўлланилади ва фақат кесим таркибида эмас, балки иккинчи даражали бўлақларнинг инкор шаклини ҳосил қилишда ҳам қатнашади, яъни тўлдирувчи, аниқловчи, ҳоллар таркибида гапнинг мазмуний муносабатидаги умумий инкор ҳукмини эмас, балки тўлдирувчининг тўлдирилмишга нисбатан инкорини, аниқловчининг аниқланмишга нисбатан инкорини, ҳолнинг ҳолланмишга нисбатан инкорини билдиради. Гапнинг умумий маъноси эса тасдиқ шаклида қолади. Мисол учун:

(6) *お金がない友達が中古車でがまんしている¹。*

Оканега наи томодачи га чу:кошя де гамаништеиру.

Пули йўқ дўстим эски машина билан юрибди.

Ушбу гапда келган *お金がない* оканега наи (пули йўқ) аниқловчиси *友達* томодачи (дўст) аниқланмишига тобе боғланиб келган ва аниқланмишнинг ҳозирги замондаги инкор ҳолатини билдирыпти. Гапнинг кесимига тўғридан-тўғри боғланмаган, сифатловчи аниқловчи аниқланмишнинг инкорини ифода этса-да, гапдаги ҳукм тасдиқ шаклида қолмоқда. Ушбу гапда аниқловчи боғланган сўз *友達* томодачи (дўст) эга вазифасини бажарган ва эгадан англашилган маънонинг инкорини ифода этмоқда.

(7) *この雑誌は年を取っていない人たちによく読まれている²。*

Коно зашши ва тоши о тотте инаи хитотачини ёку ёмаретеиру.

Ушбу журнал ёшлар томонидан севиб ўқилади.

Ушбу гапда *年を取っていない* (тоши о тотте инаи) инкор аниқловчиси хитотачининг тўлдирувчисига тобе боғланиб, тўлдирувчининг инкор хусусиятини билдириб келмоқда. Маъноси инкор тарзида аниқланаётган тўлдирувчи кесимга тўғридан-тўғри боғланса-да, гапнинг умумий маъноси тасдиқ шаклида қолмоқда.

(8) *雨が降らないうちに家に帰りましょう³。*

Аме га фуранаи учини иени каеримашоу.

Ёмғир ёғмасдан туриб уйга қайтамиз.

Ушбу гапда *あめ* га фуранаи учини (ёмғир ёғмасдан) ҳоли каеримашоу (қайтамиз) кесимига бевосита боғланиб, кесимдан англашилган иш-ҳаракат-

¹ 文法トリーニング N3 (2015), アスク出版

² 文法トリーニング N3 (2015), アスク出版

³ どんなときどう使う(2010), 日本語表現文型事典, アルク



нинг пайтини изоҳлаб келмоқда. Ушбу гапдаги инкор категорияси иш-ҳаракатнинг бажарилмаслик хусусиятини эмас, иш-ҳаракатнинг бажарилиш пайтининг инкорини билдириб келган.

Бундан шуни хулоса қилиб айтиш мумкинки, гапнинг инкор шаклидаги кесимлар бутун бир гапдан англашилган маънонинг инкорини ифодаласа, гапнинг бош бўлақларининг маъносини изоҳлаб, аниқлаб, тўлдириб келувчи иккинчи даражали бўлақлар инкори гапнинг умумий тасдиқ маъносига таъсир этмайди, балки гапнинг ички тузилиш қурилмасини ташкил этувчи маълум бир гап бўлагини инкор тарзида ифодалаб келади. Лекин инкор кўрсаткичлари билан шаклланган барча кесимлар ҳам тўлиқ инкор маъносини ифода этавермайди. Маълум инкор маъносини ҳосил қилувчи грамматик шакллар кесим таркибига қўшилиб, гапнинг умумий инкор ҳукмини эмас, балки гапдаги маълум бир бўлакнинг инкорини ифода этади 「のではない」 (нодеванаи), 「わけではない」 (вакедеванаи) каби инкор кўрсаткичлари шулар жумласидандир.

(9) 全部分かりませんでした¹。

Зенбу вакаримасендешиита.

Ҳаммасини тушунмадим.

Ушбу гапда кесим таркибидан англашилган бўлишсизлик маъноси ҳукмнинг тўлиқ инкорини ифода этган.

(10) 全部分かったわけではありません²。

Зенбу вакатта ваке девааримасен.

Ҳаммасини тушундим дегани эмас.

(9) мисол каби ушбу гапнинг кесими ҳам инкор шаклида ифодаланган бўлса ҳам, гапнинг бутун маъноси бўлишсиз ҳукм эмас, умумий ҳукмнинг бир қисми инкор тарзида ифода этилган. Гапдан англашилган умумий ҳукм – тушунганлик, қисман инкор эса – фикр юритилаётган мавзу бўйича тўлиқ тасаввур ҳосил қилмаганликдир.

Япон тилининг инкор категориясининг ўзига хос жиҳатларидан бири, бир гап таркибида бевосита гапнинг инкор ҳукмини ифодаловчи бўлишсизлик шакли билан бир қаторда, гап бўлагининг бўлагини изоҳлаб келувчи сўзларнинг инкорини ифодаловчи билвосита инкор ҳам иштирок этиши мумкин. Бир гап таркибида келган ҳам ҳукм ва бўлакнинг бўлагининг инкор кўриниши гапнинг кесимидан англашилган умумий инкор маъносини эмас, балки инкор этилаётган бўлакнинг инкор маъносини ташкил этади. Бундай гапнинг ўзига хос хусусияти гапнинг ҳиссий бўёғини оширади, гапда фикрга қаратилган изоҳнинг кучли ифодасини ташкил этади.

(11) おもしろくない本は このほんじゃありません³。

Омоширокунаи хон ва коно хон жся аримасен.

¹ 仁田義雄 (2007) 「現代に言語文法 □」くろしお出版

² 仁田義雄 (2007) 「現代に言語文法 □」くろしお出版

³ 仁田義雄 (2007) 「現代に言語文法 □」くろしお出版



Қизиқ бўлмаган китоб бу китоб эмас.

Ушбу гапда хон (китоб) сўзининг аниқловчиси омоширокунаи (қизиқ бўлмаган) ўзи боғланган сўзнинг сифат кўрсаткичи қизиқлик белгисига эга эмаслигини ифодалаб келмоқда ва бу юқорида айтиб ўтилганидек, бўлакнинг бўлагининг инкор маъносини изохламоқда, лекин гапнинг мазмуний маркази кесим ҳам бўлишсизлик шакли билан шаклланган бўлиб, бўлакнинг бўлаги орқали ифодаланган инкор маънонинг инкорини ифода этмоқда. Қизиқарлилик белгисига эга бўлмаган китоб – бу китоб эмас, яъни китоб қизиқарли. Бўлакнинг бўлагининг инкорини инкор етувчи кесим орқали ифодаланган гап гапнинг умумий инкорини ифода этиш билан бир қаторда бўлакнинг бўлагининг инкорини ҳам инкор этади.

Япон тилининг грамматик хусусиятларидан бири гапда инкор шаклини ҳам морфологик усул, ҳам синтактик усул орқали намоён бўлишидадир. Гапда бўлишсизлик шаклини ҳосил қилишда иштирок етувчи воситалар алоҳида синтактик таҳлилни талаб этади. Сабаби япон тилида гапнинг умумий мазмунига таъсир етувчи инкор категорияси, бутуннинг қисмининг инкорини ифода етувчи инкор категорияси, гапнинг эмоционал бўёғига таъсир етувчи инкор категорияси ва гапнинг кучли тасдиқ маъносини шакллантирувчи инкор категорияси мавжудлигидадир. Қуйида ушбу инкор шакллариининг мазмуний муносабати таҳлил этилади.

Япон тилида умумий гап қурилиш шакли ўзбек тили билан ўхшаш бўлса-да, гапнинг эмоционал бўёғини ҳосил қилиш усуллари бир-биридан фарқ қилади. Бу – сўзловчи ва тингловчининг ижтимоий муносабатларининг кўринишида яққол намоён бўлади. Япон тили инкор категорияси ҳам гапнинг умумий маъносида эмоционал қобикни шакллантиришга хизмат қилади ва у гапнинг қурилиш структурасига таъсир қилади. Гапнинг қурилиш структураси асосида гапнинг ифода мақсади аниқ сезилади. Дарак гапларнинг қурилиш структурасида гап бўлақларининг одатдаги тартиби алоҳида роль ўйнаб, гап оҳанги гап охирига қараб пасайиб боради.

Сўроқ гапларда эса гапнинг структуравий кўринишида сўроқ оломошлари, сўроқ юқламалари сўроқ оҳанги гапнинг асосий ҳиссий қобигини ташкил этса, буйруқ гап структураси алоҳида оҳанг ва грамматик шаклга эгаллиги билан тингловчига таъсир этади. Япон тилида гапнинг ифодавий хусусиятларини намоён этишда инкор категорияси ва унинг гап қурилмасини ташкил этишдаги синтактик хусусиятлари алоҳида таҳлил талаб этади. Чунки уларнинг структуравий кўриниши ва гапдан англашилган маъно ҳар доим ҳам шакл ва мазмун уйғунлиги асосида намоён бўлавермайди. Яъни, гап таркибида бўлишсизлик шакллари ҳар доим гапнинг кесимидан англашилган ҳукм маъноси бўлишсиз эканлигини ифодалайвермайди. Япон тилидаги дарак гаплар гапнинг предикатив маъносидан англашилган иш-ҳаракатнинг тасдиқ ёки инкор ҳукмини ифода этади.

(12) 私は結婚式の写真を先生にお見せしました¹。

¹ 文法トリーリング N3 (2015), アスク出版



Ваташи ва кекконшики но шяшин о сенсеини омисешимашиита.

Мен тўй суратларини ўқитувчимга кўрсатдим.

Ушбу дарак гапдан англашилган хукм тасдиқ маъносини ифодалайди. Гапнинг маъновий марказига тобе боғланган барча бўлақлар иш-ҳаракатнинг юзага чиқиш маъносини ифода этишга хизмат қилмоқда.

(13) *母は、毎日花に水をやるのを忘れない¹。*

Хаха ва маиничи хана ни мизу о яру но о васуренаи.

Онам ҳар кун гулларига сув қуйишини эсдан чиқармайди.

Ушбу гапдан англашилган маъно бўлишсиз бўлиб, гапнинг кесимидан англашилган иш-ҳаракатнинг юзага чиқмаслигини ифода этмоқда, аммо бўлишсизлик категориялар бўлишли дарак, буйрук, таклиф сўроқ гапларни ҳосил қилишда иштирок этади ва сўзловчининг тингловчига бўлишли мазмундаги ахбороти бўлишсиз шакл орқали етказилади. Бу япон тилида сўзловчи халқнинг маданияти, кундалик турмуш тарзи, дунёқараши ва ижтимоий мулоқот этикасига боғлиқ бўлган лингвوماданий жараёнларнинг тилдаги аксидир.

(14) *A: お母さん、お母さん、白いと黒いシャツ、どっちがいい²。*

Окаасан, окаасан, шиروي то курои шацу, доччи га ши?

Ойи, ойижон. Оқ ва қора кўйлак экан. Қайси бири яхши, аа?

B: 白いのがいいじゃない³。

Шиروي нога ши жянаи?

Оқи яхшимасми?

Ушбу мисолда келтирилган гапнинг кесими бўлишсизлик кўшимчаси билан шаклланган бўлса-да, мазмуний муносабат асосида бўлишли дарак гап маъноси ифода этилмоқда. Гапнинг кесимидан бирон-бир бўлақнинг ёки фикрнинг инкор маъноси эмас, умумий гапнинг қурилиш структураси ва гап мазмунидан маслаҳат, шахсий қараш мазмуни ифода этилган. Бу гапдан англашилган маъно “қора кўйлак ҳам яхши, аммо оқи ундан ҳам яхшироқ” бўлиб тингловчи назарида намоён бўлади. Кесими инкор билан ифодаланган мазмунан бўлишли дарак гаплар, кесими тасдиқ билан ифодаланган бўлишли гаплардан кўра оҳанг ва таъсир кучи юқорироқ бўлади.

Инкор категориялари билан шаклланган бўлишсиз кесимли сўроқ гаплар шаклан инкор бўлса ҳам, мазмунан таклиф, маслаҳат, ўз фикрининг мазмуний далили, тахмин каби маъноларни ифода этади.

(15) *A: この本、読んでみないか、面白いよ⁴。*

Коно хон, ёндеминаика, омоширои ё.

Бу китобни ўқиб кўрмайсанми? Жуда қизиқарли.

B: じゃあ、貸して.

¹ 文法トリーリング N3 (2015), アスク出版

² 仁田義雄 (2007) 「現代に言語文法 □」くろしお出版

³ 文法トリーリング N3 (2015), アスク出版

⁴ 仁田義雄 (2007) 「現代に言語文法 □」くろしお出版



Жаа, кааште.

Шундайми? Унда бериб тур.

Ушбу мисолда келтирилган (ёндеминаика) кесими таркибида инкор шакли мавжуд бўлса ҳам, гапнинг умумий мазмунига инкор маъноси эмас, балки тингловчига ўз хиссиётлари ва тажрибасига асосан маслаҳат маъноси билдирилган. Бундай гаплар суҳбатдошни бир ишга тортиш, уни шу ишни қилишга ундаш, чорлаш каби маъноларни ифодалайди. Шунинг учун кўпинча бундай гаплар ўзига махсус жавоб талаб қилмайди.

(16) А: *明日、花見に行きませんか¹*。『文法トリーリング N3』

Ашита ханамини икимасенка.

Эртага гул сайрига бормаймизми- а?

Б: そうですね。行きましょう。

Соудесуне. Икимашоу.

Шундай. Борамиз.

Шунингдек, кесими инкор шаклида ифода этилган таклиф маъносидаги сўроқ гапларда тингловчининг таклифга муносабати, таклиф этилаётган ҳаракатга нисбатан бажариш ёки бажармасликка бўлган хоҳиши алоҳида эътиборга олинади. Кесими бўлишсиз шаклда ифодаланган таклиф маъноси кесими бўлишли шаклда билан ифодаланган таклиф маъносидан кўра, тингловчининг истаги алоҳида эътибор марказида туради ва хиссий бўёқ кучлироқ бўлади.

(17) А: *あの人は山田さんじゃないか²*

Ано хито ва Ямадасан жянаика.

Ана у одам Ямада эмасмикан?

Б: ええ、山田さんですよ。

Ээ, Ямадасандесуё.

Ҳа, Ямада-ку.

Кесими инкор категорияларидан бири билан шаклланган гаплар шунингдек, сўзловчининг гапдан англашилган маълумотга нисбатан, тахмин гумонини ҳам билдиради. Бундай гапларда сўзловчининг ўзи ифода этган ахборотга нисбатан гумони билан бир қаторда тингловчига нисбатан мурожаати ҳам ифода этилади.

Хулоса қилиб айтганда, гапнинг таркибида келган бўлишсизлик категориялари фақат дарак гапларнинг бўлишсиз ҳукмини ифода этмайди. Балки, у гапларнинг таркибида турли хил эмоционал бўёқларни ҳосил қилишда иштирок этади. Бундай гапларнинг кесими инкор шаклида бўлса ҳам, мазмунан тасдиқ маъносини билдиради.

Сўзловчи тингловчининг нутқий ҳолати, фикрга ва гапдан англашилган ҳукмга таклиф, гумон, маслаҳат ва фикрий далил маъноларини таъсирчан ифода этиш учун инкор шаклидаги кесим билан шаклланган гаплардан фойдаланади.

Япон тилининг синтактик қурилишининг ўзига хос хусусиятлари грамматик бирликларни ҳосил қилувчи алоҳида грамматик қурилишларнинг мавжудлиги-

¹ 文法トリーリング N3 (2015), アスタ出発

² 仁田義雄 (2007) 「現代に言語文法 □」くろしお出版



дадир. Грамматик курилишлар гапнинг шаклий тузилиши билан бир қаторда, гапнинг умумий мазмунига ва фикрда англашилган ҳукмга ҳам таъсир этади.

Япон тили инкор категорияси ҳам нафақат гапнинг шаклий тузилиши, балки сўзловчи томонидан билдирилатган фикр инкорининг бўлак орқали қисм ва қисм орқали бутуннинг инкор муносабатларига таъсир этади.

Инкор категорияси қисм-бутун муносабати дейилганда, гапнинг мазмуний маркази инкор шакллари орқали ифодаланади ва гапнинг бир қимси – кесим орқали ифодаланган умумий маъно бўлишсиз бўлади.

(18) 今朝寝坊して大学にいきませんでした¹。『文法トリーリング N3』

Кеса небо: шите даигакуни икимасендешита.

Бугун эрталаб ухлаб қолиб, институтга боролмадим.

Ушбу гапнинг кесими таркибидан англашилган маъно бўлишсиз бўлиб, феълдан англашилган иш-ҳаракатнинг умуман содир этилмаганлик маъноси ифодаланмоқда. Бўлак орқали бутун гапнинг маъноси инкор ҳукмини билдирипти.

Япон тилида гапнинг кесимини шаклантиришга хизмат қиладиган, аммо бутун қисмининг инкорини ифода этувчи инкор категорияси мавжуд. Бундай грамматик шакллар гапнинг умумий инкорини эмас, балки бутун орқали маълум бир бўлакнинг инкорини ифода этади.

(19) 中国語は分かることは分かるんですが、話し方が速いと分からないんです²

Чу:гокуго ва вакарукото ва вакарундесуга, ханашикатага хаяи то вакаранаидесу.

Хитой тилини тушунишга тушунаман-у, тез гапирилса, тушунмай қоламан.

Ушбу гапнинг кесими (вакаранаидесу) инкор шакли наи билан шаклланган, лекин ушбу гапнинг умумий ҳукми инкор шаклида эмас. Ушбу гапда кесимнинг инкор шаклида келишини талаб этувчи инкор категорияси мавжуд – ことは - が³ (котава-га). Ушбу грамматик шакл гапнинг кесими инкор тарзида келишини талаб этади ва гапнинг кесимидан англашилган бутун тасдиқ маъносининг тўлиқ инкорини эмас, маълум бир қисмининг инкорини ифода этишга хизмат қилади. Мисолда келтирилганидек,

Хитой тилини тушуниш – бу умумий тасдиқ ҳукм. Тез гапирилса тушунмаслик – умумий тасдиқ ҳукмнинг тўлиқ инкори эмас, айнан маълум вазиятда тушунмасликнинг юзага келиши каби қисман инкор ҳукмидир.

(20) 天気予報がいつも当たるとはかぎらない。とくにははずれることもある³。

Тенкиёхо: га шүмо атарутова кагиранаи. Токуни хазуреру котомо ару.

Об-ҳаво маълумотлари ҳар доим ҳам тўғри бўлавермайди, баъзан адашади.

¹ 文法トリーリング N3 (2015), アスク出版

² どんなときどう使う (2010), 日本語表現文型事典, アルク

³ どんなときどう使う (2010), 日本語表現文型事典, アルク



Ушбу мисолда “това кагиранаи” грамматик шакли қатнашган бўлиб, гапнинг мазмунини инкор шаклда ифода этмоқда. Лекин гапнинг кесимидан англашилган маъно тўлиқ инкор эмас. То ва кагиранаи – инкор шакли “ҳар доим ҳукм тўғри эмас, истисно ҳолат ҳам мавжуд” маъносида қўлланилади. (20) мисолда об-ҳаво маълумотлари тўғри бўлади – умумий тасдиқ шаклидаги ҳукм бўлса, баъзан адашиш ҳолати мавжудлиги – умумий ҳукмнинг инкори, аммо бу умумий тасдиқнинг тўлиқ инкори эмас, балки фақатгина истисно вазиятдагина инкор эҳтимолнинг мавжудлигини ифодаловчи бўлишсизлик шакли.

(21) 私は学生時代に勉強ばかりしていたわけではない、よく旅行もした¹。

Ваташи ва гакусеиждаини бенкё: бакари шите ита ваке деванаи. Ёку рёко: моу шита.

Мен талабалик давримда фақат дарс қилганман дегани эмас, яхшигина саёҳат ҳам уюштирганман.

Ушбу гапнинг кесимининг кесимини шакллантирган *わけではない* (ваке деванаи) грамматик шакли ҳам инкор маънони шакллантиришга хизмат қилади. Сифат, от, феъл сўз туркумлари билан бирга қўлланилиб, гапнинг умумий маъносидан англашилган маълум бир қисмнинг инкорини ифодалайди. Мисолда келтирилган дарс қилмоқ ҳукми умумий тасдиқ сифатида қўрилса, умумий тасдиқ баъзан саёҳат уюштирилгандагина инкор этилган маъносини ифода этишда инкор шаклининг *わけではない* (ваке деванаи) шакли қўлланилган.

(22) 楽器は習っていれば自然にできるようになるというものではない。練習が必要だ²。

Гаккива нараттеиреба шизенни декируёуни нару тоиу моно деванаи. Рениу: га хицүё:да.

Чолгу асбобларини чалишни ўрганиб олиш табиий равишда бўладиган нарса эмас, машқ муҳим.

Ушбу мисолда гапнинг кесимини шакллантиришга хизмат қилган *ということではない* (тоиу моно деванаи) грамматик шакли ҳам мазмунан гапнинг инкор ҳукмини ифода этмоқда. *ということではない* (тоиу моно деванаи) грамматик шаклининг ўзига хос хусусияти “ҳар доим албатта шу тарзда бўлади дегани эмас” маъносида қўлланилади. Фақат феълнинг луғат шакли билан қўлланилиб, гапдан англашилган тўлиқ ҳукмнинг мазмунан бир қисми инкор тарзда келиш эҳтимоллигини ифодалайди.

Хулоса. Юқорида келтирилган мисоллар орқали япон тилида гапнинг грамматик қурилишида инкор категорияларининг қуйидаги шаклий-мазмуний синтактик вазифалари мавжуд эканлиги аниқланди:

Биринчидан, гапнинг предикатив маркази таркибида келган инкор шакллари кесимдан англашиладиган атов бирлик: шахс-сон, замон, майл маъноларини шакллантиришга хизмат қилади.

¹ どんなどきどう使う (2010), 日本語表現文型事典, アルク

² どんなどきどう使う (2010), 日本語表現文型事典, アルク



Иккинчидан, япон тилининг инкор категориясини ҳосил қилувчи грамматик воситалар фақат кесим таркибидан англашилган ҳукм инкори эмас, балки иккинчи даражали бўлақларнинг инкор шаклини ҳосил қилишда ҳам қатнашади, яъни тўлдирувчи, аниқловчи, ҳоллар таркибида гапнинг мазмуний муносабатидаги умумий инкор ҳукмини эмас, балки тўлдирувчининг тўлдирилмишга нисбатан инкорини, аниқловчининг аниқланмишга нисбатан инкорини, ҳолнинг ҳолланмишга нисбатан инкорини билдиради.

Учинчидан, япон тилида инкор категорияси нафақат инкор ҳукм, балки инкор категорияси билан шаклланган иккинчи даражали бўлақларнинг кесимдан англашилган тасдиқ ҳукмга нисбатан билвосита инкорни, бутуннинг қисмининг инкорини билдиради ва гапнинг умумий синтактик қурилиши орқали ифодаланадиган фикрнинг эмоционал бўёғини шакллантиришга хизмат қилади.

Тўртинчидан, япон тилида инкор категориялари гапнинг кесими таркибида қўлланилиб, қуйидаги икки хил маънони ифодалайди:

- а) гапдан англашилган ҳукмнинг тўлиқ инкорини;
- б) гапдан англашилган ҳукмнинг қисман инкорини.

Бешинчидан, инкор шаклини олган иккинчи даражали бўлақлар эса ўзи боғланган ҳоким сўзнинг тобе сўз орқали англашилган белги, иш-ҳаракат, ҳис-ҳаяжонга эга эмаслигини билдиради, аммо гапнинг умумий мазмуни бўлишли шаклда қолади.

БЕХЗОД ДЖАФАРОВ

ўқитувчи, ЎзХИА

Форс тилидаги туркий ўзлашмаларнинг семантик мослашуви

Аннотация. Тил доимо ўзгаришларга учраб турадиган ижтимоий ҳодисадир. Бундай ўзгаришлар тилнинг лексик қатламида кўпроқ намоён бўлади. Унда янгилашлар содир бўлади, керакмас ва ортиқча сўзлар, иборалар ва атамалар вақт ўтиши билан истеъмолдан чиқиб кетади. Ана шу ўзгаришлар жараёнида ўзлашмалар иштироки деярли барча тилларда учрайди. Ўзлашмалар бу жараёнда тилнинг луғат бойлигининг бойишида хизмат қилади.

Форс тилида ҳам ички ресурслар тил лексик таркибини бойитишнинг муҳим манбаи ҳисобланади. Бироқ, бу тилда ҳам турли тиллардан ўзлашмалар мавжуд бўлиб, бу форс тилининг бошқа тиллар билан узоқ йиллик алоқаси билан бевосита боғлиқдир. Форс тилида ўзлашма термини, одатда, *وَجْه* *vāje* “сўз” сўзи билан берилади. Форс тилидаги ўзлашма сўзлар асосан араб, инглиз, француз, рус, юнон, латин ва туркий тиллардан кирган. Булар орасида энг кўпи арабий ўзлашмалардир. Туркий тиллардан ўзлашган лексик бирликлар миқдор жиҳатидан кўп эмас ва баъзилари ҳозирда истеъмолдан чиқиб кетган.

Ўзлашмалар бирон-бир тилга киргандан сўнг янги тилнинг қонуниятларига мослашади. Бунда фонетик, морфологик, семантик, орфографик мослашув жараёнларини



ўтказади. Бундай мослашув жараёнлар орасида семантик мослашувга ҳамшиа катта қизиқиши бўлиб келган. Мазкур кичик илмий тадқиқотнинг асосий мақсади ҳозирги форс тилидаги туркий ўзлашмаларнинг маъно ўзгаришларини ўрганишидир. Бунда маъно кенгайиши, маъно торайиши, янги маъно касб этиши, маъно ўзгаришсиз кўчиши каби семантик мослашувни аниқлаш вазифа қилиб белгиланди. Тадқиқот давомида ҳар бир мослашув жараёни алоҳида ўрганилди. Улар орасидан ҳеч қандай семантик ўзгаришсиз ўз маъноларида тўла кўчган сўзлар кўпчиликини ташиқил этганлиги аниқланди. Ўзлашмалардаги ўзгаришларни аниқроқ билиш мақсадида жумлалар орқали мисоллар билан берилди. Мисоллар форс тилидаги ёзма манбалардан тўпланди.

Таянч сўз ва иборалар: ўзлашма, туркий тиллар, семантик мослашув, маъно торайиши, маъно кенгайиши, янги маъно касб этиши, лексик бирликлар.

Аннотация. Язык – это постоянно меняющееся социальное явление. Такие изменения более выражены в лексическом слое языка. Он обновляется, ненужные и повторяющиеся слова, фразы и термины со временем устаревают. В процессе этого изменения заимствованные слова встречаются почти во всех языках. Заимствование в этом процессе служит для обогащения словарного запаса языка.

В персидском также внутренние ресурсы являются важным источником обогащения лексического состава языка. Однако в этом языке есть и свои заимствования из разных языков, что напрямую связано с долгосрочными отношениями персидского с другими языками. В персидском языке заимствованное слово обычно дается словом «*vāje*».

Заимствования в персидском языке пришли в основном из арабского, английского, французского, русского, греческого, латинского и турецкого языков. Большинство из них – арабские заимствования. Количество заимствованных из тюркских языков лексических единиц невелико, а некоторые из них уже устарели. Как только язык освоен, он адаптируется к правилам нового языка. Осуществляет процессы фонетической, морфологической, семантической, орфографической адаптации.

Семантическая адаптация между такими адаптивными процессами всегда вызывала большой интерес. Основная цель этого небольшого исследования – изучить семантические изменения тюркских заимствований в персидском языке. Задача заключалась в определении семантической адаптации, такой как расширение значения, сужение значения, приобретение нового значения, передача значения без изменений. В ходе исследования каждый процесс адаптации изучался отдельно. Было обнаружено, что большинство из них были словами, которые полностью меняли свое значение без каких-либо семантических изменений. Чтобы лучше понять изменения в заимствованиях, примеры приведены в предложениях. Примеры взяты из письменных источников на персидском языке.

Опорные слова и выражения: Заимствования, тюркские языки, семантическая адаптация, сужение значения, расширение значения, приобретение нового значения, лексические единицы.

Abstract. Language is a constantly changing social phenomenon. Such changes are more pronounced in the lexical layer of the language. It will be updated, unnecessary and borrowed words, phrases and terms will become obsolete over time. In the process of this change, the adopted words occur in almost all languages. Borrowing in this process serves to enrich the vocabulary of the language.



In Persian too, internal resources are an important source of enriching the lexical content of the language. However, this language also has its own borrowings from different languages, which is directly related to the long-term relationship of Persian with other languages. In Persian, the term loanword is usually given by the word واژه vāje.

Persian loanwords came mainly from Arabic, English, French, Russian, Greek, Latin and Turkish. Most of them are Arabic loanwords. The number of lexical units borrowed from the Turkic languages is small, and some of them are now obsolete. Once a language is mastered, it adapts to the rules of the new language. It carries out phonetic, morphological, semantic, orthographic adaptation processes.

There has always been a great deal of interest in semantic adaptation between such adaptive processes. The main purpose of this small research is to study the semantic changes of Turkic loanwords in Persian. The task was to determine the semantic adaptation, such as the expansion of meaning, the narrowing of meaning, the acquisition of new meaning, the transfer of meaning without changes. Each adaptation process was studied separately during the study. It was found that the majority of them were words that moved completely in their meanings without any semantic changes. In order to better understanding the changes in the borrowing, examples are given in sentences. Examples are taken from written sources in Persian.

Keywords and expressions: *borrowing, Turkic languages, semantic adaptation, narrowing of meaning, expansion of meaning, acquisition of new meaning, lexical units.*

Кириш. Туркий забон халқлар – турклар, озарбайжонлар, туркманлар, кашқайлар ва бошқалар азалдан форсий забон халқлари билан бир чегарада яшаб келишган. Уларнинг ягона дини, деярли бир хил урф-одатлари бор. Бу халқлар ўртасида асрлар давомида мавжуд бўлган алоқалар натижасида мингга яқин лексик бирликлар туркий тиллардан форс тилига ўтди ва туркий халқлар ҳам кўплаб форсча сўзларни ўзлаштирдилар¹.

Ўзлашмаларнинг мослашув жараёни орасида семантик жиҳатдан мослашувнинг аҳамияти катта ва анча қизиқарлидир. Умуман олганда, лексик бирликларнинг маъноси ва ундаги ўзгаришларни ўрганувчи семантика (семасиология) барча замонавий тилшунослик мактабларида ўта муҳим бўлимлардан ҳисобланади². Зеро, тил аввало мулоқот ва ахборот алмашинуви куралидир. Шунингдек, сўзнинг семантик структураси, сўзнинг лексикографик талқини, моносемия, полисемия каби масалалар билан чамбарчас боғланидиган бу муаммо фақат семасиология учун эмас, балки тилнинг бошқа лингвистик баҳслари (лексикология, лексикография, ономасиология, этимология кабилар) учун ҳам принципиал аҳамиятга эга³.

Ҳар бир тилнинг луғат таркибидан жой олган ҳар қандай сўз, хоҳ у ўзлашма бўладими, хоҳ тилнинг асл луғат фондига оид сўз бўладими, биринчи навбатда,

¹ Guliyev, E. I. Persidskaya poeziya i tyurkskiye zaimstvovaniya [Persian poetry and Turkic borrowings]. In orgkomitet konferentsii, 2016, pp. 91.

² Gaysina G.R. Persidskiy zaimstvovaniya v bashkirskom yazyke: Avtoref. dis. ...kand. filol. nauk. [Persian loanwords in the Bashkir language: Author's abstract. dis. ... Dr. Phd. philol. sciences] Ufa, 2008. pp. 7.

³ Kuchkartoev I. O'zbek tili leksik semasiologiyasi va uning aktual vazifalari [Lexical semantics of the Uzbek language and its current functions]. O'zbek tili va adabiyoti, Tashkent, 1982. no 6. pp. 27.



у маънолар англатиши билан қадрлидир. Чунки сўз маъно – семасиз ёки товушли (жарангли) белгисиз юзага чиқмайди. Ўз табиатига кўра фаркланувчи бу икки жиҳат айна пайтда муайян унсурнинг яхлитлигини, ажралмаслигини ташкил этади. Жаранг, товуш маъно–мазмунга хизмат қилиши боис, маъно сўзнинг асосий элементи ҳисобланади. Сўз маъноси воқеликнинг тил соҳиблари томонидан айнан бир хил, ўхшаш ёки яқин идрок қилишга асосланади, тил эгаларининг билиш салоҳиятига мувофиқ тузилади. Инсон шуурида акс этувчи инъикос, асосан, кишиларнинг ўзаро мулоқот жараёнида, уларнинг тилида рўёбга чиқади. Сўз шакли эса сўз идеал томоннинг материал тимсоли ҳисобланиб, у туфайли маъно (идеал томон) суҳбатдошга тушунарли бўлади. Демак, сўзнинг материал томони нафақат идеал (маъно) томонини ифодалайди ва рўёбга чиқаради, балки идеал томоннинг коммуникатив, умумий, тушунарли бўлиши учун хизмат қилади. Идеал томон материал томонсиз мавжуд бўлмаслиги каби, материал томон ҳам идеал томонсиз юзага келмайди. Сўз янгилибгина, янги қиёфага кирибгина қолмай, шунингдек, ўз фонетик кўриниши (шаклини)ни ўзгартирмаган ҳолда семантик ўзгаришлар негизида қайта майдонга чиқиши мумкин¹.

Ўзга тиллардан кирган ўзлашмалар ҳам тилга мослашгандан сўнг аста–секин қабул қилинган тилнинг ажралмас аъзосига айланади, баъзан улар шу даражада мослашиб кетадики, уларни бегона лексик бирликлардан эканлигини тил истеъмолчилари пайқамай ҳам қолишади.

Маълумки, чет тилларидан кириб келган ҳар бир янги сўз табиий равишда ўша тилнинг фонетик, орфографик, грамматик элагидан ўтади. Бунда сўз ўқилиши, ёзилиши ва тузилиши бўйича ўзлашаётган тилнинг муайян қонуниятлари таъсири остида айрим ўзгаришларни бошидан кечиради, яъни чет сўзларни қабул қилувчи тил измига маълум даражада бўйсунди². Бундай жараён эса баъзан қисқа, баъзан узоқ муддатда содир бўлади. Чунки ўзлаштираётган тил учун “қолиплаштирилмаган бўлак” бўлган ўзга сўз узоқ ёки қисқа вақт мобайнида ҳар томонлама мослашуви содир бўлади³.

Сўз ўзлашиши дастлаб сўз ва унинг айрим лексик маънолари ҳолатида юз бериб, семантик тузилиши тўла ўзлашмайди. Чунки тилга кириб келган дастлабки даврда ўзлашманинг маъноси тўла бериладиган ва ифодаланадиган контекстда ҳали шаклланмайди. Зеро, у халқларнинг ўзаро маданий муносабатига боғлиқ ҳолда, унга тобе муносабатда қабул қилинган нарса ва предметларни ифода этувчи лексик маъноси орқалигина қабул қилинган бўлади⁴.

¹ Dadaboev H., Hamidov Z., Holmonova Z. O‘zbek adabiy tili leksikasi tarixi [History of Uzbek literary language lexicon]. Toshkent, “Fan” Publ., 2007. pp. 102.

² Jumaniyozov O. O‘zbek tilidagi german tillari o‘zlashmalari [Loanwords of germanic languages in uzbek], Toshkent, “Fan” Publ., 1987. pp. 18.

³ Peysikov L.S. Leksikologiya sovremennogo persidskogo yazyka [Lexicology of the modern Persian language] Moscow, “Nauka” Publ., 1975. pp. 60.

⁴ O‘zbek tili leksikologiyasi [Uzbek language lexicology], Toshkent, “Fan” Publ., 1981. pp. 271.



Чет сўз аста-секин тилда маълум лексик бирликлар билан боғлиқ ҳолда ишлатила бошлайди. Нутқда муайян қўлланиш шакллари олади. Тил эгалари она тилларидан унга мос эквивалент топишга ҳаракат қилишади. Мабодо, шундай тил бирлиги бўлса, ўзлашманинг маъноси янада ойдинлашади ва конкретлашади. Унинг тилда қўлланилиш ўрни белгиланиб, ишлатилиши актуаллашади. Номланган факторлар чет сўз маъносига, у англаторувчи тушунча ва тасаввурларга ҳам таъсир қилади. Зеро, чет сўзнинг маъноси қабул қилувчи тилнинг луғат таркиби, тараққиёт даражасига қараб тўла, қисман ва ҳатто бутунлай ўзгариб ҳам ўзлашиши мумкин¹.

Форс тилидаги туркий ўзлашмалар мавзусида бир қатор олимлар тадқиқот ишларини олиб боришган. Хусусан, Алишер Навоий ўзининг “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида ўша давр форс тилидаги бир қанча туркий лексик бирликлар ҳақида муҳум маълумотлар қолдирган. Шунингдек, Ҳ.Заринезода, Л.С.Пейсиков, Д.Раҳимий, А.Қуронбеков, М.Нойибий, З.Ҳ. Фарахоний каби қатор олимлар ҳам туркий ўзлашмалар бўйича тадқиқотлар олиб боришган.

Форс тилидаги туркий ўзлашмаларнинг семантикасидаги ўзгаришларни ўрганиш анча қизиқарли ва шу билан бирга унда бироз мураккаб ва нозик қирралари мавжуд:

Биринчидан, форс тилидаги туркий ўзлашмалар узоқ муддатли вақт мобайнида ўзлашган. Илк туркий элементлар исломдан кейинги даврнинг бошларига тўғри келса, XIX асрга келиб ҳам уларнинг форс тилига кириб келиши давом этган. Ана шу катта давр уларни маъно жиҳатдан тадқиқ этишда бироз қийинчилик туғдиради.

Иккинчидан, туркий тиллардан ўзлашмалар форс тилидаги бошқа араб ёки Европа (француз, инглиз ва рус) тилларидан кирган ўзлашмалар сингари муайян ва аниқ бир тилдан ўзлашмаган. Бунда бир қатор туркий тиллар оиласига мансуб бўлган тиллар назарда тутилади. Аммо, бу форс тилига ўзлашмаларнинг кириб келишида барча туркий тиллар иштирок этган дегани эмас. Ҳозирги форс тили луғат таркибидаги туркий ўзлашмаларнинг асосий қисми озарбайжон, турк ва шу каби бошқа ўғуз тилларидан кирганлигини таъкидлаш лозим. Уларнинг ўзлашган даври асосан XV асрдан бу ёғидир. Шунинг учун кўпгина адабиётларда “озарбайжонча сўзлар” деб ҳам берилади. Форсий манбаларда эса *واژه های آذربایجانی* *vājehā-ye āzarbayjāniy* “озарбайжонча сўзлар” ва *واژه های ترکی – آذربایجانی* *vājehā-ye torkiy-āzarbayjāniy* “туркий-озарбайжоний сўзлар” деб берилади.

Мақсад ва вазифа. Мазкур кичик илмий тадқиқотнинг мақсади ҳозирги форс тилидаги туркий ўзлашмаларнинг маъно ўзгаришларини таҳлил қилиш ва мақсадга эришиш учун қуйидаги семантик хусусиятларни ўрганиш асосий вазибалар этиб белгиланди:

¹ Jumaniyozov O. O‘zbek tilidagi german tillari o‘zlashmalari [Loanwords of germanic languages in uzbek], Toshkent, “Fan” Publ., 1987. pp. 85-86.



- маъно кенгайиши;
- маъно торайиши;
- янги маъно касб этиши;
- маъно ўзгаришсиз кўчиши.

Усуллар. Тадқиқот усуллари сифатида семантик таҳлилдан фойдаланилиб, асосан ўзлашмалардаги семантик ўзгаришлар аниқланилди.

Натижалар ва мулоҳазалар. Такдикот натижасида ҳозирги замон форс тилидаги мавжуд туркий ўзлашмалардаги семантик ўзгаришлар кўриб чиқилди ва ёзма манбалардаги мисоллар билан ёритилди. Мисолларнинг маъноларини билиш мақсадида “Фарсса-азэрбайсанса лўғэт”¹, “Фарсса-азэрбайсанса лўғэт”², “Азербайджанско-русский словарь”³ ва бошқа манбалардан⁴ фойдаланилди. Бу ўзгаришларнинг ҳар бири ҳақида алоҳида кўриб чиқамиз.

Ҳозирги форс тилидаги маъноси кенгайган туркий ўзлашмалар. Туркий ўзлашмалар орасида шундай сўзлар борки, улар форс тилига киргач маъно жиҳатидан кенгайдилар, яни уларнинг форс тилида англатадиган маънолари туркий тиллардагига нисбатан кўпроқ бўлади. Ўзлашмаларнинг маъно кенгайиши – тил эгаларининг тасаввурида ички ва ташқи ўхшашлик, функциялардаги монандлик ва шу сингари қиёсланиш омиллари остида ўзлашмалар англатувчи тушунчаларнинг ҳажми ва сони ошиши ортидан содир бўлади. Эндиликда ўзлашма сўзлар билан бошқа нарса, предмет, ҳодисалар ва тушунчалар номлана бошланади. Шу тариқа сўзларда, яни ўзлашма сўзларда маъно туркий тиллардагига нисбатан кенгая бошлайди. Масалан, **قابلمه** *qāblame* сўзи туркий тилларда ёқопламаъ, ёсирлиъ маъноларини англатса, форс тилида эса туркий тилдаги маъносидан ташқари ёкострулкаъ маъноси ҳам бор. Бундай ҳолатда, ўзлашмада маъно жиҳатдан кенгайиш содир бўлмоқда. Ўзлашмаларнинг маъноларини контекстда кўриб чиқилса, улардаги ўзгаришлар ҳақида аниқроқ ва ишончлироқ хулоса чиқаришимиз мумкин. Шунинг учун **قابلمه** *qāblame* сўзини куйидаги жумлаларда кўриб чиқамиз:

شیرین با چشم های گشاد شده گفت: "مامان، بگم باور نمی کنی، شستن ظرف کثیف بدون قابلمه ۳۰۰ تومان، با قابلمه ۳۲۰ تومان توسط صاحب خود ظرف".

širin bā čašmhā-ye gošād šode goft: "māmān begam bāvar namikoni, šostan-e zarf-e kasif bedun-e qāblame sisad tumān, bā qāblame sisad-o bist tumān, tavassot-e sāheb-e xod-e zarf".

Ширин кўзларини катта-катта очганча деди: “Ойижон, айтсам ишонмайсиз, сирсиз, ифлос идишни ювиш 300 туман, сирлиги 320 туман, шунда ҳам идишларнинг эгаси ўзи ювади”.

¹ Nağisoylu M. Farscha-azerbayjanca lughet [Farsi-Azerbaijani dictionary]. Baku, 2007.

² Nəyyerzəman S. Farscha-azerbayjanca lughet [Farsi-Azerbaijani dictionary]. Baku, 1999.

³ Guseinov G. Azarbayjansko–russkiy slovar [Azerbaijani-Russian dictionary]. Baku, 1941.

⁴ Dekhxoda A. Loghatnome [Dictionary]. 1-14 volumes. Tehran, 1993-1994, Hasan Amid. Farhang-e farsi [The Dictionary of Persian Language]. Tehran, 1389.



Ушбу гапда *قابلمه* *yāblame* сўзи ўз маъносида Ёсирлиъ, Ёкопламалиъ маъносида келмоқда.

هنگامی که در خدمت سربازی بودم و نوبت به انجام وظایف اختیاری رسید، من شستن ظروف و قابلمه ها را انتخاب کردم.

hengāmike dar xedmat-e sarbāzi budam va noubat be anjām va vazāyef-e extiyāri rasid, man šostan-e zarf va yāblamehārā entexāb kardam.

Ҳарбий хизматда бўлганимда ва навбат ихтиёрий вазифаларни бажаришга келганда мен идиш-товоқлар ва каструлькаларни ювишни танладим.

Ҳикоядан олинган мазкур гапда *قابلمه* *yāblame* сўзи иккинчи маънода, “каструлька” маъносида келмоқда. Шунингдек, *اتاق* *otāy* сўзи туркий тилларда, хусусан, озарбайжон тилида “хона” маъносига эга бўлса, форс тилида эса унинг маънолари кўпроқ, бу сўз “хона”, “палата” маъноларини ҳам англатади, масалан:

بازرس روی تنها صندلی اتاق که رفیقم به او نشان داده بود نشست.

bāzras ru-ye tanhā sandali-ye otāy ke rafīyam be u nešān dāde bud nešast

Инспектор дўстим кўрсатган хонадаги ягона стулга ўтирди.

Ушбу жумладаги *اتاق* *otāy* сўзи “хона” маъносида келмоқда.

اتاق بازارگانی یک سازمان غیر دولتی می باشد.

otāy-e bāzārgāni yek sāzemān-e yeyr-doulati mibāšad.

Савдо-сотик палатаси бир нодавлат ташкилот ҳисобланади.

Мазкур жумлада *اتاق* – *otāy* сўзи “палата” маъносини англатмоқда.

Маъно кенгайган сўзларнинг аксари туркий тилларда, одатда, бир маънони англатадиган моносемантик сўзлар ҳисобланади. Бундан ташқари икки ва ундан ортиқ маънога эга бўлган сўзларда ҳам маъно кенгайиши содир бўлиши мумкин. *بيلاق* *yeylāy* сўзи ҳам ана шундай сўзлардандир. Бу сўз туркий тилларда “яйлов” ва “ёзги салқин маскан” (дам олиш маскани) маъноларига эга бўлса, форс тилида эса яна “дала ҳовли”, “дача” маъносида ҳам келиши мумкин, масалан:

در شمال غربی ایران، در ارتفاعات با لاتر از ۱۷۰۰ متر، در شمال شهرستان تالاش بیلاق "شکردشت" وجود دارد.

dar šomāl-e ʔarbi-ye irān, dar ertefāʔāt-e bālātar az 1700 metr, dar šomāl-e šahrestān-e tālāš yeylāy-e "šokordašt" vojud dārad.

Эроннинг шимолий ғарбида 1700 метрдан ортиқ баландликда Толош шаҳри шимолида “Шукрдашт” ёзги дам олиш маскани бор.

ما گفتم: این افراد برای گردش پنجشنبه گذشته به ارتفاعات بیلاقی رفته بودند.

mā goftim: "in afrād barāye gardesh panjšanbe-ye gozašte be ertefāat-e yeylāyi rafte budand".

Биз дедик: “Бу инсонлар ўтган ҳафта айланишга яйлов тепаликларига боришган эди”.

امسال در شهرستان تالاش دیگر تا ۱۰۰ خانه های بیلاقی ساخته میشود.

emsāl dar šahrestān-e tālāš digar sad tā xānehā-ye yeylāyi sāxte mišavad



Бу йил Толош шаҳрида яна юзта дала ҳовли курилади.

Юқорида мисол тариқасида берилган туркий ўзлашмаларга аҳамият берсак, улар англатаётган қўшимча маънолари билан аввалги маънолари ўртасида яқинлик ва боғлиқликни кўраемиз.

Ҳозирги форс тилидаги маъноси торайган туркий ўзлашмалар. Туркий ўзлашмалар форс тилига ўзлашгач, улар англатадиган маънолар камайиши ҳам мумкин. Бундай семантик ўзгариш кўп маъноли-полисемантик туркий сўзларга хосдир. Улар форс тилига киргач, манба тилига нисбатан камроқ маъно англата бошлайди. Одатда, ўзлашмалар камдан-кам ҳолатлардагина барча маънолари билан форс тилига кириб келади. Чунки ўзлашмаларнинг лексик маънолари алоҳида-алоҳида, бир-бирига бўйсунмаган муайян бир обектив сабаблар билан ўзлаштирилиши уларнинг семантик тузилишининг тўлалигича кириб келишига тўсқинлик қилади. У ўзлашаётган тил учун янги нарса ва ҳодисани билдирувчи, моддий ва маънавий ҳаётни англатишда керак бўлган тушунча ва тасаввурни номловчи, тилнинг кам жойини тўлдирувчи лексик бирлик сифатида тезда қабул қилинади¹. Натижада ўзлаштираётган тил қабул қилаётган сўзнинг ўзи учун керак бўладиган маъносинигина қабул қилади, сўзнинг қолган маъноларига эҳтиёж бўлмагани учун қолган маънолари ўз-ўзидан тушиб қолади.

Туркий ўзлашмаларнинг маъно торайишида асосан битта маъноси ўзлашиши кўпроқ содир бўлади. Бундай ўзлашмалар туркий тилларда икки, уч ва ундан ортиқ маъноларга эга бўлса ҳам, фақатгина битта маъноси ўзлашади. Масалан, *قاچاق* *qācāq* сўзи туркий тилларда икки ёқочоқ ва “контрабанда” маъноларига эга, аммо форс тилига фақатгина битта “контрабанда” маъносигина ўзлашган. Форс тилида “қочоқ” сўзини ифодалаш учун эса форсий *فراری* *farāri* сўзи мавжуд. Кўриниб турибдики, тилга ўзлашмаларнинг нафақат ўзи, балки маъноларининг ҳаммаси ҳам қабул қилинаверилмайди, эҳтиёж бор маъноларигина ўзлаштирилади. *قاچاق* *qācāq* сўзини қуйидаги жумлаларда кўриб чиқамиз:

ما عادت نداشتيم از ياران خود بپرسيم كه از چه راه فلان شيني قاچاق وارد زندان شده است.

mā ādat nadāštīm az yārān-e xod beporsim ke az če rāh-e felān šey-ye qācāq vāred-e zendān šode ast.

Биз дўстларимиздан контрабанда моли қайси йўллар билан олиб кирилган деб сўрашга одатланмаганмиз.

ما چاره ای نداشتيم جز اينكه كتاب را قاچاق كنيم و درموقع تفتيش آنها پنهان نماييم.

mā čāre-i nadāštīm joz in-ke ketābrā qācāq konim va dar mouye-e taftiš penhān namāyim.

Биз китобни яширинча (контрабанда) олиб киришга ва тафтиш пайтида уларни яширишдан бошқа чора топа олмадик.

Баъзан полисемантик характердаги туркий ўзлашмаларнинг маъно торайишида уларнинг иккита маъноси ҳам ўзлашиши мумкин. Масалан, *توتون* *tuton*

¹ Jumaniyozov O. O‘zbek tilidagi german tillari o‘zlashmalari [Loanwords of germanic languages in uzbek], Toshkent, “Fan” Publ., 1987. pp. 90.



сўзи туркий тилларда “тамаки” (ўсимлик – *Hicotiana tabacum*), “тамаки” (махорка) ва “тутун” маъноларига эга. Форс тилида эса шулардан иккита маъноси мавжуд, унинг ʔтутунъ маъноси ўзлашмаган.

توتون، گیاهی با برگهای پهن است که در اصل به آمریکای شمالی و جنوبی رشد می کرد.
tutun giyāhi bā barghā-ye pahn ast ke dar asl be āmrikā-ye šemāli va janubi rošd mikard.

Тамаки аслида Шимолий ва Жанубий Америкада ўсадиган барглари кенг бир гиёҳдир.

رختشرا در آورد، کیسه توتون و چبکش را بر داشت رفت بالای پشت بام.
raxtašrā dar āvard, kise-ye tutun va čoboyašrā bar dāšt raft bālā-ye pošt-e bām
Кийимларини ечиб тамаки халтаси ва трубкасини олиб болохонага чиқди.

توتون *tutun* ўзлашмаси юқоридаги биринчи гапда ўсимлик маъносидаги “тамаки”ни англатса, иккинчи гапда “тамаки” (махорка) маъносини англатмоқда. آقا *āqā* сўзи ҳам туркий тилларда бир қанча “ака”, “жаноб”, “оға”, “хожайин”, “оила бошлиғи” каби маъноларга эга. Ҳозирги замон форс тилида эса бу сўз икки “жаноб” ва “оила бошлиғи” (ота) маъноларигина ўзлашган, масалан:

کارم تمام شد و آقای مرزانی هنوز نیامده بود.
kāram tamām šod va āqā-ye marzāni hanuz nayāmade bud.

Ишим тугаб бўлди ва жаноб Марзани эса ҳали ҳам келмаган эди.

کاظم آقا که دست ها را آستین پالتو پنهان کرده نزدیک در ایستاده بود.
kāzem āqā ke dasthārā āstin-e pāltu penhān karde nazdik-e dar istāde bud.

Қўлларини палтосининг енгига беркитиб олган Козим жаноблари эшик ёнида турар эди.

دست های مادر بچه را می شوید، وسط پا، کمر، صورت. آگه ساکت نشی آقات میاد با زنجیر میزنه، ها.
dasthā-ye mādar bače-rā mišuyad, vasat-e pā, pošt, kamar, surat. age sāket naši āqāt miyād bā zanjir mizane, hā

Она қўллари билан боланинг оёқларининг ўртасини, орқасини, белини, юзини юварди. У деди: “Агар тинчланмасанг, отанг келиб занжир билан уради, ҳали қараб тургин!”

Шунингдек, *tumān* сўзи туркий тилларда “ўн минг”, “оломон”, “дивизия”, “маъмурий ҳудуд бирлиги” каби маъноларни англатади. Ҳозирги форс тилида эса бу сўзнинг тарихий “дивизия” ва “туман” (ўн риёлга тенг пул қиймати) каби маънолари бор. Маълумки, Эронда ўн риёл бир туманга тенг эди. Ўн риёлнинг бир туман деб номланиши хусусида А.Деххудо шундай ёзади: “Ҳозирги риёл олдинги “қирон”нинг муодилидир ва олдинги “қирон” минг динорга тенг бўлган, ҳозирда муомаладаги ўн риёл эски “қирон” нинг ҳисобида ўн мингга тенг, шунинг учун ўн риёлни бир *tumān* деб аташади”¹. *tumān* сўзи ҳозирда кенг қўлланиладиган туркий сўзлардандир:

- بی انصاف! مرديم از گرسنگی . پس برای کی نگهداشته بودی؟
- بیست تومان، یک قوتی .

¹ Dehkhoda A. Loghatname [Dictionary]. 1-14 volumes. Tehran, 1993-1994. pp 6274.



-*biensāf!* *mordim az gorosnegi. pas barāye ki negāh dāšte budi?*

-*bīst tuman, yek quti*

-Инсофсиз! Ўлдик-ку очдан. Унда ким учун олиб қўйдинг?

-Йигирма туман, битта қутиси.

Шунингдек, маъносини торайтирган баъзи бир ўзлашмалар ҳам борки, уларнинг уч-тўрттагача маънолари форс тилига ўзлашган бўлиши мумкин. Бундай сўзлар, одатда, туркий тилларда жуда кўп маънони англатувчи сўзлар ҳисобланади. Масалан, *اجاق ojāy* сўзи ана шундай сўзлардандир, бу сўз туркий тилларда жуда кўп маънога эга: “ўчоқ”, “печ”, “камин”, “марказ”, “оила”, “уй” (масалан, “ота уйи”), “насл-авлод”, “шажара”, “кон”. Форс тилида эса унинг “ўчоқ”, “печ”, “камин”, “насл-авлод” каби маънолари ўзлашган. Масалан:

در و دیوار, سماور و قوری, سینی ظروف, اجاق گلی, ختی ماهی شورکه نزدیک پنجره از میخ آویخته بود, همه سیمای حیرت زده و پرسش آمیزی را به او نشان میداد.

dar-o divār, samavār va yuri, sini-ye zoruf, ojāy geli, xattā māhi-ye šurke, nazdik-e panjare az mix āvixte bud, hamme simā-ye heyrat zade va porsešomizrā be u nešān midād.

Эшик ва девор, самовар ва чойнак, лой ўчоқ, патнис, ҳатто дераза яқинидаги миҳга осилиб турган шўр балиқ – ҳаммаси унга ҳайрат ва савол аралаш юзини кўрсатар эди.

دودکش معصوم اجاق ها، چراغ های دریایی، پریان صحرايي این سرزمین جادواند. از مادرت بپرس!

dudkaš-e masum-e ojāyha, čerāyhā-ye daryāyi, pariyān-e sahrāyi-ye in sarzamin jāduand. az mādarat bepors!

Каминларнинг ўчган мўрилари, маёқлар, бу ернинг саҳро парилари жодуланган. Онангдан сўра!

پیرزن گفت: برگرد سرخوابت، من غذا روی اجاق دارم.

pirzan goft: “bar gard sar-e xābat, man ʒazā ru-ye ojāy dāram”.

Қари кампир деди: “Қайтиб ухлайвер, печда овқатим бор”.

چرا آنها هنوز هم صاحب فرزند نیستند آیا اجاق کورند؟

čerā ānhā sāheb-e farzand nistand, āyā ojāy-e kurand?

Нега уларнинг фарзандлари йўқ, бефарзандмилар?

Юқоридаги мисолларда ҳозирги замон форс тилидаги маъноси торайган туркий ўзлашмаларнинг бир, икки ва тўрттагача маъноларининг ўзлашишини кузатиб чиқдик.

Ҳозирги форс тилидаги янги маъно касб этган туркий ўзлашмалар. Туркий ўзлашмалар орасида шундай сўзлар борки, улар форс тилига келиб семантик мустақилликка эришади. Уларнинг маънолари ва англатувчи тушунчалари ўзлашган тилда бутунлай янги лексик бирликлар билан боғланиб, туркий тилдагига қараганда мутлақо ўзга семантик вариантларни кашф этган. Бундай турдаги ўзлашмаларнинг нега маъноларини бутунлай ўзгартириб юбориши сабаблари номаълум ва уларнинг миқдори ҳам кўп эмас. Одатда, туркий ўзлашмалар янги маъно касб этиши бир маъноли сўзларда учратилади. Масалан, *الاغ olāy* сўзи ана шундай ўзлашмалардан. Ҳасан Амиднинг таъкидлашича,



бу сўз туркий тиллардаги шакли “улак” бўлиб, “хабарчи” маъносини англатар экан¹. Форс тилида эса бу сўз “эшак” маъносига ўзгариб кетган. Масалан:

روزی ملا نصرالدین الاغش را برد توی بازار تا بفروشد.

ruzi mollā nasriddin olāḡašrā bord tu-ye bāzār tā beforušad.

Бир куни Мулло Насриддин эшагини сотиш учун бозорга олиб борди.

خدا بیامرزد پدرم را یک الاغ بندری خریده بود.

xodā biamrzd pedaramrā yek olāḡ-e bandari xaride bud.

Отамни худо раҳматига олган бўлсин, бир бандарий эшак сотиб олган эди.

Маъносини бутунлай ўзгартирган туркий ўзлашмаларга **бид** бид ёкуяъ сўзини ҳам мисол тариқасида беришимиз мумкин. Туркий тилларда инсон ва ҳайвонлар қонини сўрувчи паразит жонивор “бит”ни англатувчи бу сўз форс тилида томоман янги “куя” маъносига эга. Масалан:

بيدها حشراتى هستند که از جهات مختلف شبیه به پروانه ها می باشند تا حدی که تشخیص آنها مشکل

می شود.

bidhā hašārati hastandke az jehāt-e mohtalef šabih be parvānehā mibāšand tā haddi ke tašxis-e ānhā moškel mišavad.

Куялар бир қанча жиҳатлари билан капалакларга ўхшайди, улар ўртасидаги фарқни ажратиш мушкул.

در کل دو نوع بید وجود دارد که به پشم صدمه می زنند:

۱. بید لباس

۲. بید قالی.

dar kol do nav-e bid vujud dārad ke be pašm sadame mizanand:

1. *bid-e lebās*

2. *bid-e ḡālī.*

Юнгларга зарар етказувчи куянинг жами икки тури мавжуд:

1) кийим куяси;

2) гилам куяси.

Юқоридаги мисоллардан кўришиб турибдики, **бид** *bid* ўзлашмаси ҳозирги форс тилида тамоман янги маъно англатади, “bit” сўзини ифодалаш учун эса ўрта форс тилидаги *špiš* сўзига бориб тақалувчи *šeneš* сўзи мавжуд.

Ҳозирги форс тилидаги янги маъно касб этган туркий ўзлашмалар орасида полисемантик характерли туркий ўзлашмалар ҳам бор. Бундай сўзлар туркий тилларда бир қанча маъно англатса ҳам уларнинг ҳеч бири форс тилига ўзлашмаган ва янги, бу сўзнинг туркий тиллардаги йўқ маъноларини касб этади. Масалан, *سراغ* *sorāḡ* сўзи туркий тилларда “сўров” ва “савол” каби маъноларга эга, аммо форс тилида бу маънолар мавжуд эмас. Аксинча, янги икки – “маълумот” ва “йўқлаш” маъноларида қўлланилади, масалан:

در مدت یک سال و نیم که ماهرخ رفته بود بخدمتکاری یکبار نشد که آجی خاتم به سراغ او برود یا

احوالش را پیرسد.

¹*Bu haqida qarang:* Hasan Amid. Farhang-e farsi [The Dictionary of Persian Language]. Tehran, 1389. Pp.121.



dar moddat-e yek sāl-o nim ke māhroh rafte bud bexedmatkāri yekbār našod ke ābjixānom be sorāy u beravad yā ahvālašrā beporsad.

Моҳрухнинг хизматкорликка кетганига бир ярим йил бўлган бўлса ҳам, Обжихоним уни бирор марта йўқлаб ёки аҳволини сўраб бормади.

چون از اول فکر کرده بود که فروش از این بالاتر نخواهد رفت و مرد جوان بزودی به سراغ گوسفنداناش خواهد رفت.

čun az avval fekr karde bud ke foruš az in bālātar nahāhat raft va mard-e javān bezudī be sorāy-e gusfandānaš xāhad raft.

Чунки у бошиданоқ савдолар кўтарилмайди деб ўйлаган эди ва йигит тезда кўйларини излаб кетади .

دوستم! من از یک کافه سراغ دارم. بیا، امشب آنجا می رویم.

dustam! man az yek kāfe sorāy dāram. biyā, emšab ānjā miravim.

Дўстим! Мен бир қахвахонани биламан. Кел, бугун кечаси у ерга борамиз.

Форс тилидаги янги маъно касб этган бундай туркий ўзлашмаларнинг миқдори ҳам кўп эмас. Агар уларнинг форс тилидаги янги маъноларига эътибор берсак, уларнинг туркий тиллардаги маъноларига боғлиқлик ва яқинлиги бор.

Маъно ўзгаришсиз кўчган ҳозирги форс тилидаги туркий ўзлашмалар. Туркий ўзлашмалар орасида ўз маъносини ўзгартирмай кўчган сўзлар кўпчиликини ташкил этади. Бундай ўзлашмаларга, одатда, туркий тилларнинг ўзида бир маънога эга бўлган сўзлар киради. Булар асосан терминологик лексика бўлиб, нарса ва ҳодисани номлаш вазифасини бажаради. Масалан, الك *alak* “элак”, قاشق *qāšq* “қошиқ”, بشقاب *bošqāb* “ликопча”, قۇرباغه *qurbağe* “қурбақа”, تلمبه *tolombe* “насос”, قیماق *qeymāq* “қаймоқ”, قیچی *qeyčī* “қайчи”, تپانچه *tapānče* “тўшпонча”, قازقان *qāzqān* “қасқон”, غاز *ğāz* “ғоз” каби сўзлар. Масалан:

آن زن سلام کرد و گفت: “فال می گیرم. مهره مار داریم، الك، غلیبر، گردو...” .

ān zan salām kard va goft: “fāl migiram. mohre-ye mār dārim, alak, ɣalbir, gerdu...”

Ўша аёл салом берди ва деди: “Фол кўраман. Ўқиб кўямиз, элак, ғалбир, ёнғоқ...” .

قاشق چایخوری را که به جای کلون بود از توی چفت آورد، در را در باز کرد و داخل شدند .

qāšq-e čāyxuri rā ke be jā-ye kolun bud ke az tu-ye čeft dar āvard, dar rā bāz kard va dāxel šodand.

Сурма зулфин ўрнига тиқиб кўйилган чой қошиқни ҳалкадан суғуриб олиб, эшиқни очди ва ичкарига кирди.

او هم پیاده شد، تلمبه را آوردند. چند تایی تلمبه زدند.

u ham piyāde šod, tolomberā āvardand. čandtāi tolombe zadand.

У ҳам тушди, насосни олишди ва бир нечтаси ғилдиракни дамлашди.

دو دست رخت زری خریدند، تنگ، گیلās سوزنی، گلاب پاش، مشربه، جعبه بزک و سمه جوش، سماور برنجی پرده قلمکار و همه چیز خریدند.

do dast raxt-e zari xaridand, tang, gilās-e suzani, golābpāš, mašrabe, ja'be-ye bazak, vāsmejuš, samāvar-e berenji, parde-ye qalamkār va hame čiz xaridand.



Икки адад зар тикилган кўйлак, сўзана чойшаб, графин, стакан, гулоб сепадиган идиш, безак кутиси, гиламча, бошга ёпадиган тўр, мис самовар, гулдор пардалар ва барча нарсани сотиб олишди.

Юқорида **الك** *alak*, **فاشوق** *yašoʻy*, **تلمبه** *tolombe*, **بزك** *bazak* каби сўзлар мисол тариқасида берилди. Бундай турдаги туркий ўзлашмаларнинг характерли томонларидан бири шуки, улар аниқ бир функционал сферага хос ва семантик турғундир.

Хулоса. Ҳозирги форс тилидаги туркий ўзлашмаларнинг семантик ўзгаришлари ҳақидаги мулоҳазаларимизга якун ясаб шуни айтиш мумкинки, улар форс тилига ўзлашгандан сўнг маъноларида маълум ва муайян ўзгаришлар юз беради. Улар маъно торайиши, маъно кенгайиши ва янги маъно касб этиши каби семантик ўзгаришларни бошидан кечиради. Маъно торайиши табиийки, туркий тилларда кўп маънога эга бўлган ўзлашмаларда юз беради. Улар англаётган маънодан форс тилига битта маъногина ўзлашиши кўпроқ кузатилди, шунингдек, уларнинг икки ва ундан ортиқ маънолари ўзлашиши ҳам мумкин. Туркий ўзлашмалар орасида маъносини кенгайтирган сўзлар ҳам мавжуд. Баъзи бир ўзлашмалар борки, семантик мустақилликка эришиб, бутунлай янги маъно ифодалай бошлайди. Уларнинг сони кўп эмас ва одатда, аввалги маъноларига яқин маъноларни англатади. Бундан ташқари, ҳеч қандай семантик ўзгаришсиз ўз маъносида тўла кўчган сўзлар ҳам бор. Улар туркий ўзлашмалар орасида кўпчиликни ташкил этади.



МАНБАШУНОСЛИК ВА МАТНШУНОСЛИК //
 ИСТОЧНИКОВЕДЕНИЕ И ТЕКСТОЛОГИЯ //
 SOURCE STUDY AND TEXTOLGY

НОДИР ТАЛИПОВ

ўқитувчи, ТДШУ

**Абдулқохир Журжонийнинг араб тили
 грамматикасига оид асари хусусида**

Аннотация. Ушбу мақола классик араб тили грамматикасига бағишланган. Араб тили грамматикаси дунё тиллари грамматикалари орасида ўз ўрни, узоқ тарихи ва анъаналарига эга. Грамматика анъаналарини ва унинг услубларини ўрганиши мумтоз ва замонавий арабишуносликнинг асосий вазифасидир. Хуросонлик кўп қиррали олим, машҳур тилишунос, Имом Абдул Қохир ибн Абдул Раҳмон Журжоний «ал-Авамил ал-миа» ва «ал-Жумал» асарларида тил масалаларига ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан ёндашган. Бу икки асар биргаликда «омил»лар ҳақида мукамал маълумот беради. Яъни, «ал-Авамил ал-миа» асари бир тартибга солинган омиллар йиғиндиси бўлса, «ал-Жумал» асари эса омил принципига асосланган умумий қонунлар мажмуидир. Абдул Қохир Журжонийнинг асари «ал-Жумал» (جمل – тўплаш, йиғиш, жамлаш) деб аталиши унда барча омиллар тўлиқ ва мукамал жамланганлигидандир. Олим ушбу асарини катта беш бобга бўлган:

1. Биринчи боб: Муқаддима.
2. Иккинчи боб: Феъл омиллари.
3. Учинчи боб: Ҳарф омиллари.
4. Тўртинчи боб: Исм омиллари.
5. Бешинчи боб: Алоҳида ҳолатлар.

«Ал-Жумал» асарида грамматик қоидалар илмий жиҳатдан пухта ва ўзлаштирилиши осон бўлиши учун қисқа баён қилинган. Бу қоидаларнинг кетма-кетлиги манتيқан бир-бирига боғлиқ. Асарда мисоллар тушунарли ва содда қилиб берилган. Энг асосийси асар омил принципига асосланиб ёзилган. Асар шу бугунги кунда ҳам ўз илмий салоҳиятини йўқотмаган. Асар ёзилган даврдан бошлаб ҳозирги даврга қадар олимлар томонидан кенг истифода этилади. Ўрта асрларда бу рисолага кўплаб шарҳлар ёзилган бўлса, бугунги кунда олимлар ўз илмий тадқиқотларида «Ал-Жумал» асарига ишончли манба сифатида таянадилар. Асарнинг қўлёзма нусхалари Миср, Сурия ва бошқа давлатларнинг кутубхона ва қўлёзма фондларида сақланиб келмоқда.

Таянч сўз ва иборалар: омил, феъл омиллари, исм омиллари, ҳарф омиллари.

Аннотация. Данная статья посвящена классической арабской грамматике. Арабская грамматика имеет свое место, глубокую историю и свои традиции среди других мировых грамматик. Изучение традиций грамматики и ее стилей является основной задачей классического и современного арабского языка. Имам Абдул Кахир ибн Абдул Рахман Джурджани, известный ученый и лингвист из Хорасана, использовал теоретический и практический подход к языковым вопросам в своих работах



«Аль-Авамил-аль-Мия» и «Аль-Джумал». Вместе эти две работы дают полную информацию об управляющих словах. То есть в «Аль-Авамил-аль-Мия» излагается все управляющие слова в арабском языке, а работа «Аль-Джумал» представляет собой набор общих правил, основанных на управляющих словах. Работа Абдул Кахир Джурджани называется «Аль-Джумал» (جمع – собирать), потому что она содержит все управляющие слова в полной и совершенной форме. Ученый разделил эту работу на пять основных глав:

1. Глава первая: Введение
2. Глава вторая: Управляющие глаголы
3. Глава третья: Управляющие предлоги или частицы
4. Глава четвертая: Управляющие имена
5. Глава пятая: Прочие

Грамматические правила в «Аль-Джумал» описаны очень лаконично, для того чтобы было их легко понять и освоить. Последовательность этих правил логически взаимосвязана. Примеры в работе весьма понятны и просты. Самое главное, что работа основана на принципе управляющих слов. Работа не потеряла своего научного потенциала даже сегодня. Работа широко использовалась учеными с момента ее написания до наших дней. Хотя в средние века к этому трактату было написано много комментариев, ученые сегодня полагаются на «Аль-Джумал» как на надежного источника в своих научных исследованиях. Рукописи данной работы хранятся в библиотеках Египта, Сирии и других стран.

Опорные слова и выражения: управляющие слова, управляющие глаголы, управляющие имена, управляющие предлоги или частицы.

Abstract. This article concentrates on Classic Arabic Grammar. Arabic Grammar has its place, deep history and its traditions among other World Grammars. Studying traditions of grammar and its styles is a main important challenge of Classic and Modern Arabic Studies. Imam Abdul Kahir ibn Abdur Rahman Jurjani, a famous scholar and linguist from Khorasan, used a theoretical and practical approach to language issues in his works Al-Avamil al-Miya and Al-Jumal. Together, these two works provide complete information about control words. That is, Al-Avamil al-Miya contains all the control words in Arabic, and the work of Al-Jumal is a set of general rules based on modifiers. The work of Abdul Kahir Jurjani is called Al-Jumal (جمع - collect), because it contains all modifiers in a complete and perfect form. The scientist divided this work into five main chapters:

1. Chapter One: Introduction,
2. Chapter Two: Modifier Verbs,
3. Chapter Three: Modifier Letters,
4. Chapter Four: Modifier Nouns,
5. Chapter Five: Others.

The grammar rules in Al-Jumal are described very concisely so that they are easy to understand. The sequence of these rules is logically interconnected. Examples in the work are very clear and simple. Most importantly, the work is based on the principle of modifiers. The work has not lost its scientific potential even today. The work has been widely used by scientists from the time of its writing to the present day. Although many comments were written on this book in the Middle Ages, scholars today rely on Al-Jumal as a reliable source in their scientific research. Manuscripts of this work are stored in the libraries of Egypt, Syria and other countries.

Keywords and expressions: Modifiers, modifier verbs, modifier nouns, modifier letters.



Маълумки, VIII–XIII асрларда қарор топган илмий ва ижодий муҳит туфайли Ислом дини тарқалган ўлкаларда, хусусан, Мовароуннаҳр ва Хуросонда Уйғониш даври бўлди. Ўша даврдаги мадрасаларда ҳам диний, ҳам дунёвий илмлар ўргатилди. Бир қанча катта шаҳарларда олимлар биргаликда фаолият кўрсатадиган машҳур академиялар очилди. Натижада, Куръони карим ва Ҳадиси шарифларни, шариат қонун-қоидаларини ўрганиш билан бир қаторда адабиёт, тилшунослик, тарих, риёзиёт, фалакиёт, тиббиёт, кимё, маъданшунослик ва бошқа дунёвий фанлар ҳам тараққий топди. Деярли барча фанлар бўйича юксак кашфиётлар қилинди. Инсоният тарихида муҳим ўрин тутувчи бебаҳо асарлар қадим диёри-миздан етишиб чиққан улуг алломалар томонидан қўлаб яратилди. Ушбу бебаҳо асарларнинг аксарияти бизнинг давримизгача етиб келган.

Булардан бири – Хуросонлик кўп қиррали олим, машҳур тилшунос Имом Абдул Қоҳир ибн Абдур Раҳмон Журжонийдир. Олимнинг тўлиқ исми Абу Бакр Абдул Қоҳир ибн Абдур Раҳмон ибн Муҳаммад Журжонийдир. Унинг туғилган йили манбаларда кўрсатилмаган. Вафоти баъзи манбаларда 471/1078 йил, баъзиларида 474 ҳижрий йил деб берилган¹. У Журжон (ҳозирги Эрон Ислом республикасидаги Табористон ва Хуросон шаҳарлари орасидаги водийда жойлашган)² шаҳрида дунёга келган ва шу ерда вафот этган. Журжоний илмга жуда чанқоқ бўлган ва ўз даврида мавжуд бўлган деярли ҳамма илмларни пухта эгаллаган. Айниқса, грамматика, риторика, стилистика, балогат илми, фикх, адабиёт ва бошқа илмларни яхши билган. Олимнинг миллати форс бўлишига қарамасдан у араб ва турк тилларини ўз она тилисидек мукамал эгаллаган. Илмларни ўзлаштиришда Журжон шаҳридаги машҳур олимларнинг қўлида таҳсил олган. Масалан, Рай шаҳрининг бош қозиси Али ибн Абдул Азиз Журжонийдан адабиёт сирларини ўрганган. Шунингдек, у машҳур Абу Али Фарисийнинг жияни ва шогирди бўлган Абу Ҳусайн Фарисий ибн ухт Абу Али Фарисийдан наҳв илмини ўрганган. Абу Али Фарисий араб навҳидаги «омил»³ (араб тилида сўзлар охиридаги унлиларни ўзгартириб, уларга бошқа маъно берувчи унсулар «омил»лар дейилади) тушунчасининг ривожланишига катта ҳисса қўшган олимдир. Унинг омиллар ҳақидаги «مختصر عوامل الإعراب» асари мавжуд. Абдул Қоҳир Абу Ҳусайн орқали Абу Али Фарисийнинг омиллар ҳақидаги илмидан хабардор бўлган.

Абдул Қоҳир Журжон шаҳридан бошқа шаҳарга сафар қилмаган. Абдулрахмон Суютий «كتاب بغية الوعاة» китобида шундай ёзган:

"عبد القاهر بن عبد الرحمن الجرجاني النحوي للإمام المشهور أبو بكر أخذ النحو عن ابن أخت الفارسي ولم يأخذ عن غيره لأنه لم يخرج عن بلده..."⁴

¹ الإمام شمس الدين محمد بن أحمد بن عثمان الذهبي. سير أعلام النبلاء. دار الفكر. بيروت. 1998. ج. 13. ص. 45.
² الدكتور البديوي زهران. العوامل المائة النحوية في أصول علم العربية. دار المعارف. القاهرة. 1983. ص. 50.

³ В. Гиргасинг айтишича, омиллар, яъни бошқарувчи сўзлар орқали араб грамматикасини талкин этишга ал-Халил ал-Фараҳиди асос солган. Лекин мисрлик олим Доктор ал-Бадравий Заҳрон эса «омиллар тушунчанинг асосчиси Абу Умар ал-Жармий ва ал-Мубарраддир», дейди.

⁴ جلال الدين السيوطي الشافعي. كتاب بغية الوعاة في طبقات اللغويين و النحاة. القاهرة. 1908. ص. 463.



«Абдул Қоҳир ибн Абдур Раҳмон Журжоний – «машхур нахвчи Имом Абу Бакр» тахаллуси билан машхур бўлиб, нахв илмини Ибн ухт Фарсийдан ўрганган ва ундан бошқа ҳеч кимдан таҳсил олмаган, чунки у ўз юртидан бошқа жойга чиқмаган».

Доктор Бадравий Заҳрон ҳам ўз асарига Абдул Қоҳир Журжонийни ҳеч қаерга сафар қилмаганлиги ҳақида хабар беради. Жумладан, у шундай ёзади:

"عبد القاهر الجرجاني هو: أبو بكر عبد القاهر بن عبد الرحمن بن محمد، عرف بعبد القاهر الجرجاني لأنه جرجاني الدار - فقد ولد و عاش بجرجانة لم يبرحها حتى لطلب العلم - و لما طوقت شهرته الأفاق شئت إليه الرحال و حثت المطي و هو متصدر جرجان يفيد الراجلين إليه و الوافدين عليه..."¹

«Абдул Қоҳир Журжоний, у [нинг тўлиқ исми] – Абу Бакр Абдул Қоҳир ибн Абдур Раҳмон ибн Муҳаммад. Абдул Қоҳир «Журжоний» тахаллуси билан машхур бўлган, чунки у Журжон шаҳридан бўлган. Шу шаҳарда туғилиб улғайган ва илм олиш иштиёқида Журжонни тарк этмаган. У жуда машхур бўлган. Унинг шуҳрати бутун оламга тарқалган. Илм олиш мақсадида одамлар унинг олдига боришган. Ҳатто Журжонга борган ҳар қандай киши биринчи бўлиб Абдул Қоҳирни зиёрат қилган. Олимнинг олдига келиб-кетувчилар унинг илмидан катта фойда топишган».

Абдул Қоҳирнинг нахв бўйича устози Абу Ҳусайн Фарисий бўлишига қарамасдан, у араб ва ажам оламидаги машхур олимларнинг фалсафа, фикҳ, грамматика, адабиёт, аруз илми, балоғат ва бошқа илмий асарлари билан танишиб чиққан ва уларни ўз устозлари деб билган. Улар: Абу Амр ибн Аъла, Исо ибн Умар Сақафий, Ибн Исҳоқ Ҳадрабий, Халил ибн Аҳмад, Юнус ибн Ҳабиб, Ахфаш, Сибавайхи, Ибн Қутайба, Абу Хилол Асқарий, Абу Аҳмад Асқарий Мирзабаний, Абдур Раҳмон ибн Исо Ҳамзаний, Зажжож, Жоҳиз ва бошқалардир².

Журжоний имон-этиқодли, дини-диёнатли, ҳудожўй одам бўлган. Абдул Қоҳир фикҳда шофеъи мазҳабида, каломда эса ашорий мазҳабида бўлган. Силафий шундай ривоят қилади:

"قال السلفي: كان ورعًا قانعًا، دخل عليه لصّ و هو في الصلاة، فأخذ ما وجد، و عبد القاهر ينظر و لم يقطع صلاته..."³

«У ҳудожўй, имон-этиқодли эди. Бир куни у намоз ўқиётганида унинг олдига ўғри кириб, бор-йўғини ўғирлаб кетди, лекин буни кўрган Абдул Қоҳир намозни бузмади».

Шунингдек, у моҳир нахвчи бўлган. У ҳақда Абу Муҳаммад ал-Абюрдий шундай дейди:

«قال: و سمعت أبا محمد الأبيوردي يقول: ما مقلت عيني لغويًا ، أما في النحو فعبد القاهر...»⁴

«Ал-Абюрдий шундай деганини эшитдим: мен ҳеч қандай тилшуносни билмасдим, лекин машхур нахвчи Абдул Қоҳир ҳақида эшитдим».

¹ الدكتور البدروي زهران. العوامل المائة النحوية في أصول علم العربية. دار المعارف. القاهرة. 1983. ص. 49.

² الدكتور البدروي زهران. عالم اللغة عبد القاهر الجرجاني. دارالمعارف. القاهرة. 1987. ص. 18.

³ الإمام شمس الدين محمد بن أحمد بن عثمان الذهبي. سير أعلام النبلاء. دارالفكر. بيروت. ج. 13. 1998. ص. 687.

⁴ تاج الدين أبو نصر عبد الوهاب بن علي بن عبد الكافي الشبكي. طبقات الشافعية الكبرى. دار الكتب العلمية. بيروت. ج. 3. 1999. ص. 560.



Абдул Қоҳир ал-Журжоний грамматика, риторика, стилистика, балоғат илми, фикҳ, адабиёт ва бошқа илмлар бўйича кўплаб асарлар ёзди. Унинг «الجُمَل» «Ал-Жумал» асари араб тили грамматикаси бўйича бебаҳо асар ҳисобланади. Араб наҳви ўзгача усулда ёритилган ушбу асар жуда машҳур бўлган. Ўша даврларда мазкур асар М. Замахшарийнинг «Ал-Унмузаж», Ибн Моликнинг «Алфия», Ибн Хожибнинг «Кофия» асарлари каби илми-толиблар учун араб наҳвини ўрганишдаги асосий қўлланма вазифасини ўтаган.

Қадимда араб грамматикасини қийин усулларда ёзилганлиги сабабли одамлар уни ўрганишга қийналганлар. Илм аҳли эъроб қоидаларини яхши билмаган. Араб грамматикасининг энг долзарб муаммоси бу – флексия, яъни эъроб қоидалари бўлган.

Флексия – эъроб деганда сўзларнинг охириги бўғин унлисининг ўзгариши тушунилади. Исмлардаги бу ўзгариш унинг келишигини, феъллардаги (ҳозирги замон) ўзгариш эса унинг майлини ифодалайди, яъни рафъ – исмларда бош келишикни, феълларда дарак майлини; насб – исмларда тушум келишигини, феълларда истак майлини; жарр – исмларда қаратқич келишигини билдирса, жазм – феълларда шарт майлининг кўрсаткичи ҳисобланади¹.

В.Гиргас: «Флексия ҳақидаги илм – араб грамматик тизимининг оригинал-лигини таъкидлови ўзига хос хусусиятларидан биридир», – деган фикрни билдиради².

Баъзи олимлар эъроб қоидаларини камайтиришга уринганлар. Баъзи олимлар эса, шу эъроб қоидаларини енгил усулда тушунтиришга ҳаракат қилганлар. Масалан: Абу Бакр ал-Хоразмий «و البغض عند كثرة الاعراب – менда эъробнинг кўплигига нафратим бор», – деб айтган. Абдул Қоҳир эса унинг бу фикри нотўғри эканлиги ва ҳар бир эъробнинг ўз ўрни борлигини тушунтирган³.

Доктор Бадровий Заҳроннинг айтишича, Абу Али Фарисий эъроб қоидаларидаги тушунарсиз, қийин бўлган жойларини енгилроқ усулда ёзишга киришди. У грамматикани «омил»⁴лар орқали тушунтиришга ҳаракат қилди ва «مختصر عوامل الاعراب» номли асарини ёзди. Унинг ишини шогирди Ибн Жинний давом эттирди⁵. Лекин бу икки буюк олимнинг ишларида камчиликлар бор эди. Уларнинг ишларини шогирдлари Абдул Қоҳир Журжоний охирига етказди. Абу Али Фарисий билан Ибн Жиннийнинг ишларидаги камчилик шунда эдики, улар асарларини фақатгина назарий томондан баён этганлар. Асосий амалий қисми эса назардан четда қолган эди. Абдул Қоҳир эса «ал-Авамил ал-миа» ва «ал-Жумал» асарларида тил масалаларига ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан

¹ М.Носирова. Эъроб-араб тили синтаксисининг асоси//Шарқшунослик фани мустақиллик йилларида. –Б.21.

² Ўша жой –Б.21.

³ 149. الدكتور البدرأوى زهران.عالم اللغة عبد القاهر الجرجاني.دارالمعارف. القاهرة.1987.ص

⁴ Бу атама махсус мақолада батафсил ёритилган. Қаранг:Н.Талипов. «Омил»-араб наҳвидаги уч усулнинг бири. «Шарқшунослик». №2-2004. –Б.58.

⁵ 46. الدكتور البدرأوى زهران.عالم اللغة عبد القاهر الجرجاني.دارالمعارف. القاهرة.1987.ص



ёндашган.¹ Бу икки асар биргаликда «омил»лар ҳақида мукамал маълумот беради. Яъни, «ал-Авамил ал-миа» асари бир тартибга солинган омиллар йиғиндиси бўлса, «ал-Жумал» асари эса омил принципига асосланган умумий қонунлар мажмуидир².

«Ал-Жумал» асарини «басмала»³ ва «ҳавқала»⁴ билан бошлаган Абдул Қоҳир шундай кириш қилади:

«هذه جمل ترتيبها ترتيبا قريبا المتناول، وضمنتها جميع العوامل، تهذب ذهن المبتدئ وفهمه وتعرفه سمت الإعراب ورسومه، وتقيد في حفظ المتوسط الأصول المتفرقة والأبواب المختلفة، لنظمها في أقصر عقد وجمعها في أقرب حد»⁵

«Мен мукамал қилиб тартибга келтирган бу асар ўз ичига барча омилларни олади. У [бошловчи] ўқувчининг ақлини чархлайди ва эъроб ҳақида тўлиқ тушунча беради. Асар жуда қисқа ва маънан бир-бирига яқин жамлангани учун фарқли қонун-қоидалар ва ҳар хил боблар ўқувчининг зехнига тез ўрнашади».

Абдул Қоҳир Журжонийнинг сўзларидан кўриниб турибдики, асарнинг «ал-Жумал» (جَمَل – тўплаш, йиғиш, жамлаш) деб аталиши унда барча омиллар тўлиқ ва мукамал жамланганлигидандир.

Олим ушбу асарини катта беш бобга бўлган:

- | | |
|-------------------------------|-----------------------------------|
| 1. Биринчи боб: Муқаддима | 1. الفصل الأول: في المقدمات |
| 2. Иккинчи боб: Феъл омиллари | 2. الفصل الثاني: في عوامل الأفعال |
| 3. Учинчи боб: Ҳарф омиллари | 3. الفصل الثالث: في عوامل الحروف |
| 4. Тўртинчи боб: Исм омиллари | 4. الفصل الرابع: في عوامل الأسماء |
| | 5. الفصل الخامس: في أشياء منفردة |

5. Бешинчи боб: [Юқоридаги боблардан фарқли ва шу билан бирга уларга тегишли бўлган] алоҳида ҳолатлар

Биринчи бобда Абдул Қоҳир қуйидаги мавзуларни шарҳлайди:

У исмнинг классификациясини учга бўлади. Булар: исм الاسم (от, сифат, сон, олмаш), феъл الفعل ва унинг барча турлари, ҳарф الحرف (ёрдамчи сўзлар).

Кейинги мавзу эъроб الإعراب (флексия)га бағишланган бўлиб, унда муаллиф эъроб ҳақида умумий тушунча бериб қуйидаги мавзуларга изоҳ беради:

- учинчи ўзак ҳарфи иллатли бўлган исмларнинг эъроби: إعراب المقصور؛ Масалан: حُبْلَى، بُشْرَى، الْقَاضِي، الدَّاعِي.

- феълнинг тусланиши: إعراب الفعل، яъни феъл майллари. Масалан: дарак майли – هو يَضْرِبُ “У урапти”; истак майли – لَنْ يَضْرِبَ “У урмади”; шарт майли – لم يَضْرِبْ “У урмади”.

- алмаштириш орқали эъроб: الإعراب بالنيابة، яъни ҳаракат ўрнида او، ي، ҳарфлари орқали эъробни ифодалаш. Улар қуйидаги сўзларда ўз ифодасини топади:

¹ 46. الدكتور البدر اوى زهران. عالم اللغة عبد القاهر الجرجاني. دار المعارف. القاهرة. 1987. ص.

² الدكتور البدر اوى زهران. العوامل المائة النحوية في اصول علم العربية للجرجاني. دار المعارف. القاهرة. 1983. ص. 33.

³ بسم الله الرحمن الرحيم

⁴ لا حول ولا قوة الا بالله

⁵ يسري عبد الغني عبد الله. كتاب الجمل في النحو. بيروت. 1989. ص. 35.



- олти исм *الأسماء الستة*, яъни *ذو مال*, *حم*, *هن*, *أخ*, *فم*, *أب*, *أم*. Масалан: -бош келишик (رفع): *جاءني أبوه*: “Унинг отаси менинг олдимга келди”;
- тушум келишиги (نصب): *رأيتُ أباه*: “Унинг отасини кўрдим”;
- қаратқич келишиги (جر): *مررتُ بأبيه*: “Унинг отасининг олдидан ўтдим”.

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, *و* бош келишикни, ¹ тушум келишигини, *ي* қаратқич келишигини ифодалаб келмоқда.

- иккилик ва тўғри кўплик, *المثنى وجمع المذكر السالم*. Иккилик ва тўғри кўплик музаккар жинсида келган исмлар олти исмдаги келишикларда фарқли турланади.

ان иккилик қўшимчасида «ا» ва *ون* тўғри кўплик музаккар жинси қўшимчасида «و» бош келишикни ифодалайди. *ين* иккилик қўшимчасида «ي» ва *ين* тўғри кўплик музаккар жинси қўшимчасида «ي» тушум ҳамда қаратқич келишигини билдиради. Масалан:

- бош келишик: *جاءني مسلمان*: “Менинг олдимга икки мусулмон келди”;
 - جاءني مسلمون*: “Менинг олдимга мусулмонлар келди”;
 - тушум келишиги: *رأيتُ مسلمين*: “Мен икки мусулмонни кўрдим”;
 - رأيتُ مسلمين*: “Мен мусулмонларни кўрдим”;
 - қаратқич келишиги: *مررتُ بمسلمين*: “Мен икки мусулмоннинг олдидан ўтдим”;
 - مررتُ بمسلمين*: “Мен мусулмонларнинг олдидан ўтдим”.
- беш феълнинг эъроб *تفعّلان، تفعلون، تفعّلان*, бундай феълга *تفعّلان، تفعلون، تفعّلان* қолипида келувчи феъллар киради. Улар шарт ва истак майлида охиридаги «ن» қўшимчасини тушириб қолдиради. Масалан: *لم يفعلوا*
- ноқис, яъни учинчи ўзак ҳарфи касал бўлган феълларнинг ҳозирги-келаси замонда тусланиши *إعراب المضارع المعتل الآخر*, буларга *يخشي، يرمي، يغزو* каби феъллар киради. Ушбу феъллар шарт майлида келганида касал ҳарфни тушириб қолдиради. Масалан: *لم يخش*. Истак майлида эса касал ҳарф тушмайди, лекин ҳаракатланади. Масалан: *لن يغزو، لن يرمي*. Алиф мақсурага тугаган *لن يخشي* каби феъллар эса истак майлида ўзгармайди. Масалан: *لن يخشي*.

Турланадиган ва турланмайдиган исмлар “*المعرب والمبني من الأسماء*” араб тилида ўзига хослиги билан ажралиб туради, ал-Журжоний ушбу исмлар ҳақида қуйидаги мавзуларда батафсил маълумот беради: икки келишикли исмлар *ما لا إعراب الممنوع من الصرف*, икки келишикли исмларнинг турланиши *الصرف*, турланмайдиган исмлар *المبني من الأسماء* ва бошқалар.

Шунингдек, Абдул Қохир феълларнинг мабний ва мўъроб ҳолатига ҳам алоҳида тўхталади *المبني والمعرب من الأفعال*.

Араб тилида ўтган замон феъли мабний ҳисобланади, яъни ушбу феълдан олдин ҳар қандай омил келса ҳам, унинг охириги ҳаракати ҳеч ўзгармайди. Масалан: *إن جلسك قلت* – “Ўтирсанг, айтаман”. Кўриб турганимиздек, феъл шаклан ўтган замонда бўлса ҳам шарт юкламасидан сўнг шарт майлида турибди, лекин феълнинг ҳаракати ўзгармаган. Шунингдек, буйруқ майлидаги феъллар ҳам мабний ҳисобланади. Масалан: *اضرب* – “Ур”. Ҳозирги-келаси



замон эса мўъроб, яъни охирги ҳаракати олдидаги омилига қараб ўзгаради. Масалан: يضربُ – “У ураяпти” – дарак майли;

إن يضربُ – “Агар у урса” – шарт майли;

ليضربُ – “У уриши учун” – истак майли.

Биринчи бобнинг охирида муаллиф омил ва унинг турлари ҳақида қисқача таъриф бериб, уларни уч катта гуруҳга бўлади:

- | | |
|------------------|------------------|
| 1. Феъл омиллари | 1. عوامل الأفعال |
| 2. Ҳарф омиллар | 2. عوامل الحروف |
| 3. Исм омиллари | 3. عوامل الأسماء |

Юқоридаги мавзулардан кўриниб турибдики, биринчи бобда араб тили грамматикасининг умумий ва энг асосий тушунчалари ёритиб берилган.

Иккинчи бобда олим феъл омиллари ҳақида маълумот беради. Унда феъл билан бошланган жумланинг эгаси الفاعل, феъл билан бошланган жумлада эга ва кесимнинг тартиби “الترتيب بين الفاعل و الفعل” ва шахси номаълум гап “ ما لم ” ҳақида сўз юритади.

Шунингдек, ушбу бобда бир турга мансуб бўлган ёрдамчи феъллар أفعال (бўлмок) ва унинг ёрдамчилари, яқинликни ифодоловчи феъллар أفعال المقاربة, мақтов ва таҳқирлаш феъллари فعل التمجيد والمدح والنم، ажабланиш феъли فعل التعجب билан тўлдиради.

Муаллиф феъл омилларига المتعدي – ўтимли феълларни ҳам киритиб уларни тўртга бўлади:

الأول : متعدي إلى مفعول واحد كضربتُ زيدًا.

1. Битга мафъул (тўлдирувчи)га ўтимли феъл. Масалан: Зайдни урдим. الثاني: متعدي إلى مفعولين ثانيهما عبارة عن الأول ، وهو سبعة : حسبت، وخلصت، ووجدت، وظننت، وعلمت، ورأيت، وزعمت، إذا كن بمعنى علمت، تقول : حسبت زيدًا أخاك، وعلمت زيدًا فاضلاً، فيكون الفاضل والأخ عبارة عن زيد.

2. Иккита мафъулни тушум келишигида туришини талаб этувчи ўтимли феъл. Бунда биринчи мафъул иккинчисига боғлиқ бўлади. Улар “билдим” маъносидаги етти феълдан иборат: وزعمت، ورأيت، وعلمت، وظننت، وخلصت، ووجدت، وحسبت. Масалан: Зайднинг сенинг аканг эканлигини билдим. Зайдни фозил деб билдим. Бу икки мисолда Зайдга ака ва фозил сўзи боғлиқлигини кўришимиз мумкин. Яъни, Зайд акадир ва Зайд фозилдир.

الثالث: متعدي إلى مفعولين ثاني غير الأول نحو أعطيت زيدًا درهمًا، فالدرهم غير زيد.

3. Иккита мафъулни тушум келишигида туришини талаб этувчи ўтимли феъл. Бунда биринчи мафъул иккинчисига боғлиқ бўлмайди. Масалан: “Зайдга дирҳам бердим”. “Дирҳам” сўзи Зайдга тегишли эмас, яъни Зайд дирҳамдир, деб айтолмаймиз.



الرابع: متعدٍ إلى ثلاثة مفاعيل وهو أربعة: أعلمت، وأريت، وأنبأت، ونبأت، إذا كن بمعنى أعلمت، تقول أعلم الله زيدًا عمرًا فاضلاً.

4. Учта мафъулни тушум келишигида туришини талаб этувчи ўтимли феъл. Улар “билдирдим”, маъносидаги тўрт феълдан иборат: ونبأت، وأنبأت، وأريت، أعلمت. Масалан: Аллоҳ Зайдга Амрнинг фозил эканини билдирди.

Абдул Қоҳир Журжоний учинчи бобни ҳарф омилларига бағишлайди. Ушбу бобнинг биринчи фасли ما يرفع وينصب من الحروف сўзларнинг бош ва тушум келишигида туришини талаб этувчи ҳарфларга бағишланади-. Улар: إنّ юкламаси ва унинг ёрдамчилари وأخواتها ليس، إنّ، لا ва لا инкор юкламалари، لا النافية للجنس мутлоқ инкор юкламаси.

Кейинги мавзуда сўзларнинг тушум келишигида туришини талаб этувчи ёрдамчи сўзлар ماينصب فقط еттига бўлинган. Улар: биргаликни ифодаловчи حرف النداء، иккинчиси إلا истисно юкламаси، учинчиси нидо юкламалари، تўртинчидан еттинчи фаслгача ҳозирги-келаси замон феъллини истак майлида туришини талаб этувчи، إنّ، كَيْ، لَنْ، كَيْ، إنّ юкламалари баён қилинади.

Тўртинчи бобда ал-Журжоний исм омилларини ифодалаб, унда феъл вазифасини бажарувчи ما يعمل عمل الفعل исмлар мавзуси билан бошлайди. Улар: الصفة المشبهة، اسم المفعول، اسم الفاعل аниқ даража сифатдош, мажхул даража сифатдош, феъллардан ясалган сифат, المصدر ҳаракат номи.

Сўнгра ما يعمل عمل الحرف من الأسماء ҳарф вазифасида келувчи исмлар ҳақида маълумот беради.

Бешинчи бобда Абдул Қоҳир юқоридаги боблардан фарқли ва шу билан бирга уларга тегишли бўлган алоҳида ҳолатлар ҳақида ёзади. Олим уларни беш фаслга бўлади: биринчи фасл المعرفة والنكرة аниқлик ва ноаниқлик категорияси, иккинчи фасл التوابع тобеъ исмлар, учинчи фасл التثنية والتنكير музаккар ва муаннас жинс категорияси, тўртинчи фасл الإعراب сўзларнинг охириги ҳаракати уч келишкни англатмаган сўзлар қоидасига бағишланган, масалан: أنت، أنت هو، هم. Бешинчи фаслда жумла ва унинг турлари ҳақида гап кетади ва у “المفرد والجملة”, деб номланади.

«Ал-Жумал» асарининг таркибий таҳлили шуни кўрсатадики, Журжонийнинг ушбу асарида грамматик қоидалар илмий жиҳатдан пухта ва ўзлаштириш осон бўлиши учун қисқа баён қилинган. Бу қоидаларнинг кетма-кетлиги мантиқан бир-бирига боғлиқ. Асарда мисоллар тушунарли ва содда қилиб берилган. Энг асосийси асар омил принципига асосланиб ёзилган. Асар шу бугунги кунда ҳам ўз илмий салоҳиятини йўқотмаган. Асар ёзилган даврдан бошлаб ҳозирги даврга қадар олимлар томонидан кенг истифода этилади. Ўрта асрларда бу рисолага кўплаб шарҳлар ёзилган бўлса, бугунги кунда олимлар ўз илмий тадқиқотларида «Ал-Жумал» асарига ишончли манба сифатида таянадилар. Асарнинг қўлёзма нусхалари Миср, Сурия ва бошқа давлатларнинг кутубхона ва қўлёзма фондларида сақланиб келмоқда.

Шуни айтиш лозимки, юртимиз ва собиқ Иттифоқ арабшунослари ушбу бебаҳо, ноёб асарни илмий жиҳатдан ўрганишмаган. Бу нодир асарни ўрганиш ва ҳозирги давримизга татбиқ этиш араб тилшунослигининг долзарб муаммосидир.



МАЛОҲАТ ПУЛАТОВА

PhD, ТДШУ

“Арбаъин” асарлари жанри

Аннотация. Ушбу мақолада Шарқ халқлари адабиёти тарихида арбаъин асарлар ёзиши анъана бўлганлиги ва бу анъананинг ўзига хослиги ёритиб берилган. Жумладан, арбаъин анъанаси, унинг жанр хусусиятлари, наср ва назмда яратилган арбаъинларнинг бадиияти унинг араб, форс-тожик, туркий халқлар орасида кенг тарқалганлиги арбаъин жанрининг адабий анъана даражасига кўтарилганлиги, унинг Қуръон ва ҳадислар билан узвий боғлиқлиги очиб берилган.

Таянч сўз ва иборалар: “Қуръон” оятлари, ҳадислар, арбаъин, “Арбаъин” – “Чиҳил ҳадис”, араб, форс, туркий тиллар, анъана, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий.

Аннотация. В данной статье освещаются традиции написания произведений арбаъин в истории литературы народов Востока и их особенности. В данной статье освещаются традиции написания произведений “арбаъин” в истории восточной литературы и их особенности. В частности, раскрыты популярность традиции “арбаъин”, его жанровые особенности, проза и поэзия среди арабского, персидско-таджикского и тюркского народов, их возведение в литературную традицию, а также показана ее связь с Кораном и хадисами.

Опорные слова и выражения: Аяты Корана, хадисы, арбаъин, “Арбаъин” – “Чиҳил ҳадис”, арабский, персидский, турецкий языки, традиция, Абдурахман Жами, Алишер Навои.

Abstract. This article highlights the traditions of writing the Arbain's works in the history of Eastern literature and their features. In particular, the popularity of the Arbain's tradition, its genre features, prose and poetry among the Arab, Persian-Tajik and Turkic peoples, their elevation to the literary tradition, as well as its relationship with the Qur'an and Hadith are revealed.

Keywords and expressions: The verses of the Qur'an, Hadith, Arbain, “Arbain” – “Chihil Hadith”, Arabic, Persian, Turkish languages, tradition, Abdurahman Jami, Alisher Navai.

Шарқ мумтоз адабиётида “Арбаъин” – “Чиҳил ҳадис” асар ёзиш, яъни 40 та ҳадисни бир ерга жамлаб, унинг маъносини оддий халққа тушунтириб бериш, унга шарҳ ёзиш анъана бўлган. Кузатувлар шуни кўрсатадики, ҳар бир даврнинг ўз “Арбаъин”лари мавжуд бўлиб, уларда аниқ мавзу ва мақсад илгари сурилган. Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)дан “Кимки, менинг ҳадисларимдан қирқтасини ёд билса, унга амал қилса ва уни бошқаларга ўргатса, киёмат куни менинг шафоатим остида бўлади”, –деган ҳадис етиб келган. Шунга кўра ҳадислардан 40 тасини ёдлаб олишга ва уларни халққа етказишга интилганлар. “Арбаъин”нинг луғавий маъноси: – 40 демакдир. Шунингдек, 40 кун чилла ўтириш яъни, суфийларнинг 40 кун хилватда риёзат чекишлари ва ибодатлари ҳамда, инсон дунёга келган кундан 40 кунни ва вафотидан кейинги 40 кунни ҳам англатади.¹ Қирқ кун – “покланиш” даври деб, аталади.

Ўрта аср мутафаккирлари пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг турли мазмундаги ахлоқий ҳамда ислом аҳкомларига оид ҳадислардан 40 тасини

¹ Муҳаммад Гиёсуддин. “Гиёс ул-луғат”. 1-жилд. (Нашриёти адиб). Душанбе: 1997



танлаб, бир ерга жамлаганлар. Жамланган қирқта ҳадиснинг маъно-моҳиятини оддий халққа осонроқ тушунтиришга интиланганлар. Бунда наср ва назмдан унумли фойдаланганлар.

Турли назарий тадқиқотларни ўрганиш асосида ҳамда арбаъиннинг шакли ва мазмунига доир спецификани белгилаш негизида биз ўз тадқиқотимизда арбаъин адабий жанрининг бир нечта умумий жанр хусусиятлари мавжуд деб ҳисоблаймиз. Ушбу мақоламизда: арбаъиннинг адабий жанр хусусиятлари ҳақида баъзи фикрларимизни билдириб ўтамиз.

Биз арбаъин жанр хусусиятларини белгилашда адабий асарнинг “шакл ва мазмун, яхлитлиги”¹ тамойилидан келиб чиқдик. Шу боис, белгиланган классификацияда ҳам шакл унсурларига, ҳам мазмун унсурларига алоҳида эътибор қаратдик. Агар белгиланган хусусиятларнинг ҳар бири таҳлил қилинадиган бўлса, ҳар бир белгининг ўзига хос сабаби ва объектив зарурати намоён бўлади:

Арбаъин асарларида тил ва стиль масалалари – бадий асар тили унинг бетакрорлигини билдирувчи бош бадийлик хусусиятларидан бири ҳисобланади. Арбаъин бадийлигида тил ўзига хос муҳим ўрин тутди. Мазкур тил жуда аниқ тилдир. Чунки у Қуръон ва Ҳадис тили билан бевосита боғланган. Маълумки, Қуръон ва Ҳадис тилини ўзгартириб бўлмайди, улар турғун, қатъий ва мукаддасдир. Бинобарин, муаллиф тили Қуръон ва Ҳадислардан иқтибос келтирганда уларни ўзгартирмайди. Бироқ, арбаъин структурасида баъзи холларда турли афсона, ибратли ҳикоялар, мақоллар, маталлар келтирилиши мумкин. Мана шундай ўринларда муаллиф маҳорати ишга тушади.

Бинобарин, тилнинг эстетик потенциалини, демакки, биз қўраётган экспресив ва волонтиатив функциялари асосини мана шу тилнинг парадигмик жиҳатдан тартиблаштирилган барча мавжуд стилистик заҳиралари ташкил қилади”².

Шунингдек, наср ва назмда яратилган “Арбаъин” асарлари ислом динининг асл моҳиятини содда ва ғаройиб ҳикоятларда бадий тимсоллар билан безанган ҳолда халқ оммаси қалбига йўналтирилган. Бу эса арбаъин асарларининг бадий хусусиятларини белгилайдиган омиллардан биридир.

Шунингдек, иқтибосдан ташқари барча ўринларда, шеърий ва насрий талқинда муаллиф тилининг ўзига хослиги намоён бўлади. Тилнинг ўзига хослиги стил ва бадийликда кўринади. Чунки, тил бадийлиги нутқнинг гўзаллиги, унинг нафосати ва ўзига хос акс этитриш ва таъсирчанлиги билан боғлиқ.

Масалан, Жомий ва Навоий куйидаги ҳадисни бадий образлар орқали талқин қиладилар³:

لا يشيع المؤمن دون جاره

Мўъмин қўшнисиз тўқ бўлмайди.

¹ Теория литературы. Том первый. Теория художественного дискурса. Теоретическая поэтика. -Москва: «Академия», 2007. - 510 с.

²Рустамий С. Балоғат илмида лингвистик назариялар ва тил ҳодисаларининг ёритилиши. – Тошкент: “Наврўз”, 2017. -170 б.

³ARAYANA Vol. XXIV, 1-2, Jan-Feb. Kabul. P. 1996.



Жомийда:

هر که در خطه مسلمانی
باشد از نقد دین گرانمایه
نه بسند که خویش خفتد سیر
بنشیند گرسنه همسایه

(яъни, кимки, мусулмонлар ўлкасида (диёрида) дин туфайли обрў-эътиборга, эга бўлади, қачонки, у қўшниси оч бўлганида (бўла туриб) ўзининг қорни тўқ ухлашига (беписанд бўлмаса) чидай олмаса).

Навоийда:

Кимки, мўминдурур, қачон чидағай

Ким, ўзи тўқу қўшни бўлғай оч.

Анга дағи керак етурса касиб,

Хонида гар кулмочу, гар умоч.

Каноничность – мазкур хусусият арбаъиннинг жанр сифатида бевосита ислом динининг муқаддас манбалари, яъни Қуръон ва Ҳадис билан боғлиқлигидан келиб чиқади. Арбаъиндаги ҳар бир ҳадиснинг албатта ровийси бўлиши шарт саналади.

Маълумки, Қуръон матни муқаддас саналади. Унинг асосида Қуръон мазмуни ҳам муқаддасдир. Унинг мазмунини нотўғри талқин қилиш, бузиш ва ўз шахсий мақсадларига кўра ўзгартириш қатъий равишда қораланиб, мумкин эмаслиги белгилаб берилган. Бу – белгиланган тартиб. Бу – муқаддас қоида. Шу боис арбаъинда ҳам бу тартиб қоидаларга қатъий амал қилинади. Арбаъин талқин қилади, аммо ҳеч қачон мазмунни ўзгартиролмайди, уни бузолмайди. Бинобарин, мана шу қатъий меъёр, мазмунга нисбатан бўлган эҳтиромли муносабат ва қонуният, яъни диний канон арбаъиннинг жанр сифатидаги каноничность хусусиятини белгилаб беради. Шундай қилиб, ислом дини муқаддас манбаларига, уларнинг мазмунга бўлган эҳтиром ва қатъий белгиланган меъёрларга асосланиш арбаъинга доир каноничность жанр хусусиятини қатъийлигин намоийш этади.

Худди шундай каноник муносабат ҳадис мазмунига ҳам тегишлидир. Шамсуддин Муҳаммад Омулийнинг тадқиқотига кўра, ҳадислар Пайғамбар Муҳаммад (с.а.в)нинг айтган сўзлари, ҳатти-ҳаракатларини акслантирувчи маълумотлардир. Ҳадисларнинг ижтимоий баҳоланиши муқаддас бўлиб, улар Пайғамбар ҳаёти, руёбга оширган амаллари, сўзлари, яъни қарашлари ва ғоялари моҳиятини ўзида мужассам этади. Шунингдек, ҳадислар орқали Қуръон оятлари тушунтирилади ва мусулмонларга тўғри йўл кўрсатилади. Ҳадисларнинг маъносини бузиш, айниқса, ёлғон ҳадис тўқиш оғир гуноҳ саналади. Шунга кўра, нафақат Қуръон оятлари, балки ҳадислар талқин этилганда ҳам, арбаъиннинг каноничность жанр хусусияти устувор қолади¹.

Масалан, Имом Муҳиддин Нававийнинг “Қирқ ҳадис” китобида ҳаёнинг фазилати ҳақидаги ҳадис қуйидаги мисоллар билан изоҳланади²:

¹ Омулий Шамсуддин Муҳаммад ибн Маҳмуд. ан-Нафоис-ул-фунун фи ароис-ил-уюн. – Техрон: Дор-ул-исломийя, 1381х.-3ч.

² Имом Муҳиддин Закариё ибн Шараф Нававий. Қирқ ҳадис. – Тошкент: Моварауннаҳр, 2005. –Б. 65.



Йигирманчи ҳадис:

Хаёнинг фазилати

عن ابي مسعود عقبة بن عمرو الانصارى البدرى رضى الله عنه قال قال رسول الله " ان مم ادرك الناس من كلام النبوة الاولى: اذا لم تستح فاصنع ما شئت". رواه البخارى.

Уқба ибн Амр Ансорий розийаллоҳу анҳу ривоят қилишича, Расулulloҳ саллолоҳу алайҳи ва саллам дедилар: “Собик пайғамбарлардан одамларга етиб келган бир ибора мавжуд: “Беҳаё эрсанг, истаганингни қил” (Бухорий, Абу Довуд ва Ибн Можа ривоятлари).

“Беҳаё эрсанг, хоҳлаганингни қил”. Яъни, инсон бирор ишни қилишини прода қилса, агар Аллоҳдан ва одамлардан уялмаса, хоҳлаганини қилади, йўқса уни қилмайди. Исломи дини бутунлай ана шу асос устида қурилган. Расулulloҳ алайҳи ва салламнинг: “Истаганингни қил”, ишлари мубоҳ ишларга ҳам таалуқлидир. Чунки бир иш шаръан таъқиқланмаган бўлса, мубоҳ ҳисобланади.

Баъзилар ҳадисни қуйидагича изоҳлашган: “агар кўнглингда бир ёмон ишни ният қилсанг, Аллоҳдан ҳаё қилмасанг ва ундан кўркмасанг, истаганингни қил”. Бу ерда амр таҳдид учун, мубоҳ учун эмас.

اعْمَلُوا مَا شِئْتُمْ إِنَّهُ بِمَا تَعْمَلُونَ بَصِيرٌ.

“Ўзларингиз хоҳлаган амални қилаверинглар! Албатта У қилаётган амалларингизни кўриб турувчидир” (Фуссилат, 40).

وَاسْتَفْزِزْ مَنِ اسْتَطَعْتَ مِنْهُمْ بِصَوْتِكَ.

“Улардан кучинг етган кимсани овозинг билан кўзғат...” (Ал Исро, 64)”, деб, ҳадис Қуръон ояти билан далилланади. Арбаъин таркибидаги ҳадисларни шарҳлашда узундан-узун, мураккаб жумлаларнинг йўқлиги ҳадислар мазмунини тушунишини осонлаштиради. Умуман олганда арбаъинларда насрий тилнинг соддалиги билан халқ тилига яқин туради.

Исломи маънавияти ва маърифатига асосланганлик – Мазкур жанр белгиси нафақат арбаъинга тегишлидир, у диний-мистик адабиёт, хусусан, агиография, диний ритуал ва маросим асарлари (нутқлар, ашулалар, маросим кўшиқлари, йиғловлар, марсия, муножот), диний поэзия, фольклор адабиёти кабиларнинг барчасига тегишлидир. Бу ҳолат арбаъин жанрининг теологик мазмунга эга эканлиги билан белгиланади. Унинг жуда муҳим аспектларидан бири арбаъин жанрининг исломи маънавияти ва исломи маърифати билан алоқадорлигидир. Арбаъин дин меъёрларини тушунтирибгина қолмай, яъни намозни қандай ўқиш керак, ҳажга қандай бориш керак, закотни қанча бериш керак каби масалаларга бағишланибгина қолмайди. Арбаъин мусулмон кишининг маънавиятини бойитиш ва уни маърифатли қилиш учун зарур бўлган ижтимоий-маънавий қадриятлар тизимини тушунтириб беради. Бу билан у эътиқод қилувчиларни исломий билимлар билан қуроллантиради, инсоннинг маънавий покланишига хизмат қилади ва унинг кундалик эҳтиёжларини қондиради. “Маънавият ўз манбасига кўра ҳам, мақсадига кўра ҳам бу фоний дунёдан ташқарига – бақога йўналган. Маънавият асли бақонинг фанода зуҳр этишидир. Маънавият инсон учун моддий эҳтиёж ҳам, сиёсий зарурият ҳам эмас. Маъна-



вият инсоннинг ўз моҳияти олдидаги масъуллигидир. Унинг моҳияти эса Борлиқ абадиятига дахлдордир”¹.

Арбаъин асарларда сюжет қурилишига эгалик – асардаги воқелик баёни алгоритмидир. Яъни воқеалар кетма-кетлиги унинг сюжетида намоён бўлади. Арбаъин жанридаги ҳар қандай сюжет ислом омили билан боғлиқ бўлади. Аввало, арбаъинда сюжетнинг ўзи бўладими деган саволни қўйишга ҳақлимиз. Чунки, агар, арбаъин фақат Қуръон оятлари ва Ҳадислардан иқтибос қелтириш асосидаги структурага эга бўлса, унда воқеалар кетма-кетлиги мавжуд бўлмайди. Агар, арбаъин эркин бадий талқин асосидаги структурага эга бўлса, унда муаллиф эркига уни сюжет асосидами, ёки сюжетсиз қилиш юкланган бўлади. Кўпчилик ҳолларда айнан сюжет асар структурасига киритилган афсона, ибратли ҳикояларда келади.

Адабиётда ҳар бир асар индивидуал хусусияти билан ажралиб туради. Асар индивидуаллиги муаллиф тили, баён услуби, илгари сурилган ғоялари, шакл ва мазмун уйғунлигида намоён бўлади. Арбаъин индивидуаллиги мазкур жанрнинг айнан Қуръон ва Ҳадислар мавзуларига боғлиқлиги, кўтарилган ғояларнинг умумбашариятга тааллуқлиги, уларнинг инсоният тарихи ва келажagini узвий боғлаб турганлиги билан белгиланади².

“Арбаъин” ёзишнинг ўзига хос қонун – қоидалари бўлиб, бунда муаллиф аввал 40 ҳадисни жамлашдан мақсадни ва бу ҳадисларнинг ровийларини қайд этади. Сўнгра Аллоҳ ва унинг пайғамбари Муҳаммад (с.а.в.)га ҳамду санолар билан бошлайди. Ҳадисларнинг саноғи рақам билан берилади. Ҳар бир ҳадис албатта санади ва ровийлари билан келтирилади. Баъзи “Арбаъин”ларда ҳар бир ҳадисдан сўнг унинг шеърий шарҳи берилса, баъзиларида келтирилатган 40 та ҳадисни тўғри англаш учун ҳадисдан сўнг бир неча ҳикоят ва ривоятлар берилади. Бу эса арбаъин аънасининг ўзига хос хусусиятларидандир.

Имом Нававий ўзининг “Арбаъин” асари муқаддимасида “Арбаъин” ёзиш мақсадни шундай келтириб ўтади: “Қирқ ҳадис” ёзган олимларнинг баъзилари ақоидга оид, диннинг турли масалалари – зуҳд, одоб, насиҳат ва бошқа мавзудаги ҳадисларни тўплашган. Уларнинг барчаси жуда гўзал ёзилган. Аллоҳ улардан рози бўлсин. Мен эса бу мавзуларнинг ҳаммасидан ҳам муҳимроқ бўлган бир мавзуда қирқ ҳадис тўплашни маъқул кўрдим. Яъни, бу китоб ана шу мавзуларнинг барчасини ўз ичига жамлаши лозим. Ундаги ҳадисларнинг барчаси диннинг энг буюк асосларидан, олимлар исломнинг тамали деб қабул қилган ёки исломнинг ярми ёки учдан бири, деб эътироф этилган масалаларни таърифлайдиган масалалардир.

Танланган 40 ҳадиснинг барчаси саҳиҳ бўлишига эътибор бердим. Бу ҳадисларнинг аксарияти Имом Бухорий ва Имом Муслимнинг саҳиҳларида мавжуд...”³ деб ёзади.

¹ Имомназаров М., Эшмухамедова М. Миллий маънавиятимиз асослари. – Тошкент: 2001. – Б. 34

² Адабий турлар ва жанрлар. 1 том. – Тошкент: “Фан”, 1991. – Б. 64 .

³ Қирқ ҳадис. Имом Муҳиддин Закариё ибн Шараф Нававий. – Тошкент: Моварауннахр,



Кузатувлар шуни кўрсатадики, ҳар бир даврнинг ўз “Арбаъин”лари мавжуд бўлиб, уларда аниқ мавзу ва мақсад илгари сурилган. Бунда наср ва назмдан унумли фойдаланганлар. Арбаъинда куйидаги бадийлик воситалари амал қилади: тилнинг лўндалиги, очиклиги, ахборотнинг аниқ ва равшан узатилиши, фикрнинг очик ифодаланиши, илоҳий моҳият мазмунини ўзгартирмасдан берилиши; мантнинг осон ёд олинishi, тафаккурга тез сингиши ва қабул қилиниши; асар тилининг жимжимадорлик, безак, бадий воситалардан мумкин қадар озодлиги, содда, халқ тилига яқинлиги ва осон тушинарли эканлиги; қисқа мазмуннинг равшан ифода орқали берилиши; арбаъин шоир маҳорати меваси эканлиги, ҳар бир талқиннинг ўзига хос бадий ва стиль хусусиятлари.

ҚАҲРАМОН ЯКУБОВ

PhD, Ўз.Р. ФА Тарих институти

Хива хонлигида пул вақфи амалиёти: манба ва талқин

Аннотация. Мазкур мақола мусулмон жамиятида пул вақфи билан боғлиқ илк назарий-ҳуқуқий асосларнинг шаклланиши, пул вақфидан фойдаланиш механизмининг яратилиши ва Хива хонлигида мазкур амалиётнинг тарихига бағишланади. Дастлаб ушбу илмий муаммонинг жаҳон тарихиунослигида бошқа мусулмон мамлакатлари мисолида ўрғанилиши ва Хива хонлигида пул вақфи тарихига бағишланган тадқиқотлар қисқача баён қилинган. Шунингдек, пул вақфи бўйича турли фикрий мазҳаб вакиллари қарашлари ва улар томонидан мазкур амалиёт бўйича билдирилган далиллари келтирилган. Хусусан, аксарият уламолар ва фикрий мазҳаб вакиллари пул вақфини таъсис этиши мумкин эмас, деб ҳисоблаган бўлсалар, баъзилари муайян шартлар асосида мазкур амалиётнинг қонунийлигини эътироф этганлар. Натижада пул вақфининг мумкинлиги ҳақидаги далилларга таянган ҳолда дастлаб Усмонийлар империяси томонидан пул вақфининг жоизлиги билан боғлиқ фатво ва у асосда султон Сулаймон (1520-1566) фармони эълон қилинган. Кейинчалик мазкур ҳуқуқий асос ва амалиёт асосида бошқа мусулмон мамлакатларида пул вақфини таъсис этиши ҳамда ундан фойдаланиш тартиби шаклланиб борди. XIX асрнинг 2-ярмидан бошлаб Хива хонлигида пул вақф этиши жараёни оммалаша бошлади ва мазкур аср охирига бориб вақф қилинувчи асосий мулк турига айланди. Ушбу тадқиқотда пул вақфининг Хива хонлигида кўпайиб боришига сабаб бўлган омиллар ва мазкур мулк турининг вақфга айланиши ҳақидаги ҳужжат, яъни вақфномалар, уларнинг ўзига хос жиҳатлари ҳам таҳлил этилган. Хива хонлиги пул вақфига оид вақфномаларида вақф мулкидан асосан ижара ёки музораба тартибида фойдаланиш мумкинлиги алоҳида шарт сифатида ўрнатилган. Бироқ мавжуд тарихий ҳужжатлар таҳлилига кўра пул вақфидан ижара тартибида даромад олиш кенг тарқалган. Бунинг сабабларининг аниқлаш мақсадида ушбу икки амалиётнинг фарқли жиҳатлари ва ишлаш тартиби очиқ берилган. Шунингдек, Хива хонлигида тузилган, пул вақфидан фойдаланиш тартиби акс этган тарихий ҳужжатларнинг ички тузилиши ва уларнинг герменевтик таҳлилига алоҳида эътибор қаратилган.

Таянч сўз ва иборалар: Хива хонлиги, пул вақфи, ижара, музораба, Усмонийлар империяси, вақф ҳужжати.



Аннотация. Статья посвящена формированию теоретической и правовой основы денежного вакфа в мусульманском обществе, созданию механизма использования данного типа собственности и истории этой практики в Хивинском ханстве. Вначале кратко описывается изучение этой научной проблемы в мировой историографии на примере других мусульманских стран и опубликованные работы по истории денежного вакфа в Хивинском ханстве. Также обсуждаются взгляды представителей различных школ мусульманского права на денежный вакф и предоставленные ими аргументы по поводу этой практики. В частности, несмотря на то, что большинство богословов и представителей фикха-юриспруденции считали неправомерным создание денежного вакфа, некоторые признали легитимность этой практики при определенных условиях. В результате, основываясь на аргументах о дозволенности денежного вакфа, в Османской империи издана фетва о допустимости денежного вакфа и на этом основании указ султана Сулеймана (1520-1566). Позднее на основе этой правовой базы и практики был сформирован порядок создания и использования денежных вакфов в других мусульманских странах. В частности, со второй половины XIX века в Хивинском ханстве начало набирать популярность создание денежного пожертвования, и к концу этого века он стал основным видом благотворительной собственности. В данном исследовании также анализируются факторы, которые привели к популярности денежного фонда в Хивинском ханстве, а также документ, составленный при обращении имущества, т.е. вакфнамэ, и его особенности. В документах о денежных вакфах Хивинского ханства часто оговаривается, что имущество, преобразованное в вакф, могло использоваться в основном на условиях аренды или на основе мудараба (партнерства). Однако, как показывает анализ исторических документов, доход от денежного фонда обычно поступал в виде аренды. Чтобы определить причины этого, были раскрыты различные аспекты и процедуры этих двух практик. Нужно отметить, что особое внимание уделяется внутренней структуре исторических документов и их герменевтическому анализу, отражающих порядок использования денежных вакфов, оформленных в Хивинском ханстве.

Опорные слова и выражения: Хивинское ханство, денежный вакф, аренда, мудараба, Османская империя, вакфный документ.

Abstract. The article is devoted to the formation of the theoretical and legal basis of the cash waqf in Muslim society, the creation of a mechanism for the exploitation of this type of property and the history of this practice in the Khanate of Khiva. First, the study of this scientific problem in world historiography is briefly described by the example of other Muslim countries and published works on the history of the cash waqf in the Khanate of Khiva was also analyzed. It also discusses the views of representatives of various schools of Islamic law on the cash waqf and the arguments presented by them regarding this practice. In particular, despite the fact that the majority of theologians and representatives of Islamic jurisprudence considered the creation of a cash waqf unlawful, some recognized the legitimacy of this practice under certain conditions. As a result, based on the arguments about the permissibility of the monetary waqf, the Ottoman Empire issued a fatwa on the admissibility of the cash waqf and, on this basis, the decree of Sultan Suleiman (1520-1566). Later, on the basis of this legal framework and practice, the procedure for the creation and exploitation of cash waqfs was spread in other Muslim countries. In particular, from the second half of the 19th century, the creation of cash donations began to gain popularity in the Khanate of Khiva, and by the end of the century it became the main type of waqf property.



This study also analyzes the factors that led to the popularity of the cash fund in the Khanate of Khiva, as well as inner features of waqf document, i.e. waqfnāma. The documents on cash waqfs from Khorezm often stipulate that the property converted into waqf could be used mainly on a lease basis or on the basis of muḍaraba (partnership). However, as the analysis of historical documents shows it was very common to make profit from cash waqf under lease agreements. In order to determine the reasons for this, various aspects and procedures of these two practices were disclosed. It should be noted that special attention is paid to the internal structure of historical documents and their hermeneutic analysis, reflecting the procedure for exploitation of cash waqfs issued in the the Khanate of Khiva.

Keywords and expressions: the Khanate of Khiva, cash waqf, lease, mudaraba (partnership profit), Ottoman Empire, waqf document.

Хива хонлигида айрим мусулмон мамлакатларида бўлгани каби зироат ва боғдорчилик ерлари, савдо объектлари (дўконлар, хунармандчилик устахоналари), турар-жой ва маиший иншоотлар (хаммом, сарой кабилар) қатори пуллар ҳам вақф сифатида таъсис этилгани ҳолда диний-маърифий ва ижтимоий муассасалар учун даромад келтирувчи молиявий манбалардан бири сифатида хизмат қилган.

Ҳозирги кунга қадар пул вақфи ва ундан даромад олиш манбалари тарихи бошқа мусулмон жамиятлари мисолида тадқиқ этилган¹. Шунингдек, Хива хонлигида пул вақфидан фойдаланиш тарихи нафақат маҳаллий², балки хорижий³ тадқиқотчилар эътиборини тортган мавзулардан бири ҳисобланади.

¹ Jennings R.C. Loans and Credit in Early 17th Century Ottoman Judicial Records: The Sharia Court of Anatolian Kayseri. *Journal of the Economic and Social History of the Orient*, Vol. 16, No. 2/3 (1973), pp. 168-216; Mandeville J. E. Usurious piety: the cash waqf controversy in the Ottoman empire. *International Journal of Middle East Studies*. August 10 (1979), pp. 289-308. Cizakca M. The relevance of the ottoman cash waqfs to modern Islamic economics. *New Horizon*. No. 20. London, 1993, pp. 7-9, 12-15; Cizakca M. Cash waqfs of Bursa, 1555-1823. *Journal of the Economic and Social History of the Orient*. Vol. 38, No. 3 (1995), pp. 313-354 ...

² Shaikhova A. O formakh i roli rostovshchichestva v Xivinskom khanstve kontsa XIX veka (Po dokumentam sobraniia IV AN UzSSR) [On the form and role of usury in the Khanate of Khiva in the late 19th century (According to the documents of the collection of the Institute of Oriental Studies of the Academy of Sciences of UzSSR)]. *Obshchestvennye nauki v Uzbekistane – Social Sciences in Uzbekistan*. 1984, no. 5, pp. 37-38. (In Russian); Zhalilov O. Khazinamizdagi Kheva vaqf huzhzhatlari [Waqf documents in our treasury]. *Sharqshunoslik – Oriental Studies*. 1993, no. 4, pp. 62-71. (In Uzbek); Ākubov Q.K. [Some information about the activity of waqf Administration in the Khanate of Khiva]. Ėsh sharqshunoslarning akademik Ubaiddulla Karimov nomidagi IX ilmiĭ-amaliĭ konferentsiiasi [Proc. 9 scientific-practical conference of young orientologists named after academician Ubaydulla Karimov]. Tashkent, 2014. pp. 49-52. (In Uzbek); Khaliĕrov A. Khiva khonligida pul vaqfining huquqĭ va iqtisodĭi asoslariga doir [On the legal and economic foundations of the cash waqf in the Khanate of Khiva]. *Ўzbekiston tarixi – History of Uzbekistan*. 2014, no. 4, pp. 12-23. (In Uzbek); Khaliĕrov A. Khiva khonligida pul vaqflarining ishlatilishiga doir [On the use of the cash waqf in the Khanate of Khiva]. *Imom Bukhoriĭ saboqlari The lessons of Imam Bukhari*. 2014, no. 4, pp. 51-53. (In Uzbek).

³ Schwarz F. Bargeldstiftungen im Chanat von Chiva, 1840-1922. *Der Islam*, No. 80 (2003). Berlin-New York, pp. 79-93.



Бироқ бугунги кунгача ушбу амалиёт акс этган тарихий ҳужжат ички тузилиши, уларда қўлланилган иборалар мазмуни тўлалигича ўрганилмаган ва умуман олганда бу турдаги ҳужжатнинг герменевтик таҳлили алоҳида тадқиқот объекти сифатида амалга оширилмаган. Зеро, ҳар қандай ҳужжатнинг батафсил таржима ва талқини орқалигина кишилар ўртасида кечган иқтисодий-ижтимоий муносабатларни қайта тиклаш ҳамда турли иқтисодий амалиётлар мазмунини яхшироқ англаш имконияти пайдо бўлади. Шу боис, биз мазкур тадқиқотда пул вақфининг назарий-ҳуқуқий асосларининг яратилиши ва унинг ўзига хос амалиёт сифатида баъзи мусулмон ўлкаларида шаклланиши, пул вақфининг ҳонликда пайдо бўлиш омилларини ўрганиш билан бирга, қозилик ҳужжати туркумига кирувчи *байъ-и жойиз* ҳужжатини алоҳида тадқиқ этган ҳолда ҳулосалар беришга ҳаракат қиламиз.

Пул вақфи ҳақида назарий-ҳуқуқий асосларнинг шаклланиши ва унинг пайдо бўлиш тарихи

Ислом ҳуқуқшунослигида пулни вақф сифатида таъсис этиш масаласи уламолар томонидан алоҳида эътибор қаратилган, мунозарали мавзулардан ҳисобланади. Аҳли сунна вал-жамоа йўналишидаги барча тўртта мазҳаб асосчилари томонидан мазкур амалиёт ношаръий деб топилган¹. Чунки вақфнинг энг муҳим шартларидан бири бу унинг давомий мулк мақомини сақлаши лозимлиги ҳисобланади. Бундан ташқари, вақф қилинган мулкдан фойдаланиш жараёнида ушбу мулк ўз шаклини йўқотмаслиги ҳамда унинг микдор ва қиймати камаймаслиги керак. Бироқ ҳар қандай пул маблағи ишлаб чиқариш, савдо-сотик соҳаларига сармоя сифатида киритилганда, уни сарфлаган ҳолда даромад олиш кўзда тутилади. Бу эса юқорида қайд қилинганидек вақфнинг шартларига зид келади. Шунингдек, пулдан самарали фойдаланиш йўлга қўйилган тақдирда ҳам умумий бозор шароитлари, талаб ва таклиф қонуни асосида пулнинг кадрсизланиш эҳтимоли мавжуд. Бундай ҳолат юз берганда вақф сифатида таъсис этилган мазкур мулк тури табиийки аввалги қимматини йўқотади. Мазкур ҳолатлар эътиборидан аксарият уламолар пул вақфини шариатга ҳилоф амал сифатида баҳолаганлар. Шу билан бир қаторда баъзи фиксшунос олимлар ушбу амалиёт жоизлигига ҳукм қилганлар. Жумладан, Моликия мазҳаби вакили Саҳнун ибн Саъийд (776-855) ўзининг фиксга бағишланган асарида жамият манфаатлари йўлида пулни вақф қилиш мумкинлигини қайд этади. Бу ҳолатда вақф маблағининг ўзи сақлангани ҳолда камбағал ва факирларга ҳеч қандай моддий манфаатларсиз вақтинча фойдаланишга берилади². Ҳанафия мазҳаби машҳур вакиллари – Муҳаммад Шайбоний ва Абу Юсуф кўчар мулклар вақфини шаръий эканлигини тасдиқласалар-да, бироқ пул

¹ Karatas H. The Cash Waqfs Debate of 1545-1548: Anatomy of a Legal Debate at the Age of Suleyman the Lawgiver. *Insan ve Toplum*. No. 1, 2010, p. 47.

² Mandeville J. E. Usurious piety: the cash waqf controversy in the Ottoman empire. *International Journal of Middle East Studies*. August 10 (1979), p. 293.



вақфини очикдан-очик ноқонуний деб топганлар¹. Бироқ Абу Ҳанифанинг бошқа бир шогирди Имом Зуфар фикрича пулни вақф қилишда ундан фақатгина *музороба*² амалиёти орқали фойдаланиш ҳамда олинган даромаддан ижтимоий манфаатлар учун сарфлаш кўзда тутилган бўлсагина рухсат берилишини эътироф этади³. Ҳанафий мазҳаби вакиллари томонидан билдирилган мазкур икки ҳукм асосида пул вақфи илк бора Усманийлар сулоласи ҳукмронлиги даврида амалга киритилган эди. Империя қозилари томонидан расмийлаштирилган пул вақфи билан боғлиқ вақф ҳужжатлари XV асрдан учрайди⁴. 1548 йилга келиб, Султон Сулаймон (1520-1566) Усманийлар давлатида пул вақфининг қонуний деб ҳисоблаш ҳақида фармон эълон қилади⁵. Натижада пул вақф қилиш анъанаси ривожланиб бориб, айниқса XVII асрда у жуда кучайди. Шунини алоҳида қайд этиш лозимки, пул вақфи Усманийлар имериясининг барча ҳудудларида амалда бўлмай, асосан ҳозирги Туркия ва унинг Европадаги ҳудудларида кенг тарқалган. Шунингдек, айрим манбаларга кўра Суриянинг Алеппо шаҳрида ҳам пул вақфи билан боғлиқ айрим ҳужжатлар бўлгани қайд этилади⁶. Бироқ империя таркибидаги бошқа мусулмон давлатлари ва Эрон вақф мулкчилигида одатда мазкур амалиёт деярли кузатилмайди.

Хива хонлигида пул вақфидан фойдаланиш ва даромад олиш тартиби

Хива хонлиги вақф мулкчилигида пулни вақф қилиш анъанаси алоҳида ўринни эгаллайди. Вақфга оид ҳужжатлар таҳлили асосида пул вақфининг ривожланиш динамикасига эътибор қаратиладиган бўлса, XIX аср иккинчи ярмигача бўлган даврда ушбу мулк турининг бошқа вақф мулклари таркибида у қадар сезиларли даражада бўлмаганини кузатиш мумкин. Бироқ кейинги даврларда пулни вақф қилиш хонликда кўпайиб борди ва ҳатто XIX аср охири – XX аср бошларига келиб вақф сифатида таъсис этилувчи асосий мулк турига айланди. Пул вақфининг умумий вақф мулклари таркибидаги улуши ва мазкур тарихий давр давомида ўзгариб бориш суръати айниқса муайян вақф муассасаси тарихий фаолиятида яққол намоён бўлади. Масалан, Хива шаҳридаги Кўҳна Карвонсарой масжиди вақфномаси таркибида жами 45 та ҳужжат

¹ Karatas H. The Cash Waqfs Debate of 1545-1548: Anatomy of a Legal Debate at the Age of Suleyman the Lawgiver. *Insan ve Toplum*. No. 1, 2010, p. 54.

² Музороба – сўзи араб тилидан олинган бўлиб, луғавий жиҳатдан «ер юзида юриш» маъносини англатади. Ислоҳ ҳуқуқида эса мазкур ибора бир томондан мол ва иккинчи томондан иш тақлиф қилинган ҳолда фойдани шерикчилик асосида тақсимлашга келишилган шартномага нисбатан қўлланилади. Қаранг: Shaikh Muhammad Sodiq Muhammad ĪUsuf. Kifoia (Enough). Tashkent., “Hilol-Nashr” Publ., 2015, vol. 3, p. 290.

³ Mandeville J. E. Usurious piety: the cash waqf controversy in the Ottoman empire. *International Journal of Middle East Studies*. August 10 (1979), p. 294.

⁴ Mandeville J. E. Usurious piety: the cash waqf controversy in the Ottoman empire. *International Journal of Middle East Studies*. August 10 (1979), p. 289.

⁵ Karatas H. The Cash Waqfs Debate of 1545-1548: Anatomy of a Legal Debate at the Age of Suleyman the Lawgiver. *Insan ve Toplum*. No. 1, 2010, p. 49.

⁶ Çizakça M. Cash waqfs of Bursa, 1555-1823. *Journal of the Economic and Social History of the Orient*. Vol. 38, No. 3 (1995), p. 313.



мавжуд бўлиб, улар хронологик жиҳатдан 1773-1908 йилларни ўз ичига олади¹. Муассаса фойдаси учун пулнинг вақф қилиниши 9 шаъбон 1274/25 март 1858 йилда расмийлаштирилган вақф ҳужжатида илк бора учрайди. Бу давргача бўлган муддатда турар-жой, ер майдонлари каби кўчмас мулклар вақфи билан боғлиқ 5 та ҳужжат қайд қилинган. 1858-1892 йиллар оралиғида вақф мулклари таъсис этишга оид жами 20 та вақф ҳужжатлари расмийлаштирилган бўлиб, уларнинг 15 тасини пул вақфи қолган 5 та ҳужжатни эса бошқа мулк турлари ташкил этган. 1892-1908 йиллар давомида вақф қилинган мулклар қолган 20 та ҳужжатда акс этгани ҳолда уларнинг барчаси пул вақфидан иборат бўлган.

Хива хонлигида пул вақфининг шаклланиши ва кейинчалик тез суръатда кўпайиб, вақф қилинувчи асосий мулк турига айланганини қуйидаги омиллар билан изоҳлаш мумкин. Биринчидан, пул вақфининг ислом ҳуқуқига зид бўлмаган амал сифатида айрим мусулмон мамлакатлари каби хонликда маъқулланган ҳамда ушбу ҳукм асосида пулнинг вақф сифатида таъсис этилиши ҳақидаги ҳужжат, яъни вақфномалар қозилар томонидан расмийлаштирилган. Иккинчидан, пул-солиқ соҳасидаги ислоҳот, товар-пул муносабатларининг ривожланиб бориши, ички ва ташқи савдонинг тараққиёти пул вақфи амалиётига ҳам ўз таъсирини ўтказган. Учинчидан, Хива хонлигининг 1873 йилдан эътиборан Россия протекторатига айланиши ва ташқи сиёсатда хонлик ҳуқуқларининг чекланиши оқибатида қўшни ҳудудларни эгаллаш ҳамда шу орқали янги деҳқончилик манбаларига эга бўлиш амалиёти имконсиз бўлиб қолди. Бундан ташқари, дастлаб Европа мамлакатларида бошланган капиталистик ва пул-товар муносабатларининг жуда тез суратда одимлаб бориши ва жаҳон савдоси ҳам бу жараёнга таъсир кўрсатмай қолмади. Бироқ шу ўринда пул вақфининг Бухоро амирлиги ва Қўқон хонлигида оммалашмаганини алоҳида қайд этиш лозим².

Ўз навбатида, Хива хонлигида пул вақфи ҳақида тадқиқот олиб борган олим Флоренс Шварц мазкур анъананинг минтақада шаклланиши тўғрисида эътиборга молик фикр билдиради. Унинг тахминича, айнан Усманийлар давлати таъсири остида Хива хонлиги вақф тизимига пул вақфи амалиёти кириб келган³.

Юқорида қайд этилганидек, иқтисодий соҳадаги ўзгаришлар ҳам хонликда пул вақфининг ривожини таъминлаган омиллардан ҳисобланади. Хусусан, Хива хони Элтузархон даврида, солиқ соҳасида 1804-1806 йиллар оралиғида ислоҳот ўтказилади. Ислоҳот натижасида *ато-йи мулк* туридаги ердан аввалари

¹ Ўзбекистон миллий архиви (National Archive of Uzbekistan), I-323- фонд, 1-рўйхат, 912-ўғимазҳилд.

² Бухоро амирлигида пул вақфларини асосан кўчмас мулклар таркибида вақф қилиш анъанаси бўлганини кўриш мумкин. Бироқ Қўқон хонлиги таъсири остида бўлган Тошкент вақф мулкчилиги муносабатларида пул вақфи ва у билан боғлиқ байъ-и жойиз амалиёти ҳозиргача аниқланмаган. Қаранг: Sul'tonov Ū.A. Tashkent vaqf khūzhaligida an'analar, islohotlar va muammolar (XVI–XX asr boshlariga oid tarixii huzhzatlar asosida). Tar. f. d. diss. [Traditions, reforms and problems in the economy of waqf of Tashkent (on the basis of historical documents of the XVI-early XX centuries). Dr. sci. diss.]. Tashkent, 2016, p. 10.

³ Schwarz F. Bargeldstiftungen im Chanat von Chiva, 1840-1922. Der Islam, No. 80 (2003). Berlin-New York, pp. 83-84.



натура тарзида ундирилган солиқ пул кўринишидаги *солғут* билан алмаштирилади¹. Мазкур солиқ соҳасидаги янгилик 1873 йилда Хива юришида иштирок этган шарқшунос Александр Кун эътиборини ҳам жалб этади ҳамда Хива хонлигида ер солиғи (*солғут* – Якубов К.К.) Бухоро амирлиги ва Қўқон хонлигидан фаркли ўлароқ пул тарзида олинишини алоҳида қайд этади. Шунингдек, А.Кун маълумотларига кўра, Муҳаммад Раҳимхон даврида қорақалпоқлардан пул ҳисобида ундириладиган *солғут-кесма* жорий этилган². Бундан ташқари, 1873 йилда Хива хонлиги Россия империяси вассалига айлангач, туркманлардан ҳам *солғут-кесма*, чорвадор қозоқ ва қорақалпоқлардан эса хонлик ихтиёридаги яйлов ерларидан фойдаланганлик учун “чўп пули” деб аталган солиқ турлари амалга киритилган³.

Солиқ соҳасидаги мазкур янги тартиблар билан бир қаторда XIX аср давомида мамлакат ташқи савдоси ривожланиб, унинг умумий ҳажмининг ўсиб боргани ҳам кузатилади. Айниқса 60-йилларга келиб Россия билан ўзаро савдо айланмаси бир неча баробарга ортди⁴. Юзага келган мазкур иқтисодий шароитлар пул-товар муносабатлари, пул оқими ва унинг айланмасига ҳам таъсир ўтказди. Бу ҳолатни, ўз навбатида Хива хонлигида вақф мулкчилиги тури бўлган пул вақфининг кенг тарқалишига сабаб бўлган омиллардан бири сифатида ҳам баҳолаш мумкин.

Хива хонлигида пулни вақф сифатида таъсис этиш ҳақидаги ҳужжат вақфнома тузиш умумий қоидаларига асосланган. Бироқ пул вақфи билан боғлиқ вақфномалар шартда мулкдан фойдаланиш шарт-шароитлари масаласига тўла аниқлик киритилмайди. Мазкур фикр тасдиғи сифатида Муҳаммадқаримбой томонидан Ичанқалъада жойлашган Отамурод қўшбеги масжиди фойдасига 10 *тилло* вақф қилингани ҳақидаги ҳужжатни куйида келтирамиз:

(1) 1306 (2) ta'rikh-i hijri mink uj yuzdaghī altī māh-i Jumādī al-Thānīnīnk yikirma tūrtlānjīsī yakshanba kūnī iqār-i (3) mu'tabar-ī shar'ī qīldī Muḥammad Karimbāy Kuhna Qal'alī Atā Murād Qūshbikīnīnk masjid qawmīdīn ūn sakkiz yashār (4) ūrta būylī bī saqāl būghdāy ranklī ajūq qāshlī walad 'Abdullāh makhdhūm charchī walad Niyāz Muḥammad makhdhūm bū jumlagha-ki (5) waqf-i saḥīḥ-i shar'ī wa taṣṣadduq-i 'aynī qīldīm ūzīmnīnk khālīsh mulk wa pākīza mālīmdīn hammaḳī wa tamāmī mablagh-i (6) ūn ṭillā har biṭī tūqqūz tanka wazn-i sab'adīnnī masjid-i

¹ Abdurasulov U. Atā'ī-Mulk and Yārliqlī-Mulk: Features of Land Tenure in Khiva. Der Islam, Band 88, 2012, p. 310.

² Kun A. Zametki o podatīakh v Khivinskōm khanstve [Notes on taxes in the Khiva Khanate]. Turkestanskīe vedomostī – Journal of Turkestan, 1873, no 32, pp. 125-126. (In Russian).

³ Voенno-statisticheskoe opisaniye Khivinskogo oazisa, sostavlennoye General'nogo shtaba kapitanom Girshfel'dom, pererabotannoe nachal'nikom Amu-Dar'inskogo otdela general-maīorom Galkinym (Military-statistical description of the Khiva oasis, compiled by the General Staff by Captain Girshfeld, revised by the head of the Amu-Darinsky department, Major General Galkin). Tashkent, 1903, part 2, pp. 33-43.

⁴ Schwarz F. Bargeldstiftungen im Chanat von Chiva, 1840-1922. Der Islam, No. 80 (2003). Berlin-New York. p. 84.



madhkūr bīla maktabkhānasīgha-ki taḥdiddīn mustaghniḍūr (7) shuhratuhu wa sharṭ qīldī waqif-i madhkūr taqabbala Allāh Ta‘ālā ḥasanātuhu mūnī-ki mutawallī-i mablagh-i mawqūfa-i madhkūra (8) mādām al-ḥayāt ūzīm bülürman wa manīnk fawṭimḍīn sūnk mutawallīsī aṣlah awlādīm bülsūn ilā yawm al-qiyām wa mutawallī-i (9) madhkūr mablagh-i mawqūfa-i madhkūranī ijāra wa yā muḍāraba-i shar‘iyyaynḡha birṭb har ribḡī-ki andīn ḡāsil bülsa (10) ḡaqq-i tawliyasī uchūn dahyakīn alīb qālḡhānīn ikkī sahm qīlīb bir sahmīnī masjid-i madhkūrīnk maktabdārīgha (11) birsūn wa bāqī bir sahmīnī masjid-i madhkūrīnk mu‘adhdhinīgha birsūn wa maktabdār wa mu‘adhdhin-i madhkūrīnk har birīsī (12) har Jum‘a kichasīda bir martaba sūra-i Fātiḡa wa ūj martaba sūra-i Ikhlāṣnī ūqūb anīnk thawāb wa thamarasīn waqif-i (13) madhkūr wa anīnk sāyir kudhashtalārīnīnk arwāhīgha bakhsh qīlsūn dīb wa wāqif-i madhkūr ancha lawāzīm ṣiḡḡat (14) al-waqf īrdī min al-tasjīl wa al-taslīm hammasīn kamā huwa ṭarīqa shar‘an bajā qīldī fa-ṣāra hadhā waqfan (15) ṣaḡīḡan shar‘iyyan lāzīman mu‘abbadan musajjilan ilā an yaratha Allāh Ta‘ālā al-arḡ wa mā ‘alayhā wa huwa khayr al-wārithīn fa-man baddalahu ba‘da mā samī‘ahu fa-innamā ithmuhu ‘alā alladhīna yubadilūna al-āya wa kāna dhalik bi-maḡḡar min al-nās (16) ḡuddār mullā Pahlawān Niyāz wa Bābā Jān Aqā wa ḡhayruhumā.

Muhr: qāḡī askar Dūst Muḡammad Ākhūnd ibn Mullā Muḡammad Murād marḡumī..., 1306¹

Ушбу вақфнома шартда вақф этилган пулни *ижара* ёки *музораба* тартибида фойдаланишга бериш лозимлиги қайд этилган. Мазкур икки амалиётнинг биридан фойдаланиш жиҳати аксарият пул вақфига оид Хива вақфномалари учун хосдир. Аммо уларнинг айримларида вақф пулидан фақатгина ижара асосида даромад олиш воқиф томонидан белгиланган². Камдан-кам ҳолларда музораба амалиётининг ўзи қатъий шарт сифатида ўрнатилганини ҳам кузатиш мумкин³. Ўз навбатида, пул маблағларини муайян фойда асосида бериб даромад олиш шариат томонидан судхўрлик сифатида баҳоланади. Бироқ пул вақфи ҳақидаги Хива вақфномалари юқоридаги каби, одатда вақф маблағини шаръий ижара ёки музорабага беришни кўзда тутди. Яъни ижаранинг қонуний рухсат этилган йўлидан фойдаланишга алоҳида урғу берилди.

Пул вақфи ҳақидаги Хива вақфномаларининг фарқли жиҳати ва ўзига хос хусусияти шундаки, уларда ижара ҳақи ёки музораба орқали пул маблағидан фойдаланиш назарда тутилгани ҳолда, олинадиган даромаддан вақфнинг улуш миқдори каби жиҳатлар акс этмайди. Ваҳоланки, бошқа мулклар вақфида

¹ Бу ва кейинги ўринлардаги табдилда асосан «Encyclopaedia Islamica»да фойдаланилган транслитерация тизими қоидалари қўлланилди.

² Khiva davlat "Ichan-kal"a" tarikhii-me"morii muzei quriqkhonasi (Khiva State Historical and Architectural Museum-Reserve "Ichan-kala"), GKHMZ KP 1342/2; Ўзбекистон millii arkhivi (National Archive of Uzbekistan), I-323-fond, 1-rüikhat, 912/9-iighmazhild; I-323-fond, 1-rüikhat, 1372-iighmazhild; I-323-fond, 1-rüikhat, 1403-iighmazhild ...

³ Ўзбекистон millii arkhivi (National Archive of Uzbekistan), I-323-fond, 1-rüikhat, 1362/4-iighmazhild.



одатда вақф ҳақи ва ҳатто мутавалли ҳамда вақф мулкидан фойдаланувчи шахс ўртасидаги ўзаро муносабатлар масаласи воқиф томонидан алоҳида қайд этилган. Табиийки, вақфномада пулдан ижара асосида фойдаланиш мумкинлиги келтирилгани ҳолда унинг миқдорини очикдан-очик белгиланиши ислом ҳукуқи қоралаган рибони яққол намоён қилади. Бундан ташқари, мазкур шартлар акс этган ҳужжатнинг қози томонидан расмийлаштирилиши амалда судхўрликнинг қонунлаштирилганини англатади. Шу сабабли бу турдаги вақфномалар мулкдан фойдаланишдаги амалиёт шаклини белгилаш билан чекланган. Шу ўринда табиий сақол туғилади. *Пул вақфининг ижара шартлари тўла қайд қилинмаган шароитда Хива хонлигида бу турдаги вақф мулкидан қандай фойдаланиши тартиби амалда бўлган?*

Хива хонлигида пул маблағларидан кўп ҳолларда *байъ-и жойиз-и шаръий* (*bay' -i jāyiz-i shar'ī*) амалиёти орқали даромад олиш кенг тарқалган. Бу ибора луғавий жиҳатдан “шариат томонидан руҳсат этилган савдо” маъносини англатади. Ушбу амалиёт нафақат Хива, балки Ўрта Осиё минтақаси учун хос бўлган. Бироқ ҳозиргача ўрганилган ва чоп этилган Бухоро ҳужжатлари *байъ-и жойиз*нинг амирликда у даражада оммалашмаганини кўрсатади¹. Ўз навбатида, мазкур амалиётнинг ишлаш тартиби мутахассислар томонидан турли ёндашувлар асосида ёритилган бўлиб, тадқиқотлар ва нашр этилган каталогларда бу турдаги ҳужжатлар одатда *гаров* ҳужжати сифатида тасниф қилинган².

Аҳамиятли жиҳати, ўрганилган ва таҳлил этилган вақф билан боғлиқ ҳужжатлар Хива хонлигида пул вақфидан ҳам *байъ-и жойиз* усули орқали фойдаланиш амалда бўлганини тасдиқлайди. Қуйида Боғбонли масжидининг мутаваллиси иштирокида 16 июнь 1919 йилда тузилган ҳужжатни келтирган ҳолда, пул вақфининг *байъ-и жойиз* тартибидаги ишлаш механизмини атрофлича кўриб чиқамиз:

(1) 1337 (2) ta'riḥ-i hijrī mīnk ūjyūzdāghī ūttūz yittī māh-i Ramaḍānnīnk ūn yittīsīda yakshanba kūnī (3) iqrār-i mu'tabar-ī shar'ī qīldī Maḥmudjān qārī mašdar Kuhna qal'alī Raḥmatullāh bāghbānlī (4) nīnk masjid qawmīdīn ma'rūf walad

¹ Shaikhova A. O formakh i roli rostovshchichestva v Xivinskom khanstve kontsa XIX veka (Po dokumentam sobraniia IV AN UzSSR) [On the form and role of usury in the Khanate of Khiva in the late 19th century (According to the documents of the collection of the Institute of Oriental Studies of the Academy of Sciences of UzSSR)]. Obshchestvennye nauki v Uzbekistane – Social Sciences in Uzbekistan. 1984, no. 5, pp. 37-38. (In Russian).

² Shkapskii O. Amu-Dar'inskie ocherki. K agrarnomu voprosu na nizhnei Amu-Dar'i (Amu-Darya sketches. On the agrarian question in the lower Amu Darya). Tashkent, 1900, pp. 248-254; Ūldashev M. Ū. K istorii krest'ian Khivy (To the history of the peasants of Khiva). Tashkent, 1966, pp. 48-51; Chekhovich O.D. Zadachi srednaziatskoī diplomatiki [Tasks of Central Asian Diplomats]. Narody Azii i Afriki – Peoples of Asia and Africa, 1969, no 6. p. 82; Katalog khivinskikh kaziiskikh dokumentov XIX – nachalo XX vv.: Sostaviteli: A.Urunbaev, T.Khorikava, T.Faiziev, G.Dzhuraeva, K.Isogaī (Catalog of Khiva Qadi documents of the XIX - early XX centuries: Eds: A. Urunbaev, T. Khorikava, T. Faiziev, G. Dzhuraeva, K. Isogay). Tashkent-Kioto, 2001, pp. 668-669.



‘Abdullāh qārī maşdar bû jumlagha-ki sâtdîm (5) bay‘-i jāyiz-i shar‘ī bīla Dāmullā Ākhūnd makhdhūm mutawallī walad ... gha bir qat jāyimni-ki (6) kāyinadūr qawm‘i madhkūrda sharqan muqirr-i hadhā wa shimālan ka-shimāla? wa gharban Muḥammad Şābir Makhdhūm wa janūban (7) ka-gharba bārcha ḥuqūq wa marāfiqī bīla mablagh-i ūttuz ṭillāgha har birī tūqqūz tanka (8) rāyijī taqābaḍa badalayn būldī idn birdîm naf‘ alūrgha bû wa‘da bīla (9) har waqt ṭillāsīnī bīrsām mubī‘anī birūr wa ijāragha aldîm mubī‘anī muqirr lahudîn (10) har yilgha ūch ṭillā-yi mawsūfagha ma‘a qabūlihi iyyahu makhfi qālmāsūn mablagh-i madhkūr (11) maşjid-i madhkūrniḥk chirāgh yāghī fūlī waqfidîn (12) kuwāhlār ‘Abdullāh maşdar wa Rūz Mūḥammad qārī (12) Dāmullā Muḥammad Yūsuf Akhūnd kātib

Muhr: qāḍī askar Dāmullā Ibrāhim ibn Muḥammad ‘Azīz Ākhūnd marḥumī...

Ушбу *байъ-и жойиз* келишуви бошқа бу турдаги ҳужжатлар тузилиши ва мазмунига мос равишда икки амалиётни, яъни олди-сотди ва ижарани ўзида мужассам қилган. Ҳужжатга кўра Маҳмуджон қори ўз мулки ҳисобланган 1 қат жойни Раҳматуллоҳ Боғбонли масжиди мутаваллисига 30 тилло эвазига сотган ва айни шу вақтнинг ўзида масжид мутаваллисидан сотилган собиқ мулкни йилига 3 тилло тўлаш шарти билан ижарага олган. Олди-сотди амалиёти сўнгги қисмида келган шартга кўра харидор, яъни мутавалли сотилган мулкка нисбатан фойдаланиш ва даромад олиш (*naf‘ alūrgha*) ҳуқуқини вақтинча қўлга киритган. Қачонки сотувчи харидорга тўланган қийматни тақдим этса, харидор мулкни собиқ эгасига қайтариш мажбуриятини олган. Бу шароитда харидор сифатида қатнашган мутавалли мулкка нисбатан чекланган ҳуқуқни қўлга киритган. Ҳужжат якунида ушбу пул маблағи масжидни чироғ ёғи билан доимий таъминлаш мақсадида таъсис этилган вақф мулки эканлиги алоҳида қайд этилган.

Мазкур *байъ-и жойиз* туридаги ҳужжатларда “сотилган мулкнинг баҳоси” сармоя, “сотилган мулк” гаров ва “ижара ҳақи” сармоя фойдаси, яъни фоизи вазифасини амалда бажарганини кўриш мумкин. Тадқиқотчи А.Шайхова бу амалиётни *байъ-и жойиз*, яъни шаръий рухсат этилганлик ҳолатини биринчидан, фойда натижасида кўпайган пул маблағини олиш мумкинлигига, иккинчидан, битта келишувда иккита амалиётнинг акс этиши ҳамда ниҳоясига етмаган олди-сотди шартномасига нисбатан татбиқ этиш мумкинлигини билдиради. Бироқ, унинг биринчи фикрини инкор этган ҳолда иккинчи хулосасини мантиқий жиҳатдан асосли деб ҳисоблаш мумкин. Чунки пулни муайян миқдор ёки фойиз билан қайтариш масаласи уламолар томонидан очиқдан-очиқ маъқуланганда эди, ноанъанавий ҳисобланган, ўзида ҳам вақтинчалик, лекин чекланган эгалик ҳуқуқи, шартли савдо ва ижарани акс эттирган махсус услубни ишлаб чиқиш зарурияти туғилмас эди.

Пул вақфларидан *музораба* орқали даромад олиш жиҳати Хива вақфномалари шартида қайд этилган бўлса-да, бироқ вақф мулклари қатнашган бу турдаги ҳужжатлар деярли учрамайди. Жумладан, “Хива қозилик китоби” нинг 1-жилдида 1893-1899 йиллар оралиғида тузилган жами 5205 та қозилик ҳужжатлари рўйхатга



олинган бўлиб, улар орасида пул музорабаси билан боғлиқ ҳужжатлар сони бор-йўғи 3 тани ташкил этади¹. Ушбу музораба келишувларида иштирок этган пул маблағларининг вақф мулки эканлиги қайд қилинмаган.

Музораба келишувиде томонларнинг олинадиган фойдадаги улуши музораба шартномаси каби олдиндан белгиланади. Музораба шартномасида мол объекти тилло ва кумуш танга ҳамда амалда бўлган пул бирлиги (*қозғоз–Яқубов Қ.К.*) ҳолида бўлиши мумкин. Демак, сармоядор томонидан таклиф қилинган пул маблағлари иккинчи томоннинг меҳнати ва уддабуронлиги натижасида даромад келтиради. Бироқ кўрилган зарар одатда тақдим этилган сармоя ҳисобидан қопланади. Тадбиркорнинг зиёни у томондан сарфланган меҳнат ва ҳаракат ҳисобида баҳоланади.

Юқорида қайд этилган 3 та пул музорабаси ҳақидаги Хива ҳужжатларида томонларнинг фойдадаги улуши тенг миқдор (*mablagh-i madhkūrdīn har nimarsa fāyda ḥāsil būlsa nisfīn muqīrr lahu-i madhkūrgha birūrman*) тартибида белгиланган. Бу ҳолат Хива хонлигида ушбу тарихий даврда музораба келишувларининг даромад тақсимоти масаласида ўзаро тенг шерикчиликка асосланганини англа-тади. Бироқ XVI асрга оид Бухоро музораба ҳужжатларида фойданинг 2/3 қисми сармоя эгасига, қолган қисми тадбиркорга тегишли бўлгани қайд этилган².

Музораба амалиётининг мазмун-моҳияти таваккалчиликка асосланган иқтисодий шерикчилик муносабатларини намоён этади. Бу жараёнда сармоядор томонидан тақдим этилган пул маблағларининг йўқолиш эҳтимоли доимо сақланади. Ўз навбатида, пул вақфларини музорабага бериш амалда вақф мулки тақдирини хатарга қўйиш саналади. Шу боис, мутаваллилар пул вақфларидан асосан ижара, яъни *байъ-и жойиз* усули орқали даромад олишни маъқул топганлар. Бу амалиёт музорабага нисбатан анча хавфсиз бўлиб, биринчидан, пул маблағларини вақфнинг умумий талабига мос равишда сақлаб ва тутиб туриш, иккинчидан доимий даромад билан таъминлаш имконини яратган.

Пул маблағларидан фойдаланган ҳолда даромад олиш механизмнинг турли хил кўринишлари бошқа мусулмон мамлакатларида ҳам кузатилган. Хусусан, айрим мусулмон уламолари томонидан маъқулланган ва *ҳийла-йи шаръийя* сифатида баҳоланган бу турдаги амалиётлар XVII аср ўрталарига келиб ўзига хос институт бўлиб шакллангани ҳолда Озарбайжон ва Эрон ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муҳим рол ўйнаган³. Ўз навбатида, Усмонийлар

¹ Ўзбекистон Respublikasi Fanlar Akademiyasi Sharqshunoslik instituti Qūlǝzmalar fondi (Manuscript Fund of the Institute of Oriental Studies of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan), inv. no. 9490, 93a, 1075- huzhzhat; 127a, 1444- huzhzhat; 327a, 3281- huzhzhat.

² Shaikhova A. O khivinskoĭ kaziĭskoĭ knige iz fondov Instituta vostokovedeniĭa AN UzSSR [About the Khiva Qadi book from the funds of the Institute of Oriental Studies of the Academy of Sciences of the Uzbek SSR]. Obshchestvennye nauki v Uzbekistane – Social Sciences in Uzbekistan. 1982, no. 8, p. 56. (In Russian).

³ Geidarov M.Kh. [About the role and features of usury in Azerbaijan and adjacent countries of the Muslim East in the XIII-XVII centuries]. Blizhnii i Srednii Vostok. Tovarno-denezhnye otnosheniĭa pri feodalizme [Near and Middle East. Commodity-money relations under feudalism.]. Moscow, 1980, pp. 52-53. (In Russian).



империясида *байъ-и жойиз* муқобилидаги амалиёт *tu 'āmele-i şer'iyu* ва *istiglal* каби турли номлар билан аталган ҳамда вақф маблағларидан мазкур услублар орқали даромад олиш тартиби йўлга қўйилган¹.

Ижара ҳақи миқдори ва истибдол амалиёти

Аксарият пул вақфи билан боғлиқ *байъ-и жойиз* ҳужжатларида ижара ҳақи, бошқача айтганда, даромад кўпинча юқорида келтирилгани каби жами пул қийматининг 1/10 қисмини, яъни 10 фоизни ташкил этган. Айрим ҳужжатларда бу кўрсаткич 15 ва ҳатто 20 фоизга ҳам етган. Манбаларда қайд этилишича, Хулагулар (Илхонийлар) сулоласи вакили Қозонхон ҳукмронлиги даврида (1295-1304) мамлакатда ислом динининг мавқеи кучайиб, қатор ислохотлар ўтказилади. Жумладан, кенг тарқалган судхўрликка қарши курашиш мақсадида 1299 йилда Қозонхон томонидан махсус фармон қабул қилинади. Фармонга кўра, олинган пул маблағларини фақатгина 10-12 % атрофидаги даромад билан қайтаришга расмий рухсат этилади². Ўз навбатида, Усманийлар империясида XVII-XIX аср ҳужжатлари тадқиқоти натижаларига кўра пул маблағлари вақфидан ўртача 9-12% миқдорда фойда олиш амалда бўлган. Эътиборли жиҳати, пул вақфидан олинган кутилган даромад, яъни вақф ҳақи миқдори Хива вақфномаларидан фарқли равишда вақф ҳужжатлари шартда воқиф томонидан алоҳида белгиланган³. Умуман олганда, даромадларнинг муайян миқдор чегарасида бўлганини исломда савдо аҳли учун тавсия қилинган, мақбул қўрилган адолатли қиймат сифатида изоҳлаш мумкин. Моликия мазҳабида савдогарлар фойда олишда кўпи билан мол таннархининг 1/3 миқдорида устама ҳақ белгилашлари мумкинлиги тарғиб этилган⁴. Усманийлар давлатида зарурий истеъмол товарлари учун устама ҳақ 1020 % атрофида бўлиши лозимлиги махсус белгиланган бўлиб, нарх-наводаги ушбу меъёр марказий ҳукумат ва қозилар томонидан назорат остига олинган⁵.

Хива хонлигида пул маблағларини муайян турдаги мулк сотиб олиш шарти билан вақф қилиш анъанаси ҳам мавжуд бўлган. Бу ҳолат вақф ҳуқуқида

¹ Oreshkova S.F. [About usurious credit in the Ottoman Empire at the beginning of the 17th century.] *Bližnii i Srednii Vostok. Tovarno-denezhnye otnosheniia pri feodalizme* [Near and Middle East. Commodity-money relations under feudalism.]. Moscow, 1980, p. 176. (In Russian); Çizakça M. Cash waqfs of Bursa, 1555-1823. *Journal of the Economic and Social History of the Orient*. Vol. 38, No. 3 (1995), pp. 330-332; Karatas H. The Cash Waqfs Debate of 1545-1548: Anatomy of a Legal Debate at the Age of Suleyman the Lawgiver. *Insan ve Toplum*. No. 1, 2010, pp. 51.

² Geidarov M.Kh. [About the role and features of usury in Azerbaijan and adjacent countries of the Muslim East in the XIII-XVII centuries]. *Bližnii i Srednii Vostok. Tovarno-denezhnye otnosheniia pri feodalizme* [Near and Middle East. Commodity-money relations under feudalism.]. Moscow, 1980, p. 51. (In Russian).

³ Çizakça M. Cash waqfs of Bursa, 1555-1823. *Journal of the Economic and Social History of the Orient*. Vol. 38, No. 3 (1995), p. 332.

⁴ Shaikh Muhammad Sodiq Muhammad Ūsuf. *Kifoia* (Enough). Tashkent., "Hilol-Nashr" Publ., 2015, vol. 3, p. 66.

⁵ Oreshkova S.F. [About usurious credit in the Ottoman Empire at the beginning of the 17th century.] *Bližnii i Srednii Vostok. Tovarno-denezhnye otnosheniia pri feodalizme* [Near and Middle East. Commodity-money relations under feudalism.]. Moscow, 1980, p. 176. (In Russian).



истибдол (*istibdāl*) деб аталувчи махсус амалиётнинг умумий хусусиятларини намоён этади¹. Истибдол бир турдаги мулкни бошқасига алмаштиришни кўзда туттади. Вақф мулки жиддий зиён кўрган ёки тиклаб бўлмайдиган ҳолатга келган тақдирда, Шофёий мазҳабидан ташқари қолган учта фикхий йўналишларга биноан бундай вақф мулкларини муқобилига алмаштириш ёки уларни сотиш натижасида олинган маблағдан янги вақф мулклари таъсис этишга рухсат этилади. Моликия мазҳабида мазкур амалиётдан фақатгина кўчар мулк вақфларида фойдаланилади. Ҳанбалияда эса вақф мулки ўз мақсадига хизмат қила олмайдиган даражада зарарланган ёки хароб бўлган ҳолатдагина истибдолдан фойдаланиш мумкин². Ҳанафия мазҳабига кўра эса вақф мулкининг йўқолиш хавфидан қатъий назар истибдол вақф учун кўпроқ фойда келтирса, бу услубни қўллашга ижозат берилади³. Истибдол қози рухсати ва тасдиғи билангина амалга ошади. Мазкур амалиёт натижасида собиқ мулкнинг вақф мақоми йўқолади.

Истибдол амалиёти назарда тутилган Хива вақфномаларида вақф этилган пул маблағларига асосан икки ҳолатнинг биридан фойдаланиш орқали кўчмас мулкнинг муайян турини сотиб олиш амалда бўлгани кузатилади. Биринчи ҳолат нисбатан кенг тарқалган бўлиб, унга кўра вақф этилган пул маблағи муқобил мулк тури топилиб, харид қилингунига қадар сақланиб туради. Масалан, Абдуллоҳ маҳрам томонидан 1897/1297 йилда Муҳаммаднийёз девонбеги мадрасаси фойдасига 2 қитъа ер ва 200 *тилло* вақф қилинган мадраса вақфномасида қайд этилади. Воқиф мазкур пул вақфидан ижара орқали даромад олишга кўрсатма бериш билан бирга қуйидаги қўшимча шартни белгилайди: «*Мутавалли вақф хайриятига назар қилсин, агар ер олмоқ вақфга аслаҳ ва анфаъ бўлса ҳамда мувофиқи хушҳосил ер топилса, ушбу 200 тиллога покиза ер олиб мавқуфот-и мазкурот қаторига дохил қилсин*»⁴. Ушбу тартиб доирасида мутавалли кейинчалик Бешариқ ва Хивада жойлашган жами 26 таноб ерни сотиб олиб муассаса вақф мулклари таркибига киритади.

Иккинчи ҳолатда эса вақф этилган пул маблағи дастлаб ижара ёки музораба орқали даромад келтиради ва муайян қийматга етгач унинг ҳисобидан янги вақф мулки таъсис этилади. Хусусан, уста Муҳаммадкарим мазори вақф хўжалиги фаолиятида ана шундай вазият акс этади. Дастлаб вақф этилган 150 тилло 7 йил ўтгач фойдаси билан жами 250 тиллога етади ва ушбу пул маблағи ҳисобидан 5 бўлак ер вақфга айлантиради⁵. Бошқа бир вақфномада пул

¹ «Истибдол» арабча сўз бўлиб, «алмаштириш», «айирбошлаш» маъноларини билдиради.

² The Encyclopaedia of Islam. Vol. 11. Brill, 2004, pp. 62-63.

³ Hoexter M. Endowments, rulers and community: Waqf al Haramayn in Ottoman Algiers. Leiden-Boston-Koln: Brill. 1998, p. 142.

⁴ Khiva davlat "Ichan-kal" a" tarikhii-me" morii muzei quriqkhonasi (Khiva State Historical and Architectural Museum-Reserve "Ichan-kala"), GKhmZ KP 1305.

⁵ Ўзбекистон миллий архиви (National Archive of Uzbekistan), I-323-fond, 1-rūkhat, 588-iǵhmazhild.



вақфи маблағлари ижара асосида кўпайиб 50 тиллони ташкил этгач шоли дўкони сотиб олингани келтирилган¹. Бу эса вақф қилинган пуллар ҳисобидан нафақат зироат ерлари, балки кўчмас мулкнинг бошқа турлари ҳам таъсис этилганини намоён қилади.

Ўз навбатида, мутавалли вақф мулклари бошқарувчиси сифатида гарчи вақфномада бошқа мулк турига алмаштириш тартиби акс этмаган тақдирда ҳам мазкур истибдол амалиётидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган. Жумладан, 1274/1858 йилда Аваз Муҳаммад 10 тиллони Авазниёз девонбеги масжиди фойдасига вақф қилиб, ушбу мулкдан ижара тартибида олинадиган даромад имом ва мактабдор ўртасида тақсимланиши лозимлигини белгилайди. Бирок 1279/1863 йилга келиб, муассаса мутаваллиси Бурҳониддин Махзум Аваз Муҳаммад томонидан вақф этилган ушбу маблағга ер сотиб олгани маълум бўлади. Ўз навбатида, истибдол тариқасида янги мулк таъсис этилганда ушбу мулкдан фойдаланиш тартибини аниқлаш ҳам муҳим масала ҳисобланади. Шариятга мувофиқ воқифнинг собиқ мулкка нисбатан ўрнатган барча талаблари истибдол орқали вақфга айланган янги мулкка ўтади². Айни ушбу ҳуқуқий тартибнинг амалий ифодаси Авазниёз девонбеги масжиди вақфномасида акс этади. Мутавалли Бурҳониддин Махзум 10 тилло бўйича воқиф ўрнатган даромад тақсимоли тартибини харид қилинган янги зироат ерига ҳам татбиқ этгани ҳолда вақф ҳужжати раъсмиёлаштиради.

Хулоса ўрнида шуни қайд этиш лозимки, аксарият фикҳий мазҳаб асосчилари ва намоёндаларининг пул вақфини таъсис этилиши шариятга зид эканлиги ҳақидаги фикрларига қарамай мусулмон ўлкаларида мазкур амалиётдан XV аср 2-ярмидан бошлаб фойдаланила бошланди. XVI асрдан эътиборан эса Усмонийлар империясида пул вақфининг жоизлиги ҳақида махсус фатво қабул қилинди. Натижада мазкур турдаги мулкни вақф қилиш ва ундан даромад олиш жараёни оммалашиб борди. Эътиборли жиҳати, Хоразмда умумий мулк турлари кесимида пулни вақф сифатида таъсис этиш сезиларли даражада XIX аср 2-ярмидан бошлаб ортиб борди. Пул вақфи билан боғлиқ вақфномаларда гарчи мазкур вақф мулки туридан ижара ва музораба амалиётларидан фойдаланган ҳолда даромад олиш мумкинлиги қайд этилган бўлса-да, бироқ хонликда ижара тартибининг анча хавфсиз эканлиги эътиборидан пул вақфи асосан ушбу амалиёт орқали даромад келтирган эди.

¹ Ўзбекистон миллий архиви (National Archive of Uzbekistan), I-323-fond, 1-rūikhat, 1362/2-ijhalmazhild.

² Joseph S. Islamic Law on Peasant Usufruct in Ottoman Syria. 17th to Early 19th Century. Studies in Islamic Law and Society. Volume 35. Brill. Leiden, Boston. 2012, p. 97.



САЙЁРА ТУРАЕВА

тадқиқотчи, Миллий гвардия Ҳарбий-техник институти

Ўрта Осиёда XIX – XX аср бошлари тоғ-кончилик масалаларини ёритишда Туркистон даврий матбуоти муҳим манба

Аннотация. Туркистон даврий матбуотида тоғ-кончилик масалаларининг ёритилиши (XIX аср охири – XX аср бошлари). Мақолада XIX аср охири XX аср бошларида Туркистон даврий матбуотида тоғ-кончилик соҳаларидан фойдали қазилмалар, қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо металллар, нефть, туз, тошқўмир, қўрғошин қазиб олиш масалалари ўрганилган. “Туркестанские ведомости” газетасининг кончилик соҳаси бўйича хабарлари таҳлил қилинган. Мақсад ва вазифа: “Туркестанские ведомости” газетасида чоп этилган мақолалар, Туркистон ҳудудида фойдали қазилмалар олтин, кумуш, мис, қўрғошин, нефть ва шу каби маъданларни излаш ишлари, тоғ-кончиликка оид масалалар ҳақидаги ахборотлар муҳим тарихий манба эканлигини ўрганиш. Тадқиқот усуллари: Мақолада объективлик, статистик ва контент таҳлил, синтез усулларида фойдаланилди.

Туркистон вақтли матбуоти ўлка тарихини ўрганишида муҳим манбалардан бири ҳисобланади. Ўрта Осиёда вақтли матбуот нашрлари ўлка чор ҳукумати томонидан босиб олинган пайдо бўлган. 1870 йил апрель ойидан бошлаб “Туркестанские ведомости” ва шу йили август ойидан бошлаб ўзбек тилида “Туркистон вилоятининг газети” нашр этила бошланган.

Матбуот саҳифаларидаги мақола ва хабарлар таҳлилининг кўрсатишича, бу соҳадаги энг асосий муаммолардан бири маҳаллий тоғ-кон саноати мутахассисларининг етишмаслиги, соҳа асбоб-ускуналарининг, машина ва экскаватор, драгларнинг қимматлиги, тинимсиз турли табиий шароитда, турли рельефдаги ер юза қатламидаги изланишлар, кон ишчиларининг оғир меҳнати, уларнинг таъминоти ва хавфсизлик чораларини кўриш, қазиб олинган маҳсулотни ташиш муоммолари кўп маблағ талаб этган. Кончилик соҳасидаги баъзи жамиятлар ўз ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириш учун қўшимча хорижий сармоялар жалб этишига уринганлар, аммо бундай ҳолатларга мустамлака мамлакат маъмурлари томонидан тўсқинликлар бўлганлиги кузатилади. Баъзида кон ишларининг бардавом бўлмаслик ҳолатлари ишчилар етишмаслиги билан боғлиқ эди. Яъни, асосий ишлари деҳқончилик бўлган ёлланма ишчилар, мавсумий ишлар бошланганда кон ишини тарк этишган.

Мамлакатда жуда қадимдан ривожланиб келган қимматбаҳо металллар қазиб олиш соҳаси замонавий техника ва технология билан жиҳозланмагани маҳсулотни фақат юза қатламлардан, кўп исрофгарчилик асосида иш олиб борилишига сабаб бўлган. Чўқур қатламлар ишлов берилмай қолаверган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, 1870–1920 йилларда чоп этилган Туркистон даврий матбуотида тоғ-кончиликка доир масалалар мунтазам ёритиб борилган бўлиб, бу материаллар кўлами кенг бўлганлиги сабабли мақолада айрим соҳаларигагина эътибор қаратилди.

Ўрганилган матбуот материаллари таҳлили кўрсатишича, олтин, мис ва нефть, тошқўмир, қўрғошин қазиб олиш йилдан-йилга ошиб борган.



Россия империяси саноатчлари, тоғ-кон муҳандислари, шибилармон доиралари мамлакат табиий бойликлари ҳисобига ўз сармояларини кўпайтирган. Мазкур даврда соҳанинг ривожига маҳаллий сармоядорларнинг камлиги ачинарли ҳолат. Миллий ўлкаларнинг беҳисоб бойликларини истаганча тасарруф этиши мустамлака маъмуриятининг манфаатига хизмат қилган.

Хуллас, XIX–XX аср матбуотида чоп этилган мақолалардан англашиладики, тоғ-кон саноатига чет эл сармоясининг кириб келиши, XIX аср охирида фойдали қазилмаларни қазиб олиши тармоқларида бирмунча ривожланишига шароит тугдирган. Чунки улар ўз даври учун хос бўлган замонавий техника ва технологиялар кириб келишига туртки бўлган.

Таянч сўз ва иборалар: *“Туркистонские ведомости” газетаси, даврий матбуот, олтинли кум, тоғ-кончилик иши, мис, тошқўмир, нефть, туз, фойдали қазилмалар, конлар, акционерлик жамияти, хорижий сармоя, тоғ-кон муҳандиси, кўргошин.*

Аннотация. *Освещены вопросы о горном деле в периодической печати Туркестана (в конце XIX – начале XX вв.). В данной статье рассматривается освещение в туркестанской периодической печати о добыче полезных ископаемых, драгоценных и полудрагоценных металлов, нефти, соли, угля, свинца в конце XIX и в начале XX века. Также анализируется информация о горном деле в газете “Туркестанские ведомости”. Цель и задачи исследования: Статьи, опубликованные в газете «Туркестанские ведомости», посвящены изучению добычи, золота, серебра, меди, свинца, нефти и других полезных ископаемых в Туркестанском регионе, а также горнодобывающей промышленности, являются важными источниками информации по изучению истории о горном деле. Методы исследования: В статье использованы методы исторического объективизма, статистического и контент анализа и синтеза.*

Туркестанские периодические издания являются одним из важнейших источников в изучении истории страны. В Центральной Азии периодические издания появились после оккупации царским правительством. В апреле 1870 года была опубликована «Туркестанские ведомости», а в августе этого года - «Газета Туркестанского вилоята».

Анализ статей и сообщений о новостях показывает, что одной из основных проблем в этой области является нехватка местных специалистов по горному делу. Высокая стоимость оборудования, машин и экскаваторов, выемка грунта, природные условия, различные наземные исследования и тяжелая работа горных рабочих, их обслуживание и меры безопасности, а также транспортировка добытых продуктов стоили больших денег. Некоторые горнодобывающие общества стремились привлечь дополнительные иностранные инвестиции для расширения своей производственной деятельности, хотя колониальные власти препятствовали этому. Иногда безостановочная добыча была связана с нехваткой рабочих. То есть наемные рабочие, основным занятием которых является сельское хозяйство, покидали поле в начале сезона. Разработка драгоценных металлов в стране, которая развивалась с древних времен, не оснащена современными технологиями, что привело к раскопкам изделий из поверхностных слоев. Глубокие слои остались без обработки. В заключении, периодическое издание «Туркестанские ведомости», опубликованные в 1870–1920 гг., освещала ряд вопросов, связанных с добычей полезных ископаемых, и охват этих материалов охватывал лишь несколько областей. Анализ опубликованных материалов прессы показывает, что добыча золота, меди и нефти, угля и свинца увеличивалась с каждым годом.



Промышленники, горные инженеры и деловые круги Российской империи увеличили свои инвестиции в природные ресурсы страны. Печально, что в этот период не хватает местных инвесторов в развитие отрасли. Интерес колониальной администрации к распоряжению бесчисленным богатством национальных земель отвечал интересам колониальной администрации.

Заключение: Таким образом, статьи, опубликованные в XIX-XIX веках, показывают, что иностранные инвестиции в горнодобывающую промышленность способствовали развитию горнодобывающего сектора в конце XIX века, потому что они способствовали развитию современных технологий, уникальных для своего времени.

Опорные слова и выражения: Газета “Туркестанские ведомости”, периодическая печать, золотой песок, горное дело, медь, каменный уголь, нефть, соль, полезные ископаемые, рудники, акционерное общество, иностранные инвестиции, горный инженер, свинец.

Abstract. *Question about mining in the periodical press of Turkestan (at the 19 th century and the beginning of the 20 th century). This article examines that at the end of the 19 th century and the beginning of the 20 th century in the Turkestan periodical press about the extraction of minerals, precious and semi-precious metals, oil, salt, coal and lead. And it analyzes information about mining in the newspaper “Turkestanskiye Vedomosti”. The purpose and objectives of the study: Articles published in the newspaper “Turkestanskiye Vedomosti”, devoted to the study of mining, gold, silver, copper, lead, oil and other minerals in the Turkestan region, as well as mining, are important sources of information on the history of mining business.*

Research Methods: The article uses the methods of historical objectivity, statistical and content analysis and synthesis.

Turkestan periodicals are one of the most important sources in the study of the country's history. In Central Asia, periodicals appeared after the occupation by the tsarist government. In April 1870, the “Turkestanskiye Vedomosti” was published, and in August of this year, the “Newspaper of the Turkestan Region”.

Analysis of articles and news reports shows that one of the main problems in this area is the lack of local mining specialists. The high cost of equipment, machinery and excavators, excavation, constant environmental conditions, various ground investigations and the hard work of mining workers, their maintenance and safety measures, as well as transportation of extracted products cost a lot of money. Some mining companies sought to attract additional foreign investment to expand their productive activities, although the colonial authorities prevented this. Sometimes non-stop mining was associated with a shortage of workers.

That is, wageworkers, whose main occupation is agriculture, left the field at the beginning of the season. The development of precious metals in a country that has been developing since ancient times is not equipped with modern technologies and technologies, which led to the excavation of products from surface layers. Deep layers were left untreated. In conclusion, the “Turkestanskiye Vedomosti” periodical, published in 1870–1920, covered a number of issues related to mining, and the coverage of these materials covered only a few areas. Analysis of published press materials shows that the extraction of gold, copper and oil, coal and lead is increasing every year.

Industrialists, mining engineers and business circles of the Russian Empire increased their investments in the country's natural resources. It is sad that during this period there are not enough local investors in the development of the industry. The interest of the colonial administration in managing the countless wealth of national lands was in the interest of the colonial administration.



Thus, articles published in the 19th-19th centuries show that foreign investment in the mining industry contributed to the development of the mining sector at the end of the 19th century. Because they gave rise to modern technologies and technologies unique to their time.

Keywords and expressions: *newspaper of «Turkestanskiye Vedomosti», the periodic press, gold sand, mining, copper, coal, oil, salt, mineral resources, mines, joint stock company, foreign investment, mine engineer, lead.*

Туркистон вақтли матбуоти ўлка тарихини ўрганишда муҳим манбалардан бири ҳисобланади. Ўрта Осиёда вақтли матбуот нашрлари ўлка чор ҳукумати томонидан босиб олинган пайдо бўлган. 1870 йил апрель ойидан бошлаб “Туркистанские ведомости” ва шу йили август ойидан бошлаб ўзбек тилида “Туркистон вилоятининг газети”¹ нашр этила бошланган.

Тарихдан маълумки, Туркистон азалдан кўп табиий ер ости ва ер усти бойликларига эга ҳудуд сифатида мустамлакачиларни қизиқтириб келган. Ҳудудда мустамлакачилик тузумини ўрнатишдан кўзланган асосий мақсадлардан бири – бу мамлакат иқтисодий ресурсларидан империянинг иқтисодий манфаатлари йўлида фойдаланиш бўлганлиги сабабли, бу соҳалар билан боғлиқ масалалар расмий матбуотнинг диққат марказидаги мавзулардан бири сифатида ёритилиб борилган. Хусусан, Туркистон матбуотида ўлка иқтисодиётининг асосий соҳалари – деҳқончилик, хунармандчилик, чорвачиликка доир материаллар билан бир қаторда тоғ-кончилик билан боғлиқ маълумотлар чоп этилиб борилган.

Чор Россияси босқинидан кейин Бухоро ҳудудида фойдали маъданлар ва қимматбаҳо металлнинг қидирув-разетка ишлари жадаллашган. Бу ҳақидаги маълумотларни Ўзбекистон Марказий Архивидаги бир неча ҳужжатлар тасдиқлайди. Хусусан, бир тўплам форс тилида расмийлаштирилган “Рухсат берилганлиги тўғрисида шаҳодатнома” бўлиб, ушбу ҳужжатда 1896 йил 24 февралда Туркистон Генерал Губернаторининг “Бухоро хонлигида олтин ишлаб чиқаришга доир” қарори эслатиб ўтилади².

XIX асрнинг 80–90 йилларида Марказий Осиёдаги олтин қазиб олиш саноатига хорижий сармояларни олиб келишга уринишлар кузатилади.

Тадқиқотчи Ф.Эргашев “Олтин қидириш ва уни қазиб олиш концессиялари” тўғрисидаги дастлабки маълумотлар 1897 йилга оид деб кўрсатади. Айнан шу йили Бухоро ҳукумати тоғ-кон муҳандиси–П.А.Жоравко-Покороский билан Болжувон беклигидан Сафеддара олтин қонида ишлар олиб бориш учун шартнома тузган³. Аммо юқорида келтирилган ЎзР Марказий Архиви ҳужжатида 1896 йил 24 февралда Туркистон генерал губернаторининг “Бухоро

¹ Bibliographic Index to the Turkestan Province Newspaper (1870-1916) - T. 2008. –P. 3. [Uzb. ed.: “Turkiston viloyati”ga tuzilgan bibliografik ko‘rsatkich (1870-1816 yillar)] Tashkent.2008. pp.3.

² TsGA Ruz F-126, Op-1, D-1035, - 4a page.

³ Ergashev F. The entrepreneurial movement of the early 20th century. // Society and Governance 2003. № 3. - P. 22. [Uzb. ed.: Ergashev F. XX asr boshlaridagi tadbirkorlik Jamiyat va boshqaruv] -2008, no3,pp.22.]



хонлигида олтин ишлаб чиқаришга доир” қарори тилга олиниб, шаҳодатномалар расмийлаштирилишидан англашиладики, Бухорода олтин қидириш ва уни қазиб олиш ишлари олдинроқ бошланган. Бу ҳақидаги маълумотни эса “Туркистанские ведомости” газетаси саҳифаларидан аниқлик киритиш мумкин. Яъни, 1897 йил чоп этилган “Туркестанские ведомости” газетасининг бир неча сонидан 1895 йил июнидан бир қанча россиялик кичик уюшмаларнинг тоғ-кон муҳандислари Бухоро ҳудудида қимматбаҳо металллардан олтин, кумуш, мис ва шу каби маъданларни излаганлиги ва улар ишларининг ҳисоботи муаллифи кўрсатилмаган ҳолатда Бухоро ҳукумати саройи номидан “Бухоро хонлигида олтин ишлаб чиқариш” мақоласи орқали нашр этиб борилган¹.

Мақолада ёзилишича, 1895 йил июнь ойида Бухорога россиялик коллеж маслаҳатчиси А.П. Михайлов бошчилигида Туркистоннинг тоғли ҳудудларини ўрганувчи тоғ-кон муҳандислари жўнатилган. Улар олдида қуйидаги вазифалар: олтин мавжуд бўлган ҳудудларнинг шарт-шароитларини ўрганиш, маҳаллий аҳолининг олтин қазиб олишга ваколат берувчи ҳуқуқий асосини ўрганиш, Бухорода олтин мавжуд бўлган эгасиз ерларни аниқлаш, маҳаллий аҳоли россияликларга олтин қазиб олишда қаршилиқ кўрсатмасдан ҳамкорлик қилишларини, бу ишлар туркистонликлар иқтисодий ҳолатига қай даражада таъсир кўрсатиши, бу билан олтин қазиб олиш кўрсаткичи ўсиши ва ниҳоят Бухоро амирининг даромади қанчалик ошиши мумкинлигини аниқлашлари лозим эди.

Изланишлар натижасидан аниқланадики, Бухоро ҳудудида қумдан олтин ажратиб олиш қадимдан шаклланган бўлиб, авваллари жуда кўп миқдорда қазув ишлари олиб борилганлиги эски иш олиб борилган майдонлардаги ер қатламларини кўчириб, ағдариб ишловдан ўтганлиги тасдиқлайди. XIX асрнинг 90-йилларида ушбу ишлаб чиқариш билан баъзи ҳудудлардан ташқари ерларда эркин шуғулланиш мумкин бўлиб, шунга олтин қазиб олинаётган ҳудудларнинг аниқ чегараларини кўрсатиб бўлмайди. Чунки умумий олганда олтинни ювиб олиш ишлари билан шарқий Бухоро тоғли ҳудудларидаги водийнинг барча дарё ҳавзаларида, яъни, Хиссор тоғ тизмалари олди ва тармоқлари бўйлаб, Дарвоз тоғ тизмаси ҳудудига Дарвоз, Болжувон, Кўлоб бекликларида олтин ювиб олиш ишлари олиб борилади. 100 пуд қумдан жуда кам миқдорда олтин олганлар. Таркибида катта миқдорда олтин бўлган қумли ерлар хазинага топширилиши учун атрофи белгилаб қўйилган. Бу ҳудудлар 1. Болжувон беклигининг шимолий-шарқий қисми, Мозор-су ва Ях-су дарёлари бўйлари, юқори қисми Толбар дарё бўлиб, унинг Шунгоу дарёсига қуюлиш жойи, Сафет дара, Пул дара ва бошқа ерлар. 2. Кўлоб беклигининг шимолий-ғарбий қисми Сари-об дарёсининг ирмоқлари Қилим ва Агбе атрофи Сангри дашт қишлоғи яқинидаги ерлар. 3. Дарвоз беклигининг жанубий-ғарбий қисми

¹ Gold industry in the Bukhara Khanate. // Turkistan Newspaper - 1897. No. 49; 1905. № 139. [Russ.ed.: Zolotopromishlennost v Buxarskom xanstve Turkestanskiy vedomosti] -1897, № 49; 1905. № 139.



Рогноу дарёсининг Чўбсои ирмоғи ва Равнау қишлоғи яқинидаги майдонлар¹.

Олтин сақловчи қоришма – конгломерат² таркибида балчикли юмалоқланган тош қоришмаси, шағал ва гранит бўлақлари, диабаз, чакмоқтош, яшил тусли катталиги 0,5 дюмдан 0,5 аршингача бўлган тошли бирикма бўлиб, лой қумли ёки фақат лойли бўлиши мумкин эди. Конгломерат ранги кул рангдан қизил тусгача бўлган. Маҳаллий аҳоли кузатувиға кўра, кул рангли конгломерат қоришмасидан олтин кўп топилган. Улар бу қоришмани ағдариб, ювиш орқали чакмоқтошларни ажратганлар. Тош қотмалари таркибида ҳам олтин учраган.

Қумли олтинни ювиш дарё бўйларида баҳорда сув қайтиш пайтида амалга оширилиб, ўша ҳавзада ишловдан ўтган қум қолдирилган. Бу баҳорда қорлар эригандан кейин қумда олтин зарралари кўриниб, ялтираб қолганда амалга оширилган. Дарё қирғоғининг олтинли конгломератли жойлари эни 3 дан 8 саженгача, чуқурлиги 2–3 саженгача ер ишлов бериш майдониға айлантирилган. Дастлаб конгломерат тупроғи ҳайдалиб юмшатилади, катта харсанг тош бўлақлари олиб ташланади. Шағалли қоришмани дарё қирғоғиға олиб келиб кигиз-наматларда, қўй терисида ювилади. Қалаи Ходжа қишлоғида конгломератни нафақат очик ҳолатда, балки қия коваланган ер ости йўлидан қазиб олиб ҳам ишлов берилади. Ҳамма жойда олтинни ювиш ишлари бир хил – жуда қоқ ҳолатда бўлган. Фақат баъзи жойларда олтин ювишда кигиздан ташқари ёғочдан ясалган юмалоқ, ярим шарсимон идиш-жомлардан фойдаланганлар. Замонавий бўлмаган олтин олишнинг бу усули олтиннинг катта миқдорда йўқотлишиға сабаб бўлади. Тоғ-кон муҳандиси А.П. Михайлов иштирок этган олтинни ювиб олиш ишларида 100 пуд ишлов берилган балчикдан 32 доли олтин олинган. 1894 йил хусусий ширкатлар топшириғи асосида ушбу ҳудудларда бўлган тоғ-кон муҳандиси Жоровко-Покарскийнинг тажрибасиға кўра, мазкур ҳудудларда 100 пуд ишлов берилган балчикдан 60 дан 80 долигача олтин олиш мумкин бўлган. Шуниси диққатға сазоворки, бу ҳудудларда кўп юз йилликлар давомида олтин ювиб олинганлиғиға қарамай, бу жойларнинг конгломератида олтин камайганлик белгилари кузатилмаган. Аксинча, конгломерат таркибида йирик олтин пластинкалар бўлиши, шағалли ва чакмоқтош тошли бўлақчалари бўлган конглитератнинг кўплиги Бухоро ерлари истиқболли олтин конли ҳудудлардан бири эканлиғини билдиради.

Мақолада ёзилишича, маълум дарёлар ҳудудларидаги олтинли қумдан олтин олиш ҳуқуқи бегоналарға тақикланган бўлишиға қарамай, ушбу дарё оқими яқинида яшовчи аҳолиға истисно этилган. Олтин ишлаб чиқариш учун аҳоли 3 кишидан 9 кишигача гуруҳларға бирлашиб ишлаган. Бундай гуруҳ-

¹ Gold industry in the Bukhara Khanate. // Turkistan Newspaper - 1897. No. 49; [Russ.ed.: Zolotopromishlennost v Buxarskom xanstve Turkestanskiy vedomosti] -1897, no 49.

² The conglomerate is a rock made up of solid sand, gravel and lime stone, clay and khakozo // Russian-Uzbek dictionary. 1 tom - Tashkent. 1983. - P. 458. Konglomerat- tosh qum, shag'al va ohak, loy va hakoza vosirasidagi mahkam birikmadan iborat tog' jinsi. [Ruscha-o'zbekcha lug'at,-1t, Tashkent, 1983, pp. 458.].



ларга кириш учун гуруҳнинг барча аъзоларининг розилиги талаб этилган. Тўпланган олтин ишчининг қандай иш бажаришидан қатъи назар, барчага тенг тақсимланган. Бу гуруҳларда олтин ишлаб чиқарувчиларнинг ўзига хос анъаналаридан бири, иш давомида ҳеч ким ўзининг ўрнига ишчи ёллашга ҳаққи йўқ бўлган. Ҳар ким бу тузилган гуруҳда ўзи меҳнат қилиши лозим бўлган. Бу анъанани маҳаллий зодагон ва мансабдорлар бузиб турган. Улар ўз ўрнига ишчи ёллаш билан бирга зўравонлик билан олтин кўп қонли ҳудудларни эгаллаб олишган. Бошқа бирлашмаларни келажакда қазиб оладиган олтинига ҳисоб-китоб қилиш эвазига пул бериб қарздор қилишган. Шу тариқа ушбу олтин ишлаб чиқариш фаолиятининг хўжайини бўлиб олганлар. Бундай маҳаллий иш берувчиларнинг манфаатдорлик ҳолати соҳага россиялик ишлаб чиқарувчиларни олтинли кумга ишлов беришига тўсқинлик қилиш каби ҳаракатларига сабаб бўлган.

Бухоро мансабдорлари томонидан эгаллаб олинган энг кўп олтин қазиб олинадиган яхши қонларда ишлайдиган ҳар бир ишчининг бир кунлик даромади 5 дан 50 копейккача бўлган. Россияликлар фикрига кўра, олтин қазиб олиш ишларининг кам даромадли бўлишига қарамасдан, бундай кенг ёйилиши маҳаллий аҳолининг яшаш шароитида фақат деҳқончилик асосида ўзларининг барча ҳаётий эҳтиёжларини таъминлай олмаганлигидадир. Олтин қазиб олиш ҳуқуқи учун аҳоли томонидан солиқлар турлича ундирилган. Талбару, Шунгау ва Сафет дарёлари атрофида яшовчи аҳолидан бир йилга ҳар бир хонадондан 1 тилло ундирилган бўлиб, умумий 700 тилло йиғилган.

Бундан ташқари, аҳоли юк ташиладиган йўлда тартибни сақлаш мажбуриятини олган. Ниоу дарёси аҳолиси кам миқдорда солиқ тўлаган. Алоҳида олтин қазиб олганликлари учун солиқ ундирилмаган. Хонлик ҳудудида олтин металлининг савдоси эркин бўлиб, асосан сотиб олувчилар афғонистонлик савдогарлар эканлиги кўрсатилади. Маҳаллий аҳоли россиялик қончилар билан ҳамкорлик қилишга, маҳаллий мансабдорларга тегишли бўлган, эркисиз тобеликка асосланган тартибдаги иш юритишидан норози бўлганлар тақиқланган ҳудудлардан ташқари, эгасиз ерларда ишлашларига монелик қилмаган. А.П. Михайловнинг тадқиқоти натижаси ўлароқ ва Бухородаги Россиянинг сиёсий агентининг розилиги асосида ушбу ҳудудларда олтин ишлаб чиқарувчиларга ҳукумат қарори ишлаб чиқилган. Ушбу қарор 1895 йил сентябрда Бухоро амирига тақдим этилган ҳамда Туркистон генерал-губернатори тасдиғига жўнатилган, деб хабар берилади.

1902 йил ёзида франциялик тоғ-кон муҳандиси, олим ва Туркистон Бухоро ҳудудлари, Амударёдан Кўлобгача тоғларни ўрганишга жалб этилган экспедициянинг раҳбари М. Левант томонидан ҳисобот тариқасида “Тоғли Бухоро” мақоласи “Туркистанские ведомости” газетаси саҳифаларида 1902–1903 йилларда чоп этилиб борилган¹. Экспедиция 7 июнда Мозор-су дарёси бўйла-

¹ Levant E. M. In the mountainous Bukhara // Turkistan Newspaper. 1902. №89, Turkistan Newspaper. 1903. № 9. [Russ.ed.: Levat E.M. V gornoy Buxara Turkestanskiy vedomosti] - 1902, no 89; [Turkestanskiy vedomosti] -1903, no 9.



ридаги олтин сақловчи конгломератни ўрганишга муваффақ бўлган. Бу конгломерат Оби - санг- хергай водийсининг бутун юқори қисмини эгаллаб, Қизил-су ирмоғи бўйлаб жойлашган. Шимоли Мозор-су дарёсига қайрилган ва шимолий-шарқда Хангоу дарёсининг бир ирмоғига чўзилган. Бу ҳавзадан ўтган экспедиция ушбу жойлар конгломерати Сарипул ва Толбара конгломератидан фарқли жиҳатларини аниқлаган. Француз олими Э. Леватнинг таҳлилига кўра, Оби - санг- хергай конгломерати таркибида оҳақтош, шағал тошлари йўқлиги маълум бўлган. Сўнгра экспедиция Ях –су дарёси ҳавзасида бўлиб, Сарипул ва Толбар дарёси оқими бўйлаб кўтарилган. Қадимда Ях-су дарёси Толбар деб номланган. Олим маҳаллий аҳолининг очиқ ҳолатда олтин қазиб ишлари билан танишган. Ер ости сувларини тортадиган “мурья” деб аталувчи каналлар мавжудлиги унинг эътиборини тортган. У маҳаллий аҳоли кончиларининг тупроқ қатламларини осон ағдариши, ҳеч қандай мустаҳкамланмаган, хавфсизлик чоралари кўрилмаган жойларда довярак, кўрқув билмас эканлигидан ҳайратланган. Бу ерларда ернинг чуқур қатламларида ҳам олтин борлиги аниқланган. Муаллифнинг ёзишича, олтин қазиб олиш усулларини маҳаллий аҳолидан мўғуллар ўрганган. Кўп мамлакатларнинг олтин қазиб олиш усулидан бохабар бўлган олим Э. Леватнинг фикрига кўра, маҳаллий аҳолининг олтин қазиб олиш усули хитой ва корейсларнинг олтин қазиб олиш усулидан маъқулроқ эканлигини қайд этади.

Экспедиция аъзолари олтин қазиб ишлари олиб борилаётган Сафет дарё водийсида бу ерларга бир неча йил илгари келиб фаолият олиб бораётган тоғкон муҳандиси Ж. Покарский бирлашмаси ишлаётган жойга боришган. Ж. Покарский ҳам Шарқий Бухорода конлар кўплигини тасдиқлаган. Шарқий Бухоро олтинлари жуда катта кенгликдаги ерга кўп даврлар давомида эриган музликлар билан келган, секин дарёлар оқими бўйлаб водийда жойлашган. Олтинлар пластинка ёки мош катталигидаги кўринишга эга. Умуман, кичик ўлчамдаги думалоқ ҳолатда олтин қазиб оладиган бошқа мамлакатларда бундай ҳолат жуда камёб ҳисобланади. Бундай текис кўринишдаги олтин бўлаклари дарё ўзанларидаги конгломерат ёки морена – музликлар билан бирга кўчиб келган тоғ жинслари уюмларида кўп учрайди. Бу ҳолат Зарафшон дарёсида содир бўлиб, олтин ушбу дарёдан чиққан ариқларда Самарқанд яқинида ювиб олинади. Маҳаллий аҳоли томонидан Амударё қумларидан, Сарой ирмоғининг Айвондж ариқларида ювиб олинади. Француз экспедицияси Сарой, Дагон, Сарипул ерларидан олтинли қум топган. Яхши ишлов берилса, кўп олтин олиш мумкинлигини маълум қилиб, ушбу жойлар шуниси билан аҳамиятлики, тоғлардан олисроқ бўлиб, ортиқча ёнилғи сарфисиз саноат йўли билан ишлов беришга қулай жойлашган лиги алоҳида қайд этилади.

Франциялик олим Э. Леват ушбу соҳа муаммолари бўйича қуйидаги мулоҳазаларга келади. Яъни, “Кўл меҳнати билан ишлов бериш учун ташиб келти-



риш, кумни “вашгерд”¹ деб номланган кумни ювиб, олтинга бой қисмини ажратиб оладиган қурилма ёнига икки ғилдиракли енгил арава (таратайка) ёки вагонларда ташиб олиб келиш, ишловдан ўтган кумни бошқа жойга ташиш олтин қазиб олувчи бирлашмаларга қимматга тушади ва кам даромадли ҳисобланади. Уларга кучли машиналарда ишлов бериш керак. Яъни драг² ёки экскаваторларда, ёки механик ҳаракатга келувчи бирғуловчи, ағдарувчи ускуна билан ишлов бериш лозим. Мазкур даврда Америка ва ҳатто Сибирда шундай кумга ишлов берадилар. Шундай машиналар билан иш олиб борилса, шундагина маҳаллий ишчилар кучига эҳтиёж сезилмас эди” деб қайд этади.

Мазкур даврда кончи ишчилар меҳнати жуда арзон, кунига 1 яримдан 2 тангагача бир кунлик иш ҳақи берилган. Маҳаллий ишчилар кончилик бирлашмалари учун кўнгилдагидай маъқул ишчилар эмас, улар асосан деҳқончилик билан шуғулланувчилар бўлиб, кон иши ҳақида тушунчалари кам бўлган. Фақат дала ишлари билан банд бўлмаган пайтлардагина кон ишига ёлланганлар. Бошқа пайтлар ҳеч қандай яхшироқ иш шароитига оид таклифлар билан ҳам уларни иш жойларида олиб қололмаган. Шунинг учун ҳам конлар ишлари мунтазам ишловчи ишчилар камлиги учун барқарор давом этмаган. Шарқий Бухорода XIX аср 90-йилларигача конлар учун арава йўл мавжуд бўлмаган. Дарвоз ва Қоратагинда юк ташиш йўли мавжуд бўлиб, баъзи сўқмоқлардан иборат эди. Олтинли кумдан тозалаб олтин олувчи ускунани туяларда жойдан-жойга кўчириб олиб ўтганлар.

Француз экспедицияси Ях-су ҳавзасини тарқ этиб, Толбар довонидан ўтиб (баландлиги 2. 800 метр), Хингоу дарёси ҳавзасигача бўлган ерларга борган. Улар Тоби дара водийсида ҳам авваллари олтин қазиб олинганликдан қолган ишловдан ўтган кум уюмлари қолдиғини топганлар. Экспедиция Фарғона томон йўл топган. Олим Э. Леватнинг фикрича, Тобидара водийси таркибида олтин кўп конгломерат бўлган чегара ҳудуд эканлигини аниқлаб, экспедиция аъзолари билан Хингоудан Сурхобдан ажратиб турадиган тоғ тизмаларидан ўтганлар.

Бухорони ўрганиш, кузатиш учун кўп олимлар, тоғ-кон муҳандислари, экспедициялар, ишбилармон тадбиркорлар экспедициялари уюштирилган³.

Тоғ-кончилик соҳасининг асосий тармоқларидан бири олтин ишлаб чиқа-

¹ Washgerd - A device for extracting rich gold from sand // Russian-Uzbek dictionary. 1 tom - Tashkent. 1983. – P. 100. [Vishgard – qumni yuvib oltinga boy qismini ajratib oladigan qurilma. Ruscha-o‘zbekcha lug‘at,-1t,Tashkent. 1983, pp.100.]

² Drag is gold under water. Machine for extracting metals rich in metals such as silver, and also underwater chasing // Russian-Uzbek dictionary. 1 tom - Tashkent. 1983. - B. 204. [Drag- suv ostidan oltin, kumush kabi metallarga boy jinslarni oladigan, shuningdek suv ostiini kavaloaydigan mashina. Ruscha-o‘zbekcha lug‘at,-1t,Tashkent. 1983, pp.204]

³ Bronnikov N. A trip to the mountain Bukhara // Turkistan Newspaper.. 1896 No. 28; Turkistan Newspaper.. 1896 No. 29; Korzhenevsky N.P. Along the Muk - su rivers (from the Pamirs to Karategin). // Turkistan Newspaper. 1904. No. 159. [Russ.ed.: Boronnikov N. Poezdka v gornuyu Buxoru [Turkestanskiy vedomosti] -1896, no 28. [Turkestanskiy vedomosti] -1896, no 29.:KorjeneyaskiyN.P. Po rekam Muk-su (ot Pamira do Karategina) [Turkestanskiy vedomosti] -1904, no 159.]



риш ҳисобланади. Тез бойиш илинжида бу соҳа кўпчиликни ўзига жалб эта бошлайди. Ҳатто, матбуот саҳифаларида “агар олтини бўлмаганда ушбу ўлка кўп тадқиқ этилмаган саҳролигича қоларди” деган мулоҳазаларга ҳам борилган. Россияликларни Шарқий Бухоро ерлари, яъни Амударё бўйлари, Панж, Вахш, Қизил-су (Кчи-Сурхабу), Кўлоб дарё, Ях-су (Сафет дарё) ва Ниобу дарё ҳавзалари Кўлоб, Болжувон ва Қўрғонтепа беклигидан ўтувчи ерларда аҳоли аввалдан олтин қазиб олиш билан шуғулланган. Юқорида номлари тилга олинган дарёлар ўзларида олтин сақловчи қумни оқизиб келган. Олтин қазиб олувчилар энг оддий усуллар билан қумдан олтин ажратганлар. Сабр билан кигизда, қўй терисида, ёғочдан бўлган жомларда ювилган олтин заррали пластинкалари йиғилиб, ишчи кунига 2 танга атрофида кунлик иш ҳақи олган. Баъзида омад келиб, олтин кўп жойга келиб қолинган кунлари 3-4 танга (45–60 коп) иш ҳақи олган. Айрим ҳолларда олтин изловчилар олдидан 1/4 ёки 1/4 золотник¹ оғирликдаги олтин доналари чиқиб қолса, шу яқиндаги қишлоқларда узоқ йиллар муҳтожлик кўрмасликлари ҳақида овозалар тарқалган. Бундай вазнда топилган олтин Бухоро ҳукуматига тегишли бўлиб, Сарой ва Болжувон “зақотчи” вазифасидаги киши алоҳида нархлаб, ўртача 4 рубль 1 золотникга бериб, давлат хазинасига олиб кетган. Олтин изловчилар кўпинча якка ва гуруҳли бўлиб, фақат баҳор ва ёзда ишлаганлиги боис қазиб олинган олтин кам миқдорда бўлади. Қишда олтинни қумдан ювиш ишлари тўхтайдди. Мамлакат эҳтиёжи ортган сайин бу соҳага банд бўлган кишилар сони йилдан-йилга кўпайган. XIX аср 90-йилларида 100 тача бухоролик ва афғонлар олтин қазиб олиш ишларини доимий машғулотларига айлантирганлар. Бу соҳа Шарқий Бухорони ўрганувчи ва саёҳат қилувчиларнинг ҳам эътиборидан четда қолмаган. Панж дарёси юқори оқимидаги олтинга бой қонлар ҳақидаги овозалар тоғ- қон муҳандиси г. Жорковка-Покарскийнинг 1894 йил бу ерга келиб, Ях – су дарёси оқими Панж, Ниобу дарёлари ҳавзасининг бир қисмидаги олтин сақловчи конгломератни топишига сабаб бўлган. Бу жойларда қадимдан олтин олиш ишлари олиб борилганлигига қарамасдан, қайта ишлов берилганда олтин миқдори камаймаганлиги ҳали ишлов берилмаган ҳудудга ўхшаган. Бу ер олтини ясси, япалоқсимон шаклда бўлган.

1895 йил тоғ-қон муҳандиси А. П. Михайлов ва кейинчалик геология фани профессори Крафт тадқиқотлари, г. Жаровко-Покарский Ях-су дарёси ҳавзасида тўхтаб, у ерга ўз сармойаси эвазига олтин қазиб олиш қурилмаларини киритган. Ўз сармойаси етарли бўлмаганлиги учун у хорижий сармойадорларни, хусусан, инглиз савдо уйи раиси Рикмерсни ҳам жалб этган. Ушбу савдо уйи 75 минг рубль сармоя киритган. Аммо 3 йилдан кейин Рикмерс бирлашманинг барча ҳуқуқлари билан бошқарув ҳуқуқини талаб қилган. Муҳандис Жаровко-Покарский чет эл фуқароси раҳбарлигида ишлашдан бош тортган. Келишувга

¹ Zolotnik - 1/96 pounds or 4.26 grams Russian-Uzbek Dictionary 1 vol. - T. 1983. – P. 366. [Zolotnik- misqol 1/96 funt, 4,26 gr. Ruscha-o‘zbekcha lug‘at,-1t,Tashkent. 1983, pp.366.]



эришилмагандан кейин Рикмерс бу ишда иштирок этишдан бош тортган. Сўнгра Жаровко-Покарский 1902 йил Россияга бориб, йирик сармоядорларни Сафет дарё бирлашмасига сармоя киритишга даъват этади. Аммо сармоядорлар бу ишга сармоя тикишдан кўп хавфсираб эътиборсиз қолдирганлар. Жаровко-Покарскийни бу мушкулотлар мақсадидан қайтармаган. У 500 минг пуд олтинли кумни ишловдан ўтказиб, 15 фунт¹ олтин қазиб олиб, 7 ярим минг рубль даромад қилган.

1905 йил ёзида Сафет дарё яқинида бир неча от билан ҳаракатга келтириладиган темир йўллари кўрдирди ва унга юзлаб вагонларни ишга жалб этди. Сафет дарё яқинида олтин қазиб олишга иштёқманд бир маҳалла аҳоли яшаш жойи пайдо бўлган. Ишчи кучининг арзонлиги (кунига 1 ярим танга – 22,5 коп.) ҳаётий зарурий озиқ-овқат маҳсулотларининг арзонлиги (буғдойнинг бир ботмони – 16 пуди – 30 танга, ўша даврда 4 рубль 50 коп; 1 пуди - гўшт 1 рубль 60 коп. дан 1 рубль 80 коп.) ушбу соҳада бошланган ишларни кичик харажатлар эвазига давом эттиришга умид берган.

”Туркестанские ведомости” газетасидаги бир мақолада Шарқий Бухоро ерларида тоғ-кон муҳандиси Жаровко-Покарскийнинг серсахсул фаолияти, унинг ютуқлари ҳақида маълумот берилган ҳамда қадимдан олтинга бой конлар Вахш дарёсининг Амударёга қуйилгандан кейинги йўналиши, Панж дарёси бўйларида мавжудлиги алоҳида қайд этилади. Термиз яқинидаги Хотин работ мавзисидан ҳам олтин топилганлиги маълум қилинади. Муаллиф мақолада россиялик сармоядорлар диққатини Бухоро ҳудудидаги олтинларга қаратиб, бу соҳага жалб этишга ундайди ва “бундай лоқайд бўлсак, хорижий сармоядорларга йўл очилиши, мазкур даврда бу йўналишга “табу” – тақиқлов сиёсати қўлланилаётгани”ни аниқ қайд этиб ўтади².

Шу даврда акс этган мақолаларда чор Россияси қимматбаҳо металл ишлаб чиқариш соҳасига сармоя киритишга интилиши бўлган чет эллик бирлашмаларга ҳудуд миқёсида фаолият олиб боришига тўсқинлик қилишга ҳаракат қилганлиги кўзга ташланади.

XIX асрнинг 70-йилларига оид бир мақолада чор Россиясининг Туркистон ўлкасида ҳарбий гарнизонларини ўқ-дори билан таъминлаш учун маҳаллий конлардан кўрғошин олиш арзонроқ тушиши, бу ишларни ривожлантириш учун олдиндан сармоя тикиб буюртма берилганлиги қайд этилади³. Мақолада ёзилишича, чор Россияси бу ўлкани 1864 йил босиб олгунга қадар Туркистондан 60 верст шарқда жойлашган Қаратов тоғларидан кўрғошин олинган бўлиб,

¹ Pound - 1 pack (weighing 409.5 g. Weighing 453.6 g in England and other European countries) // Russian-Uzbek dictionary 1 vol. - T. 1983. - B. 679. [Funt-1 qadoq (409.,5 g.) Ruscha-o‘zbekcha lug‘at, - 1t, Tashkent. 1983, pp.679.]

² Timofen. Gold mining in Bukhara // Turkistan Newspaper. 1910. No. 188.

[Timofen. Zolotopromishlennost v Buxare [Turkestanskiy vedomosti] -1910, no 188.

³ On the development of lead mines in the Karatau mountains // Turkistan Newspaper. 1870. No. 4

[Russ.ed.: O razrabotok svinsovih rudnikov v gorax Karatau [Turkestanskiy vedomosti] -1870, no 4.]



бу маҳсулот Қўқон хонлиги ҳарбийларини ўқ-дори билан таъминлашда катта аҳамиятга эга бўлган. Қўрғошинни маҳаллий аҳоли – қирғизлар қазиб олиб, савдоси билан шуғулланган, 1864 йил қўрғошин савдоси рус маъмурлари томонидан тақиқлаб қўйилгандан кейин, кон ишлари ҳам тўхтаб қолган. 1868 йил И.И.Первушин қирғиз уруғлари билан музокарага киришиб, бу ердаги конларни 1200 рубль кумуш бериб, қўрғошин қазиб олиш ишларида ён беришига эришган. И.И. Первушин бу ерда завод қуришга киришган ва рус ҳарбийларига 1869 йил 3 рубль пудига қўрғошин етиштириб беришга шартнома қилган. Рус ҳарбийларига бу маҳсулот марказдан келтирилиши 4 р. 47 коп.га тушаётган эди.

“Туркестанские ведомости” газетасининг бир неча саҳифасида Фарғона вилоятдан топилган нефть конлари ҳақида тоғ-кон муҳандиси Г. Леонова ҳисобот беради¹. Бу ерда нефть кони 1894 йил тоғ-кон муҳандиси А.И. Михайлов томонидан топилган бўлиб, конларнинг темир йўл ёқаларига яқин жойлашганлигига алоҳида эътибор қаратиб, асфальт ишлаб чиқариш борасидаги қулайликларни қайд этади. Мақолда Конибодом, Сел – рохо, Обишна жарликларидаги конлар ва у ердаги сунъий асфальт учун жуда зарурий хом ашё, маҳаллий аҳоли тилида “хилқ” деб аталувчи маҳсулот 1884 йилдан бери олиниши ҳақида маълумот берилади. Обишна жарлиги очик, сувсиз жой бўлиб, бир суткада 800 челақ нефть олиш мумкинлиги қайд этилади. Мақоланинг бошқа саҳифадаги давомида Норин дарёсининг чап соҳилида, Учқўрғон қишлоғидан 20 верст масофада жойлашган Шинг нефть кони ҳақида маълумот берилади. Норин нефть конларидан бири яна Наманган яқинидаги Мойли-сой алоҳида қайд этилади. Юқорида нефть конлари жойлашган худудлар таҳлилидан англашиладики, табиий ҳолатда нефть Фарғонани ўраб турган тоғ тизмаларидан, айникса, жанубий ва шимолий-ғарбий тоғ яқинларидан чиққан. Табиий ер ёриғидан чиққан нефть қуёш нури ва ҳаводаги кислород таъсирида физик ва кимёвий хусусиятларини ўзгартириб, суяқ ҳолатдан куюқ ҳолатга (кира кўринишига) келади.

Фарғона вилоятидаги 1878–1882 йиллардаги маълум нефть конлари мавжуд худудларни IX гуруҳга ажратиб, барча худуддаги нефть конларини 25 тагача рақамлаб, 1 десятинадан 10 десятинагача майдонга ажратиб, режа-лойҳаси чиқиб чиқилган. Барча ер участкалари 1883 йил савдогар-тижоратчи ва ижарачиларга 25 йилгача ижарага берилган. Бир йиллик тўлов 1 десятина ер майдонидан – 10 рубль қилиб белгиланган. Энг машҳур нефть конлари Наманган уездида Майли-сой, Қўқон уездида Карим девона, Конибодом, Андижон уездида Норин, Шинг бўлган.

Маҳаллий аҳоли “хилқ” деб аталувчи материални биноларга пол қилишда, йўлакларга цемент қоришмаси сифатида ишлатиб, пуди 25 коп. – 50 коп. сотилган. Нефть қоришмасидаги материалдан “ялтироқ” деб аталган тоғ мову-

¹ Deposits of Cyrus in the Ferghana Region // Turkistan Newspaper. 1898. No. 74; No. 75; No. 76; No. 77. [Russ.ed.: Zaleji kira v Ferganskoy oblasti [Turkestanskiy vedomosti] -1898, no 74, no 75, no 76, no 77].



ти (гудрон) олинган. Бу маҳсулот ҳам яхши қийматга сотилган. Уни қайнатилган симола, қатрон муми этикдўзлик, кавшдўзлик, саррожлик яъни, эгаржабдуқ ясада ишлатилган. Нефть чиққан ёриқлардан нефть қуйқасига буланган оҳактошлар йиғилиб, қозонга солиниб, тошдан тозаланган. Сўнгра қоришма қолипларга қуйилган. Бу маҳсулот қимматбаҳо бўлиб, 1 пуди 5 рублдан сотилган. Ушбу маҳсулотдан оёқ кийим тайёрлаш билан машғул хунарманлар фойдаланганлар¹.

1907 йил бу ерга князь М.И. Хилкон келиб, нефть чиқадиган ерни кўриб, 1908 йил ижара шартномаси асосида, 5 та бурғилаш қудуғи ўрнатиб, фаолият олиб борган. Нефтьга бой ҳудудлардан яна бири – бу Марғилон уезди, Чимион волостидаги Миндан қишлоғи яқинидан 22 верст жанубий-ғарбда, темир йўлнинг “Ванновская” станциясига яқин бўлган. Муҳандис А.Н. Коваловский 1899 йилда бу ердан 3 дюм чуқурликда сифатли нефть мавжудлигини аниқлаган. 1904 йил бу жойдан 10 сажен баландликда нефть фаввораси отилиб чиқарилишига эришилган. Шундан кейин, бу ерга нефтапровод ўрнатилган. 1905 йил ушбу ҳудудда нефть конларини аниқлаган ва қазиб олиш ишлари билан шуғулланган А.И. Ковалевский бошчилигидаги “Чимион” жамияти тузилган. 1906 йил “Чимион” жамияти Тошкент темир йўли орқали 1,5 милл. пуд нефтни бошқа жойларга ташиган. Ўрта Осиё темир йўли орқали Нобель жамияти Красноводскга ташилган нефтнинг 1 пудига 30,5 коп. йўл божи олинган бўлса, “Чимион” жамияти нефти 1 пуди 25–28 коп. дан ташиб берилган. “Чимион” жамияти Амударё флотиясига ҳар йили 300.000 пуд етказиб берган. 1908 йил “Чимион” жамиятига тегишли 21 та бурғилаш нефть қудуғи бўлиб, бир суткада 8.700 пуд нефть олиши мумкин бўлган. Бу жойлардан тоғ-кон муҳандиси г. Герман оддий қудуқлардан 1885 йилдан бери нефть олган ва керосин ишлаб чиқарган. Ушбу керосин Марғилон кўчаларидаги фонар чироқларни ёритишга ҳам хизмат қилган².

Маҳаллий аҳолига кичик имкониятлар бериш эвазига мамлакатнинг бойликлари катта миқдорда олиб кетилган. Конларнинг темир йўлга яқин жойлашуви Россия ҳукуматининг табиий бойликларни ўзлаштириш имкониятини янада кенгайтирган. Бу маҳсулотларни кичик йўл божи эвазига нафақат куруқлик, сув йўллари орқали ҳам ташиб кетиш йўлга қўйилган.

Матбуот саҳифаларидаги мақола ва хабарлар таҳлилининг кўрсатишича, бу соҳадаги энг асосий муаммолардан бири маҳаллий тоғ-кон саноати мутахассисларининг етишмаслиги, соҳа асбоб-ускуналарининг, машина ва экскаватор, драгларнинг қимматлиги, тинимсиз турли табиий шароитда, турли рельефдаги ер юза қатламидаги изланишлар, кон ишчиларининг оғир меҳнати, улар таъминоти ва хавфсизлик чораларини кўриш, қазиб олинган маҳсулотни та-

¹ Deposits of Cyrus in the Fergana Region // Turkistan Newspaper. 1898 No. 77. [Russ.ed.: Zaleji kira v Ferganskoy oblasti [Turkestanskiy vedomosti] -1898, no 77].

² Tau. Mining industry of Turkestan. // Turkistan Newspaper. 1910. No. 150.

[Russ.ed.: Tau. Gornaya promishlennost Turkestane [Turkestanskiy vedomosti] -1910, no 150].



ишиш муаммолари кўп маблағ талаб этган. Кончилик соҳасидаги баъзи жамиятлар ўз ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириш учун қўшимча хорижий сармоялар жалб этишга уринганлар, аммо бундай ҳолатларга мустамлака мамлакат маъмурлари томонидан тўсқинликлар бўлганлиги кузатилади. Баъзида кон ишларининг бардавом бўлмаслик ҳолатлари ишчилар етишмаслиги билан боғлиқ эди. Яъни асосий ишлари деҳқончилик бўлган ёлланма ишчилар, мавсумий ишлар бошланганда кон ишини тарк этишган. Мамлакатда жуда қадимдан ривожланиб келган қимматбаҳо металллар қазиб олиш соҳаси замонавий техника ва технология билан жиҳозланмагани сабабли маҳсулот фақат юза қатламлардан, кўп исрофгарчилик асосида иш олиб борилишига сабаб бўлган. Чуқур қатламлар ишлов берилмай қолаверган.

Қазиб олинган нефть маҳсулотлари Боку ва бошқа жойдан олинган хом ашёлардан сифатли бўлса-да, тоғ-кон соҳаларининг аксарият тармоқлари қатори соҳа илмий билимлари етишмаслиги туфайли оқсаган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, 1870–1920 йилларда чоп этилган Туркистон даврий матбуотида тоғ-кончиликка доир масалалар мунтазам ёритиб борилган бўлиб, бу материаллар кўлами кенг бўлганлиги сабабли мақолада айрим соҳаларигагина эътибор қаратилди. Ўрганилган матбуот материаллари таҳлили кўрсатишича, олтин, мис ва нефть, тошқўмир, қўрғошин қазиб олиш йилдан-йилга ошиб борган. Россия империяси саноатчилари, тоғ-кон муҳандислари, ишбилармон доиралари мамлакат табиий бойликлари ҳисобига ўз сармояларини кўпайтирган. Мазкур даврда соҳанинг ривожидида маҳаллий сармоядорларнинг камлиги ачинарли ҳолат. Миллий ўлкаларнинг беҳисоб бойликларини истаганча тасарруф этиш мустамлака маъмуриятининг манфаатига хизмат қилган.

Хуллас, XIX–XX асрлар матбуотида чоп этилган мақолалардан англашиладики, Россия ҳукумати тоғ-кон соҳасига хорижий сармоядорларга ва маҳаллий миллат вакиллариغا нисбатан тақиқловчи сиёсат олиб борган. Тоғ-кон саноатига чет эл сармоясининг кириб келиши, XIX аср охирида фойдали қазилмаларни қазиб олиш тармоқларида бирмунча ривожланишга шароит туғдирган. Чунки улар ўз даври учун хос бўлган замонавий техника ва технологиялар кириб келишига туртки бўлган.



ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР // МЕЖДУНАРОДНЫЕ ОТНОШЕНИЯ // INTERNATIONAL RELATIONS

MUKHAMMADSIDIQOV MUKHAMMADOLIM
doctor of Political sciences, associate Professor, IIAU

The influence of the energy factor on global policy at the present stage

Abstract. This article examines the theoretical and methodological aspects of the problem of energy security, which is becoming a topical geopolitical issue today. In particular, the interpretations of the concept of energy security, its transformation into a geopolitical factor and the structural elements of energy security are highlighted. The focus is on modern approaches and trends in energy security, as well as theoretical and methodological issues in the analysis of regional aspects of energy security.

At the same time, efforts are made to reveal the scale of threats to energy security and the destructive factors that make energy security relevant, their impact on interstate relations and political destabilization. The article summarizes the author's definition of the concept of energy security.

Keywords and expressions: Foreign policy, regional energy security, geoenergy, security, energy security, oil and gas, geopolitics, geoeconomics, region, Gulf, Central Asia.

Аннотация. Мазкур мақолада жаҳон мамлакатларида энергетик омига бўлган эҳтиёжнинг кундан-кунга ортиб бораётгани ҳамда бугунги кундаги долзарб геосиёсий масалага айланиб бораётган энергетик хавфсизлик муаммосининг назарий-методологик жиҳатлари тадқиқ этилган. Хусусан, энергетик хавфсизлик тушунчаси талқинлари, унинг геосиёсий омига айланиши ва энергетик хавфсизликнинг тузилмавий элементлари ажратиб кўрсатилади. Энергетик хавфсизликни таъминлашга қаратилган замонавий ёндашувлар ва тенденциялар ҳамда энергетик хавфсизликнинг минтақавий жиҳатлари таҳлилининг назарий-методологик масалаларига эътибор қаратилган.

Шу билан бирга, энергетик хавфсизликка таҳдидлар кўлами ҳамда энергетик хавфсизликни долзарблаштирувчи деструктив омиллар, уларнинг давлатларо муносабатларга таъсири ҳамда сиёсий беқарорлаштирувчи хусусиятлари очиқ берилишига ҳаракат қилинади. Мақолада энергетик хавфсизлик тушунчасига муаллифлик таърифи берилган.

Таянч сўз ва иборалар: ташиқи сиёсат, минтақавий энергетик хавфсизлик, геоэнергетика, хавфсизлик, энергетик хавфсизлик, нефть-газ, геосиёсат, геоиқтисод, минтақа, Форс кўрфази, Марказий Осиё.

Аннотация. В статье исследуются растущий спрос на энергию в мире, а также теоретические и методологические аспекты проблемы энергетической безопасности, которая на сегодня становится актуальной геополитической проблемой. В частности, даны определения понятия энергетической безопасности, ее превращение в геополитический фактор и структурные элементы энергетической безопасности. Основное внимание уделяется современным подходам и тенденциям в области энергетической безопасности, а также теоретическим и методологическим вопросам анализа региональных аспектов энергетической безопасности.



В статье делается попытка раскрыть масштаб угроз энергетической безопасности и деструктивных факторов, актуализирующих энергетическую безопасность, их влияние на межгосударственные отношения и их политически дестабилизирующие свойства. В статье обобщается авторское определение понятия энергетической безопасности.

Опорные слова и выражения: *внешняя политика, региональная энергетическая безопасность, геэнергетика, безопасность, энергетическая безопасность, нефть и газ, геополитика, геоэкономика, регион, Персидский залив, Центральная Азия.*

Introduction. The article examines the growing demand for energy in the world, as well as theoretical and methodological aspects of the problem of energy security, which today is becoming an urgent geopolitical problem.

Indeed, any modern technological system, production, military and civil transport, ensuring the vitality of the population and scientific laboratories, all industrial and agricultural sectors are based on energy supply, the specific political, economic and legal importance of energy resources is growing.

At the same time, "Energy is the key to development, if necessary, the source. Today, if the energy sector does not develop, no industry or sector will develop. "Not only the manufacturing sector, but also many of the daily needs of humankind depend on energy in all its aspects, so this issue is now becoming an important geopolitical issue"¹

As a result of the increase in demand for energy on a global scale, scientific and theoretical research on the issue of energy security, its essence and coverage of its position in the overall security system has become an urgent problem. Because, in addition to traditional views on security, the scale of threats to all facets of social life shows the need for a general approach to the phenomenon of security.

In particular, the level of interdependence of security, political, ideological and economic spheres is very high today. In this regard, the urgency of the issue of energy security in the system of international relations and world politics requires an approach to it in general, especially in terms of political security. Experience has shown that, in general, "security" is a multifaceted phenomenon, but from time immemorial it has become a priority political feature, as it is focused on the integrity of society and the state and is realized through political power².

In addition, although not directly related to the political space, all areas and processes that require political influence and governance are included in the scope of political security³

Therefore, when studying the issue of energy security today, it is necessary to approach it in the context of general security in the coverage of its national and regional characteristics. If security stems from the "need for political management of public life"⁴ energy security should be recognized as a more geopolitical reality.

¹ Karimov I.A. Inson, uning huquq va erkinliklari – oliy qadriyat. –T.14. – T.:O‘zbekiston, B.106.

² Jo‘raev T. Milliy davlatchilik: xavsizlik va barqarorlik (Global kontekst) –T.:Akademiya, b.110.

³ Jo‘raev T. Milliy davlatchilik: xavsizlik va barqarorlik (Global kontekst) –T.:Akademiya, b.110.

⁴ Makeev A. Politika i bezopastnost. – M., S.64.



Currently, the concept of energy security is given economic, political and legal definitions. If we look at the history of the origin of this concept, on the eve of World War I, Churchill's historic decision to shift the power supply of British warships from coal to oil became important as a theoretical basis for energy security. Since that time, energy security has emerged as an important issue of national security¹.

According to the analysis of the economic aspects of energy security, the concept of energy security first appeared in industrialized countries based on market economies in 1947 after the adoption of a normative document regulating state activities in the field of national security in the United States².

Methods. In recent times, the concept of energy security has historically been shaped by the geopolitical competition of the world's major powers, and has become increasingly relevant in the context of resource price disputes between colonial Western energy importing countries and their colonies, such as OPEC (Organization of the Petroleum Exporting Countries). In response to the emergence of the Western world energy security system, there has been a merger of oil-exporting countries. And for them, energy security has become recognized as a concept that means that the economic interests of energy-supplying countries in foreign economic markets are protected and that they have full independence over national energy resources. As a result, importing countries have gradually developed collective energy security through the formation of large economic unions.

The following historical aspects should also be considered when considering the price of oil and gas resources and its politicization. In particular, energy security as an important element of national security was previously considered a major threat to a country's economic development, international energy policy and diplomacy, but now a new threat - "energy terrorism". a direct threat to the oil and gas industry itself was also added. This, in turn, shows that the political aspects of energy security have been evident since the 1970s. The 1973 oil embargo was announced by the decision of the OPEC member states (UAE, Iraq, Kuwait and Saudi Arabia) and Iran. According to him, these countries intend to suspend oil supplies to the United States and the Netherlands and increase oil prices and reduce monthly production.

For example, on October 16, 1973, OPEC members decided to increase the price of oil (Arabian light brand) from \$ 3,011 to \$ 5,119, or 70%. In addition, nine Arab countries besides Iraq have agreed to a mutual agreement on the use of oil weapons. However, the global oil crisis of 1973 led to a split in the concept of energy security. The reason for this division is that the economic and political interests of oil-importing and exporting countries are formed on the basis of separate national energy policies. In particular, the energy security of resource-consuming countries has been explained by reasonable prices and stable supply of energy resources. In addition, there have been different interpretations of the concept of energy sovereignty of states

¹ Yergin D. Ensuring Energy Security//Foreign Affairs. Volume 85, No.2, March / April, p.81.

² Gafurov A.R. Сущност категории "энергетическая безопасность" и ее место в общей структуре безопасности // Vestnik MGTU, Tom 13, №1, S.178-182.



in the field of energy security. This is due to the fact that the concept of energy security is interpreted differently by different state groups based on the scope of their interests. In particular, energy importing countries are interested in long-term and secure energy supplies at low prices. For exporting countries, energy security is to ensure the stability of energy supplies at high prices and support the efficiency of the oil and gas sector of their economy, to use the financial and economic potential of hydrocarbon production to build a modern economy¹.

Results. In general, in modern research, energy security is largely recognized as an integral part of economic security. In the economic literature, the concept of energy security is classified through various complementary approaches. In particular, energy security means confidence in the supply of energy of the specified quality and quantity in the context of existing economic requirements. Energy security is a state of protection of vital energy interests of the individual, society and the state from internal and external threats. It can be seen that the definitions based on this approach mainly identify the objects of energy security. In another interpretation, energy security is a state of protection of the state, its citizens and society from threats to the sustainable energy supply of the economy. One of the key features of this approach is the ability of the energy system to withstand political, economic, man-made and natural internal and external threats².

Researcher A. Bereza explains the definition, which is close to the economic interpretation of the concept of energy security: it is a state of protection from external threats. " According to Robert Belgraf, a Western researcher, the focus is on energy-importing countries: "Energy security is the confidence of consumer countries and their governments to have robust energy supplies, production and sufficient energy resources to meet future demands"³.

Another definition emphasizes price and supply: "Energy security is a reliable and adequate supply of energy at reasonable prices, a state of stable and uninterrupted supply that fully meets the needs of the world economy"⁴.

Discussion. Based on different approaches to energy security, the essence and geopolitical aspects of energy security can be explained through the following four main conceptual parts:

- Energy reserves, including oil and gas resources;
- Price;
- Reliable supplier;
- Safe transportation.

¹ Jiznin S.Z. Energeticheskaya diplomatiya Rossii. – M., S.42, 44, 47, 48.

² Gafurov A.R. Sumnost kategorii "energeticheskaya bezopasnost" i yee mesto v obney strukture bezopasnosti // Vestnik MGTU, Tom 13, №1, S.178-182.

³ Belgrave R., Ebinger Ch. K., Okino H. Energy Security to 2000 . – Aldershot: Gower, P.2.

⁴ Bielecki J. Energy security: is the wolf at the door? // The Quarterly Review of Economics and Finance, Vol. 42, Issue 2, P.237.



Energy reserves, especially oil and gas resources, are a key and primary component of energy security. Recognition of energy security in terms of the depletion or depletion of oil and gas resources is equally important for exporting and importing countries or groups of countries. In particular, the growing demand for energy resources of developing countries in the world has created competition to fight for the resources of oil and gas reserves. The political importance of energy has further increased as a result of the alarming forecasts of major research centers and well-known analysts. The main sources of world energy are oil, natural gas, coal, nuclear energy and hydropower. According to the International Energy Agency, they meet 90% of global energy demand. Specifically, global consumption of solid hydrocarbons is growing by 1-2.5% per year. In general, in the coming decades, the energy needs of the world community will be met by major primary sources¹.

According to sources, by 2030 the share of oil in global energy consumption will be 38%. At the same time, the demand for natural gas will almost double compared to 2001 and will account for 30% of the energy market².

As a result of these predictions, a sharp political struggle has arisen for the ownership of primary energy sources, in particular oil and gas reserves, and their unimpeded use. As a result, there is a tendency to politicize the issue of energy security and the use of oil and gas reserves as political pressure. Well-known Russian scientist A. Kokoshin noted that today in international political relations there is enough experience in the use of raw materials for both positive and negative purposes³.

Of course, it is no secret that such concerns are of greater concern to consumer states. In particular, countries have different capabilities in terms of oil and gas reserves. For example, the Middle East, especially the Persian Gulf region, is recognized as the region richest in oil and gas resources. The countries in the region account for 61.5% of the world's oil reserves and 40.5% of natural gas.

Saudi Arabia alone has 25% of the world's oil reserves, which highlights the country's importance in global energy policy. Or Russia, Iran and Qatar alone have 70% of the world's gas reserves⁴.

According to British Petroleum, the Gulf Cooperation Council states, along with Iran and Yemen, own 50% of the world's proven oil and 40% of gas reserves so far. It accounts for 28% of world oil exports and 12% of gas exports. Central Asia's proven natural gas reserves, estimated to be 230-360 trillion cubic feet, are about 7% of the world's energy reserves⁵.

¹ Borovskiy Yu. Politizatsiya mirovoy energetiki // Mejdunarodniye protsessi.2008.Yanvar - aprel.T.6.№1(16).URL:<http://www.intertrends.ru/sixteenth/002.htm>

² Kalicki H., David L. Energy and Security: Toward a New Foreign Policy Strategy. – Goldwyn Washington – Baltimore: Woodron Center Press, John Hopkins University Press, P.25

³ Кокошин А.А. Международная энергетическая безопасность. – М., 2006. – С. 80.

⁴ Harris S. Global and Regional Orders and the Changing Geopolitics of Energy // Australian Journal of International Affairs, Vol 64, No.2, April., p.169.

⁵ Sentralnaya Aziya, perspektivi chelovecheskogo razvitiya. – UNDP, S.29.



In general, in the context of global competition for oil and gas reserves, which is a key element of energy security, the main focus is on resource ownership. At the same time, the strong focus on oil and gas-rich regions, the establishment of effective and strong cooperation with countries rich in oil and gas resources, and geographical rapprochement demonstrate the geopolitical aspects of energy security.

Some researchers acknowledge that the concerns of the media and experts about energy crises in recent years, the lack of hydrocarbon reserves, and the crisis over finding alternative sources have not been fully substantiated. The root of the problem is not with the depletion of underground resources, but with the reality on the ground, that is, with politics.

The geopolitical aspects of energy security in the oil and gas sector are becoming more pronounced, especially in energy-rich regions, as a result of the escalation of conflicts of interest between major powers. A number of trends in the global energy market, in particular, the growing level of global energy consumption, energy competition is becoming a form of regional conflict, the geopolitical features of the energy system are becoming more pronounced as a result of countries' efforts to form energy alliances. As a result of the growing dependence of economic development on energy resources, the interest and influence of the world's countries on hydrocarbon-rich regions is growing. This is due to the fact that the modern international and national energy policy of states is based not on the recognition of values such as good neighborliness, common interests and adherence to international law, but on the specifics of development and geopolitical imperatives of national interests. Therefore, the issue of mutually beneficial cooperation with developed countries with oil and natural gas reserves, fuel and energy complex is very important from a geoeconomic, geopolitical point of view¹.

Price - High prices always enrich oil-producing countries. Consumer countries, on the other hand, will be able to continue their efficient economic activities without certain barriers only if they are able to meet their energy needs at reasonable prices. In this regard, the concept of energy security in the oil and gas sector applies not only to the increase or decrease in the volume of reserves, but also to the increase or decrease in the price of oil and gas resources. Especially in most developed and developing countries there is a problem of energy dependence. One of the main priorities of the foreign policy of such countries is to import oil and gas resources at reasonable prices and to establish mutually beneficial cooperation with exporting countries.

According to the data, world oil demand has increased by 7 million barrels per day at the beginning of the last decade. The rapid growth of demand is due to China, India, Japan and European countries, whose economic development has been rising in recent years. China alone imports 3 million barrels of oil per day. This figure is almost half of China's total consumption ... Although its share of the world oil market

